

Нусратулло Атоулло ўғли  
Жумахўжа

Истиқлол ва  
она тилимиз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ  
АКАДЕМИЯСИ

**НУСРАТУЛЛО АТОУЛЛО ўғли  
ЖУМАХЎЖА**

**ИСТИҚЛОЛ ВА ОНА  
ТИЛИМИЗ**

*(Тил, имло, нотиқлик санъати, матн,  
матнишунослик)*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ  
1998

## М а съул м уҳаррир Нажмиддин КОМИЛОВ

«Истиқлол ва она тилимиз» китоби монографик услубда ёзилган бўлиб, у мустақил уч бобдан иборатдир. Китобда мустақил Ўзбекистон Республикасининг давлат тили сиёсати, «Давлат тили ҳакида»ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш жараёнлари, нотиқлик санъати ва матншунослик муаммолари ёритилган.

I бобда Истиқлол Давлат тили сиёсатини амалга оширишда янги даврни очганлиги, қонун мазмун ва шакл жиҳатидан янгиланганлиги, саводхонликни ошириш муаммолари илмий тадқиқ этилар экан, бир қанча сўз ва тушунчаларнинг келиб чиқиши, маънолари, тўғри ёзилиши амалий равишда шарҳланади. II бобда «Нотиқлик санъати ва раҳбарлик салоҳияти», «Воизлик санъати сабоқлари», «Суҳбат ва нутқ одоби», «Иншо — тафаккур мезони» каби долзарб мавзулар орқали янги манбалар асосида илмий-назарий тарзда сабоқ берилади. III бобда миллий матншунослигимизнинг баҳсли ва чигал масалалари кўтарилади, уларнинг ечимини топишга ҳаракат қилинади, бу борадаги янги таклиф, тавсия, гоялар илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола этилади.

Китоб Академия тингловчиларига, филология соҳасидаги тадқиқотчиларга ҳамда она тилимизнинг кенг доирадаги иҳлосмандларига мўлжалланган.

# I б о б

## ТИЛ МУСТАҚИЛЛИГИ – ЭЛ МУСТАҚИЛЛИГИ

### ИСТИҚЛОЛ ВА ОНА ТИЛИМИЗ

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши миллий мустақиллик учун курашнинг қизғин паллаларига түфри келди. Ушбу ҳодиса миллий мустақилликнинг дастлабки ғалабаларидан бири сифатида кўлга киритилди. 1989 йил, октябрь ойининг 21-кунида давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул этилиши ўз вақтида ўзбек халқи учун катта маънавий-хуқуқий муваффақият бўлди. 1995 йил декабрининг 21-кунида Биринчи чақириқ Ўзбекистон Олий мажлисининг тўртинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни янги таҳрирда қабул қилинди.

Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов «Давлат тилини изчил жорий этиш жараёнини такомиллаштириш ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига мукаммал ўтилишини таъминлаш мақсадида»<sup>1</sup> «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган янги таҳрири тўғрисидаги Олий Мажлис қарорини имзолади. Демак, давлат тилини изчил жорий этиш жараёнини такомиллаштириш, қонуннинг ҳаётий татбиқини қучайтириш ижтимоий зарурият. Давлат тилини жорий қилиш билан лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш ҳам мувофиқлаштирилиши лозим бўлган ижтимоий ҳодисадир. Чунки улар бирисиз бири амалга ошмайдиган жараёнлар, яъни давлат тилини билмасдан ёхуд ўрганмасдан туриб ўзбек-лотин алифбоси ва имлосини ўзлаштириш мумкин эмас. Айни пайтда, ўзбек-лотин алифбосини ўрганиш, татбиқ этиш ҳам давлат тили билимини тақозо этади. Фараз қилинг: шундай ҳаётий тажриба кечди. Бир ташкилотда ўзбек-лотин алифбоси ва имлосини ўрганишга киришилди. Дастлабки дарсларда алифбо, яъни ўзбек ҳарфлари ўргатилди. Гуруҳлар таркибидаги давлат тилини биладиганлар ҳам, билмайдиганлар ҳам алифбони ўзлаштиришга муваффақ бўлдилар. Лекин имло қоидаларини ўрганишга ўтилиши билан иш мураккаблашди. Яширин дардни иситма ошкор қилди.

<sup>1</sup> Мақоладаги барча таъқидлар муаллифники

Давлат тилини вақтида ўрганмай ёхуд ўрганишни пайсалга солиб юрган кишилар, тил материалини билмагач, унинг имло қоидаларини мутлақо ўзлаштиромай қолдилар. Шу тариқа, эндиги босқичда давлат тилини ўрганиш, унга амал қилиш табиий эҳтиёж ва заруриятта, ҳатто тобора **англанган мажбуриятта** айланниб боради. Республика миқёсида расмий хужжатчилик ва иш юритиш ўзбек-лотин ёзувидағи давлат тилида бўлганидан кейин, уни ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ҳаёт тақозосига кўра онгли равищда ўрганишга интилади.

Қонуннинг олдинги матнидан фуқаролар давлат тилини ўрганишга нисбатан бу қадар яққол ҳаётий эҳтиёж ва зарурият сезмасдилар.

Янги таҳрирдаги Давлат тили қонунининг афзал томонлари шундаки, у шаклан ва моҳиятан янгилangan. Тил ва услуг жиҳатидан соддалашган, ихчамлашган. Ҳуқуқий асослари аникроқ, қатъйрок, амалиётта мувофиқ даражада ифодаланган. Янги таҳрирдаги давлат тили қонуни Истиқлол қонуни сифатида майдонга келди. Тил қонуни шўровий мафкура ва андозадан батамом озод бўлишининг ўзи ҳам унинг ҳаётбахшилик қурратини ошириди ҳамда жорий этилиши жараёнини жонлантиришга омил бўлди. Назаримизда, янги таҳрирдаги қонунни аввалгиси билан сўзма-сўз, бандмабанд таққослашга эҳтиёж йўқ. Асосий янгиланишларнинг моҳиятини қиёсий таҳлил қилиш кифоя.

Қонуннинг олдинги матнида давлат тили сифатида ўзбек тили белгиланган, айни пайтда, иккитиллиликка тўлиқ имконият мавжуд эди. Жумладан, 1-модданинг қўйидаги бандларига эътибор беринг: «Ўзбекистон ССР ҳудудида рус тилини СССР халқларининг миллатлараро муомала тили сифатида ривожлантириш ва ундан эркин фойдаланиш таъминланади.

Миллий ва рус, рус ва миллий тилларда мулоқот қилишни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратилади». Шароит бундай бўлганидан кейин, ўзбек тили амалиётда давлат тили мақомига кўтарилиши жуда мушкул эди. Қонунда қайта-қайта учрайдиган: «давлат тили билан бир қаторда рус тили ҳам» (7-модда), «миллатлараро муомала тилида» (1-, 8-, 9-, 10-, 12-, 22-моддалар), «давлат тилида, шунингдек, миллатлараро муомала тилида» (14-, 17-моддалар) иборалари давлат тилининг кафолатланган устувор мавқеига раҳна солар ва амалда иккитиллилик ҳукмронлигига шароит яра-

тарди. Ўзбекистон Республикаси худудида яшовчи тенгхуқуқли миллат ва элатлардан бирининг тилига давлат тили мақомига баробар имтиёзлар бериш мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг турли миллатга мансуб фуқаролар тенгхуқуқуқлилиги ҳақидаги моддаларига ҳам, давлат тили қонуни биринчи моддасининг биринчи бандига ҳам тўғри келмас эди. Шу жиҳатдан, давлат тили қонунининг янги таҳрирдаги матнида давлат тилининг устуворлик мақомига муҳофаза ўрнатилган.

Янги таҳрирдаги қонуннинг 3-моддаси сўнгги бандларида шундай дейилади: «Ушбу қонун тилларнинг турмушда, шахслараро муомалада ҳамда диний ва ибодат билан боғлиқ удумларни адо этишда кўлланишини тартибга солмайди.

Фуқаролар миллатлараро муомала тилини ўз ҳоҳишларига кўра танлаш хукуқига эгадирлар».

Равшанки, бирор миллат тили, ҳаттоқи, давлат тили ҳам миллатлараро муомала тили сифатида белгиланмаяпти. Хўш, мустақил Ўзбекистон мамлакатида миллатлараро муомала тили бугун ва келажакда қайси тил бўларкан? Ўзбек тилими? Рус тилими? Ёки фаол умумжаҳон тилларидан бири — инглиз тилими? Албатта, тилнинг фаолияти жараёни расмий муомалада ҳам, норасмий муомалада ҳам кечади. Давлат тили бўлганидан кейин она тилимиз файри расмий муомалада ҳам расмий мақомини мустаҳкам эгаллаши, миллатлараро муомала тилига айланиши бизнинг келажакдаги орзумиз. Бироқ тилларнинг файри расмий муомаладаги фаолиятини тартибга солишни давлат тили қонуни ўз зиммасига олмайди. Мустақил Ўзбекистон жамиятининг демократик тамойилларига таянган ҳолда, миллатлараро муомала тилини танлаш хукуки ҳалқининг ўз ҳоҳишига ҳавола этилади.

Ҳақиқатан, ўзбек ҳалқининг миллий онги, ватанпарварлик ва миллатпарварлик туйгулари юксак дараҷада шаклланса, сабит суратда сақланса, ўшандагина давлат тили ўзининг олий рутбасига ҳар томонлама эришади. Мустақиллик учун кураш паллаларида ҳалқ шу нуқтai назардан уйғонди, миллий ўз-ўзини англаш жараёни жонланди, жамиятимизнинг барча табақалари ва элатларида она тилимизга хушёр муносабат пайдо бўлди. Оилаларда, иш жойларида, кўчаларда, метро бекатларида русийзабон биродарларимизнинг она тилимизни сидқидилдан ўрганаётганликларини кўрдик.

**Биздаги миллий онг, миллий ифтихор, ватанпарварлик етарли даражада комилми?** Бу аҳволда она тилимиз миллатлараро муомала тили мақомига кўтарила оладими? Шу боисдан бу масала **она тилига муҳаббатнинг умумхалқ даражасига боғлиқ** бўлиб қолади. Агар давлат тили билимини ўзга миллат ва элат намояндаларига сингдира олмасак, уларнинг дилларида тилимизнинг гўзал имкониятларига табиий **мехр-муҳаббат** уйфота олмасак, ўзбек тили миллатлараро муомала тили мавқеига кўтарилиши қийин.

Ўзбекистонда рус тилининг ўрганилиши улкан са-маралар берди. Бугунда республикамиздаги етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган аҳоли рус тилини тушунади ва бу тилда гаплаша олади. Бир халқнинг тилини билиш унинг маънавиятини ҳам ўзлаштириш, демакдир. Рус тили ўз бойликлари билан миллий маънавиятимиздан мустаҳкам ўрин олди. Рус тили маънавий қадриятларимизнинг бир қисмига айланшиб қолди. Буни асло инкор этиб бўлмайди. Рус тили Ўзбекистонда миллатлараро муомала воситаси сифатидаги мавқеини ҳали анча муддат сақлаб қолиши ҳам рад қилиб бўлмайдиган ҳаётний воқеликдир.

Мустақиллик шарофати билан биз жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлдик. Жаҳон миллатлараро муомала воситаси инглиз тилидир. Мамлакатимизга турли мақсадлар билан кириб келаётган хорижий давлат фуқаролари тобора кўпаймоқда. Бу, табиий равишда, муомала жараёнида инглиз тили ҳам ўзига хос ўрин тувишини тақозо, этади. Ҳатто, келажакда инглиз тили бошқа тиллар билан рақобатлашиб, муомала жараёнида асосий мавқе қозониб, миллатлараро муомала воситасига айланиши эҳтимолдан холи эмас.

Ўзбек тили ўз Ватанида давлат тили мақомида мустаҳкам туриши учун у жаҳон тиллари ичидан муносиб ўрин эгаллашига эришишимиз лўзим. Бунинг учун, аввало, давлат тили сиёсатини «келажаги буюк давлат» нуқтаи назаридан юксак даражада англаб этиш зарур. Ўзбек тили давлат тили мақомида ўстувор туриши учун уни жаҳон халқларига танитиш, жаҳон халқлари ҳам уни тан олиши муҳимдир. Ҳозиргача хориждан келаётган мутахассислар Ўзбекистонни, асосан, рус тили орқали кашф этмоқда. Хориждан келадиган меҳмонлар Ўзбекистонни ўзбек тили орқали таниши (ўзбек тилини ўрганиб келиши ёки келиб ўрганиши) бизнинг давлат тили сиёсатимизга боғлиқ. Ватанимизда ва жаҳон

мамлакатларида она тилимизнинг хорижий тил сифатида ўқитилишига эндиликда давлат миқёсида алоҳида эътибор берилмоғи зарур. Бу улкан йўналишнинг тизими, дастурлари, қўлланмалари, тегишли лугатлари ишлаб чиқилиши ҳозирги долзарб вазифаларданdir. Она тилимизнинг жаҳон мамлакатларида ўқитилиши жаҳоннинг мамлакатимизга эътиборини кучайтиради ва, айни пайтда, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини оширади.

Юқоридаги бандлар демократик асосга таянганлигини республикамиз аҳолиси таркибининг яна бир жиҳати тасдиқлайди. Кўшни қардош элатлар — қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, қорақалпоқлар, тоҷиклар билан биргаликда Туркистон умумий уйимиздир, ягона Ватанимиздир. Ўшбу миллат вакиллари тифиз яшайдиган туманларда муомала тилини, шубҳасиз, фуқаролар ўз ҳоҳишларига кўра танлайдилар. Ҳамюртлик, кўшничилик, дўстлик, одамгарчилик муносабатлари, осойишталик муҳофазаси ҳам шуни тақозо этади.

«Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилиниши муносабати билан она тилимизни **бойитиш** ва **софлаштириш** ниятида қизғин ислоҳот жараёни бошланиб кетган эди. Кенг жамоатчилик ташаббуси билан жонли мулокот, матбуот, нашриёт, ҳужжатчилик, фан ва техника соҳаларида юзлаб сўз ҳамда атамалар муомалага киритилди. Лекин бу жаравён бир муддат назоратсиз, бошқарувсиз, тизгисиз давом этди. Бундан ижобий натижалар билан бирга салбий оқибатлар ҳам юзага келди. Баъзи мисолларни айтиб ўтиш мумкин. Ўзбек тилида саналарни ифодалаш қадимдан йил, ой, кун тартибидадир. Шундан «календар»нинг соғ ўзбекчаси «Йилойкун» келиб чиқади. Тўққиз юз йигирма йиллик тарихга эга бўлган ушбу атамани атоқли тилшунос олим Қаюм Каримов Юсуф Хос Ҳожибининг «Кутадгу билиг» асари асосида қайта кашф этиб, «Ёшлик» журналида «Йилойкун» тўғрисида маҳсус мақола эълон қилди. Лекин ниятга терс равишда тилимизга ўзи ҳам, талаффузи ҳам бегона арабча «тақвим» атамасини оммалаштириб юбордилар. Сув таъминоти ташкилотининг пешонасига «Сувсоз» трести» деб ёзиб қўйишиди. Ахир, «соз» сўзи форсий «соҳтан» — «ясамоқ» феълининг ҳозирги замон ўзаги-ку! Шундан адабий тилимизда «созламоқ» — «тузатмоқ» феъли вужудга келган. Сувни ҳам ясаш, созлаш мумкинми ҳеч замонда! Дав-

лат тили қонуни берган эркинликни нотўғри тушуниш, суиистеъмол қилиш, мантиқсиз, пала-партиш иш тутиш она тилимиз услубларига ҳам, нутқ маданиятимизга ҳам футур етказмоқда. Жонли тилдаги «гал йўқ» деган чапани бир ибора телекўрсатувга ном қилиб кўйилди. Шундай иборалар қўшиқ ва матбуотга ҳам оралаб қолди. Қизиқарли кўрсатувлардан бирининг бошловчиси «Сиз совфага, совринга мушарраф бўлдингиз» дейиш ўрнига, барадла «Совфа ва соврин Сизга мушарраф бўлди» дея қайта-қайта сўзни мазмунга тескари қўллаш борасида салбий ўrnak кўрсатади. Радио ва телевидениеда бошловчилар, эшиттириш, кўрсатув муаллифлари баъзан шевада гапириб юборадиган бўлиб қолдилар. Она тилимизга давлат тили мақомини беришдан мақсад шумиди. Тил эркинлиги адабий тилини, нутқ маданиятимизни бузишга хизмат қилиши мумкинми?

Янги таҳрирдаги давлат тили ҳақидаги қонуннинг 7-моддаси ана шундай бошбошдоқликни бартараф этишга, она тилимизнинг янгиланиш ва бойиш жараёнини тартибга солишга қаратилган: «Давлат тили расмий амал қиласидиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилади.

Давлат ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишини таъминлайди, шу жумладан, уни ҳамма эътироф қилган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий этиш ҳисобига таъминлайди.

**Янги илмий асосланган атамалар жамоатчилик муҳокамасидан кейин ва Олий Мажлис тегишли қўмитасининг розилиги билан ўзбек тилига жорий этилади.**

Демак, давлат тили қонуни ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилишини талаб қиласиди. Ҳусусий имлода китоб нашр этишни, сунъий сўз ва атамаларни ўзбошимчалик билан расмий муомалага киритишни, расмий услугуга файри расмий сўз-ибораларни татбиқ қилишни қонун тақиқлайди. Янги қонунга биноан, илмий асосланган, ҳамма эътироф этган, яъни жамоатчилик муҳокамасидан ўтган, Атамашунослик қўмитаси томонидан тасдиқланган атамаларгина ўзбек адабий тилига жорий қилинади.

**Ҳозир янги таҳрирдаги қонун амалий фаолият учун**

кatta имкониятлар мұхайё эттанига қарамай, давлат тилини изчил жорий қилиш жараёнини такомиллаштириш ва лотин ёзувига асосланған ўзбек алифбосига мукаммал ўтилишини таъминлаш мақсади сари қатый амалий ҳаракат сезилмаётир. Мақсадға тұла ва түгри әришиш учун давлат тили дастурини бажаришни лотин ёзувига асосланған ўзбек алифбосини ўрганиш билан мувофиқ тарзда олиб бориш керак. Лотин ёзувини ўрганиш нотекис равищда давом этмоқда. Фақат умумтағым мактаблари учун лотин ёзувига ўтишнинг изчил ва аниқ режаси тузилған. Ташкилот, жамоа хұжаликлари ҳамда муассасаларда лотин ёзувига ўтишнинг аниқ ва изчил ташкилий тадбирлари ишлаб чиқылмagan. Баъзи ташкилотлар ўз ходимларига ўзбек лотин алифбоси ва имло қоидаларини ўқитиб бўлди, лекин амалий фаолият йўқ. Баъзи ташкилотлар ўқитишида давом этмоқда. Баъзи ташкилотлар ўқитаётгани ҳам йўқ. Шуни тушунишимиз керакки, биз барча ташкилот ходимларига алоҳида, навбатма-навбат ўргатиб чиқиб, кейин бирданыга ўзбек лотин алифбоси ва имло қоидалари амалиётига ўтиб кета олмаймиз. Икки минг бешинчи йилгача бўлган мұхлат ўтишини кутиб ўтириш ҳам түгри эмас. Бу мұхлатни янада орқага сурисга мажбур этади ва истиқтолимиз равнақига халал етади. Энг тезкор ва яхши йўл ҳар бир ташкилот, муассаса ва ўкув юрти ўзбек лотин алифбоси ва имло қоидаларини ўргангач, ўзининг ички иш юритиш тизимини лотинга кўчиришидир. Чунки тил ва имло амалиёт билан тирикдир. Ҳар бир ташкилот, муассаса, ўкув юрти ўзининг ички иш юритиш тизимида ўзбек лотин алифбоси ва имло қоидаларини амалда қўллаш бўйича малака ҳосил қилса, умумхалқ миқёсида лотинга ўтиш жараёни тез ҳамда осон кечади. Саводхонликни изчил юзага чиқариш учун матбуот органлари — газета ва журналларимиз ҳам лотин амалиёти бўйича кичкина саҳифалар очиб, уни тобора кенгайтириб борсалар, яхши бўларди.

Хуллас, амалда изчил татбиқ этилса «Давлат тили ҳақида»ги қонун она тилимиз нуфузини, ҳуқуқини сақлай олади. Эҳтимол, у муайян давр синовларидан ўтиб, янада такомиллаштирилар. Зотан, халқнинг умумий даражаси, савиясининг кўтарилиши унинг ҳуқуқий онги юксалишини ҳам таъминлайди. Буюк келажак яратаетгандан эл мақомининг юксалиши она тили мақомини ҳам юксалтиражак.

## ҚОНУН ВА ИЖРО

Маълумки, давлат мустақиллигининг белгиларидан бири унинг давлат тилига эга эканлигидир. Зеро, мустақиллик тилдан бошланади. Она тилимизга давлат тили мақомининг берилиши — 1989 йил, октябрь ойининг 21-кунида Давлат тили ҳақидаги қонуннинг жорий этилиши миллий мустақиллигимизнинг маънавий пойдеворига асос бўлган эди. Ўз-ўзидан, ушбу Қонун ўзбек тилининг мавқеини тиклашга, унинг ижтимоий ҳайётнинг барча соҳаларида тўла амал қилишига катта имкон яратди. Истиқлол шароитида бу имкониятлар кўлами янада кенгайди.

Ўтган давр мобайнида давлат тили ҳақидаги қонунни ҳаётга жорий этиш, ўзбек тилининг тараққиёти масаласида анча ишлар қилинди ва қилинмоқда. Қонун қабул этилган дастлабки пайтданоқ ҳукуматимиз томонидан уни амалга ошириш Давлат дастури ишлаб чиқилди. Унинг бажарилишини назорат этиш ва бу борадаги ишларни мувофиқлаштириб туриш учун Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш комиссияси, бошқача айтганда, Ҳукумат тил комиссияси тузилган. Ҳозирда давлат тили комиссияси аъзолари барча йирик вазирликлар, вилоятлар, ҳоқимликларга бириклирилган. Улар ўзларига топширилган ташкилотларда давлат тили Қонуни қандай бажарилаёттани билан танишиб боришиб, навбатма-навбат тил комиссияси мажлисларида ахборот бериб туришади. Комиссия ташаббуси билан ўтган вақт ичida Давлат дастурида белгиланган қатор тадбирлар амалга оширилган. 1990 йилнинг бошидан Вазирлар Маҳкамаси хузурида Атамашунослик қўмитаси ишга тушди. 1991 йил Тил ва адабиёт институти негизида Тилшунослик институти ташкил топди. «Ўзбек тили жамияти» таъсис этилди. Бу жамият аввалида катта ишларни бошлаган бўлсада, бироқ ҳозирда фаолияти сусайган.

«Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш юзасидан ҳукумат дастурини қабул қилиш тўғрисида»ги қарорга асосан вазирликларда, қўмиталарда, вилоят, шаҳар, туманлар ҳоқимликларида, ўз навбатида улар тасарруфидаги, ҳудудидаги муассаса, ташкилот ва корхоналарда давлат тилини амалга ошириш бўйича Тил комиссиялари тузилган.

Ҳукумат тил комиссиясининг мунтазам ўтиб турадиган мажлисларида вазирликлар, қўмиталар, вилоят,

шашар, туман, йирик корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг жойларда давлат тили ҳақидаги қонуннинг ижроси ҳақидаги ҳисоботлари тинглаб борилмоқда. Хусусан, шу пайтгача Жиззах вилоятида, Ўзбекистон давлат телерадиокомпаниясида, Тошкент шаҳридаги трактор ишлаб чиқариш бирлашмасида ва бошқа ташкилотларда Давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилиши ўрганилиб, муҳокама этилган. Бу борада ютуқлар билан бирга жиддий камчиликлар мавжудлиги кўрсатилган. Қонунни амалга оширишда сусткашликка, соvuққонликка, ўзбошимчаликка йўл қўяётган, қонунда кафолатланган хуқуқлардан фойдаланмаётган раҳбарлар шаънига жиддий гаплар айтилиб, тегишли қарорлар қабул этилган. Жойларда текширишлар натижасида қайсики корхона, идора, завод, фабрика, ва ҳатто, вазирликда ўз тили ҳамда маданиятига жонкуяр одам раҳбарлик қиласа, ўша жойда давлат тилининг ижроси кўнгилдагидек, аксинча бўлса, аҳвол илгаридагидек эканлиги қайд этилган.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгач, матбуотда, оммавий аҳборот воситаларида русча атамалар ўрнига «ўзбекчалаштириш» баҳонасида хилма-хил, чалкаш атамаларни ишлатиш расм бўлди. Атамаларни тартибга солиш, русча байналмилал ўзлашмалар ўрнига муқобилларини танлаш, тасдиқланган атамаларнинг ишлатилиши устидан назорат қилиш, илмий-техник, ижтимоий-сиёсий атамалар лугатларини яратиш ишларини эндилиқда Атамалар қўмитаси олиб бормоқда.

Илм-фан атамаларининг асосий қисми нашр этиладиган лугатлар орқали истеъмолга киритилади. Атамалар қўмитаси турли илмий муассасалар, олий ўкув юртларида тайёрланган лугатларни муҳокамадан ўтказиб нашрга тавсия этади. Кейинги бир-икки йил ичида фаннинг турли соҳаларига оид кўплаб лугатлар нашр этилди.

Аммо, бу соҳада ҳам анчагина муаммолар мавжуд. Ҳукумат давлат тил комиссиясида тасдиқланган атамаларни кўллашга баъзи ҳолларда риоя қилинмаяпти. Ҳануз айrim расмий атамалар газета, журнал, телекўрсатувларда, радиоэшиттишларда турлича кўлланмоқда. Давлат наширётларида Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва Атамақўм низомида кўрсатилган талабларга риоя этилгани ҳолда (барча атама лугатлар Атамақўм бўйимларида кўриб чиқилиши ва унинг тавсияси би-

лан нашр этилиши), айрим кооператив нашриётлар ҳамда нашр ҳуқуқига эга бўлган айрим муассасаларда бунга етарли эътибор берилмаяпти.

Сир эмаски, давлат тилида иш ҳужжатларини юритиш Қонунни бажаришдаги асосий масалалардан биридир, ҳозирда иш юритиш ҳужжатлари давлат тилида тайёрланиб, зарур ҳолларда рус тилига таржима қилинмоқда. Босма иш юритиш ҳужжатлари, расмий муҳр, буйруқ, фармойиш ва қарорларнинг матни ўзбек тилида тайёрланади. Лекин ҳали ҳам республикада иш юритиш ҳужжатларининг намунавий (андоза) нусхаларини маҳсус ишлаб чиқадиган муассаса мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам соғлиқни сақлаш, ички ишлар, Адлия, молия вазирликлари, статистика ва ҳисоб, суд, прокуратура, Марказий банк тизимларида қўлланиб келаётган баъзи собиқ иттифоқ даврида қабул қилинган иш қофозларидан фойдаланиб келинмоқда.

Шундай характердаги иш қофозлари матни ўзгартирилиши, яъни соҳа ва тармоқлар бўйича маҳсус иш юритиш ҳужжатларининг андоза намуналарини яратиш зарур. Ўзбек тилида иш юритиш бўйича амалий қўлланмалар яратишга ҳам эҳтиёж катта. Бу соҳада Н. Маҳмудов ва бошқалар томонидан 1990 йилда нашр этилган «Ўзбек тилида иш юритиш» китобини давр талаби ва эҳтиёжидан келиб чиқиб таҳrir этиш, кенгайтириш ва такомиллаштириш лозим. 1994 йилда нашр этилган «Иш юритиш атамаларининг русча-ўзбекча қисқача луғати» ҳам ҳажман кенгайтирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Республикада «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги 1993 йил, сентябрь ойининг 2 куни қабул қилинган қонун ва унга ўзгартириш ва қўшимча киритилган 1995 йил, май ойининг 6 кунида қабул қилинган Республика Қонуни Давлат тили ҳақидаги қонунни тўлдиради, унинг тўлақонли амал қилишига янада катта имкон беради. 1995 йил, августнинг 24 куни «Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Мазкур қонунни амалга киритиш юзасидан катта ташкилий ва амалий ишлар йўлга қўйилган. Қонун қабул қилинган вақтдан 2005 йилгacha уни бажариш дастури ишлаб чиқилган. Бу борада, айниқса, Ҳалқ таълими тизими ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликларида ишлар қизғин олиб борилмоқда. Зарур

дарслик, дастур, ўкув ва кўргазмали кўлланмалар тайёрланмоқда. Шу пайтгача И. Кўчқортоев ва М. Тожибоевларнинг «Лотинча ўзбек алифбоси», Р. Жомоновнинг «Лотин алифбоси» рисоласи, М. Гуломовнинг «Лотин ёзувидағи ўзбек алифбоси», С. Ризаевнинг «Имло ва талаффуз лугати» (Бошланғич синфлар учун), С. Ризаев ва О. Ризаеванинг «Янги алифбони ўрганамиз» китобчаси, бир неча расмли алифболар, З. А. Валиева ҳамда Ё. В. Муҳибовларнинг «Иқтисод алифбоси» кўлланмалари нашр этилган. Таниқли тилшунос олимлар А. Ҳожиев ва Ш. Раҳматуллаев томонидан тайёрланган ўзбек лотин ёзувидағи «Ўзбек тилининг имло лугати», Й. Абдуллаевнинг «Ҳамроҳим» кўлланмалари нашр этилди. Ш. Раҳматуллаевнинг бу алифбони ўрганувчилар учун «Ўзбек лотин алифбоси» кўлланмаси чоп этилган. Шунингдек, шу муаллиф томонидан нашрга тайёрланган «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» мутахассис ва китобхонлар хизматига етказилган. Дастрасликлар умумтаълим мактабларига жорий этилди. Бу ишлар шу соҳадаги катта ютуқлар, албатта. Аммо, уларда қатор камчиликлар ҳам борки, келажакда бу камчиликларнинг бартараф этилиши учун бу асарлар тилшунос олимларимиз томонидан таҳлил этилиши, хуносалар чиқарилиши, таклиф ва тавсиялар берилиши керак.

Республикадаги ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида, педагогика институтлари ва билим юргларида янги ўзбек алифбоси бўйича ўқитувчилар тайёрланмоқда, ҳалқ таълими тизими бўғинларида бу алифбо факультатив тарзида ўқитилаётганига анча бўлган. Олий ўкув юртлари, айрим ташкилот, муассаса ва корхоналарда ҳам ўзбек лотин алифбосини ўргатиш курслари, факультатив ўқитиш йўлга кўйилган.

Ҳалқ таълими тизими Республикада давлат тили қонунини бажаришда энг ҳозиржавоб ва таъсирчан соҳалардан ҳисобланади. Чунки бу борада эришиладиган, кутилаётган натижага пировардида кўп жиҳатдан ҳалқ таълимининг барча бўғинларида ишларнинг оқилона йўлга кўйилганлигига боғлиқ бўлади. Шу маънода, йишлик таълим концепцияси талабларидан келиб чиқиб, ўқиш-ўқитиш мазмунини янгилаш борасидаги ишлар ва бошқа тадбирлар тил қонунини бажариш давлат дастури талабларига мос тушади. Тил соҳасидаги ижобий ўзгаришлар, берилган имкониятлар ва қўйилган талаблар бошқа соҳаларда бўлганидек, ҳалқ таълими

муассасаларида ҳам она тилига бўлган муносабатни тубдан янгилади, уни ўқитиш, ўргатиш, ривожлантириш, тарғиб ва ташвиқ қилиш имкониятлари кенгайди. Таълим бўғинларида она тили ва адабиётини чуқур, кенгайтириб ўргатадиган синф, мактаб, гимназиялар сони кўпаймоқда. «Ўзбек мактабларида она тилини ўқитиш концепцияси» яратилди ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳайъати тасдифидан ўтказилди (1993 й., октябрь ойининг 15 куни). Амалдаги она тили фани дастур ва дарслерлари такомиллаштирилган, улар мактабларда синаб кўрилиб, она тилини чуқур ўргатадиган мактабларга тавсия этилган. Таълим рус тилида олиб бориладиган барча олий ва ўрта маҳсус билим юртларида, умумтаълим мактабларида ўзбек тилини ўқитишга катта эътибор берила бошлаган. Ўқишилар бошқа тилда олиб бориладиган (рус, қозоқ, қирғиз, тоҷик, туркман, қорақалпок) мактабларида ўзбек тили таълими бўйича концепция ва таълимнинг давлат андозаси ишлаб чиқилган. Шулар асосида ўқув услугубий адабиётлар мажмуаси яратишга киришилди.

Республикадаги русийзабон аҳолининг давлат тилини эгаллашлари учун янада қўпроқ имконият яратиш, шу муносабат билан мактаблар, мактабгача таълим, мактабдан ташқари муассасалардаги ўзбек таълимини янада яхшилаш, такомиллаштириш, улар учун янги дастур, дарслер ҳамда бошқа ўқув қўлланмаларини яратиш, давлат тилига жадаллаштириб ўргатишнинг зарур услугубийини тезкорлик билан ишлаб чиқиш, бу муҳим тадбирда шу соҳа мутахассисларининг кенг ва фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида Республика очиқ танлови ўтказилди. Танловда голиб топилган 4 та қўлёзма «Ўқитувчи» нашриётига режадан ташқари чоп этиш учун топширилди.

Педагогика ўқув юртларида ўзбек тили дарс соатлари кўпайтирилди. Ўзбек тили бўйича йирик мутахассислардан муаллифлар гуруҳи шакллантирилиб, ўрта ва олий педагогика ўқув юртлари учун ҳам қўлланмалар яратишга киришилди. Низомий номидаги педагогика институти ҳамда Тошкент педагогика билим юритида бир неча йилдан бери рус гуруҳларида ўзбек тилини ўқитиш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Республикадаги ҳунар-техника таълими тизимида ҳам давлат тилини жорий этиш бўйича маълум ишлар бажарилган. Чунончи, халқ ҳўжалиги учун давлат ти-

лида иш юритадиган машинистка-котиба, стенографисткалар тайёрлаш учун Тошкент шаҳридаги Ҳ. З. Калонов номидаги олий ҳунар билим юрти негизида ўқиш жараёнини методик таъминлаш маркази ташкил қилинди.

Ҳар йили октябрнинг 21 куни таълим бўғинларида «Тил байрами» ўтказилади. Республика Таълим маркази томонидан тайёрланган «Тил байрами»ни ўтказиш юзасидан тавсиялар «Маърифат» газетаси орқали маорифчилар дикқатига етказилади.

Давлат тили ҳақидаги қонунни ҳаётта татбиқ этиш бўйича эътиборга лойиқ тадбирлардан бири Ҳалқ таълими ва Олий таълим вазирликлари ҳамкорлигига «Ўзбек тили» доимий анжуманининг таъсис этилишидир. Республикада олти йилдан буён «Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» доимий илмий-амалий анжумани фаолият кўрсатиб келмоқда. Анжуманда мактабгача тарбия муассасаларининг давлат тили билан шуғулланувчи мутахассислари, умумтаълим мактабларининг бошланғич ҳамда она тили ва адабиёт ўқитувчилари, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган синф (гурух)ларда ўзбек тили муаллимлари, ўрта ва олий педагогика ўқув юрглари, методист ва тилшунос олимлар, илмий-тадқиқот институтларининг илмий ходимлари, аспирантлар, шунингдек, Тошкент давлат университети, Жаҳон тиллари университети, Иқтисодиёт университети каби қатор олий ўқув юргларининг тилшунос олимлари иштирок этганлар.

Анжуман йигинининг мақсад ва вазифалари, илмий-амалий аҳамияти, шўъба ишларининг мазмуний тузилиши, умуман, анжуман материаллари Республика оммавий ахборот воситалари орқали ёритилди.

Педагогик матбуот («Мактабгача тарбия», «Бошланғич таълим», «Тил ва адабиёт таълими» журналлари, «Маърифат», «Учитель Узбекистана» саҳифаларида) «Тил қонуни амалда» рукни остида Конуннинг амалиётга татбиқи билан боғлиқ масала ва муаммолар ёритиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Илмий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни ишлаб чиқиш ва улардан оммавий ахборот воситаларида, дарсликлар ҳамда қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш масалаларини тартибга солиш тўғрисидә»ги қарорига (1994 й. август ойининг 5 куни) мувофиқ таълимнинг барча бўғинлари учун ҳозирланадиган ва босмадан чиқарилаётган дастур, дарслик, методик қўл-

ланнамалар, тарқатма дидактик материаллар ҳамда турли луғатларда қўлланган атамаларнинг уйғунилигига эришишга эътибор қаратилган.

Ўзбек лотин ёзувини ҳаётга жорий этиш, аввало, ҳалқ таълими тизимидан бошланади. Ҳалқ таълими вазирлиги томонидан «Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил, май ойининг 6 кунидаги 71—2-сонли қароридаги ўзгартиришларга мувофиқ). Унда Ҳалқ таълими вазирлигида олиб бориладиган ташкилий-маърифий ишлар, Ҳалқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ўқув юртлари ўқитувчилари ва ходимларига ўзбек лотин ёзувини ўқитишни босқичма-босқич амалга ошириш муддатлари белгиланган. Қонунни амалга жорий этиш юзасидан ишлар олиб борилмоқда.

Ҳалқ таълими вазирлиги тизимидағи умумтаълим мактаблари, педагогика, ҳунар таълими билим юртларида, педагогика институтларида ўзбек лотин алифбосига босқичма-босқич ўтиш жадвали ишлаб чиқилиб, бу борадаги ташкилий, амалий ишлар давом эттирилмоқда.

1998 йил сентябрининг 1 кунидан умумтаълим мактабларининг биринчи-бешинчи синфлари ўзбек лотин алифбосида ўқишилари кўзда тутилиб, янги алифбодаги дарслик, дастур ва ўқув қўлланмалари тайёрланиб, нашр этишга киришилган.

Давлат тили қонунини бажаришда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги бўйича ҳам маълум ишлар қилинган. Тилимиз қонун йўли билан ҳимояланган пайтдан бошлаб республикамиздаги олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларининг миллий гуруҳларида барча машғулотлар, маърузалар ўзбек тилида олиб бориладиган бўлган. Таълим рус тилида олиб бориладиган гуруҳларда ўзбек тили фан сифатида ўқитилмоқда. Олимлар томонидан қисқа муддатда дастур, дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрланган. Лекин, уларни янада такомиллаштириш зарур.

Юртимиздаги филологик йўналишдаги, умуман, ўзбек тили ва адабиёти кафедраларига эга бўлмаган тиббиёт, техника, қишлоқ хўжалиги, ҳалқ хўжалиги соҳасидаги, табиий фанлар ўқитиладиган кўпгина олий ўқув юртларида «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедралари ташкил этилган. Уларни ташкил этишда ўқув юртлари-

да давлат тилига амал қилинишини назорат этиб, бу борадаги ишларни йўналтириб турдиган, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида ўзбек тилида иш юрита оладиган мутахассислар тайёрловчи «Марказ» бўлиши кўзда тутилган. Дастребаки пайтларда бундай кафедраларга яхши эътибор берилган бўлса, кейинчалик уларга кўзланган имкониятлар берилмай қўйилганлиги сир эмас. Ҳатто, пойтахтдаги Темир йўллар, Тўқимачилик, Доришунослик каби қатор институтларда «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедралари ташкил этилмай, илгари мавжуд бўлган чет тили, рус тили кафедраларини бирлаштириб, «Тиллар» кафедраси деб номланган. Янги кафедраларда ўзбек тили ўқитувчиларига йилига иккичу лавозим ажратилган, холос. Ўзбек тили ўқитувчилари асосий вазифалари четда қолиб, институт маъмуритининг норасмий таржимонига айланиб қолган.

Олий ўкув юртларидағи рус гуруҳларида барча фанлар рус тилида, рус тили ҳам фан сифатида ўқитилади, лекин ўзбек гуруҳларида она тили фан сифатида ўқитилмайди. Бу қонунга зид ҳолатдир.

Истиқлолнинг дастлабки йиллари давомида давлат тилини ҳаётга татбиқ этиш мавзусига оммавий ахборот воситаларида муҳим эътибор берилар эди. Ҳозирги пайтда бу жараён сусайди. Хотиржамлик кайфияти пайдо бўлди. Давлат тили қонунини изчил татбиқ этиб бориш, тинимсиз тарғиб ва ташвиқ этиш безовталиги камайди. Назаримизда, давлат тили амалиёти жараёнини жонлаштириш лозим. Ранг-баранг кўрсатув ва эшиттиришлар, қизиқарли мақолалар ташкил этиб турилса, яхши бўларди.

## ЮКСАК МАЪНАВИЯТ БЕЛГИСИ

Шўро сиёсати авжига мингандан йилларда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши, давлат тили ҳақида қонун қабул қилиниши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Ҳатто, бу масала баралла кўтарилиган 1985—89 йилларда ҳам айрим тилшунос олимларимиз, зиёлиларимиз бу ишни хомхаёл деб ҳисоблаганлар, она тилимизнинг мавқеи учун курашган кишиларга ошкора ҳадиксираш билан қараганлар. Миллий тилларга давлат тили мақоми берилиши ҳақидаги масала бутуниттифоқ миқёсида кўтарилиган маҳалда ҳам иккитилишилик сиёсатини қўллаб-куватлаганлар бўлди. Улар муросасоз нуқтаи назарларини асло яширмай радио, телевидение

ва матбуот орқали изҳор этганлар. Бугун уларнинг баъзилари ватанпарварларнинг олдинги сафларида, нуғузли ҳайъатларда. Бу — она тили ҳукуқи тугал англаб етилганини, янгича, истиқол тафаккури узил-кесил ғалаба қилганлигини англатади. Она тили ватанпарварлиги — виждан иши. Асрий тутқунлик, ҳукуқсизлик она тили борасидаги муросасозликни тарбиялаган эди. Мустақиллик мафкураси бундай маънавий мутелликка барҳам берди.

Миллат виждонининг тимсоли бўлган зиёлилар учун она тилимизга давлат тили мақоми берилиши, тилимизнинг мустақил ва эркин бўлиши орзу-армон эди. Мана шундайларнинг интилиши орқали умумхалқ фикри шакллантирилиши эвазига миллий мустақиллик учун курашнинг қалдирғоч ғалабаси сифатида она тилимиз давлат тили мақомига юксалди. Тилнинг ҳукуқи тикланди — элнинг ҳукуқи тикланди. Эндиликда шу ҳукуқни амалга ошириш, ундан ҳаётнинг барча жабҳаларида фойдаланиш қолди, холос. Ҳукуқ қўлга кири-тилса-ю, уни англаб етилмаса, ҳаётга жорий этилмаса, у қофозда қолаверади. Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга оширишга ҳам ҳалқнинг ҳукуқий маданияти етарли даражага кўтарилимаяпти. «Халқимизнинг ҳукуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим»<sup>1</sup>. Бу Президент Ислом Каримовнинг ҳаётий кузатишлар асосида келиб чиқсан хуносаси, дарди, талаби. Мутеликка маҳкум яшаб келган оддий ҳалқ ҳануз мустақилликнинг моҳиятини, фарқини, қадрини англаб етмаяпти. Бу унинг тилга эътиборида ҳам яққол сезилади. Шунинг учун Президент И. Каримов мустақиллик моҳиятини тобора кенгроқ шарҳлаб бермоқда. У яқинда мустақиллик сўзининг янгича маъно қиррасини кашф этиб берди: «...мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улуғ ҳукуққа эга бўлиш деган тушунча ётади. Яъни, мустақиллик нафакат ўзини эркин сезиш, ўз ҳаётини қуриш, балки ўз ҳаёт-мамотини ҳал этишда катта ҳукуққа эга бўлиш ҳам демакдир».<sup>2</sup> Халқ мустақиллик даврида она тилида

<sup>1</sup> Юксак ҳукуқий тафаккур — демократик жамият тақозоси. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1997 йил, май ойининг 20 куни Республика ҳукуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳукуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви ҳақидаги ахборот. «Халқ сўзи» 1997 йил, май ойининг 22 куни.

<sup>2</sup> Ўша манба.

муомала қилишда; иш юритишда катта хуқуққа эга бўлди. Лекин унда хуқуқий онгнинг етарли даражада щаклланмаганлиги туфайли у кундалик турмушда, ҳар қадамда, ишда улуғвор тил хуқуқидан фойдаланмаяпти. Айтайлик, унга рус тилидаги хужжатлар билан мурожаат қилишади. У ҳам беихтиёр шу тилдаги хужжатлар билан жавоб қайтаради. Ўзбек тилида иш юритиш мумкинлиги, иш юритиш ўзбек тилига ўтиб бораётганлиги хаёлига ҳам келмайди. Айниқса, ижро идораларидаги баъзи раҳбар ходимлар ўз ташкилотида қайси тилда иш юритилаётганига бефарқ бўлиб қолди. Қўл остидаги русийзабон ходимлари давлат тилини ўрганяптими, ўрганмаяптими, парвосига келмайди. Уларнинг хузурига рус тилини яхши билмайдиган фуқаро келганида, улар билан қандай муомала қилишшаётганини ҳам назорат қилмайди. Бундай раҳбарлар ўзбек фуқаролари ёхуд расмий ташкилотларнинг ўзбекча мурожаатига ходимлари рус тилида тайёрлаган жавобларга бемалол қўл қўйиб жўнатаверади. Ҳар бир ташкилот хужжатгоҳидаги расмий ёзишмалар билан қизиқсангиз, бунга истаганча мисол топасиз. Бундай ҳоллар Давлат тили хуқуқини амалга ошириш нари турсин, аксинча, тил хуқуқсизлигини, тил мутелиги кайфиятини яна қайтадан келтириб чиқаради. Шундай ходимлар ва раҳбарлар ишлайдиган идораларга иши тушиб борган фуқаро, албатта, рус тилида мурожаат қилишга мажбур бўлади. Мурожаат қилмай ҳам кўрсингчи, собиқ иттифоқ давридаги якка ҳукмрон мавқенин кўмсаб юрган айrim кимсалар, раҳбарининг хуқуқий гафлатидан фойдаланиб, муҳтоҷ фуқаронинг ишини битказмаслик йўли билан уни итоатга ўргатиб қўяди. Давлат тили ҳақидаги қонуннинг 4-моддасига биноан, «Фуқароларга давлат тилини ўқитиш бепул амалга оширилади». Ҳа, давлат тили бепул ўргатилади-ю, унинг натижаси билан қизиқилмайди. Тилни ўрганса-ю, унга амал қилмаса, ўқиши ҳам бекор-да. Ҳар бир раҳбар ходимларини давлат тилига ўқитдими, ундан қатъий амал таълаб қилишга қонуний ҳақи бор. Айrim ташкилотларда ўзбекча андозалари яратилган хужжатларни излаб тошиш, таомилга киритишга ҳафсала қилинмайди. Собиқ иттифоқ давридан қолиб кетган йўриқномалардаги расмий иш қоғозларидан фойдаланилаверади. Бу ҳам хуқуқий маданиятнинг оқсашидан далолат беради.

1996 йил 5 июнь куни Тошкентда «Кадрлар тайёрлаш

бўйича миллий дастурни тузиш» комиссиясининг йиғилишида юртбоши И. А. Каримов шундай бонг уради: «Рўс тилидаги адабиётлар асосида она тилини билмайдиган нўноқ мутахассислар тайёрлаганимиз етар. Бу ҳолда давлат тилига қачон ўтамиш? Ўз давлат тилини билиш, уни ўрганиш юксак маънавият, Ватан ва халқига садоқат белгиси эмасми?»<sup>1</sup> Давлат тили ҳақидаги қонунни ана шундай талаб ва масъулиятдан келиб чиқиб амалга ошириш раҳбардан тортиб оддий фуқарогача, миллатидан қатъи назар, бутун халқда юксак ҳукуқий маданият, Ватан ва халққа садоқат туйғуларини тарбиялаши шубҳасиздир.

Давлат тили ҳақидаги қонуннинг 15-моддасига кўра, «Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахслар, ўз миллатидан қатъи назар, ўз исмини, ота исми ва фамилиясини миллий тарихий анъаналарга мувофиқ ёзиш ҳукуқига эгадирлар». Ушбу модда Ўзбекистон фуқароларининг мустамлака даврида минг бир кўйга солиниб ўзгартирилган, бузилган номларини аслиятига мувофиқ тиклаш ҳукуқини кафолатлади. Номларимизнинг нафосатини, мазмундорлигини тиклаш учун фуқароларнинг ўзлари ҳам, ички ишлар бўлимларидағи ходимлар ҳам бир оз қунт ва ҳаракат қилсалар, яхши бўларди. Кейинги пайтларда ота исми ўрнида «исми шариф» иборасини қўллаш ҳужжатчиликда расмий тус олиб кетди. Ҳолбуки, «исми шариф» — ота исми дегани эмас. У ҳурматланаётган инсоннинг исмини шарафлаб айтиладиган шарқона илтифот иборасидир. «Исми шарифингиз» — «шарофатли исмингиз» дегани, вассалом. «Исми шариф» — бадиий маъно бўёғига эга ибора. Уни расмий услубда, яъни ҳужжатчиликда ишлатиш умуман тўғри эмас.

Давлат тили қонуни амалиёти оқсаётганининг сабабларидан бири ҳанузгача, мустақилликнинг еттинчи йилида ҳам ўзбек миллий ҳужжатчилигининг ягона Давлат андозалари яратилмаганидир. Бу, албатта, жуда оғир вазифа. Чунки, аввало, бизда замонавий ўзбек миллий ҳужжатчилиги мактаби мавжуд эмас. Иккинчидан, етук ҳужжатшунос мутахассисларимиз жуда кам. Ҳужжатчилик андозаларини яратиш эса ҳужжатшунос тилшунос билан ҳужжатшунос ҳукуқшуноснинг

<sup>1</sup> Замонавий кадрлар — тараққиётимизнинг муҳим омилидир. «Туркистон», 1997 йил, июнь ойининг 7-куни.

ижодий ҳамкорлигини тақозо этади. Ҳарқалай, шундай күчларимиз бор. Гап уларни ишга сафарбар этиш, са-марали ижодий ҳамкорликни ташкил этишда қолган.

Жой номларини янгилаш соҳасидаги давлат сиёсати талаб даражасида амалга ошмаяпти. 1996 йил, май ойининг 31-кунида «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкilotлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида» Вазирлар Маҳкамаси-нинг Раиси Ислом Каримовнинг маҳсус фармойиши чиқди ва матбуотда эълон қилинди. Ушбу фармойишда бундай дейилади: «Мамлакатимиз мустақиллигига беш йил тўлаётганига қарамай, ҳамон жойларда топонимик объектларнинг эски тузум ва коммунистик мафкурага хизмат қиласидиган, ҳалқимизнинг тарихи ва миллий анъаналарга боғлиқ бўлмаган номлар мавжуд... Булар истиқлол мазмун-моҳиятини тушунмасликдан, миллий мафкура ва миллий фуур сусткашлигидан, баъзан эса масъулиятсизлик ва бефарқлик иллатлари туфайли келиб чиқмоқда. Натижада, ҳалқимизни янгича фикрлаш ва яшашга ўрганаётган бир пайтида мустақиллик гоя-ларидан чалғитмоқда». Шунингдек, ҳокимиятлар, улар қошидаги топонимия комиссияларининг етарли дара-жада фаолият кўрсатмаётгани танқид қилинади. Фар-мойишининг 4-моддаси, 2-бандида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига 1996 йил, сентябрь ойининг 1 кунигача ўзгартириладиган топонимик объектлар номларини ўзгартириш ва уларга ном беришда та-рихий, миллий, табиий ва бошқа маҳаллий шароитларни ҳисобга олиш, кишилар шарафига кўйилган барча номларнинг белгиланган қоидалар ва мақсадларига мувофиқлигини қайта кўриб чиқиши топширилади.

Фармойищдан сўнг ҳокимликларда анча жонланиш бўлди. Айниқса, Тошкент шаҳри худудида бу соҳада жиддий ишлар амалга оширилди. Аммо бу бирданига бўладиган жараён эмас, албатта. Аста-секинлик билан, тинимсиз ва узлуксиз меҳнат, эътибор билан бўладиган иш. Ҳамма гап бунинг аҳамиятини англаш, ватанпар-варлик туйғусини сўндириласликда.

Вазирлар Маҳкамаси мазкур қарорининг 5-модда-си, иккинчи бандида таъкидланадики: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шахсларнинг ҳаёт чоғида но-мини бирор жойга кўйишга ҳамда абадийлаштиришга рухсат берилмайди». Ҳаётда эса кўплаб кичик корхона

ва дўконлар пайдо бўлмоқдаки, улар очилиб халқقا ҳали бирор ой хизмат кўрсатмасиданоқ эгалари дўконлари пешонасига ўз номларини катта қилиб ёзиб кўймоқдалар. Бу хуқуқий жиҳатдан нотўри бўлишидан ташқари, миллий маданиятга ҳам, маънавиятга ҳам асло тўғри келмайди. Бу худбинлик ва худнамоликдир. Бундай хусусий дўкон ва корхоналар ҳокимликлар орқали расмийлаштирилар экан, маъмурлар давлат тили ҳақидаги қонундан келиб чиқсан ҳолда, хуқуқий маънавий жиҳатдан ёндашиб иш тутсалар, яхши бўларди.

Оддий одамларнинг ҳуқуқий саводи қониқарли эмас, албатта. Уларнинг кўпчилиги кундалик турмуш ташвишлари, ҳаёт муаммолари билан ўралашиб қолганлар. Давлат тили сиёсатини амалга ошира бориб, оддий омманинг ҳақ-хуқуқини юзага чиқариш ҳам, хуқуқий маданиятини юксалтириш ҳам бошқарув тизимининг, раҳбарларимизнинг муқаддас бурчидир. Зеро, жамият ва бошқарув муносабатларининг мутаносиблиги ҳам буюк келажакнинг омилларидандир.

## ЭЛГА ЭЪТИБОР — ТИЛГА ЭЪТИБОР

«Тилга эътибор — элга эътибор» рукнида босилаётган мақолалар тобора муҳим, салмоқли, кўламли муаммоларни ёритаётгани билан эл эътиборини қозонмоқда. Рукн номланган мақолнинг терс такори — «Элга эътибор — тилга эътибор» ҳам улуг ҳикмат мужассамидир. Уни баъзан шу ҳолда назарда тутиб иш кўриш фойдадан холи эмас. Ахир, яқин ўтмишда тилшунослигимизда марризм қолдикларининг томир ёзиши адабий ва бадиий тилимизнинг сунъий, китобий тус олиши, товуш ва сўз хазинамиздаги камбағаллик, нутқ маданиятимиздаги гариблик, аксари тилшуносларимизнинг хонанишин олимларга айланиб қолишлари элга эътиборсизлик оқибати эмасми? Мақолнинг икки кутбини зукко диалектика мустаҳкам бирлаштирган. Тарих шоҳидки, элга эътиборсизлик — тил ва тилшунослик инқирозига сабаб. Тилга эътиборсизлик оқибатида эса эл инқирозга юз тутиши мумкин. Чунки элнинг шаклланишига бирламчи белги ва сакланиб қолишига энг сўнгги илинж она тилидир. Она тилимизнинг илдизлари кўпроқ товушдаги имкониятлар қадрланмаётгани, ҳалқ шеваларида сочилиб ётган сўз бойлигимиз йифналмаётганидан. Агар биз она тилимиз

мулкидаги назарногир қолиб кетаётган бу маънавий неъматларнинг барини ўз тасарруфимизга тортсак, чинакам маданий кишига айланишимиз, сўзимизнинг залвори, таъсир кучи ўзгача кудрат касб этиши мумкин.

Яқиндагина Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романини бадиий сўз завқига қониб ўқиб чиқдингиз. Негаки, ўша даврда, хусусан, Чўлпон ижодида тил соҳасида катта ижодий изланишлар кечган. Тоғай Муроднинг «От кишинаган оқшом» ва «Ойдинда юрган одамлар» қиссаларини ҳам қўлдан қўймай, шеърдай бир нафасда ўқиб чиқдингиз. Аммо шуларнинг ёнидаги актуал мавзуларда ёзилган ҳикояларни ўқишига қийналдингиз. Бунинг ҳам сабаби шуки, Т. Муроднинг тарҳи тоза қиссаларида ҳаётнинг халқона бадиий талқини акс этган. Ёзувчи Сурхондарё шевасидаги жуда кўп сўз ва ибораларни бадиий таомилга олиб кирди. У, масалан, ҳаркатнинг тугашини ифодалашда миллион марта қўлланган «тўхтади» сўзидан сақланади, халқона «оёқ илди» иборасини ишлатади. Афсуски, бундай лисоний-услубий изланишлар кам. Гилимизнинг турли муаммолари ўз ечимини кутмоқда. Бу ечимларни топиш, истилоҳчилигимиздаги қашшоқликни бартараф этиш учун нечун она тилимиз - бисотидан баҳраманд бўлмаймиз? «Лирик шеърият» истилоҳини кўп ишлатамиз. Рангбаранглик учун уни камайтиrolмай, муҳаррир хуноб. Терминологиямизда эса унга муқобил маънодош йўқ. «Лирик шеърият» истилоҳи ўзбекчасини мархум Азиз Лазиззода топган ва суйиб талаффуз қилиб юарди. Кейин билсак, «Чўлпон ким эди?» мақоласида уни таомилга киритган экан: «Рубобий шеърият». Нақадар гўзал топилма! Лирика сингари рубобдан, рубоб сингари рубобий шеъриятдан инсон руҳини озиқлантирувчи руҳбоб наволар таралади. «Рубобий шеърият»ни халқ истилоҳий мулкига айлантириш ва шундай мўъжаз кащфиётларни кўплаб яратиш зарур.

Бошқа кўпгина республикалардан фарқли ўлароқ, бизда ўзбек-рус зуллисонайнлиги билан бирга, ўзбек, тоҷик, араб кўптилилиги мавжудки, унинг қисмати ҳақида жиддий қайғурадиган вақт келди. Бу тилларнинг ҳар бири — она тилимиз «Орол»ига муттасил қўйилиб келган лисоний наҳр. Кўптилилилар мобайнида халқимизнинг маданий равнақини таъминлаб келган. Шу фазилат эвазига ўзбек, форс, тоҷик, араб тилларида бой илмий-маданий меросимиз яратилган. Лекин яқин ўт-

мишдаги негатив муносабатлар туфайли зуллисонайнликнинг бундай кўришларидан ажралаётдик. Оқибатда, бир маҳаллар халқимиз эркин гаплашган ва ижод қилган форс, араб тилларини чет тили сифатида ўргана бошладик. Мазкур тилларда ижод қилиш нари турсин, мавжуд маданий мерос намуналарини ўқиб ўрганишга қийналаётимиз. Наслдан наслга ўтмагач, китобдан ўрганилган тил — туфма ақл эмас, туртма ақлдай гап-да. Кўпгина туманларда яшаётган араблар ва тоҷиклар она тилларини унтиб юбордилар ёки унтиш арафасида турибдилар. Эндиликда табиат муҳофазаси каби, мамлакатимиздаги ҳар бир тилни асраб қолиш чораларини кўриш — ватанпарварлик ва байналмилал бурчимиз.

## ТИРИЛИШГА ТАШНА АНЬАНА

Ўзбек мумтоз адабиётининг энг гўзал анъаналаридан бири зуллисонайнлик санъатидир. Туркийзабон халқимизнинг азалдан форсигўй эллар билан кўшничилик ва қариндошлиқ муносабатларида бўлиши унинг маданий-адабий ҳаётига ҳам ижобий таъсир ўтказган. Энг улуғ мумтоз шоирларимиз — Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Бобораҳим Машраб, Увайсий, Нодира, Мунис, Огаҳий, Баёнийлар ўзбек ва форс тилларида бирдай маҳорат билан қалам тебратгандар. Булар, албатта, минг йиллик ўзбек адабиёти тарихидаги зуллисонайнлик анъанаси силсиласининг алоҳида босқичларига мансуб улкан ижодкорлардир. Улар билан замондош барча шоирларни ҳисобга оладиган бўлсак, умуман, форсий тилда асар ёзмаган адабни топиш қийинроқ.

Зуллисонайнлик анъанаси ҳеч бир даврда миллий адабиётлар равнақига тўсиқ бўлмаган. Аксинча, ҳамиша уларнинг лисоний ранг-баранглиги, услубан пурсайқаллиги, фоявий мазмундорлиги ривожини таъминлаб келган.

Ҳаттоқи, ўзбек адабий тилини амалий ҳамда назарий жиҳатдан асослаган Алишер Навоий ҳам зуллисонайнлик маҳоратини юксак чўққига кўтарган ва «Хазойин ул-маоний» лирик куллиёти билан бирга машхур «Девони Фоний»сини яратган эди. У форсий ва туркий тил мунозарасига бағишиланган «Муҳокамат ул-лугатайн» асарида она тилини муҳофаза қилар, унинг чексиз ички имкониятларини намойиш

этар экан, асло адабиётда миллий маҳдудликка даъват этмайди.

Зуллисонайнилик анъанасида она тилига муносабат жуда муҳим масаладир. Навойигача жаҳоншумул шуҳрат ва аҳамиятга эга бўлган форс-тоҷик мумтоз адабиёти майдонга келган эди. Бу адабиётнинг бадиий тасвир тамойиллари, услуб ва усуслари, ижодий методи ҳам шаклланиб улгурган эди. Турк улусининг кўпчилик шоирларига ҳали бадиий имкониятлари етарли даражада қашф этилмаган она тилидан кўра форсий адабиётнинг бу қадар тайёр андозаларидан фойдаланиш ўнғайроқ кўринган. Ўзбек тилининг сўз бойлиги ва маъно ифодалашдаги тенгсиз таровати эса очилмаган қўриқ бўлиб қолаверган.

Оташин ватанпарвар Навойи бундай лоқайдликка қарши исён қўтариб ёзган эди: «Бу алфоз ва иборатда (Навойи ўзбек тилини назарда тутмоқда — Н. Ж.) бу навъ дақоиқ кўпдурким, бу кунга дегинча ҳеч киши ҳақиқатига мулоҳаза қилмоғон жиҳатдин бу яшурун қолубдур. Ва ҳунарсиз туркнинг ситамзариф йигитлари осонликқа бўла форсий алфоз била назм айтурға машғул бўлубтурлар. Ва, филҳақиқат, агар киши яхши мулоҳаза ва тааммул қилса, чун бу лафзда мунча вусъат ва майдонида мунча фусҳат топилур, керакким мунда ҳар навъ сухангузорлиғ ва фасиҳгуторлиғ ва назмзорлиғ ва фасонапардозлиғ осонроқ бўлгай ва воқеъ осонроқдур»<sup>1</sup>. Улуғ шоир «туркнинг ситамзариф йигитларини» танқид қиласа экан, бу билан уларни фақатгина туркий тилда ижод этишга эмас, балки аввало, она тили ва ўз миллий адабиётларини ривожлантиришга чорлайдики, бу ҳар бир ижодкорнинг ватанпарварлик бурчидир: «Андин сўнграким, турк тилининг жомеияти мунча далойил била собит бўлди, керак эрдиким, бу халқ орасидин пайдо бўлғон табъ аҳли салоҳият ва табъларин ўз тиллари турғоч, ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва ишга буюрмасалар эрди». Навойи бу ўринда ўзга тилда ижод қилишни ман этмайди. Ўз она тилларини эътиборсиз қолдириб, фақат бошқа тилларда ижод қилишларидан куонади. «Ва агар иккаласи тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди». Ўзбек-форс зуллисонайнилиги тарихига назар ташласак, бу анъана Навойининг мазкур истаги,

<sup>1</sup> Алишер Навойи. Асрлар. XIV том, Муҳокамат ул-лугатайн, 117-118-бет.

талаби мезонлари асосида ривожлангандек кўринади. Ўтмиш адабиётимиздаги зуллисонайнлик салоҳияти соҳиблари адабий меросининг асосий катта қисми она тилида, озроқ қисми эса форс тилида яратилган. Етук зуллисонайн Алишер Навойининг ўз амалий тажрибасига мурожаат қиласиган бўлсак, ўзбек тилида битилган улкан лирик қомус — «Ҳазойин ул-маоний» билан форсий «Девони Фоний»ни қиёслаш кифоя. Навойининг бошқа асарлари таркибидаги форсий шеърлар йиғилиб келганида ҳам, «Ҳазойин ул-маоний»нинг ярмига teng келмайди.

Юқорида номлари келтирилган улуг зуллисонайн шоирлар ҳам форс тилида маҳсус йирик асарлар бунёд этишнӣ ўз олдиларига адабий мақсад қилиб қўймаганлар. Форс тилини бирламчи ижодий имконият деб ҳисобламаганлар. Уларда зуллисонайнлик анъанасига сунъий равишда ёндашиш, форс тилида номигагина асарлар ёзиш майли ҳам бўлмаган. Зуллисонайнлик анъанаси улар учун ижодий мусобақа майдонига айланган, шунда она тиллари билан бирга форсий тилда ҳам нафис, мазмундор асарлар яратиш соҳасида истеъдод ва маҳоратларини намойиш этганлар. Демак, ўзбек-форс зуллисонайнлиги анъанаси ривожида Навойининг «ӯз тиллари била кўпрак... ва яна бир тил била озроқ айтиш талаби» адабий қонуниятга айланган.

Навойи мазкур табъий тамойилини давом эттириб, айтади: «Ва агар муболага қилсалар, иккаласи тил била teng айтсалар эрди». Бу энди орзуланган даражадаги зуллисонайнлик салоҳияти. Ҳар ҳолда, ўзбек-форс зуллисонайнлиги тарихида ҳам бадиий савия, ҳам ҳажм эътибори билан «иккаласи тил била teng» айтган истеъдод эгаси учрамайди.

Бизнинг адабиётимизнинг катта баҳти ва ифтихори шундаки, ўзбек-форс зуллисонайнлиги анъанаси ютуқлари форс-ўзбек зуллисонайнлиги анъанаси ютуқларидан жуда устун туради. Адабиёт тарихи ўзбек тилида Навойининг «Девони Фоний» сичалик бадиий мажмуя яратган форсий забон адибни билмайди.

Кейинги юз йил мобайнида мағкура ва сиёсат тазиёки таъсирида адабиётимиздаги қадимий зуллисонайнлик анъанаси барҳам топишига оз қолди. Ўзбек ва форс тилларида баравар сўзлашувчи адибларимиз форсий тилда ёзмай ёки ёзолмай қолдилар. Айни кунда зуллисонайнлик анъанаси тирилишга ташна. Ўзбек

ва форс тилларидан ҳамоҳанг қалам тебрататётган навқи-  
рон адибларимиз пайдо бўла бошлади. Айниқса, 80-  
йиллар шеъриятида бу ҳол яққол кўзга ташланди.  
Умидвормизки, яқин келажакда зуллисонайнилик маҳ-  
сулдор анъана сифатида яна оёққа туражак ва ушбу  
ҳаётбахш чашмадан халқларимиз баравар баҳра топа-  
жаклар.

## «ФАЛАТИ МАШХУР»НИ КЎПАЙТИРМАЙЛИК

«Фалати машхур» ибораси анчайин машхур эса-да, уни баъзи кишилар биринчи бор учратаётган бўлишла-  
ри мумкин. Шунинг учун гапни иборанинг маъносини изоҳлашдан бошладик. Ибора таркибидаги «фалат» сў-  
зи «хато», «нуқсонли» маъноларини англатади. Сўз охиридаги «и» форсий изофадир. «Фалати машхур» де-  
ганда, кенг ёйилиб, оммалашиб, машхур бўлиб кетган янглиш ном, нарса ё тушунчалар англашилади. Нотўғ-  
ри шаклга кирган, бузилган бундай ном ва тушунчалар шу қадар машхурлашиб кетиб қоладики, неча қайта илмий исботлар орқали ҳам уларнинг аслиятини тик-  
лаш, омма онгига ўрнашган нуқсонли шаклини ислоҳ этиш душвор кечади. Фалати машхур — машхур хато-  
лар гўё давлат идоралари тасдифидан ўтиб, расмий ху-  
куқий мақом олгандек, жамоатчилик тасаввурнида ал-  
дамчи таассурот туғдиради. Шунинг таъсирида уларни тузатишга журъат ва қатъият топилмайди.

Алишер Навоий таҳаллусининг «Навоий» шакли ана шундай фалати машхурларнинг яққол мисоли. Уни тузатиш нақадар мушкул кечаёттанидан жамоатчилик, боҳабар. Бундай машхур хатоларни кўплаб келтириш мумкин. Бу ўринда гап, уларни тузатиш шунчалар қийин экан, эндиликда кўпайтиришдан сақланиш ху-  
сусида.

Она тилимиз давлат мақомига эришгач, адабий, ба-  
дий, мақоланавислик услубларида лисоний излашиш-  
лар қизгин тус олди. Бу борада ижобий ютуқлар билан биргаликда, янги нуқсонларни келтириб чиқараётган, фалати машхурни кўпайтираётган тажрибалар ҳам бор. Бир неча йил муқаддам, Ўш фожиаси ловуллаган замонда шоир Шавкат Раҳмон «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтномасида «Мафия» сарлавҳали мақола эълон этди. У давр мақоланавислигининг энг ўтқир ва улкан ютуғи сифатида баҳоланди. Мақоланинг ўзига хос хусусияти шу эдик, муаллиф унда бадиий санъат

кўллаган, сарлавҳада сўз ўйини яратган эди. Сарлавҳадаги «Мафия» сўзининг «а», «ф» ҳарфлари орасига, гўё тузатилгандек, «х» ҳарфи жойлаштирилган, натижада, айни ўриннинг ўзида сарлавҳанинг «Махфия» шакли ҳам мужассамлашган. Ушбу усул шундай бадиий кўпмъянилкка хизмат қилган эди-ки, «Мафия»дан мақолада жиноий гуруҳ фош этилаётгани англашилса, «Махфия» жиноий тўданинг махфий фаолияти ошкор этилаётганидан далолат берарди: «M A X F I Я». Турган гапки, бу топилма санъат кўпчиликни мафтун этди. Баъзилар тақлидчилик билан уни тақрорлашга ружуъ кўйдилар. Бироқ санъат бетакрорлиги билан гўзал, уни ҳуда-бехуда тақрорлайвериш сийқалаштиришга олиб боради. Шундай бўлди ҳам, аммо гап бунда эмас. Гап шундаки, талай муштариylар санъатни тушунмадилар ёхуд ногўри тушундилар. Уларда «Мафия» сўзининг ўзбекчаси «махфия» бўлар экан, деган ғалат тасаввур пайдо бўлди. Оқибатда, қаерда жиноий гуруҳлар тўғрисида мақола чиқса, у ерда «мафия»ни «махфия» деб ёзиш расмий тус олди. Муштариylар-ку майли-я, муҳарриру мусаҳҳиҳлар ҳам янги ғалати машҳур вужудга келишига доя бўлдилар. Кейинчалик «Махфия»нинг «х»сига дум қўйиб, «Махфия» деб ёзиш ғалати машҳурнинг «олий» намунасига айланди. Биргина мисолни «Халқ сўзи» рўзномасида эълон қилинган «Махфия» ҳам иш бермади» сарлавҳали мақолада кўриш мумкин. Унда қайта-қайта кўлланган «махфия» сўзи ўқувчини чалғитишдан бўлак бирор вазифа баҳармайди. Хайриятки, ушбу ғалати машҳур калта қайтди, унинг умри узоқ давом этмади.

Жамоатчиликда шундай ғалати феъл борки, баъзан бир одам жон куйдириб муайян хатони тузатишга саъй-ҳаракат қилиса, уни яқдиллик билан қўллаб-куватламайди, баъзан эса бошқа бирорнинг бир оғиз сўзи билан тўғри нарсани ёппасига хатога айлантириб юборади. Баҳовуддин Нақшбанднинг таваллуд тўйи мұнисабати билан бошланган мақоланависликда бир доңишманд пешқадамлик қилиб, мўътабар матбуот саҳифаларидан бирида: «Нақшбанднинг номи уч хилда — Баҳовуддин, Баҳоваддин, Баҳоуддин — ёзилиб келинмоқда. Энди бунга чек қўйиш керак. Асли, Баҳоуддин ёзилиши тўғри, ҳамма жойда шундай ёзилса», деган фикрни илгари сурди. Шундан ҳамма нашрлар, ҳеч бир мулоҳаза қилиб ўтиrmай, Баҳоуддин ёзға бошлиди. Энди бир ўйлаб кўрайлик. Тўғри, араб тили нуқ-

так назаридан Баҳоуддин ёзилади. Лекин биз ўзбеклармиз ва ҳозирги ўзбек тилида сўзлашамиз. Ўзбек тилининг талаффуз қонуниятларини ҳисобга олмаймизми? Ахир, икки унлини ёнма-ён (оу) айтиш ўзбек тилининг талаффуз табиатига тўғри келмайди. Ўзбекни Баҳоуддин дейишга мажбур этиш тилда китобийлик ва сунъийлик касалини қўзғатади. Шунинг учун халқимиз табиий равишда икки унли ўргасига «в» ундошини қўшиб, Зиёвуддин, Оловуддин сингари, Баҳовуддин дейишга одатланган. Арабий сўзнинг маъно ва оҳангани бузмас экан, халқчил талаффузга таянган маъкул.

Улуғ мутасаввуф файласуф Баҳовуддин Нақшбанд таълимотидаги «Дил ба ёру даст ба кор» фояси ҳозирги замон ўзбек мағкурасининг асосий шиорларидан бирiga айланиб бормоқда. Бу фахрли ва қувонарли ҳолдир. Лекин ушбу ҳикматни-да худа-бехуда ишлатавериш, қадрсизлантириш инсофдан эмас. Бунга ҳам чидаса бўлади. Бироқ ҳикмат маъносини сунистехнологияни қилишдек гуноҳ. «Туркистон» рӯзномасининг 1993 йил 17 июль сонидаги «Аросат сабоги» мақоласида шундай жумлани ўқиймиз: «Албатта, ҳар бир мусулмон оиласида асрлар давомида қарор топган Баҳовуддин Нақшбанднинг «Даст ба кору, дил ба ёр» тариқати муқаддас ислом илми алифбосини тез ўзлаштиришимида кўл келади». Моҳиятган, маърифатпарварлик руҳида ёзилган (бу ютуғимиз, албатта) ушбу жумла бир неча маърифатсизлик кусурларига эга: 1. Жумла услубан фализ тузилган. Таҳиррга муҳтож. 2. «Дил ба ёру даст ба кор» фояси фақат Баҳовуддин Нақшбандга нисбат берилиши тўғри эмас. У бутун бошли нақшбандийлик таълимотига тааллукли. 3. Ушбу ҳикматни тариқат деб аташ ҳам хато. Тариқат — йўл, маслак, мазҳаб каби кенг тушунча. 4. Ҳикмат шакли терс ўтириб кўлланган.

Яқиндан бери Бухородаги Тиллақори масжидини матбуотда «Тиллақори» шаклида фалат ёзиш урф бўлди. Бу ҳам газетхонларда иморатни Тиллақори исмли киши қурган ё иморат Тиллақори исмли кишига бағишлиаб курилган, деган ёлғон тасаввур ҳосил қиласди. Ҳолбуки, Тиллақори — «тилла» (олтин) ва «кор» (иш) сўзларидан тузилган бўлиб, иморат тилла мoddаси ишлатиб курилганлигини билдиради.

Хунармандлик авж олганидан буён матбуотда «ги-

ламбоб», «гиламдўзлик» сўзлари учрайдиган бўлиб қолди. «Гиламдўзлик»даги «дўз» форс-тожикча «дўхтан» — «тикмоқ» феълининг ҳозирги замон ўзагидир. Гилам бўлса тикилмайди, тўқилади. «Тўқимоқ» феълининг форс-тожикчаси «боғидан» бўлиб, унинг ҳозирги замон ўзаги «боб» эмас, — «боғ», демак, сўзнинг тўғри — саҳиҳ шакли «гиламбоғ» ёзилмоғи жоиздир.

Азиз биродарлар, она тилимиз қайта тикланётган, тозараётган бир замонда, бор фалати машхурларни тузатолмаётган шароитимизда тил бойликлари нафосатига эҳтиёткорлик, инсоний фаросат билан ёндашайлик. Давлат тили нуфузини фалати машхурлар нуқсидан муҳофаза этайлик.

## САВОДХОНЛИК САРИ БИР ҚАДАМ

Сарлавҳани ўқишингиз биланоқ, кўнглингиздан «бизда саводсизлик аллақачон тутатилган, халқимиз ёппасига саводхонликка эришган-ку», — деган фикр кечиши табиий. Эътирозингиз ўринли. Бироқ эътиросимизни жиловлаб туриб, ўйлаб кўрайлик. Тил, услуб ва имломизда шундай чалкашликлар борки, улар ҳанузгача тугал саводхон бўлишимизга монелик қилаёттир. Бу — умумий аҳвол. Хусусий ҳолларда эса ҳар биримиз она тилимиздаги беш-үн сўз ва иборани тўғри ёзолмас, уларнинг маъноларини билмас эканмиз, мукаммал даражадаги саводхонлик ҳақида даъво қилмасак ҳам бўлади. Аммо ўша мукаммалликка эришиш мумкинми? Инсон умрининг сўнгги соатларигача маънавий жиҳатдан тақомиллашиб боради. Саводхонлик ҳам маънавий қиёфанинг бир қирраси. Демак, эзгуликнинг кечи йўқ.

Ҳозир, айниқса, саводхонлик ҳақида ўйлайдиган замон келди. Чунки, бир ёқдан, лотин алифбосига асосланган янги ўзбек имлосига ўтмоқдамиз. Йиккичи ёқдан, кўпчилик ёшлиар ўзини бозорга уриб, савод ўрганишдан орқада қолиб кетмоқда. Учинчи томондан, «Давлат тили ҳақида»ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш муносабати билан кечаётган изланиш ва ислоҳотларнинг ҳам саводхонликка қайтарздадир таъсири бўлади. Булар олдинда ялпі саводсизлик бўхрони борлигидан далолат беради. Мақсад саводхон халқимизни ана шу саводсизлик бўхронидан эсон-омон олиб ўтишдир. Бунинг учун тилшунос олимларимиз, кенг доираадаги зиёлиларимиз, ақлий

салоҳият соҳиблари саводхонлик масалаларига катта кўч сафарбар этишлари лозим.

«Сўз — тарих», дейди донишмандлар. Ҳақиқатан, тил тарихини билиш халқ тарихини ўрганишни тақозо қиласди. Тилга лоқайдлик халқ тарихига эътиборсизликдан келиб чиқади. Она тилимизнинг унугилган имкониятларини янгидан инкишоф этиш, таомилдан қолиб кетган асиљ сўзларини тиклаш, фаоллаштириш ҳам халқ маданияти тарихини теран идрок этишни талаб этади.

XIV аср ўзбек адаби Носир Рабгузийнинг Наврӯз тасвирига бағишиланган ғазалидаги мана бу байтга эътибор беринг:

Кўкда турлаб қўл солишур қуғу, қоз, қил, қарлуғоч,  
Ерда югруб кафт олишур тош, тийн, кеш, қундузи.

Дастлаб номлари тушунарсиз жониворлар диққатимизни тортади. Зотан, уларни билмай байт мазмунини англашимиз қийин. Луғатлардан аниқлаб олиш мумкинки, қуғу — оққуш, қоз — ғоз, қил — қилқуйруқ, қарлуғоч — қалдирғоч; тош — тошбақа, тийн — олмахон, кеш — сувсар, қундуз — ҳозир ҳам қундуз деб аталувчи мўйнали жонивор. Демак, ғазал ҳозирда камайиб кетган турли парранда, жониворларнинг қадими ҳаёти ва номи билан ҳам бизни таништиради. Байтда осмон манзари — оққуш, ғоз, қилқуйруқ, қалдирғочларнинг чарх уриб парвоз қилиши; ер манзари — тошбақа, олмахон, сувсар, қундузларнинг кафтма-кафт тўқнашуви, олишуви уйғун тасвириланган. Ички қофия тарзида қўлланган «қўл солишур», «кафт олишур» иборалари жониворларнинг ўчоги тор қишидан чиқиб, Наврӯз маҳфилида бағри кенг табиат кўйнида жамулжам бўлиб кўришишлари, эллашишларини ифодалашга хизмат қилган. Ҳозирги пул бирлигимиз — тийин олмахоннинг қадими номи экани, минг йил бурунги аждодларимиз овчилик билан шугуллангани, олмахон каби мўйнали ҳайвонлар териси савдо-сотиқда улар учун ҳам пул бирлиги вазифасини бажарганидан (бир олмахон териси — бир тийин, ўн олмахон териси — ўн тийин ва ҳ. к.) далолат беради.

Ҳозирги ўзбек «кирпич» сўзи ўрнида асосан «ғишт» сўзини қўллади ва «кирпич»ни бошқа тилдан кириб келган сўз деб тушунади. Аслида, «ғишт» бошқа тилдан кириб келган, «кирпич» эса қадим туркий сўздир.

«Кирпич» ўрта асрларда ҳатто бадиий сўз қатламидан ўрин олган. Алишер Навойининг шарқона фалсафий фикр билан йўғирилган мана бу байтини кўздан кечиринг:

Майхонада ҳар сори бир мастки бош қўймиш,  
Кирпичлари гўёким жонларга ватанлардур.

Ушбу байт заминида «Инсон — тупроқдан яралган ва у бир кун яна тупроққа, яъни Ватанга айланади», деган фалсафий ақида ётади. Шу фалсафий асосга таяниб Навойи майхонанинг ҳар фишти бир ошиқ жонига маскан эканлигини, ҳар кирпич қачонлардир яшаб ўтган «майхораву бебок» ошиқ жонидан яралганини тасвирлашга эришган. Тақдирнинг тақозосини қарангки, ҳозирги адабий тилимизда «кирпич» сўзи йўқ. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ҳам «фишт» сўзига ўрин берилган-у, «кирпич» сўзи эътиборга олинмаган. Чунки у классикларга суюниш принципида яратилмаган. Унда ўзбек шевалари хусусиятлари ҳам ҳисобга олинмаган. «Кирпич» сўзи Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида «кирпичлигича, Хоразм вилоятида (эҳтимол, бошқа шеваларда ҳам) эса «карвич» шаклида ҳамон кўлланади. Бундай сўзлар жуда кўп. Уларни адабий тилда лоқал маънодошлари билан баробар қўллаш она тилимиз имкониятларини бойитади.

Донишмандларнинг «сўз — тарих» деганларида бошқа бир ҳикмат ҳам мужассам. Сўз ҳалқнинг тарихий кечмиши ва фожиаларини ўзида акс эттириб яшайди. Маҳв этишнинг событ усули — ҳалқни дин ва тилдан айриш эди. Бугунги адабий тилимиз таркибининг катта қисмини ташкил этувчи адабий сўзлар ҳалқ тарихидаги мудҳиш босқинларни эслатади. Улар она тилимизнинг қон-қонига шу қадар сингиб кетганки, кўп тушунчаларни уларсиз ифодалашга ожизмиз. Бу — ҳалқнинг тилига таъсир ўтказиш, чиндан ҳам, «маҳв этишнинг событ усули» эканлигини тасдиқлади. Аммо эндиликда она тилимиз хазинасидаги тенг ҳукуқли сўзлар сафидан ўзга тилдан кирган сўзларни бутунлай чиқариб ташлай олмаймиз. Бу яхлит она тили вужудининг бирор аъзосини кесиб ташлаб, уни жароҳатлаш билан баробар бўлур эди. Бироқ чет сўзларидан тўғри фойдаланиш, нотўғри кўлланилаётганини ислоҳ этиш истиқдол мафкурасининг нутқ маданиятидаги ўзига хос кўриниши бўлади.

Нутқ маданиятимизни янгилашнинг муҳим омилларидан бири атама ва истилоҳларга ижобий муносабатни шакллантиришдир. Турли даврлар тақозосига кўра, кўпгина истилоҳлар тилимизга механик равишда ўзлашган, яъни ҳеч бир ижодий ёндашувсиз таомилга киритилган. Баъзи терминларнинг таржимасига ҳам эътиборсиз қаралган ва нотўғри ўгирилган. Шулардан бири «техника хавфсизлиги» истилоҳидир. У русча «техника безопасности» терминининг таржимасидир. Бу таржиманинг муваффақиятсиз чиққани ва узоқ йиллар мобайнида хатолигича қўлланиб келаётгани ҳақида телетомошибинлардан бири «Тилга эътибор — элга эътибор» кўрсатувига мактуб йўллади. У бу истилоҳ Туркманистонда «хавфсизлик техникаси» тарзида қўлланаётганидан хабар беради. Ҳақиқатан, «техниканинг хавфсизлиги» дейишдан бир маъно чиқмайди. Аслида, «техника безопасности»нинг тўғри таржимаси «хавфсизлик техникаси» ўзимизда ҳам мавжуд. Қаранг: Русча-ўзбекча лугат, II жилд, 567-бет. Аммо, негадир, «техника хавфсизлиги» истилоҳини беихтиёр қўллайвемиз. Ахир, лугат ким ва нима учун яратилган? Мантиқсиз истилоҳларни ислоҳ этиш, янги ва тўғриларини муттасил таомилга киргиза бориш замон талаби. Бунда Фанлар академияси қошида ташкил этилган Терминология комиссияси фаоллик кўрсатиши лозим.

Номлаш ҳам ҳалқ маданияти даражасини белгилайди. Ислам кишининг кўмлигини, қандай ҳалқ ва кишиларнинг фарзанди эканлигини, ота-онасининг табиати, дунёқарashi, орзу-армонларини ифодалайди. Она тилига эътиборсизлик туфайли юзлаб исмлар мазмундорлигини, оҳанг сайқалдорлигини йўқотди. Бир ўзбек аёlinи Римма Романовна деб чақиришаркан. У кўп миллатли оиланинг фарзанди деб фараз қиласиз? Йўқ, ота-онаси ўзбек, асли оти Раҳима, отасининг оти Раҳмон бўлиб, Раҳима Раҳмоновна деб ёзилиши керак экан. Исмлар ўзаро муомалада «Рейима», «Рима», «Рамон», «Роман» деб юритилиб, ҳужжатга Римма Романовна бўлиб ўтган. Кўп исмларимиз шундай нохуш жараённи бошидан кечиради. Аввал жонли тилда минг кўйга солиб айтилавериб бузилади, сўнг гувоҳнома ва паспорт ёзадиган кишилар томонидан қонунийлаштирилади. Энди темир қонун муҳофазасига ўтган саводсизликни тузатишга ҳаракат қилиб кўрингчи! Афсуски, совет паспортлари ўзбек миллий паспортларига алмаштирилиши жараённида ҳам кўп фамилияларимиз ту-

затилмади. Ном — номус эканлигига эътибор берилмади. Бундай ҳолларга ота-она, фарзандлар, ўқитувчию тарбиячилар, исмларни қонунийлаштирувчи адлия ходимлари — бутун жамоатчилик айбдор, бинобарин, хатоларга барҳам бериш ҳам унинг измида.

Бир маҳаллар «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида «Жажжи тадқиқотлар» рукни бор эди. Ана шу руknни тиклаш ёхуд шунга ўхшаш янги руknни очиш фойдали иш бўларди. Биз шу мақсадни кўзлаб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1986 йил, июль ойининг 18 кунидаги сонида босилган «Саводхонлик мезони» сарлавҳали мақоламида қуидаги таклифни ўртага ташлагандик: «Филолог олимларимиз оммавий матбуотда жажжи-жажжи мақолалар билан чиқиб, бир мақолада лоақал бир муаммони ҳал қилиб берсалар, саводхонлик сари яна бир қадам қўйилган бўларди». Орадан ўн йилдан ортиқ вақт ўтди. Аммо бу таклиф на инкор этилди, на тасдиқланди, на амалий ривож олди. Ушбу мақоламиз ўша таклифни амалга ошириш, айтилган тарздаги руknни давом эттиришга уриниш бўлиб, айрим сўзлар ҳақида юқорида фикрлашдик, яна бир неча сўзнинг маъно ва имлосини жажжи мақолачаларда ёритишга ҳаракат қиласиз. Сўзаро бу турдаги мақолаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам айтиб ўтайлик. Уларда тил ва адабиётга, ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий, маърифий масалаларга оид сўз, ибора, атама, образ, тушунча, истилоҳлар инкишоф этилмоғи керак. Руkn фан, турмуш, санъатнинг барча соҳаларини қамраб олса, янада яхши бўларди. Мақолаларнинг ҳажми ҳам қўйилган муаммо сингари ихчам бўлгани маъқул. Мақоланинг ўзига ярашиқ сарлавҳа топилса, яхши. Бўлмаса, сарлавҳасиз ҳам руkn номи остида чоп этавериш мумкин. Мактаб партасидаги ўқувчидан тортиб улуғ олимларгача ўз мақолалари билан қатнашсалар, руkn она тили, саводхонлик ва нутқ маданияти учун чинакам жонкуярлик намунасига айланарди.

Энди айрим сўзларнинг маъноси ҳақидаги мулоҳазаларни билдириб ўтмоқчимиз.

## МАЖБУРИЯТ

Мустамлака йилларида ўзбек халқи милион-миллион тонна мажбурият юкини тортишга мажбур бўлди. Қисматнинг киноясини кўрингки, жабрланиш азалдан

пешонасига битилгандек, «мажбурият» истилоҳи арабий «жабр» сўзи билан ўзакдош экан. Гўё ҳалқ йил оша катта мажбуриятлар қабул қилиб, онгли равишида ўзини жабрлаб келган. «Ўзбек тилининг изоҳли лӯғати»да «мажбурият» истилоҳига қўйидагича изоҳ берилган: «Меҳнат аҳлларининг бирор ишни бажариш учун берган қатъий ваъдаси» (I жилд, 440-бет). Бирор ишни бажариш ёхуд уддалаш ҳақидаги ваъдани ўзбек тилида, наҳотки, «мажбурийлик» ва «жабр» маъноларидан холи бирор сўз билан ифодалаб бўлмади?! Шундай истилоҳни, албатта, топиш, бўлмаса, яратиш зарур.

Қардош ҳалқлар истилоҳотига бир назар ташлаб, ақалли, улардан ўрнак олайлик. «Объязательство» терминини қорақалпоқлар «мийнеттеме», қозоқлар «миндедтеме», қирғизлар «милдетенме» сўzlари билан ифодалайдилар. Туркийзабон бу қардошлар истилоҳ яратишида «меҳнат» сўзининг «меҳнатлама» — ишламоқ шаклидан фойдалангандар. Бу терминлар «мажбурият»га нисбатан дуруст, аммо улар ҳам аслиятдан узокроқ. Истилоҳни ўз тилларига озарбайжонлар «уҳдалик», тоҷиклар эса «уҳдадори» тарзида ўтирганлар («уҳда» ҳозирги ўзбек тилида «удда» шаклида ёзилади). Мана бу — аслиятга яқин. Чунки «объязывать» сўзи қандайдир ишни уддалаш ёки зиммасига олишни англатади. Уддалаш қийин бўлган ишни ваъда қилиш, чиндан ҳам, ўз-ўзини жабрлашдир. Бирор иш масъулиятини бўйнига, зиммасига олган киши уҳдадор бўлади.

Баъзилар болаларга «жабр» сўзидан ясалган «Жобир», «Жаббор» исмларини қўядилар. Бу исмларинг маъноси ҳам «жабрловчи» демакдир. «Жонини жабборга бермоқ» иборасидаги «жаббор» ҳам шундай маънога эга. Наҳот, ота-оналар билиб-бильмай, ўз фарзандлари бошқа кишиларга жабр-зулм етказишини хоҳласалар. Бундай исмларни бадиий адабиётда Навоидаги қароқчи Жобир сингари қўллаш мумкин, лекин фарзандни номлашда улардан сақланган маъқул.

## ХАЙРИХОҲ

«Хайриҳоҳ» — ийсоннинг яхшиликка мойиллик, некбинлик каби фазилатларини ифодаловчи сўз. У «Ўзбек тилининг имло лугати»да «хайриҳоҳ» ёзилган. Матбуотда эса, кўпинча, «Ўзбек тилининг изоҳли лӯғати»дагидек (II жилд, 312-бет) «хайриҳоҳ» тарзида қўл-

ланаетир. Асли, «хайрихоҳ» араб тилидан олинган «хайр» — эзгулик ва форс тилидан олинган «хоҳ» — «истамоқ» феълиниң ҳозирги замон ўзагидан ясалган қўшма сўздир. Хайр — хоҳ — эзгулик истовчи демакдир. Бир қарашда, «хайр» ва «хоҳ» орасига ортиқча «и» кўшиб ёзишга мутлақо эҳтиёж йўқдек. Лекин ўзбек тилиниң талаффуз табиатида ёнма-ён келган икки ундош орасига бир унли товуш қўшиш қоидаси бор. Шу туфайли сўз «хайрихоҳ» шаклида ёзилиши маъқул.

## ҚАТЫИ НАЗАР

«Қатыи назар» бирикмаси тилимизда кўмакчи вазифасини бажаради. «Ўзбек тилиниң изоҳли лугати»да бунга яхши изоҳ ҳамда мисол берилган, бироқ бу лексик бирлик «қатыназар» тарзида хато ёзилган (II жилд, 564-бет). Аслида, у «Ўзбек тилиниң имло лугати»дагидек «қатыи назар» шаклида ажратиб ёзилади. Чунки у қўшма сўз эмас, балки қаратқич-қаралмиш муносабатидаги сўз бирикмасидир. Арабча «қатъ» — кесмоқ, узмоқ, қисқартироқ маъноларини билдиради. «Назар» эса, кўпчиликка аёнки, нигоҳни, қарашни англатади. Бу иккала сўз бирикиб, тўсиқсизликни (-га қарамай) ифодалайди. Иккала сўзни ёзувда қаратқич-қаралмиш муносабатлари ифодачиси — «и» (изофа) ажратиб туради. Талаффузда ҳам уларни изофадан кейинги пауза ажратади. «Қатыи назар» амалиётда «қатъий назар» шаклида ҳам хато ёзилади. «Қатыи назар»даги «қатъ» «қатъий» сўзидан маънова вазифаси жиҳатидан буткул фарқ қиласи. «Қатъий» мустақил сўз бўлиб, сифат туркумига мансуб. У инсон табиатидаги белги — қатъиятни билдиради.

## «ҚЎЛНИ БЕРСАНГ, ШОНАНГНИ ҚАЙИРАДИ»

Халқ нутқида шундай иборалар борки, улар жуда ихчам шаклда инсон характерини ифодалайди. Улар она тилимиз хазинасининг фойдаланилмай келаётган олтин захирасини ташкил этади. Мана, ҳаётий бир мисол. Даврада бир киши ҳақида суҳбат кетарди. Суҳбатдошлардан бири уни мақтаб гапирди. Иккинчиси эса эътиroz билдириб, деди: «У шунаقا одамки, ассалому алайкум деб, қўлингнинг учини берсанг, қўлтиғингача суғуриб олади». «Кўлингнинг учини берсанг, қўлтиғингача суғуриб олади» ибораси олғир, манфаатпараст одам қиёфасини акс эттиради. Шундай кишилар бўлади-

ки, уларга одамгарчилик, ҳиммат юзасидан бирор манфаат етказсангиз, у сизга яхшилик билан жавоб қайта-ришни ўйламайди, балки сиздан кўраётган фойдасига ружу қўяди. Сиз кўрсатаётган саҳоватни ўзининг қонуний ҳаққи деб қабул қиласди ва сиздан чексиз даражада манфаатдор бўлишни тана қиласди. Ундаги бу фойда-хўрлик яхшилик қилган кишининг зарар кўриши, ҳатто, емирилиши, «синиши»гача етиб боради. Бу ҳаётда учраб турадиган тоифа — типнинг хос белгисидир. Бундай кишиларга нисбатан мазкур иборанинг маъно-доши — «қўлингни берсанг, шонангни қайиради» ибо-раси ҳам қўлланади. Иккала ибора ҳам бухороликлар нутқидан олинган. Бу каби иборалардан бадиий ада-биётда фойдаланиш бадиий тилнинг халқчиллиги, их-чамлиги, мазмунан салмоқдорлиги, услубий сайқал-дорлигини таъминлади.

## САРВ

«Сарв» мумтоз адабиётимизда катта бадиий хизматни бажарадиган сўзлардан. Одатда, адабий асарларда қўлланадиган кўп сўзларнинг лугавий маъносини би-лиш мумкин, аммо уларнинг бадиий маъно қирралари-ни илғаб олиш қийин. «Сарв» сўзига келгандэ эса, аҳвол бирмунча бошқачароқ. Биз минглаб шеърларда «сарв» сўзини учратамиз, у ифодалётган маъноларни муайян даражада тасаввур қиласмиз, лекин сарвнинг ўзи қандай дараҳт эканлигини аниқ англай олмаймиз. Бу ўқувчиларнинг саволларида ҳам кўриниб туради: улар «гўзал қизларнинг қадди қомати сарв дараҳтига ўҳшатилишини» билишади, бироқ бу сарв ўсимликлар оламининг қайси бир мўъжизаси эканлиги, бу дараҳт қаерларда ўсйши уларнинг баҳсларига сабаб бўлади. «Сарв» сўзини билиш фақат тил ва адабиётни эмас, табиатни яхшироқ ўрганишни тақозо қиласди. Демак, тилга эътибор — она табиатта эътибор ҳам экан.

Сарв — Жануб мамлакатларида ўсади. «Сарв»нинг форсий сўз эканлиги ҳам шуни тасдиқлайди. Сарв — тўгри, тик ўсадиган, қишин-ёзин кўм-кўк турадиган, ҳиди ёқимли, хушқомат, игна баргли дараҳт. Лекин сарв — арча эмас. Арчанинг «сарв арча» деб номланган, сарвга ўхшаш тик ўсадиган бир тури борки, у бизнинг мамлакатимизда ҳам ўсади. Сарв — узоқ умр кўрадиган дараҳт, унинг бўйи 25 метрга етади. Ёючи жуда мустаҳкам ва қимматбаҳо. Ундан курилиш уску-

наларидан тортиб, жажжи сандиқчалар сингари совға буюмларгача тайёрланади.

Мумтоз адабиётимизда «санавбар», «сапедор» сингари дарахт номлари ҳам бадий тасвир воситалари вазифасини бажаради. Санавбар — қарағайга ўхшаш хүшқомат дарахт. Адабиётда келишган қоматни ифодалағыди. Қызларга қўйиладиган «Санобар» исми шу дарахт номидан олинган. Сапедор — Оқтерак дарахти. Адабиётда кумуш танли гўзал сиймони ифодалайди. Бу сўз Бухоро шевасида ҳозир ҳам «сафеддор» шаклида кўлланади. Бундай тасвирий воситалар ҳақида соатлаб гапириш, алоҳида мақола ва китоблар ёзиш мумкин. Биз имкон доирасида фақат «сарв» сўзини бадий мазмунида сарв дарахтининг табиий хусусиятлари ҳам мужассамлашган асаллар таҳлил этамиз.

Сарв мумтоз адабиётда ташбеҳий тарзда келганида (масалан, «сарвқомат»), гўзал севгилиниң қадди қоматини, истиоравий тарзда келганида (масалан, «сарвим») эса, гўзал севгилиниң ўзини ифодалайди. Мумтоз адабиётимизнинг аъло ютуқлари мужассамлашган Алишер Навоий ижодига мурожаат қиласиз. Навоий бир ғазалида севикли сиймосини табиат билан уйғун равишда тасвирилашга муваффақ бўлади. Уни сарвга ўхшатади, барча ҳаракатлари ҳамда фазилатларини сарв билан қиёслаш жараёнида очади. Сарвнинг кўриниши ҳайрон қараб турган кишини эслатади. Буни шоир сарв Наврўз айёмида жавлон ураётган маъшуқага ҳайрону лол қолди, дея талқин этади:

Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим қилиб жавлон,  
Анинг шайдоси бир дехқон, мунга шайдо бари олам.

Бу байтдан сарв ёввойи эмас, балки муайян мақсадда дехқон парваришлайдиган дарахт эканлигини ҳам тушунамиз. Асалларда учрайдиган «сарвзор» сўзи ҳам ҳозирги «теракзор», «чинорзор»лар сингари, ўтмишда, эҳтимол, курилиш материаллари өлиш ниятида «сарвзор»лар яратилғанидан далолат беради.

Чаман сарви қолиб бебар, менинг сарвим бўлуб дилбар,  
Ани ел айлабон музтар, бу елдин секратиб адҳам.

Ғазалнинг «Ани ел айлабон музтар» ёки «Сабодин, эй, қади раъно, бўлур ҳам сарв гаҳ-гаҳ ҳам» сатрлари

сарв танаси жуда йўғон бўлмагани, у нозик юхол бўлиб, қаттиқ шамолга дош беролмаслигини кўрсатади.

Зулқофиятайн — қўшқофия санъати билан яратилган мана бу байтта эътибор беринг:

Кўнуб ул сарв уза булбул, чекиб гул шавқидин фул-фул,  
Бу сарв узра очилиб гул, анга тердин тушуб шабнам.

Бундан сарв чинор каби ўзидан заҳарли модда чиқармагани, хушбўйлиги учун, унда булбуллар маскан тутишини, «бу сарв узра» гуллар очилишини тасаввур қилиш мумкин.

Сарв «сарвигул» тарзида ҳам кўп ишлатилади. Навойининг севимли ифодаси бўлганидан, сарвигул шоир ҳақидаги халқ ҳикояларига ҳам кўчган. Навойининг тадбиркорлиги ҳақидаги ҳикоятда тасвирланишича, Ҳусайн Бойқаро олис сафарда. Оғир касал ётган суюкли хотини эса ҳаётдан кўз юмади. Бу мусибат хабарини шоҳга етказишга ҳеч ким журъат ва тадбир тополмайди. Сарой аҳли мушкулни ҳал этишни улуғ шоирдан илтимос қиласи. Навоий қофозга бир сатр шеър ёзиб, чолар орқали жўнатади. Мусибат қуидагича ифодаланган эди:

Сарвигулнинг соясинда сўлди гул, нетмоқ керак?

Буни ўқиган шоҳ шоир шундай жавоб ёзиб жўнатади:

Сарвидан тобут ясаб, гулдин кафан этмоқ керак!

Бу ҳикоят халқнинг Навоий сўз санъатига буюк муҳаббати самарасидир.

Сарв сўзи Навоий издошлари, жумладаң, Мунис шеърларида ҳам маҳорат билан кўлланади. Дараҳтнинг оёқ панжалариdek тупроқдан бўргиб чиқиб турган томирларини кўрган бўлсангиз керак. Шу маңзарадан фойдаланиб Мунис маъшуқа қоматини ружуъ санъати воситасида қуидагича тасвирлайди:

Хироми қоматингдиндур хижил сарв,  
Хижил демайки, бўлмиш поя чил сарв.

Маъшуқа қомати дастлаб сарвга қиёс этилади, сўнг шоир бу қиёсидан қайтади, чунки сарв маъшуқадек нозланиб юриш фазилатига эга эмас. Энди шоир

маъшуқа хиромидан сарв хижил эканлигини баён этади. Сўнг бу фикрни ҳам рад этади-да, «маъшуқа қоматининг чиройли ҳаракатланишидан сарв хижолат бўлиб қўя қолмайди, балки оёқлари қирқقا бўлинниб, юролмай қолди», — мазмунида поэтик холоса чиқарди.

Умуман, мумтоз шеъриятда «сарв» сўзининг фаол кўлланиши бадий адабиёт учун ижтимоий ҳаёт сингари, табиат ҳам муҳим манба эканлигини кўрсатади.

## ЛУТФ

«Лутф» ўзбек халқи маънавиятидаги муҳим фазилатларни белгиловчи кўп маъноли сўзлардан биридир. Лутф сўзининг маъно миқёслари биз ўйлагандан кенгроқ. «Лутф» — қуйидаги лугавий маъноларга эга:

1. Лутф — меҳрибонлик, марҳамат, шафқат, олижаноблик. Демак, инсонга меҳрибонлик кўрсатиш, марҳаматли бўлиш, муҳтожларга, ожизларга, заифларга, ҳимоясизларга шафқатли бўлиш ўзбекона лутфнинг илк белгиларидандир. Меҳр-шафқатга ташнадил кишини йўқлаш, ёд этиш, унга хат ёзиш ҳам лутф ҳисобланади. Навоиي бир байтида:

«Не лутф эдики, нома бирла ёд этдинг», дер экан мактуб билан сарафroz этган ёрига мамнуният изҳор этган. Мунисда бундай байт бор:

Ҳажр сахросида зору бекас эрдим, шукрим,  
Рахши алтофин менинг сори сабукбор этти дўст.

Ушбу байтда «лутф» сўзининг «алтоф» — кўплик шакли кўлланган. Унинг маъноси шуки, айрилиқ сахросида зору саргардон, кимсасиз, меҳрга муштоқ лирик қаҳрамон ҳўзурига дўсти лутфу марҳаматлар билан ташриф буюрган ва унинг дардига таскин берган.

2. Сийлов маъноси. Бирорнинг мушқулини осон этмоқ, ҳожатини раво этмоқ, унга тухфа бағишламоқ сийлов демакдир. Навоиي ёзади:

Бу ишдинки, табъим ҳаросон эрур,  
Агар тенгри лутф этса, осон эрур.

Бу байтда «лутф» тангрининг сийлови маъносида кўлланган. Шу маъно асосида Лутфулло деган исмлар

ҳам вужудга келган. Тангри таоло бандасини сийлаб, унга ўғил ато этганида, ота-она суюниб, шукр қилиб, фарзандига Лутфулло деб от кўйган.

3. Нутқ гўзаллиги, нутқнинг дилга яқинлиги ҳам лутф дейилади. Халқда жуда чиройли ва сермазмун гапирган, тингловчининг дилидагини топиб сўзлаган кишига «лутф қилдингиз» ёки «лутф қилдилар» каби иборалар билан изҳори фазл кўрсатилади.

4. Лутф сўзининг маъно қирраларидан яна бири ҳиммат, саховат, таҳсин демакдир. Бунга мисол тарикасида мавлоно Лутфийнинг ёш Алишер Навойига берган баҳосини эслаш мумкин. Навойи:

Оразин ёпқоч, кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш.

матлаъли ғазалини ўқиб берганида, Лутфий шундай лутф этади: «Агар мумкин бўлса эди, мен ўзимнинг форсий ва туркий тилларида айтган ўн-ўн икки минг шеъримни шу бир ғазалга алмашар эдим». Навойининг ушбу ғазали Лутфийнинг лутфиға сазовор ғазал сифатида алоҳида эътиборда туради. Булар — лутф сўзининг лугавий маънолари.

5. «Лутф» — адабиётшуносликда атама — термин сифатида кўлланади. Мумтоз адабиёт бадиияти имида лутф маҳсус бадиий усул — поэтик санъатнинг номидир. Лутф санъатининг ўзига хос хусусиятлари адабиётшунос Ваҳоб Раҳмоновнинг «Шеър санъатлари» кўлланмасида маҳсус ёритилган. Лутф бадииятда муайян сўз ёки сўз бирикмасини икки ва ундан ортиқ маънода қўллаш санъатидир. Тажнис ва иҳом каби, лутф ҳам тилдаги омонимия — сўзниң бир шаклда кўп маънени ифодалаши ҳодисасига асосланади. Лекин лутф иҳом ва тажнисдан фарқланувчи айрича санъатдир. Лутфнинг тажнисдан фарқи шундаки, тажнисли матнда бир шаклдаги сўз бир неча ўринда, турли маъноларда қўлланган бўлади. Лутф қўлланган матнда эса бир шаклдаги кўп маъноли сўз фақат бир ўринда қўлланган бўлади. Лутфнинг иҳомдан фарқланадиган томони шуки, иҳом усулида қўлланган бир маъноси ошкор, бир маъноси яширин сўзниң яширин маъносини кўп китобхонлар сезмай қоладилар. Лутф санъатида эса сўзниң барча маънолари яққол сезилиб, муҳлисни мафтун этиб туради. Лутфга мисол:

Кун тушта кўргали сени тушти заволга,  
Ой тонгға қолди, кеча боқиб ул жамолға.

Ушбу байтнинг «тушта» ва «тонгға» сўзларида лутф усулида сўз ўйини қилинган. Биринчи мисрада лутф воситасида шундай маънолар ифодаланган: 1. Офтоб туш вақти, яъни пешин чоғи, энг юксакка кўтарилган палласида сенинг гўзал ҳуснингни кўришга мұяссар бўлди ва тан бергани, таслим бўлганидан, пастига тушиб кетди. 2. Офтоб сенинг жамолингни соғинганидан, сени тушида кўриш учун, тахтидан тушиб, уйкуга кетди. Демак, «туш» сўзи куннинг ўртаси ва туш кўроқ маъноларини лутфан изҳор этган.

Иккинчи мисрада эса лутф қуидаги маъноларни ифодалашга сафарбар қилинган: 1. Ой кечаси ҳуснингни кўриб, маҳлиё бўлганидан, тонггача осмонда қолиб кетди. 2. Ой тунда жамолингга боқиб, унинг гўзаллигига рақобат қилолмай танг аҳволда қолди.

Шоир Лутфийнинг тахаллуси ҳам назмдаги лутфкорлик истеъдодига асосан танланган.

Лутф асқия санъатига асос бўлган усулдир. Асқиядаги пўртанавор қаҳқаҳалар лутф санъатининг қудратидандир.

Таркибида лутф санъати мужассам ҳикоят ва ривоятлар латиф ҳангомалардан иборат бўлади. Улар латифа деб аталади.

Ўзбек халқининг муомала маданиятида ён-атрофидаги инсонларга лутф илтифот кўрсатиши катта ўрин тутади. Ўзбеклар қадимдан табиатан сертакалтуф халқ. Афсуски, ҳозир илтифотли муомалани унутиб, такаллуғсиз бўлиб боряпмиз. Муомала маданиятимиз камбағаллашиб боряпти. Эндиликда, илтифот сўзларини ёдлаб, ёшларга ўргатиб борсак, савоб иш бўларди.

Маданиятли ўзбек ҳеч қаҷон ишлаб турган одамнинг ёнидан лоқайд, бепарво ўтиб кета олмайди. Шундай ўтиб кетдими, билингки, унда ўзбекона лутф маданияти етмайди. Оғир юқ ташиётган туяга «Ҳайт» деган — мадад экан. Шундан бўлса керак, тарбияли ўзбек фарзанди ишлаб турган одамга «Ҳорманг!» дея мурожаат қиласди. Халқимиз муомала маданиятида ҳар бир мурожаат, савол, хатти-ҳаракатнинг жавоби ишлаб чиқилган. Уларнинг гўзаллиги шундаки, савол-жавоблар айни ўша вазиятга мос. «Ҳорманг!» мурожаатига ишлаб турган одам «Бор бўлинг!» ёки «Саломат бўлинг!» деб жавоб қайтаради. «Ҳорманг!» — «Бор бўлинг!» ҳар

иккала томонни маънан рағбатлантиради, ўзаро яқинлаштиради. Шугина муомаладан баъзи бегона одамлар ошна бўлиб кетишади.

Пахтасини териб ёки дон экинларини ўриб, хирмон кўтараётган деҳқоннинг ёнидан индамай, бепарво ўтиб бўладими? Йўқ. Йўловчи деҳқонга «Хирмонга барака!» ёки «Чошга барака!» дея ҳайқиради. Ҳосилнинг чўгини қувона-қувона чошлиётган деҳқон эса йўловчининг эътиборидан янада руҳланиб кетади ва мамнуният билан «Умрингизга барака!» дея жавоб беради.

Хўш, терлаб-пишиб кир юваётган аёлга нисбатан ҳам шундай илтифот кўрсатиш мумкинми? Албатта-да! Узбек халқининг тил сандигида илтифотнинг бундай намунаси ҳам бор. Кир юваётган аёлга мадад тилямокчи бўлган одам унга «Кирингиз оқарсин!» дея мурожаат этади. Аёл эса тилакка тилак билан жавоб қайтаради. Йўловчига «Йўлингиз оқарсин!» дея оқ йўл тилайди.

Зиёратга бораётган ёки зиёратдан қайтган мусоифир билан салом-алик, ҳол-аҳвол сўрашишдан кейин мурожаат қандай давом этади? Унга «Зиёратлар қабул!» дейилади. У эса «Муродлар ҳосил!» дея лутф кўрсатади.

Ҳаётда илтифот кўрсатиш мақсадида «лутф» сўзини ноўрин қўллаш ҳоллари ҳам бор. Бу, айниқса, тўйхат ва таклифномаларда учрайди. Уларда «лутфан таклиф этамиз» деган ибора учрайди. Бунда бир кийши бошқа бир кишига ё жамоага мурожаат этаётган бўлади. Агар улуғ одам кичик одамга ёки улуғ жамоа кичик жамоага мурожаат қилаётган бўлса, бу ибора тўри қўлланади. Аксинча бўлса, яъни ёши ва мартабаси кичик одам ёши ва мартабаси улуғ одамни таклиф этаётган бўлса-ю, шу иборани қўлласа, у ўзи билмаган ҳолда ўзини катта тутиши, ҳаддидан ошиши, калондимоғлик қилиб қўйиши мумкин. Бундай ҳолда ибора гўё «мен сизга муруват кўрсатяпман», «мен сизга илтифот қиляпман» деган тақаббурона маънони анлатиб қолади. Тақлиф этилувчи эса хурсанд бўлиш ўрнига ранжиши мумкин. Ундан кўра; «лутфан ташриф буюришингизни сўраймиз» дейилса, тақлиф этилувчи шарафланади, унинг илтифоти сўралади ва камтарлик ифодаланади.

Шунингдек, «ташриф буюрмоқ» ибораси ҳам кўп ҳолларда ноўрин ишлатилади. Оддий одамларнинг «ташриф буюраман», «ташриф буюрдим» дейиши ва оддий одамлар ҳақида «ташриф буюрдилар» дейиши но-

камтарлык бўлади. Унинг ўрнига «келдим», «келаман», «қадам ранжида қилдим», «келдилар», «қадам ранжида қилдилар» дейиш айни муддаодир.

Шу зайлда дилни дилларга, гапни гапга боғлаб борувчи такалтуф сўзларимиз кўп. Гап уларни унугиб юбормай, ўзлаштириб, ўринли қўллашда. Бу — одамийлигимиз, ахлоқимиз, миллий маънавиятимизнинг муҳим белгиларидан.

## П б о б

### НОТИҚЛИК САНЬАТИ

#### НОТИҚЛИК САНЬАТИ ВА РАҲБАРЛИК САЛОҲИЯТИ

Тил инсон ақлий фаолиятининг энг асосий восита-сиdir. Инсонни бутун ҳайвонот оламидан ажратиб турган, коинот сарвари ва гултожига айлантирган омил ҳам тилдир. Инсон ақлий фаолиятининг энг олий маҳсуллари, тафаккур мевалари тил ва нутқ орқали юзага чиқади. Тил тафаккур маҳсулларининг ҳаётга татбиқ этилишига восита бўлувчи кудратли куролдир.

Қадимий исломий манбаларимизда айтилишича, бани башарнинг яратувчиси Тангри таолонинг бир оғиз «бўл» деган сўзи билан олам яралган экан. Шунинг учун сўзга эътиқод, сўзга берилган таъриф-тавсифлар, сўзнинг тарихий хизматига айтилган шарафлар чексиз. Улуғ Алишер Навоий сўзга бундай баҳо беради:

Сўздурки, нишон берур ўлукка жондин,  
Сўздурки, берур жонға хабар жонондин.  
Инсонди сўз айлади жудо ҳайвондин,  
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Сўзнинг тарихий-маданий хизмати чексиз, албатта. Лекин тилнинг олижаноб имкониятлари нутқ орқали, нутқ жараёнида очилади. Нутқ бўлмас экан, тилнинг чексиз имкониятлари юзага чиқмай қолаверади. Тилни ҳадди аълосига етказиб шарафлаган Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида тил ва нутқ муносабатларини шундай изоҳлайди: «Тил шунча шарафи билан нутқнинг қуролидир. Агар нутқ номаъкул бўлиб чиқса, тилнинг оғатидир». Демак, тил ҳар қанча зўр бўлмасин, у нутқ учун курол сифатида хизмат қиласкан. Унинг куч-кудрати нутқ жараёнида намоён бўлар экан. Агар тил ўқ бўлса, нутқ камондир. Ўқнинг қудрати камоннинг қобилиятига ҳам боғлиқ. Камон қанчалик мустаҳкам бўлса, мўлжалга бехато урадиган бўлса, тилнинг, яъни ўқнинг қудрати шунчалик яққолроқ намоён бўлади.

«Қобуснома»да Кайковус «Билгилким, ҳамма хунардан сўз хунари яхши» дейди. Хўш, нима учун шун-

дай дейди? Чунки ҳунармандлар кўпроқ моддий неъматлар яратадилар. Уларнинг фаолиятида маънавий қиёфалари тўлақонли даражада намоён бўлмайди. Ҳар қандай ҳунарманднинг маънавияти унинг нутқи орқали тўлақонли намоён бўлади. «Сўз ҳунари»ни эгаллаган ҳунарманднинг иши барча ҳунармандларнидан кўра яхшироқ юришади. Кайковуснинг сўзларида шундай ҳикмат ҳам борки, сўзга чечан, сўзамол, нотикчиши ҳамма жойда хушмуомалалик билан ишини битириб кетаверади, асло дар қолмайди.

Фарб донишмандларидан Р. Эмирсон таъкидлашича, «Нутқ — қудратли куч: у ишонтиради, ундаиди, мажбур этади». Бу гапда нутқнинг шундай фазилати таъкидланяптики, у, биринчи навбатда, ишонтириш санъатидир. Иш бошқараётган ёхуд омма билан мулоқотда бўлаётган раҳбар ишонарли гапириши, нутқи чиройли далилланган, пухта асосланган бўлиши лозим. Тингловчиларнинг ишончи қозонилгач, уларни итоат эттириш, ундаш, мажбурашга эҳтиёж ҳам қолмайди. Чунки ишонч ҳосил қилган ҳар қандай инсон муайян вазифани бажаришга мажбурият сезади.

Машҳур нотик Цицерон: «Тарихда ё яхши ҳарбий саркарда, ё яхши нотик бўлиш керак», деган экан. Бу гапда катта ҳикмат бор. Унда нотиқлик санъати ҳарбий саркардалик санъати билан тенглаштирилган. Бу маълум даражада муболагали туюлиши мумкин, лекин тасодифий ўхшатиш эмас. Ҳарбий саркарданинг итоатида катта миқдордаги лашкар бўлади. Аммо, лашкар билан забт этиб бўлмайдиган давлатлар ва сарҳадларни сўз санъати билан бўйсундириш мумкин.

Қалам гуфтоки: «Ман шоҳи жаҳонам,  
Қаламкашро бамақсад меросанам».

Низомий Ганжавий талқинича, қалам: «Мен —  
шоҳман ва эгам — қаламкашни албатта мақсадига ет-  
казаман» деган экан.

Алишер Навойининг:

Олибмен тахти фармонимга осон  
Черик чекмай Хитодин то Ҳурносон;

деган сўзларида ҳам шундай ҳикмат бор. Черик — бу лашкар. Шоир лашкар тортмасдан Хитойдан Ҳурносонгача бўлган сарҳадни забт этганлиги ҳақида фахрланиб

сўзламоқда. Маълумки, Алишер Навойининг таъсир доираси ва даражаси ҳар қандай ҳарбий саркардадан ҳам устун бўлган. Нутқ ва тафаккур салоҳияти уни вазири аъзам даражасига кўтарган эди. Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўзи улуф шоирни маҳсус рисоласида таърифлаб «Сўз соҳибқирони» деб атаган эди.

Сўзнинг сехрига, қудратига, саркарда бажара олмайдиган вазифани сўз соҳибқирони уддалаганлигига яна бир ҳикоятни мисол келтириш мумкин. Ҳикоят мазмунига кўра, Ҳусайн Бойқаро узоқда шикор билан машғул экан. Саройда малика оғир бетоб ётган экан. Кунлардан бир қуни малика ҳаётдан кўз юмибди. Аммо подшоҳга ўлим хабарини етказишга ҳеч ким журъат этмабди. Шунда сарой аъёнлари сўз саркардаси Навойига мурожаат қилишибди. «Шоҳга шум хабарни етказган киши шубҳасиз, жазога маҳкум бўлади. Мушкулни фақат Сизнинг тадбиркорлигинги, сухандонлигинги осон қилиши мумкин», — дейишибди. Шунда Навойи бир сатр шеър ёзиб берибди. Уни чопар орқали Ҳусайн Бойқарога етказишибди. Подшоҳ ўқибди:

Сарвигулнинг соясинда сўлди гул, нетмоқ керак?

Ҳусайн Бойқаро дарҳол мисранинг мазмунини тушунибди. Ҳеч бир талvasага тушмасдан, вазминлик билан шеърий саволга шеърий жавоб ёзибди:

Сарвидин тобут ясад, гулдин кафан этмоқ керак!

Сарой аҳли чопар келтирган хабардан хушнуд бўлиб, сўзнинг қудратига қойил қолишибди, дағн маросимига киришибди.

Сўзнинг қудрати Абу Абдулло Рудакий ҳаёти билан боғлиқ бир ҳикоятда ҳам яққол кўринади. Подшоҳ сарой аъёнлари ва бир гуруҳ навкарлар билан биргаликда узоқ вақт сафарда юради. Оиласлари ва бола-чақаларини соғинган сарбозлар Ватанга қайтиш туйғусини подшога қандай етказиш йўлини топишполмайди. Шунда сафардаги ҳамроҳларидан бири шоир Рудакийдан нажот сўрашади. Соғинч изтироблари исканжасидаги Рудакий ҳам Ватанга чорловчи ёниқ шеър ёзиб, маъракада ўқииди.

Бўйи жўйи мўлиён ояд ҳаме,  
Ёди ёри меҳрибон ояд ҳаме.

Шоҳ моҳ асту Бухоро осмон,  
Моҳ сўйи осмон ояд ҳаме.

Мазмуни:

Мўлиён анҳори ёдга келадур,  
Меҳрибон ёр ёди ёдга келадур.  
Шоҳ-моҳтобдур, Бухоро-осмон,  
Моҳтоб осмон ёнга келадур.

Ушбу сўзлар подшоҳнинг соғинч туйғуларини жўштириб юборади. Шеърдаги мунгли товушдошлиқ ва жанговар юриш оҳанги шоҳни асир этади. Подшоҳ аҳли аъёnlари билан маърака майдониданоқ Бухорага отланади.

Қадимги даврданоқ давлат раҳбарини сайлашда иккиси асосий фазилат мезонига таянилган. Унинг бири саркардалик салоҳияти бўлса, иккинчиси нотиқлик маҳоратидир. Мустақил Ўзбекистоннинг бўлғуси раҳбарлари саркардалик, ташкилотчилик, тадбиркорлик истеъоддлари билан бирга нотиқлик санъатини ҳам эгаллаган бўлишлари зарур. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Тил ва нутқ маданияти кафедраси очилиши қонуний ҳол эди. Тил ва нутқ маданияти кафедрасида «Ўзбек нутқи маданияти асослари» фани ўқитилади, ўзбек-лотин алифбоси ва имло қоидалари ўргатилади, «Давлат тилида иш юритиш», «Нутқ тайёрлаш услубиёти» мавзуларида маҳсус курслар ўтилади, нотиқлик санъати назарий ва амалий дарслар давомида ўргатилади.

Ўзбек нутқи маданияти асослари фанининг мақсади инсон нутқини ўрганиш, уни ижтимоий-маданий муносабатларга мувофиқ даражада сайқал топтиришdir. Нутқ маданияти фани тилшунослик соҳасининг бир тармоғи сифатида вужудга келган. Ушбу фан тилшуносликда тил бойликларидан фойдаланиш жараёнини, тил бирликлари имкониятларининг борлиқ, тафаккур, онг ҳамда вазият билан муносабатдаги кўринишларини ўрганади.

Олий ўқув юртларининг филология факультетларида нутқ маданияти соғ тилшунослик йўналишида, санъатга оид билимгоҳларда эса санъаткор нутқи маҳорати йўсинида ўқитилади. Тил ва нутқ маданияти кафедраси фаолияти, мақсади ва вазифалари мамлакат

олий ўқув юртларидағи шу номдаги кафедра ҳамда бўлимлардан фарқланади. Унинг йўналиши филология факультетларидағи тилшунослик ҳам, санъат институтидағи актёрлик ёхуд саҳна нутқи ҳам эмас. Ушбу кафедра фаолияти бу ҳар икки йўналишни ҳам қамраб олган ҳолда, анча залворли мақсад ва вазифаларни кўзлайди. Кафедранинг бош вазифаси Академияда таҳсил олаётган бўлгуси раҳбар ходимларнинг тил ва нутқ маданиятини такомиллаштиришдан иборатдир. Академиянинг ихтисос хусусияти ва замон талабидан келиб чиқиб, кафедра ўқув дастурида тил ва нутқ маданиятининг долзарб муаммоларига жиддий эътибор қаратилган.

Аввало, давлат тили сиёсатини ўрганиш мұхим вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили сиёсати Конституциянинг 4-моддаси ҳамда Давлат тили ҳақидаги қонун билан мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва давлат тили ҳақидаги қонун ўзбек тили ва нутқи маданиятининг ҳаётий қурдатини таъминлайдиган хукуқий ҳужжатдир. Давлат тили тўғрисидаги қонунни ўрганиб, унга риоя этмасдан туриб, нутқ маданияти фанини ўзлаштириш мушкулдир. Чунки давлат тили қонуни адабий тилга таянади. Адабий тил эса маданий тилдир. Миллий нутқ маданияти давлат тили ҳақидаги қонунни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида такомиллашади. Бўлгуси раҳбарлар давлат тили қонуни ва сиёсатини мукаммал даражада билишлари, ҳаётга татбиқ этишлари зарур.

Нутқ маданияти фанининг таркибий қисмларидан иккинчиси нотиқлик санъатидир. Нутқ маданиятини мукаммал эгаллаган инсон нотиқ бўлади. Нотиқ тил ва нутқ маданиятининг фаол амалиётчисидир. Аммо тил ва нутқ маданиятининг бутун қонун-қоидаларини мукаммал эгаллаган ҳар қандай киши нотиқ бўлолмайди. Ушбу қонун-қоидаларни кундалик фаолиятига изчил татбиқ этувчи, Оллоҳ ато эттан турма истеъдодли инсонларгина етук нотиқ бўлиб етишадилар. Тил ва нутқ маданияти курсида нотиқлик санъати асослари назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилади. Чунки ҳар бир раҳбар кадр, у қайси идорада ишлашидан қатъи назар, нотиқлик малакасига эга бўлиши зарур. Раҳбарнинг нутқ маданиятига фуқаро билан оддий мулоқот-муоммадан тортиб мажлис бошқаришу олий мінбарлардан нутқ сўзлашгача бўлган жараёнлар киради. Аммо баъзи

раҳбарларимиз на одамий муюмала маданиятини, на мажлис бошқаришни ва на нутқ сўзлашни биладилар.

Воизлик санъатини, ваъзхонлик маданиятини ўргатиш ҳам тил ва нутқ маданияти курсининг асосий вазифаларидан бўлиб ҳисобланади. Ваъз ҳам нутқнинг бир тури, албатта. Аммо, ваъз шўролар ҳокимиюти даврида биз кўнишиб қолган нутқдан анчайин фарқ қилади. Ваъз сиёсий, расмий услубдан холи, халқчил услубда сўзланадиган нутқ намунасиdir. Ҳозирги кенг халқ оммасида ваъз ҳақида деярли тасаввур йўқ. Бунинг сабаби шуки, шўролар ҳокимиюти даврида ваъзга фақат диний нутқ деб қаралган. Исломий маърифат билан биргаликда ваъз маданиятини ҳам халқимиз маънавиятидан сиқиб чиқаришган. Халқимизнинг ялпи маънавий-маданий мероси билан бирга ваъзхонлик анъанаси ҳам қатағонга учраган. Бу ҳам мустамлакачилик мафкурасининг халқни ўзлигини англатадиган миллий қадриятлардан узоқлаштириш усули эди.

Миллий мустақиллик ғалабаси, барча миллий қадриятлар қатори, исломий маърифатга ҳам кенг йўл, эркинлик берди. Ҳаётимиизда ваъзхонлик маданиятининг айрим белгилари кўрина бошлади. Аммо бу ҳали ваъзхонлик маданияти, воизлик санъати тўла тирилди деган гап эмас. Амри маъруф ваъзхонлик маданиятининг бир кўриниши, холос. Унда ваъзхонлик маданиятининг мазмун мундарижаси жуда чекланган ҳолатда акс этади.

Нутқнинг имон-эътиқод, Ватан ва халқ, одоб-ахлоқ мавзуларида сўзланадиган тури ваъз дейилади. Ваъз мазмун-мундарижаси, услуби жиҳатидан ҳам ўзига хос нутқдир. Бу ҳақда маҳсус фаслда маълумот берилади. Халқни имон-эътиқодга, ватанпарварлик ва инсонпарварликка, маънавий камолотга даъват этиб нутқ сўзловчи киши воиздир. Бундай руҳда нутқ сўзлашни санъат даражасига кўтарган воизлар халқ орасида машҳур бўлганлар. Воизлик санъати билан шуғулланадиган кишилар халқнинг назаридаги етук аллома бўлганлар ва улар нодир истеъод соҳиби сифатида қадрланганлар. Масалан, Алишер Навоий замонасидаги Ҳусайн Воиз Кошифий ана шундай кишилардан бўлган.

Бугунда ваъзхонлик ва воизлик санъатини ўрганишдан мақсад нима? Ваъзхонлик санъатига эҳтиёжнинг боиси шуки, у миллий мустақиллик мафкурасини омма онгига сингдиришнинг воситаларидан биридир. Замонавий ваъз фақат диний мазмунда бўлмаслиги ке-

рак. Ваъзни фақат диндорларнинг иши деб, уларгагина топшириб қўйиш ҳам тўғри эмас. Каттаю кичик жамоаларни бошқарадиган ҳар бир раҳбар ваъз ўқиши маданиятига эга бўлиши зарур. Замонавий ваъз диний шакл ва мазмун билан чекланмаслиги керак. Замонавий ваъз ҳаётий тажриба, тарих сабоқлари, миллий маънавий мерос, исломий маърифат заминида вужудга келиши мақбул. Замонавий ваъзнинг тили равон, услуби енгил, мазмуни халқчил бўлиши муҳим. Замонавий ваъз маърифат тарқатишида, авлодларни маънавий камол топтиришда жуда катта аҳамиятга эга.

Маълумки, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгунга қадар, давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилингунicha, барча расмий-идоравий ишлар рус тилида юритилар, ҳужжатлар ҳам шу якка ҳукмрон тилда расмийлаштирилар эди. 1989 йили, октябрь ойининг 21 кунида, миллий мустақиллик учун кураш кетаётган бир паллада Давлат тили тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Ана шундан кейин, секин-асталик билан давлат тилида иш юритишга ўтила бошланди. Лекин бу борада қатор ўзига хос муаммолар мавжуд. Ҳали ҳужжатларни давлат тили қонун-қоидаларига мувофиқ тайёрлаш талаб даражасида эмас. Баъзи идораларда бунга, умуман, риоя этилмайди. Баъзи раҳбарларимиз бирорта расмий идоравий ҳужжатни тайёрлашни билишмайди. Таҳсил давомида мана шу камчилик мумкин қадар бартараф этилиши зарур.

Ўзбек нутқи маданияти асослари фани ҳозирги замон ўзбек адабий тилини ўрганади. Шу адабий тил асосида вужудга келадиган барча нутқ турлари, адабий тилга асос бўлувчи ҳалқ тили шевалари ҳам нутқ маданияти обьектига дахлдордир. Нутқ маданияти соҳаси адабиётшунослик, поэтика, эстетика, этика, педагогика, мантиқ, руҳшунослиқ, сиёсатшунослик соҳалари билан боғлиқ. Миллий мустақиллик мафкурасининг таркибий қисми ҳисобланмиш Давлат тили сиёсати ва унга оид ҳуқуқий ҳужжатлар нутқ маданиятининг асосий ашёларидандир. Нотиклик ва воизлик санъатига оид асарлар, ўзбек маданий нутқига асос бўлган миллий адабий мерос намуналари, ўзбек миллий ҳужжатчилиги ҳамда давлат тилида иш юритиш қонун-қоидалари мажмуаси фаннинг асосий обьектларидандир.

Таҳсил жараёнида дарслар маъруза, сұхбат, баҳс-мунозара, амалий машгулот, шахсий машгулот шаклларида ташкил қилинади. Маъруза соатларида анъана-

вий яккахонлик услубидан воз кечилади. Аксинча, мързуларни таҳсил олувчиларнинг фаол савол-жабоблари, жонли фикр алмашувлари билан омухта равишда ўтказиш кўзланади. Имкон қадар ҳар бир дарсга қўйилган мавзунинг энг билимдон мутахассисини сафарбар этишга эришилади. Ҳар бир дарс тингловчилар маърифий ҳаётида муҳим бир ҳодиса бўлиб қолиши учун Республикада таниқли, обрўли, нуфузли алломава адиблар жалб этилади. Ҳар бир суҳбат дарси ижодий мулоқот, ҳадабий учрашув тусини олишига эришилади. Амалий машғулот дарсларида амалий иш ўрганиш, кўп ва хўб илм-маърифат ҳосил қилиш мақсадида Академиядан ташқаридаги илмий-маърифий даргоҳларга, давлат идораларига, улуг устозлар ҳузурига сафарлар уюштирилади. Шахсий машғулотларда тингловчилар қобилияти мустақил мутолаа ва илмий-ижодий изланишларга йўналтирилади. Умуман, таҳсил дарс манзиллари, муаллимлари, услубларининг рангбаранглиги билан таъминланади.

Кафедра ҳузурида «Нотиқлик санъати ижодхонаси» ташкил этилган ва у ҳамиша Академия тингловчилари хизматида. Тил ва нутқ маданияти ҳамда нотиқлик санъатини замонавий техника воситаларисиз мукаммал ўрганиш мумкин эмас. Шу боисдан, Академия яратган имкониятлар асосида Нотиқлик санъати ижодхонаси ана шундай техника воситалари билан жиҳозланди. Нотиқлик санъати ижодхонасида, ёзув таҳтаси, минбар каби оддий ўкув воситаларидан ташқари, ко-даскоп, эпидиаскоп, кўчма экран, видеокамера, видеомагнитофон, рангли телевизор, икки кассетали магнитофон, микрофон сингари замонавий техника воситалари мавжуд. Минбарнинг рўпарасидаги девор кўзгу билан қопланган. Ушбу дарсхонанинг ижодхона деб номланишига сабаб шуки, нутқ тайёрлаш жараёни ижодкорлик, нотиқ эса ижодкор. Академия тингловчилари замонавий техника қулийларидан фойдаланиб машқ қилиш мобайнида нотиқлик маҳоратини ўзлаштирадилар.

Амалий машғулот дарсларида тингловчилар мустақил тайёрлаган нутқларини минбарда ижро этадилар. Ижро жараёнида рўпарадаги кўзгудан фойдаланиб, юз ифодаларини, кўл ва тана ҳаракатларини кузатадилар, тузатадилар, бошқарадилар. Бу вақтда нутқ жараёни видеокамера орқали ёзib олинади. Нотиқлик маҳоратининг мезонлари ёзув таҳтасида ёзилган бўла-

ди. Айни пайтда нутқ сўзлаётган тингловчининг нутқи унинг гуруҳдошлари томонидан мазкур мезонлар асосида кузатилади. Уларнинг орасидан баҳоловчи маҳсус ҳайъат тузилади. Тингловчи нутқ сўзлаб бўлгач, унинг нутқи видеомагнитофон орқали телекранда кўрсатилади. Барча тингловчилар нотиқнинг ўзи ва ўқитувчи билан биргаликда нутқни синчилаб таҳлил этадилар, муҳокама қиласилар, баҳолайдилар. Бундан чиқадиган сабоқлар бошқа тингловчиларга ҳам ўрнак бўлади. Нотиқлик санъати ижодхонасидағи амалий машқлар яхши натижা бермоқда ва тингловчиларга маъқул бўлмоқда.

Демак, нутқ маданияти курси давлат тили сиёсати, қонунини мукаммал сингдиришга хизмат қиласилади, нотиқлик ва воизлик санъатини ўргатади. Шахсий ва ижтимоий фаолиятда тил имкониятларидан мукаммал фойдаланишни, расмий-идоравий ҳужжатларни тайёрлаш маданиятини шакллантиради, ўзбек-лотин ёзуви ни ўргатишни ўзининг вазифаси деб билади.

Тил ва нутқ маданияти кафедраси юқоридаги йўналишларда фақат маърифий иш олиб бориш билан чекланмайди. Балки, шу соҳаларнинг долзарб муаммолари бўйича илмий тадқиқот, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам олиб боради. Мақолалар, маъruzалар, эшиттиришлар, кўрсатувлар, тавсияномалар, рисолалар, дастур, кўлланмалар, дарсликлар тайёрлайди ва уларни амалга оширади. Кафедрада магистрлик диссертациялари ва ундан юқори илмий даражалар учун тадқиқотлар олиб борилади.

## ВОИЗЛИК САНЪАТИ САБОҚЛАРИ

Воизлик санъати, унинг моҳияти, муҳим шартлари нималардан иборат бўлган? Ваъз нима-ю, воиз ким? Пиру муршид воиз қандай фазилатларга эга бўлиши керак? Уни тингловчи мурид-чи? Ушбу саволлар ҳар бир замондошимизни кўпдан қизиқтириб келади.

Қадим Шарқ санъатида воизлик — нотиқлик санъатининг энг оммавий турларидан бири бўлган. Бу санъат катта нотиқлик истеъодидини ва маҳоратини талаб этган. Ҳар ким ҳам воизлик санъатини эгаллай олмаган, ҳар кимга ҳам воизлик мартабаси ишонилмаган, ҳар ким ҳам халқ минбарида воизлик мақомига мусассар бўлолмаган. Воизлар бўлганки, ваъзхонликни касб даражасига кўтарганлар, умрбод шуғулланиб, бу

санъат соҳасида китоблар ёзганлар, ўз нутқлари билан халққа руҳий мададкор бўлганлар, йўлбошчилик қилганлар, подшолар хузурида маънавий ҳомийлик мақомини тутганлар, уларни тўғри йўлга бошқарганлар. Бундай воизлар пири комил бўлганлар. Воизлар бўлганки, маънавий комил бўлмаганликларидан, халқнинг дилидаги гапни топиб гапиролмаганлар, минбарни тепиб, муштлаб, пирлик ва нутқ одобига нолойиқ ҳаракатлар қилиб, омманинг назаридан қолганлар, минбарни тез тарк этганлар.

Ўзбекистонда воизлик санъати янги истиқлол даврида тирилди. Биз маърака ва амри маъруфларда янги давр воизларининг ваъзларини тингламоқдамиз. Лекин улар ҳали мумтоз ваъзлар даражасига етишига анча бор. Воизлик санъатига ривож бафишлаш учун, албатта, унинг ўтмишидаги шарт-шароитларини ўрганиш муҳимдир.

Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида насиҳаттўй ва ваваъзхонлар тўғрисида алоҳида тўхталади. У воиз қандай киши бўлиши кераклиги ҳақида шундай фикр юритади: «Воиз Ҳақ сўзни тарғиб қилиши, Пайғамбар сўзидан четта чиқмаслиги керак, энг аввал унинг ўзи Ҳақ ва пайғамбар йўлига кириши, сўнгра эса насиҳат билан элни ҳам шу йўлга солиши лозим. Ўзи юрмаган йўлга элни бошламоқ — мусоифирни йўлдан адаптириб, биёбонга ташламоқ ва саҳрова уни йўқотмоқдир. Ўзи мастнинг элни ҳушёрликка чақириши — уйкучи кишининг одамларни бедорликка даъват этганига ўхшаш бир нарсадир». Демак, воиз Куръони карим ва ҳадиси шарифларни тарғиб этадиган, аввало, ўзи шариат ва тариқат йўлига кирган нотиқ бўлиши керак экан.

Ваъз нима-ю, унга амал қилиш қандайлиги ҳақида Навоий бундай дейди: «Ваъз муршидлар — пирлар, ҳушёр кишиларнинг ишидир ва уларнинг насиҳатини қабул этган мақбул кишидир. Аввало, унинг ўзи бир йўлга тушиб олган бўлиши, кейин эса бошқа одамларни ўша томон бошлаб бориши керак. Йўлга билмай кирган йўқолади ва мақсадидан бошқа ерга етади». Бундан англазиладики, ваъз айтиш маънан комил, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, ҳалқни ўз нутқига

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Иноят Максумов насрӣ баёни, Тошкент.Faafur Fуломномидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983 йил, 31-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. 32-бет.

қарата оладиган, ўз ортидан эргаштира оладиган до- нишманд кишиларнинг ишидир. Ҳаётда баъзан шу дарражага етмаган кишиларнинг ваъз айтганини эшитиб қоласиз, табиийки, бундай кишилардаги ҳаётий тажрибанинг етмаслиги, фоявий маслаганинг қатъий эмаслиги тингловчиларни ҳам мақсад йўлидан оздиради.

Навоий наздида: «Ваъзхон шундай бўлиши керакки, унинг мажлисига бўш кирган одам тўлиб чиқсан; тўла кирган одам эса енгил тортиб, холи қайтсан. Воиз олим ва ҳалол иш кўрувчи бўлса, унинг насиҳатидан четга чиққанлар гуноҳкор бўлади. Агар у бошқаларга буюрса-ю, ўзи қилмаса, унинг сўзлари ҳеч кимга тасир этмайди ва фойда келтирмайди. Ўз ёрдамчилари орқали насиҳат қилувчи воиз — ўзи қолиб, шогирдини куйлатувчи қўшиқчидир». Ушбу фикрларда воизнинг яна янги фазилатлари ойдинлашади. Ваъзхон мутафаккир олим, ҳалол иш кўрувчи, сидку садоқат билан дастёrlарсиз мустақил фаолият кўрсатувчи шахс бўлиши зарур. Агар у дастёрга таянадиган бўлса, дастёрнинг қулига айланади ва фаолиятига футур етади, воиз билимдон бўлиши билан бирга, ҳалқнинг руҳиятини јаҳши биладиган, ҳалқнинг дарди билан яшайдиган бўлиши керак. Ана шундагина унинг ваъзига юрак-бағри фам-аламга, дарду ташвишларга тўлиб кирган киши, дардларидан фориғ бўлиб, кўнгли бўшаб, енгил тортиб чиқади. Қалбида маънавий-руҳий бўшлик бўлган одам эса, бундай воизнинг сұхбатидан олам-олам маънавий завқ олиб, кўнгли, шуuri фикрий нурга тўлиб чиқади.

Утмишда ҳам турлича воизлар бўлишган. Масалан, Алишер Навоий замонасида яшаган Ҳусайн Воиз Кошифий Шарқнинг машҳур алломаларидан бири бўлган. У ахлоқ, тарих, тасаввуф, нужум (астрономия), риёзиёт, фикр соҳаларига доир қирқдан ортиқ асар яратган. Унинг «Футувватномаи султоний», «Ахлоқи Мұҳсиний», «Рисолаи ҳотамия», «Анвари Сұҳайлӣ», «Лавомеъ ул-қамар», «Лубби лубоби Маснавий», «Маҳбуб ул-зуҳал», «Бадоеъ ул-афкор фи саноеъул ашъор», «Жавоҳир ут-тафсир» каби ўнлаб асарлари беш юз йилдан бери шарқона одоб ва ахлоқ дастури сифатида юртма-юрг, қўлма-қўл ўқиб келинмоқдá. Ҳусайн Воиз Кошифий Алишер Навойининг мухлиси, шогирди ва дўсти бўлган. У «Тафсири Ҳусайнний» ва «Жавоҳир ут-тафсир ат-туҳфат ул-Амир» номли тафсир асарларини Алишер Навоийга бағишлаб ёзган.

Алишер Навоий «Мажолис ул-нафойис» асарида бу

улуғ воиз ҳақида шундай маълумот беради: «Мавлоно Ҳусайн Воиз — «Кошифий» тахаллус қилур, Сабзаворликдур. Йигирма йилға яқин борким, шаҳрдадур ва Мавлоно зуфунун рангин ва пуркор воқе бўлубтур. Оз фан бўлғайким, дахли бўлмағай. Ҳусусан, ваъз, иншо ва нужумки, анинг ҳаққидур ва ҳар қайсида мутааййин ва машҳур ишлари бор ва мусаннафотидин бири «Жавоҳир ут-тафсир»дурким, «Ал бақара» сурасин бир мужаллад битибдурким, мунсифи қатъ била юз жуз бўлғай. Бовужуди барча хиравлиқ ва донолиқ шаҳр шўхларидин бир Ҳожа Ҳофизнинг бу матлаъин битиб, минбарининг устиға қўйғондур, будурким:

Воизон к-ин жилва бар меҳробу минбар мекунанд,  
Чун ба хилват мераванду кори дигар мекунанд.

Олиб ўқуғач, қўп мутағайирир ва мустариб бўлиб, хили хорижи мабҳас сўзлар айтиб, неча вақт ваъз айтмади. Ҳасми номаълум худ ўз мақсадин ҳосил қилди. Аммо Мавлоно қилғонининг хато эрканига воқиф бўлғач, яна ўз иши бошиға борди. Бормаса икки хато бўлур эрди. Бок йўқдур, айбсиз тенгридур».<sup>1</sup>

Мана, энг баркамол воиз қандай бўлган экан. Куръони каримдаги биргина «Ал бақара» сураси шарҳига юз табоқ ҳажмдаги тафсир бағишлаган воиз. Бу сура нақадар батафсил, майдалаб, мағзи чақилиб, оммабоп ва оммафаҳм услубда шарҳланганидан далолат беради. Ҳожа Ҳофиз Шерозийнинг мазкур байти Ҳусайн Воиз Кошифий минбарига ҳазил, шўхлик, шумлик ёки душманлик юзасидан ёзиб қўйилгандир, эҳтимол. Лекин бу далил ўша давр тингловчиларининг воизларга нисбатан диди, талаби, танқидий муносабати юқори даражада эканлигини ҳам билдиради.

Ҳусайн Воиз Кошифий асарлари таҳлилига кейинроқ алоҳида ўрин ажратамиз. Ҳозир Навойининг бошқача бир воиз ҳақидаги маълумотига эътибор берайлик: «Мавлоно Муин Воиз — Мавлоно ҳожи Муҳаммад Фароҳийнинг ўғлидурким, маҳоҳирдиндур. Ҳоло ўзидағи азим воиззур ва муридлари кўп, минбар устида девонавор илик ташламоғи ва таҳтани тепмаги кўпдур ва ўзин «Муин девона» била таъбир қилур ва

<sup>1</sup> Алишер Навойи. Асарлар, ўн беш томлик, XII том, «Мажолис ун-нафойис». Тошкент,Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966-йил, 123—124-бетлар.

күп баланду паст сўзлар айтур. Чун жунунга мұтариф, ҳар навъ сўз айтса маъзурдур, шеърида вазн, қофия ва радифга муқайяд эмас, эса маоф бўла олур. Бир қатла ҳазрат амир ал-мўминин Алиниң имони тақлиди экандур деганга ул ҳазратнинг руҳидин ғарип сиёсат ва шиканжалар кўрди. Ҳамоноки, тавба қилдиким, кутуди».¹

Афсуски, шундай воизлар ҳам бўлган ва бор. Улар дин, имон ва маънавиятнинг оғатидирлар. Улар шаръий жазога маҳкумдирлар ва бу ҳақда кейинчалик Фаззолийдан ўқиймиз.

Алишер Навойининг бундай воизларга танқидий муносабати унинг кўп асарларида ҳажвий ифодасини топган. У, ҳатто, бундай воизлар ҳажвига маҳсус ғазал ҳам бағишлаганки, у айнан Муин Воизга қаратилган бўлса ҳам, ажаб эмас. «Эй воиз» радифли ушбу ғазал «Наводир уш-шабоб» девонидаги 286-ғазалдир.

Неча ёлғон сўзу музҳик ҳаракот, эй воиз,  
Мажлис аҳли юзидин йўқму ўёт, эй воиз?!  
Дедилар: «Панд ила тавсанлигин элнинг ўксут»,  
Ким деди: «Тепкилу минбарни ушот», эй воиз?!  
Хуру жаннатни кўп ўқдунг, магар ул ён элни  
Юборурга қиласен қатъи ҳаёт, эй воиз?!  
Ёшурун дардимадур ашку эмас нутқингнинг  
Асаридин юзум узра қатарот, эй воиз!  
Кечак ичмак маю кундуз демак ичманг ани,  
Кўз тут ўз ҳолинга тафзиҳини бот, эй воиз!  
Дайр пири қулидурменким, агарчи май ичар,  
Бори бор ўз ичидага сабот, эй воиз!  
Элни чун зарқ намози сўзига жамъ эттинг,  
Тортғил тафриқага эмди салот, эй воиз!

Ғазалда воизлик маданияти катта ижтимоий-ахлоқий масала даражасига кўтариб бадиий талқин этилган. Бу ғазал шоир маънавий-ахлоқий қарашларининг хулосаси сифатида унинг қариллик лирикасидан ўрин олган. Байтлар мобайнинда воизга ҳажвий танқидий муносабат тадрижий изчилилкда акс этган.

Ғазалнинг ғоявий мазмуни, унда яратилган умумлашма образнинг ҳаётний, ҳаққоний қиёфаси жуда катта замонавий тарбиявий аҳамиятга эга. Унинг ҳар бир сатрини мутолаа қиласиз, Навоий ҳажвий ғаза-

¹ Ўша манба, 124-бст.

лига асос бўлмиш «Муин девона» лақабли воизга монанд замондошларимиз қиёфаси кўз олдингизда гавдаланаверади. Масалан, матлаъда ваъзхон нотиқнинг халқни ҳақиқатдан чалғитишга, ёлғонни зўракилик билан ўтказишга қаратилган масхараомуз хатти-ҳаракатлари кескин танқид қилинади ва унга танбех берилади. Бу танқид минбарлардан мураккаб ҳаёт ҳаққониятларини хаспўшлаш учун фойдаланадиган, ижтимоий ёлғонни санъат даражасига кўтарадиган нотиқларга ҳам тегишли. Умуман, Навоий назмидаги воизни қандайдир китобий, анъанавий ва фақат Навоий замонасигагина мансуб сиймо сифатида қарамаслик керак. У ҳаётий образ бўлиб, Навоий воизга ҳам, воизнинг эл орасида панд-насиҳат ўқиши, ваъз айтишига ҳам қарши бўлмаган. Ижтимоий ёлғон ва соҳтагарчиликни касб этган, ўзи маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук бўлмай туриб, маънавий-ахлоқий мавзуларда ваъз айтадиган воизларни қоралаган.

Воизни ғайриахлоқий фаолиятидан огоҳ этиш, танбех билан бошланган ғазалнинг кейинги байтларида унинг қилмишлари талабга номувофиқлиги асосли равишда, кескин ҳажвий руҳда тасвиранади:

Дедилар: «Панд ила тавсанлиғин элнинг ўксут»,  
Ким деди, тепкилу минбарни ушот, эй воиз!  
Хуру жаннатни кўп ўқдунг, магар ул ён элни  
Юборурга қиласен қатъи ҳаёт, эй воиз.

Воиздан халқни ибодатга, итоатга, инсофу диёнатга, одобу маърифатга чорлаш талаб этилган. У бу вазифани маданий-маърифий тариқада, ишонтириш, тушунтириш йўли билан амалга ошириши лозим бўлган. Аммо у ислом ва шариат талабларига номувофиқ тарзда, зўравонлик ва маданиятсизлик йўсинида иш тутган. Навоининг муболагасича, жазавага тушиб, «минбарни тениб ушотган». Воизнинг маслаги фуқарони дунёга ҳирс қўймасликка, охиратни ўйлашга ўргатишдан ҳам иборат бўлмоғи лозим эди. У бу вазифасини ҳам суиистеъмол қиласи, жаннатни, халқ тирикчилигини зудлик билан тўхтатиб, ёппасига жаннатта қувфин қилгудек важоҳат билан таъриф-тавсиф этади. Халқни тушкунликка, умидсизликка мубтало этувчи бундай воиз ва воизлар ҳақли равишда халқпарвар шоирнинг қаҳру ғазабига сабаб бўлади.

Воизнинг мискин, йифлоқи ваъзидан содда халқ

билинг бирга Навойининг ҳам чехрасида ёғаму фусса, кўзларида ёш шашқатор. Содда халқ-ку таъсирчан ва жуда ишонувчан, аммо Навойи дарди, кўз ёшлари боиси ҳам ваъзниң таъсириими?

Ёшурун дардимадур ашку эмас нутқингнинг  
Асаридин юзум узра қатарот, эй воиз!

Навойи халқнинг авомлигидан, воизнинг ҳийлагарлигидан дард чекади. Демак, унинг юзидағи кўзёш қатралари воиз нутқининг таъсиридан эмас, балки кўнглида яшириш инсоний дардидандир.

Шоирнинг сохта воизга нафрати, асаддаги сатирик рух байтма-байт кучайиб боради. Мана бу байтларда воизнинг шахс сифатидаги ижтимоий қиёфаси фош этилади:

Кечак маю кундуз демак, ичмангани,  
Кўз тут ўз ҳолинга тафзихини бот, эй воиз.  
Ўзгача бўлмоку ўзгача ўзин кўрсатмоқ,  
Кўз тут ўз ҳолинга тафзихини бот, эй воиз.

Бу сатрлар воситасида Навойи ўз замонасида сохта воизларнинг иккюзламачилиги ва буқаламунлигини ошкор этиб, эл аро шармандасини чиқарган. Навойи маънавий қиёфа событилиги борасида воизга майхона пирини ибрат қилиб кўрсатади:

Дайр пири қулидурменким, агарчи май ичар,  
Бори бор ўз ичиди анга сабот, эй воиз!

Кўринадики, иккюзламачийлик, тутуриқсизликка қарши ички маънавий сабот, тутуриқ тарғиб этилган. Аммо афсуски, «кеча ичмак маю кундуз демак, ичмангани», «ўзгача ўзин кўрсатмоқ» иллатлари бизнинг давримиздаги айrim зиёли ва раҳбарлар табиатида ҳам сақланган. Навойининг мазкур ғазалидан ниқадиган сабоқлар кексаю ёш ҳар бир замондошимиз маънавиятини қайта қуришда аскотади. Зотан, Навойи ғазалнинг холоса байтида «Элни чун зарқ намози сўзига жамъ эттинг, Тортғил тафриқага әмди салот, эй воиз», дей маслакқа киришга чорлаган.

Дарвоқе, воизнинг ўзи ахлоқ-одоб ўргатувчи мураббий бўлмоғи лозим-ку, мумтоз меросимизда, аввало, воизнинг ўз одоби ҳақида кўпроқ фикр юри-

тилади. Абу Ҳомид Мұҳаммад ибн Мұҳаммад ал-Фаззолийнинг «Охиратнома» асарида ҳам шундай. Фаззолий воизларнинг воизи бўлиб, воизларга дастур ул-амал тариқасида панд-насиҳат айтади. У воизнинг тили, ваъзниңг услубига алоҳида эътибор қаратади: «Мабодо, ваъз ўқитишдан бошқа иложинг қолмаса, икки нарсада эҳтиёт бўл: бирламчи — сўзларинг ортиқча ибора-ю ишоратлар, асли пуч ҳикоятлару маънисиз байтлар ила ясанган, яъники сертакаллуф бўлмасин! Чунки, Оллоҳ таоло такаллуф қилувчиларга ғазаб қиласи, уларни дўст тутмайди. Ҳаддан ташқари сертакаллуфлик воизнинг ботинан хароб, қалбан ғафлатда эканидан далолат қиласи». Дарҳақиқат, нотиқнинг нутқи асосий мақсадга қаратилмаган ҳар қандай ортиқча сўз ва иборалардан холи бўлиши керак. Аксарият нотиқлар нутқларини сертакаллуф, жимжимадор сўз-иборалар билан безашга ҳаракат қиласидилар. Улар нутқларининг чиройли бўлишини истайдилар ва унинг ташқи чиройига зўр берадилар. Аслида эса, нутқа чинакам зеб берадиган нарса фикрdir. Ваъзни эшитимли қилувчи омиллардан бири ҳаётий ҳикоятлар ва байту ғазаллар билан омухта гапиришдир. Аммо кўп нотиқлар бу борада ҳам меъёрдан чиқиб кетадилар. Сўзлаш давомида ўз ҳаётний саргузаштлари тафсилотларига ҳаддан ортиқ бериладилар. Байт танлаб ишлатишда дидсизлик кўрсатадилар. Ўзига бино қўймасдан, ортиқча тафсилотларга берилмасдан, қўйма мазмунли шоҳбайтлардан фойдаланиб гапириш тингловчиларга манзур бўлиши табиий.

Хўш, ваъз айтишнинг маъноси, моҳияти нимадан иборат? Фаззолий бу ҳақда қуидагиларни айтади: «Ваъз айтишнинг маъно-моҳияти — банда охиратни эслаб, Оллоҳ ҳузурида ўзининг ожиз эканлигини сезмоғи, ўтган умрининг бенаф ишлар билан ҳайф кетгани ва келгусида нечоғли машаққатлар кутаётгани (қиёматда), Азроил жон олур чоғи ҳоли нечук бўлмоғио, Мункар-Накир саволларига жавоб беришга қодир ё қодир эмаслиги ҳақда, бинобарин қиёмат куни маҳшаргоҳдати аҳволи, сирот кўпригидан ўта олмоғи ё жаҳаннамга тушиб кетмоғи ғамини ейишга даъват этмоқдан иборат. Ана шу ғамлар доимо ваъз тингловчининг ёдида бўлиб, безовта қилиб туриши, қалбida олов каби ёниши ва рўй бериши мумкин бўлган мусибатларнинг қайфусини қилмоғи лозим. Ваъз деб шунга айтади».

Ваъз айтувчининг мурод-мақсади нимадан иборат? Тингловчи фуқарони дўзах азобидан кўрқитишми? Йўқ, албатта. Воизнинг некбин ҳаётий муддаоси бўлиши керак. Ваъздан мурод инсонларни ҳаётга ҳушёрлик ва огоҳлик билан ёндашишга ўргатмоқдир. Буни Фаззолий қуидагича тушунтиради: «Яна ҳалқ-қа ваъз айтишдан мурод — ушбу ҳақиқатлардан мажлис аҳлини хабардор қилмоқ, камчилик-нуқсонлардан огоҳлантириб, айбларини кўзларига ошкор этмоқ, бўлғуси ғам оловларини қалбларига олиб кириб, шу қайгу-аламлардан сергак торгтирмоқ, ўтган умрларини тоқатлари етгунча ислоҳга келтириб, Оллоҳ ибодатидан ташқари кечган кунларига ҳасрат-надомат чектирмоқ ва бошқа шу каби насиҳатлар мажмуига ваъз (насиҳат) деб айтилади. Дейлик, бир одамнинг ҳовлисига сел бостириб келаётир. Сен бундан воқиф бўлиб, ўша одам ва унинг оиласини ҳадаҳан «Селдан қочинг, сақланинглар!» деб огоҳлантирасан. Шу хатарли ҳолда ҳовли эгаларига нотаниш бўлган жимжимадор сўз ва ишоралар билан такаллуп айлаб уларни селдан огоҳлантириш табъингта маъкул тушадими? Йўқ, албатта. Ахир, сен қандай сўз билан бўлмасин, тезроқ уларни офатдан кутқариб қолишинг керак-ку. Такаллуп қилиб ўтириш ақлга мувофиқми? Воизлика ҳам шундай: ҳалойикни қабр азоби — жаҳаннам азобидан хабар бераб, қандай бўлмасин, (тезроқ, тушунарли тилда) ҳалоқатдан қутқариб қолмоқдир. Ваъз айтувчининг тақаллупдан сақланмоғи вожиб бўлади».

Воиз ваъз айтишда худнамоликдан, ҳалқка ўзини кўз-кўз қилишдан, шуҳратпарастликдан эҳтиёт бўлмоғи лозим. Бу риёкор шайх-воизларга тааллукли услубдир. Фаззолий бу ҳақда шундай сабоқ беради: «Ваъз айтурда эҳтиёт бўлмоғинг лозим бўлган иккинчи ҳолат: ваъз айтишдан мақсадинг — аҳли мажлисни қойил қолдириб, кайфиятларини ўзгартириб, «оҳ, қандоқ олиймақом ваъз бўлди!» деб ёқа йиртиб, ўз муҳаббатларини изҳор этмоқларидан иборат бўлмаслиги даркор. Чунки буларнинг ҳаммаси риёга яқиндир. Риё — комил гафлатдан туғилади. Балки ваъз ўқищдан асосий мақсадинг ҳалқни фоний охиратга чақириш, гуноҳдан — ибодатта, очкўзликдан — парҳезкорликка, баҳилликдан — саховатга, охират гумонидан — комил ишонч-эътиқодга, гафлатдан —

хушёрликка, кибран — тақвога даъват этмоқ бўлсин. Ба улар қалбига охират ишқини жо-бажо эт, бу ўткинчи дунёга нафрат уйғотиб, унга кўнгил бермаслик ва ибодат йўлларини ўргат!»

Абу Ҳомид Фаззолий ваъз айтишнинг шартларини жуда қатъий, узил-кесил ва муфассал шарҳлайди: «Яна шуниси борки, «Оллоҳнинг карам-марҳамати кенг, раҳмати бисёр», деб ҳалқни мағурурлантириб қўйма! Чунки, бундан улар кўнглида фурур, ғолиблик туйғуси пайдо бўлади ва шариат йўлига кирмасдан, Одлоҳ рад этган ишлар билан шуғулланиб, ёмон ҳулқлар орттиришади. Бунинг ўрнига, дилларига келажакда (қиёматда) бўладиган даҳшатли ҳодисалар билан қўрқув бахш эт, шояд ботинларидағи bemaza иллатлар ўзгариб, зоҳирларидағи ёмон амаллар яхши аъмол ила ўрин алмашинса, тоат-ибодатга меҳру рагбат қўйиб, илгари ҳеч бир тортинмасдан қилган гуноҳларидан тавба қилишса, қайтишса...

Ваъз айтмоқ йўли ана шундай бўлиши лозим. Ҳар бир ваъзда келтирилган шартлар бажарилмаса, унда ваъзхоннинг ҳам, тингловчининг ҳам ҳоливой. Балки, бундай риё ва такаллуф ила ваъз айтувчи киши шайтондирким, ҳалқни тўғри йўлдан оздириб, ҳалокат сари етаклайди. Ҳалққа эса бу каби ваъзлардан қочмоқлик вожиб. Чунки бу войз динни шунчалик бузадики, шайтон ҳам бунчалик бузолмас. Кимнинг қудрати етса, шунақа риё ва такаллуф ила ваъз айтаётган кишини минбардан тушириб, ваъзини тұхтатиши мумкин, балки вожибдир. Токим риёси ҳалқни ҳам, динни ҳам бузмасин. Уни минбардан тушириб, ваъзига барҳам бериш амри маъруф наҳийи мункардан (шариатда ёмон санаалган ишни шариатга мувофиқ рад этиш ҳуқуқи бор, дейилмоқчи. Тарж.) саналади<sup>1</sup>.

Воизлик санъатининг биз кўриб ўтган шарт-шароитлари фақат ўтмишгагина эмас, балки бугунга ҳам тааллуқлидир. Зотан, Ислом маърифати миллий қадриятларимизнинг таркибий бир қисми сифатида тикданаётган экан, мустақил Ўзбекистон фуқароларида янгича дунёқараашнинг шаклланишида воизлик санъатининг ўзига хос ўрни бор.

<sup>1</sup> Фаззолийдан келтирилган барча кўчирмалар кўйидаги маёндан олинди: Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Фаззолий. Охиратнома. «Бухоро»: нашриёти, 1992 йил, 24, 25, 26-бетлар.

## СУҲБАТ ВА НУТҚ ОДОБИ

«Омма билан сўзлагандо, улағнинг ақлу идроки даражасига қараб гапиринг».

Ояти карима

Алишер Навойи, Ҳусайн Воиз Кошифий, Шайх Саъдий Шерозий каби буюк шарқ алломалари ижодида суҳбат ва нутқ одоби қоидалари қиёмига етказиб баён этилган. Улар бу сабоқларини етук мугафаккир, ҳаёт қашфиётчиси янглиғ исход этганлар. Инсонщуносликнинг олий натижалари тарзидағи ушбу умумлашмаларни бугунги инсон одоб-ахлоқига ҳам айнан татбиқ этиш мумкин.

Ҳусайн Воиз Кошифий «Футувватномайи султоний» асарида нутқ одоби тўғрисида муфассал тафаккур юритадики, бунинг маҳсули нутқ одоби низомномасидай шаклланган. Мугафаккирларимизнинг наздида тил суҳбат ва нутқ одобининг бирдан-бир воситасидир. Уни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ишлатишгина нотиқни мақсадга мұяссар этиши мумкин.

Ҳаётда, инсонлараро мұомалда тилнинг фаолиятiga эҳтиёж ва зарурат жуда катта. Қуйидаги ҳолатларда тилни суҳбатга очиш лозим ҳисобланади: Зарурат тақозоси билан кўнгилдаги яширин сирларни ошкор этиш, мазлумларнинг фарёдига, нидосига, илтижосига жавоб бериш, мазлумларга мадад бериш мақсадида сўз айтиш. Зотан, бу ҳолатларда кўнгил енгил тортади, айтилган сўзлар мазлумларни золимлар зулмидан озод этиши мумкин.

Тилдан фойдаланиш билан бирга, кези келгандা, тилни сақлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Тилни асраш ўзни асраш, тинчликни сақлаш, инсонлар аро мұомала, муносабат мувозанатини меъёрлаштиришига сабаб бўлади. Ҳусайн Воиз Кошифий тилни сақлаш лозим бўлган ҳолатларни қуйидагичча кўрсатади: «Биринчи, ёлғон гапиришдан, зеро ёлғончи худонинг душманидир. Иккинчи, вაъдага хилоф гапириш ва мұноғиқона сўз айтишдан. Учинчи, фийбат ва бўхтон гаплардан, чунки бўхтон фосиқлар ишидир. Тўртинчи, беҳуда баҳсу мұноқашадан, айб қилишдан ва гап ташишдан. Булар шайтон васвасасига киради. Бешинчи, ўзини мақташ ва таърифлашданки, бу худбинликка олиб келади. Олтинчи, навкар ва хизматкорларни лаънатлашдан.

Еттинчи, қарғашдан, дуойи бад қилишдан, чунки бу жону дилнинг офатидир. Саккизинчи, мазах-масхара қилиш ва ҳазил-хузулдан».<sup>1</sup>

Одамзоднинг ички маънавий олами, шарафи, обрў-эътибори унинг нутқида намоён бўлади. Суҳбат ва нутқ одобига риоя қилмаган киши эса шараф ҳамда обрў-эътибордан маҳрум бўлади. Маънавий қиёфаси-нинг noctorligini намойиш этиб кўяди. Сўз муқаддас нарса, шундай экан, у фақат эзгулик учун хизмат қилиши керак. Сўз тўғри, ўрнида, вақтида айтилган ва ҳақиқатни илгари сурадиган бўлиши лозим. Ҳатто, жуда танг аҳволда қолганда ҳам, одам ҳақиқатни айтольмас экан, ҳаққоний гапиролмас экан, лоақал ёлғонни ҳам гапирмасин. Жим турсин. Ёлғон гапирмасликнинг ўзи ялпи ростгўйликдир. Алишер Навоий ҳазратлари айтганлариdek:

Неча зарурат аро қолғон чоғи,  
Демас эсанг чин, дема ёғли доғи.

Афсуски, замон аҳли зарурат аро қолмаган чоғида ҳам ёлғонни кўп гапиради. Бу жамиятни маънавий бўхронга итарувчи офатдир.

Ҳусайн Воиз Кошифий тариқат аҳлини икки тоифага бўлиб, мартабага эришганлар ва мартабага эришмаганлар учун алоҳида-алоҳида суҳбат одоби қоидаларини тасниф этади: «Шайхлар ва бошқа мартабага эришганлар учун ҳам, ҳали мартабага эришмаган кишилар, муридлар учун ҳам риоя қилиниши зарур бўлган бир қанча суҳбат одоби мавжуд. Агар мартабага эришганлар суҳбатда қайси қоидаларга амал қилиши керак, деб сўрасалар, айтгил, қуйидаги саккиз қоидани сақлашлари керак: биринчидан, ҳар кимнинг аҳволига қараб, муносиб сўз айтсин. Иккинчидан, дағаллик қилмасдан, лутф ва мулойимлик билан гапирсин. Учинчидан, гапираётганда табассум қилиб, очилиб гапирсин. Тўртинчидан, овозини баланд кўтармасин, эшитувчиларга малол келтирмайдиган қилиб гапирсин. Бешинчидан, одамларга нафъи тегадиган маъноли гапларни гапирсин. Олтинчидан, агар сўзнинг қиммати-

<sup>1</sup> Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. Форс-тожик тилидан Нажмијдин Комилов таржимаси. А. Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти. Тошкент, 1994 йил. 51-бет.

қадри бўлмаса, уни тилга олмасин, чунки улуғларнинг сўзи бамисоли уруғидир, агар уруғ пуч ёки чириган бўлса, уни қаерга экманг, униб чиқмайди.

Агар мартабага етмаганларнинг сұхбат одоби нечта, деб сўрасалар, бу ҳам саккизта деб айтгил. Биринчидан, сўрамагунларича гапирмасин. Иккинчидан, гапираётгандан овозини баланд кўтармасин. Учинчидан, гапираётгандан ўнгу сўлга қарамасин. Тўртингчидан, гаразли ва кинояли гапларни гапирмасин. Бешинчидан, қаттиқ гапирмасин ва бетгачопарлик қилмасин. Олтинчидан, пушаймон бўлмаслик учун ўйлаб гапирсин. Еттинчидан, одамлар гапини бўлиб сўз қотмасин. Саккизинчидан, кўп гапирмасин. Чунки кўп гапириш ақли ноқислик белгисидир. Оз бўлса ҳам, аммо соз гапиришни шиор этсин».

Сўзлаш ҳам, тинглаш ҳам жуда катта масъулият ва маданиятни талаб қилувчи инсоний фазилатлардир. Агар инсон яхши сўзласа-ю, тинглашни билмаса ёхуд тингласа-ю, сўзлаёлмаса, бу ҳам маънавий ноқислик аломатдидир. Чунки ўз сўзини сўзласа-да, сұхбатдошининг сўзини диққат билан тингламаса, ўзининг худбинлиги ва дўстининг дардларига бефарқлиги билан сұхбатдошини ранжитиб қўйиши мумкин. Тингласа, ўйласа-да, астойдил гапирмаса, ички мушоҳадакорлиги ва тафаккур қобилиятини юзага чиқара олмайди. Нутқ ва тафаккурида мутаносиблик юзага келмайди. Шунинг учун сўзни сидқу садоқат, самимият билан сўзланган маъкул. Сұхбатдош сўзини қабул қулоғи билан, диққат-эътибор билан, хайриҳоҳлик ва ҳамдардлик билан тинглаган маъкул.

«Агар сўз сеникими ёки сен сўзникими, деб сўрасалар, айтгил: мен сўзники ва сўз меникидир, чунки сўз инсонлик дарахтининг мевасидир, дарахтни мевадан, мевани эса дарахтдан ажратиб бўлмайди. Агар нуқсонли сўз қайсиdir, деб сўрасалар, Худо ва Расулнинг сўзига мувофиқ келмайдиган сўз, деб жавоб бергил,» — дейди Ҳусайн Воиз Кошифий. Дарҳакиқат, айтилган сўз одам учун фарзанди жигарбандидай бир нарсадир. Ота-она фарзандидан тонолмагани сингари, ўз сўзидан ҳам тонолмайди. Фарзанд ҳам ота-онадан тонолмагани каби, сўз ҳам сухандоннинг ўзиники. Шунинг учун айтиладиган сўзга масъуллик ота-онанинг фарзандга, фарзанднинг ота-онага масъуллиги даражасида бўлмоғи лозим. Элга фойда келтирадиган фарзанд қобил, бирорвга зарари тегадиган фарзанд эса ноқобил санала-

ди. Сўз ҳам шундай. Бирорга нафъи тегадиган сўз яхши саналади ва у ўз эгасига шараф келтиради. Бирорга заар етказадиган сўз эса ёмон ҳисобланади ва сўзловчини бадном этади.

Инсоний муомала-муносабатнинг дебочаси саломаликдир. Суҳбат ва нутқ одоби салом-аликдаёқ кўриниб қўя қолади. Зеро, салом-алик одоб-ахлоқнинг бирламчи бегиларидандир. Шарқда салом-аликнинг ўзига хос одоби ва қоидалари шаклланган. Унга кўра, қуийдаги шароитларда инсонлар бир-бирлари билан салом-алик қилишлари вожиб. Аввало, дўсту биродарлар бир-бирларини кўрганларида салом-алик қилишлари шарт. Иккинчидан, йўлда юрганда, одамларга салом бериш керак. Кейинги пайтларда, айниқса, катта шаҳарларда бу одатга амал қилинмай қолди. Учинчидан, биродарининг эшигига етганда, салом бериш жоиз. Тўртинчидан, ўтиришлар, йиғинларга, тўймаъракаларга борганда, ҳозир бўлган жамоага салом бериш лозим. Бешинчидан, агар киши бир ерда ўтирган бўлса ва ўрнидан туриб кетадиган бўлса, қолганларга салом дейиши лозим. Бу — хайрлашув саломи бўлади. Олтинчидан, қабристонга яқинлашганда салом бериш вожиб. Еттинчидан, инсон ўз уйига кирганида, хонадон аҳлига салом бериши керак.

Хаётда салом бермаслик керак бўлган шароитлар ҳам бор. Буни баъзилар фаҳм-фаросат билан илғаб оладилар. Баъзилар эса тарбиячилар айтмаганлари учун англамай; амал қилмай юраверадилар. Бу нарса оила, боғча, мактаб тарбиясида, албатта, кўзда тутилиши лозим. Қуийдагидек вазиятларда салом берилмайди: ҳаммомда ювинаётганда, ҳожатхонада ўтирганда, Куръон ўқиётганда; номаҳрам хотинлар дуч келгандага, номоз ўқиб турган одамга.

Шарқона аҳлоқ ва ҳаётий вазиятлардан келиб чиқиб, шакллантирилган салом бериш одобига биноан, салом берувчи киши пок бўлиши керак: отлиқ ёки бошқача уловдаги одам яёв кишига салом бермоғи жоиз; ёши кичик одам ёши улуг одамларга биринчи бўлиб салом бермоғи лозим; салом бераётган одамнинг чехраси очиқ ва хурсанд бўлса, у бошқаларга ҳам хушнудлик бағишлаши; борган даврасига файз киритиши мумкин; ишора ёки имо (бошни қимирлатиб, қўлни кўкракка қўйиб) эмас; балки овоз чиқариб: «Ас салому алайка» ёки «салому алайк» десин ва агар жамоатчи-

лик билан кўришаётган бўлса, «Ас салому алайкум» деб айтиш одобдандир; икки киши бир-бирига яқинлашганида, қўл бериб кўришмоғи маъқул, чунки бу дўстлик ва биродарликни билдиради.

Саломга тегишлича жавоб қайтариш ҳам мұхим инсоний фазилатdir. Абдулла Ориф «Маломат тоши» шеърида инсонлар томонидан ёғдириладиган маломат тошининг сабабларидан бирини — «у балки алиқсиз қолган бир салом» дея жуда түғри белгилайди. Саломга жавоб қайтариш шартларига кўра, саломга хурсанд бўлиб алик олиш лозим. Иккинчидан, салом берганга раҳмат дейиш ҳам ўринли. Учинчидан, агар ислом миллатига мансуб бўлмаган одам салом берганида ҳам, ҳурмат кўрсатиб, алик олган маъқул. Тўртинчидан, саломга алик оловчи ҳам таҳоратли, пок бўлиши керак. Бешинчидан одамлар, жамоат бўлиб ўтиришган бўлса, ораларидан бир киши саломга жавоб қайтарса, етарлидир. Олтинчидан, саломга ишорат билан эмас, овоз чиқариб алик олиш зарур. Етгинчидан, саломга алик олганда, салом берган киши буни эшитиши лозим. Зеро, салом-аликнинг фазилати — инсонларга эзгулик тақдим этиш ва зудлик билан эзгуликка жавоб қайта-ришдан иборатдир.

Суҳбат ва нутқ одобида маданият ҳамда фахм-фаросат билан савол-жавоб қилиш, сўрашиш ҳам мұхим ўрин тутади. Шайх Саъдий «Гулистон» асарининг «Суҳбат одоби зикрида» бобида шундай ҳикоят келтиради: «Баданимда либосим остида бир пинҳон ярам бор эрди. Шайх, раҳматуллоҳи алайҳ, ҳар кун сўрар эрди ва қайси узвимда эрканин сўрамас эрди. Андин ихтироҳэт этар эрдиким, ҳар узвни зикр этмак раво эр-мастурар. Хирадманлар дебдурларким, ҳар кишининг саволидин ранжида бўлсалар, жавобида ранжида бўлурлар». Демак, камоли эҳтиёткорлик билан савол-жавоб қилиш лозим экан. Чунки кишининг кўнглига тегадиган, ранжитадиган савол худди шундай жавобни келтириб чиқариши ва бу инсонлараро нозик муносабатга рахна солиши мумкин экан.

Нотиқларнинг яна бир тоифаси давра, тўй-у маъракаларни бошқарадиган кишилардир. Давра, тўй, маъракаларнинг қандай ўтиши, хонадон даҳлиниг обрў-эътибори, мурод-мақсадининг ҳосил бўлиши кўпроқ шуларга боғлиқ. Уларнинг одоби Ҳусайн Воиз Кошифий тавсифлаган маддоҳлар ва ғавалхон-

лар одобига яқин бўлади. «Шуни билгилки, — деб ёзади Ҳусайн Воиз Кошифий, — футуфват аҳли (аҳли шадд) орасида маддоҳларнинг мартабаси энг баланддир. Бунинг сабаби шуки, аҳли байт, хонадон муҳаббати барчанинг кўнглида мавжуд ва агар бирор бошқа бирорни севса, севгилисинг таърифини тилидан қўймайди... Маддоҳлар шундай хусусиятга эга кишилардир ва узлуксиз аҳли байт таърифида сўз айтадилар ва хонадоннинг ёдида сўз айтиш билан вақт ўтказадилар». Биз маддоҳ ва даврабошиларни шартли равишда сухандон деб атаймиз. Ҳаётда турлича тоифали сухандонларни учратасиз. Биринчи тоифа — улар ўzlари бадиий ижод билан шуғуллануб, шеър ёзиш қобилиятига эга бўлиб, ҳикояту ривоятларни назмга тушириб, бадеҳатан вазиятга мослаб баён қилиб кетаверадилар. Иккинчи тоифа — бошқа шоирларнинг шеър, ҳикоя ёки бадеҳаларини ижро этиб, халққа маърифат ёювчилардир. Улар бадиият намуналарига ўzlаридан ҳеч нарса қўшмайдилар, балки уларга ўzlарининг ижро маҳоратлари билан сайқал берадилар. Бу тоифани ровийлар деб ҳам атаганлар. Учинчи тоифа — ўzlари бошқа касб билан шуғулланиб, кези келгандагина, турли манбалардан ёдлаган турли байтлари асосида сухандонлик қиласиган кишилар. Тўртинчи тоифа — тайёр матн асосидагина гапира оладиган, аксарият ҳолларда матнни қоғоздан кўз узмай ўқиб берадиган кишилар. Улар мустақил ижодий фикр юрита олмайдилар ва шунинг учун матннинг қулига айланиб қоладилар. Бундай тоифа телевидение ва радио дикторлари орасида учрайди. Шу боисдан радио ва телевидение дикторларининг ҳаммасини ҳам сухандон дейиш тўғри эмас. Сухандон — сўз донишманди, сўзлаш устаси, сўз ижодкори демакдир. Эркин, ижодий ёндашолмайдиган, матндан узилиб сўзлаёлмайдиган дикторларни эса «суханрон» сўзи билан аташ мумкин. Форсча-тожикча «суханрон» — «сўз юритувчи» демакдир. Бундай тоифага давра, тўю маъракаларни бошқаришни топшириб бўлмайди.

Сухандонликнинг қуидагича асосий шартлари бўр: биринчидан — у маънавий-ахлоқий етук, маърифатли зот бўлсин; иккинчидан — ёши улуғроқ, ҳаётий тажриба кўрган бўлсин; учинчидан — эл таниган ва элни танийдиган бўлсин; тўртинчидан — нутқий камчилиги бўлмасин; бешинчидан — кўриниши кўркам,

нуроний ва ёқимтой бўлсин; олтинчидан — давра ташкилотчиси ёки тўй-маърака эгасига яқин бўлсин; еттинчидан — давра қатнашчилари, хонадон аҳли, меҳмону мезбонларнинг асосий қисмини танийдиган киши бўлсин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизқи, қейинги даврларда Республика радио ва телевидениеси орқали чиқаётган баъзи дикторлар нутқининг сифати, айниқса, тўртингчи шарт талабига жавоб бермайди. Айрим нутқий камчилиги бор кишиларга дикторлик вазифаси топширилмоқда. Ушбу камчилик радиодан ҳам кўра, кўпроқ телевидениеда яққол сезилади. Чунки телевизорда нотик томошабин билан бевосита юзма-юз бўлади. Томошабиннинг эътибори нотик нутқининг мазмунига эмас, балки нутқий камчиликка тортилиб қолади. Оммавий минбарларда халқ мақолидаги «Оғзи қийшиқ бўлса ҳам, бойнинг ўғли гапирсин» қабилида иш тутилмаглиги лозим. Республика радиоси ва телевидениесига энг асил сухандонлар танлаб кўйилиши керак.

Сухандонлик одоби шулардан иборатки, сухандон, аввало, имон-эътиқодли, доимо таҳоратда юрадиган бўлсин; иккинчидан, сухандонлик мавқеидан гаразли ниятда ва қасд олиш учун фойдаланмасин; учинчидан, бойлика, ҳирсу тамаъга берилган бўлмасин; тўртингидан, мадҳда ошириб муболаға қилиш билан шуғулланмасин; бешинчидан, давра, тўй-маърака манфаатини кўзлаб гапирсин, мавқеини сунистъемол қилиб, ўз-ўзини тарғиб қилиш, ўз шахсиятйни улуғлаб кўрсатишдан сақлансан: сухандонлик бурчини сўзни сўзга улаш деб тушунмасин, узундан узоқ гапириб, аравани қуруқ олиб қочмасин, балки давра аҳлини, меҳмон ва мезбонларни маҳорат билан сўзлатсан, уларнинг кўнгилларидаги гапни топсин, қулфи дилларини очсин.

Куйидаги инсоний сифатлар сухандон одобидан ўрин олиши лозим: сидқ, сабр, шукр, зуҳд (парҳез), тоат, қаноат, муҳосаба (умр ҳисобини олиш), муроқаба (худо ёдида тафаккурга берилиш), тавозу, таслим, ихлос, карам, нисор, муҳоҳада (жидду жаҳд қилмоқ), тафаккур, таваккул, кам ёйиш, кам ухлаш ва шафқатли бўлиш.

Сухандонга нолойик, у ҳазар қилиши лозим бўлган сифатлар куйидагилар: ғафлат, ғуур, айбгўйлик, риё, майхўрлик, қаро кўнгиллилик, зино, бадаҳлоклик, жанжалкашлиқ, ярамас ва ношоиста сўз айтиш, ваъданни бузиш, масхара — мазаҳ қилиш, ноўрин таъна, ёл-

ғон гапириш, ёлғон қасам ичиш, биродарларни гийбат қилиш, гап ташиш, ғаммозлик, ҳасад, маккорлик, одамларни ёмонлаш, бойликка ҳирс қўйиш, зулм, баҳиллик, кўп ухлаш, кўп ейиш.

Суҳан аҳлининг бир-бири билан ўзаро муносабатлари одобида қўйидаги қоидалар мавжуд: аввал, улар бир-бирлари билан дўст бўлсинлар; иккинчидан, ўзаро ҳамкор, ҳамжиҳат, маслақдош бўлсинлар; учинчидан, бир-бирлари билан келишмай иш бошламасинлар; тўртингидан, ҳирсу ҳавас билан рақобатга киришмасинлар, ожиз-бечораларни сафларидан суриб чиқармасинлар; бешинчидан, бир-бирларини ҳурматларини сақлашда қилча гумон-шубҳага йўл қўймасинлар, токи ҳамма ерда, ҳамма вақт муҳтарам, азиз ва ҳамкор бўлсинлар.

Услубига кўра, сухандонлар тўрт хил бўлади. Бир хиллари на шеър, на насрый асарлардан фойдаланмай, фақат оддий гапларни гапирадилар. Уларнинг нутқи камбағал ва жозибасиз бўлади. Иккинчи хиллари фақат шеър ўқийдилар, шеърни равон ва ифодали ўқиб, тингловчиларга завқ бағишлидилар. Учинчи хиллари насрый асарлар, мўъжаз гаплар, ибора ва таърифу тавсифлар (қасидахонликни) наср билан адо этадилар ва бу тоифани гарроҳон (чиройли ўқийдиганлар) деб атайдилар. Тўртингчи хиллари наср ва назмни аралашибтириб, ўз ижодий фикрлари билан йўғириб гапирадилар. Бу тоифани мурассаҳон (сўз устаси), деб атайдилар. Бундай нотиқларнинг камолу fazli, мартабалари олдинги уч гуруҳдан баланддир.

Ўтмишда қиссаҳонлар ва афсона айтувчилар бўлган. Улар ҳам нотиқ ва саводхон кишилар бўлишган. Қиссаҳонлик йигинларини китобхонлик деб ҳам айтишган. Маънавиятга катта эътибор берилаётган ҳозирги замонда ана шу анъанаҳарни тиклаш фойдали бўларди. Қиссаҳонликнинг аҳамиятини XV асрдаёқ Ҳусайн Воиз Кошифий шундай таъкидлайди: «Шуни билки, қисса ўқиш ва қисса эшитишнинг фойдаса катта. Биринчидан, киши ўтган аждодларнинг иши ва аҳволидан ҳабардор бўлади. Иккинчидан, одам гаройиб ва ажойиб воқеа, сагузаштларни эшилса, фикри ва кўзи очилади. Учинчидан, ўтганларнинг заҳмату үкубатларидан ҳабардор бўлса, ҳеч ким бу дунёда ташвиш-ғамдан озод эмаслигини англаб, кўнгли таскин топади, тасалли бўлади. Тўртингидан, ўтган подщолар давлати ва мулкининг заволинни эшилса, дунё молига меҳри

сусаяди, бойлик кишига вафо құлмаслигини билиб олади. Бешинчидан, қисса әшитган беҳад күп ибрат олади, тажриба орттиради. Бас, маълум бўладиким, ўтмиш аждодларнинг қиссаларида фойда кўп, агар бўлиб ўтган воқеалар бўлса, айтувчи ва ўкувчи билан бирга әшитувчи ҳам ундан нафъ топади ва агар гайри воқеъ (тўқима) бўлса, айтувчи учун гуноҳ ҳисобланса-да, аммо әшитувчи учун фойдали ва савобдир...»

Қиссанон ва сухандонларнинг мавқе-маргабаси ўтмишда улуғ бўлган. Йиғинларда қиссанон курсига ўтқазилган. Курсига ўтқазишнинг маъноси шу бўлганки, истеъоди, нотиқлик ҳунари бўлган киши ҳаммадан баланд жойга ўтқазилган, токим бошқалар нотиқнинг дийдоридан, нутқидан бемалол баҳраманд бўлсинлар. Подшолар сўз ҳунарида ном қозонган кишиларни сийлаб, ўз ҳузурларида курсига таклиф этганлар. Сўз майдонининг паҳлавонлари курсига ўтқазиб эъзозлаш, қадрлашга сазовор, деб ҳисобланган. Курсининг тўртта руқни бор, деб қаралган. Улар иккита остки ва иккита устки рукнлар бўлган. Иккита устки рукннинг бири — билим, иккинчиси — ақлу фаросат, зеҳну заковатга ишорани англатган. Демак, бу нотиқлик санъатида шу фазилатлар устуворлигини билдиради. Яна бу рукнлар курсида ўтирган нотиқ билими ва заковати билан ҳар бир маъракада қандай сўзга талаб борлигини англасин ва шунга қараб сўз айтисин, демакдир. Курси остки икки рукнининг бири — сабрга, иккинчиси — саботга ишорадир. Бу шуни англатадики, курсига чиқиб ўтирган одам чидамли бўлиши, ўз ишига мустаҳкам, событ бўлмоғи лозим. Ҳар нарсага ўрнидан туриб, енгил ҳаракатлар құлмаслиги, чалғимаслиги ва тингловчиларини чалғитмаслиги муҳим.

Қиссанонлик икки хил бўлади: биринчи — ҳикоят, ривоят ва насрый қиссалар айтиш, иккинчиси — шеърхонлик. Наср айтиш одобининг қоидалари бундай: қиссанонлик бошлаганда, агар киши қиссани бошловчи бўлса, у устоз таълимини олган, таҳсилни устоз ҳузурида ўтказган бўлиши лозим. Агар қиссани тутатувчи бўлса, ўзи мустақил тақрорлаган бўлсин, тоқи эсидан чиқиб, тутилиб қолиб, даврани совутмасин. Сўзга дадил киришсин, сусткашлик құлмасин. Тингловчилар жамоаси қандай асарни қабул қилишини англасин ва эл рағбати кўпроқ бўлган асарларни танласин. Қиссанонлик давомида назмни наср билан омӯхта тарзда баён этсин. Лекин, меъёр бузилмасин.

Улуг сухандон устозлар: назм — қиссахонликда бами-соли таомга солинадиган туздир — агар кам бўлса, таом таъмсиз бўлади ва агар кўпайса, шўр бўлади, деган эканлар. Ёлғон ва ишонарсиз сўзларни гапирмасинки, элнинг назаридан қолади. Кинояли, тушунилмайдиган, мавҳум сўзларни қўллаб тингловчиларни раңжитмасин. Тамагирлик, гадойлик қилиб одамларни ўзидан бездирмасин. Қиссахонликни ҳаддан ташқари тез тутатмасин, ортиқ чўзмасин ҳам, ўрта меъёри сақласин.

Ўзига хос шеърхонлик одоби қоидалари ҳам мавжуд. Шеърни оҳанг билан ўқиш, сўзни одамлар қалбига жойлай олиш, сўзаро бирор мураккаб байт дуч келса, тингловчиларга уни шарҳлаб, мағзини чақиб бериш, эшигувчиларга малол келувчи ҳаракатлар қилмаслик, ўқиган шеърининг муаллифини маърака охири ёки бошида тилга олиб, дуо қилиш. Мана шу қоидалар бажо келтирилса, қиссахонлик катта бир маърифий маъракага айланади.

## ИНШО – ТАФАККУР МЕЗОНИ

«Иншо» сўзини ўқир экан, кўпчилик гап мактаб таълими ҳақида деб ўйлар. Йўқ, гап миллий тафаккур тарзимиз ҳақида.

Нутқни ёзма равищда баён этмоқ — иншо демакдир. Асли, бу ҳам нотиқлик санъатининг бир қирраси санъат ичра санъатдир. Ёзма нутқ билан шуғулланмаган бирор нотиқни учратиш қийин. Зеро, нотиқларнинг ҳеч бири ёзма нутқини сайқал топтирмасдан чинакам санъаткор даражасига кўтарилимаган бўлса қерак. Қадим-қадим замонлардан иншо санъатига жуда катта эътибор берилган. Энг оддий мактублардан тортиб, ҳикоя, қисса, роман, эпопея, ҳатто, мураккаб услубдаги илмий асарларгача — барча ижодий тафаккур маҳсулларининг онаси иншо санъатидир.

Ёзма нутқ билан оғзаки нутқ бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Ёзма нутқ билан шуғулланмаган нотиқ нутқининг ривожи суст, сайқал топиши қийин кечади. Унинг сўз бойлиги ва ифода имкониятлари чекланган бўлади. Иншо машқларида тобланмаган нутқнинг услуб фализлиги, тафаккур даражаси саёзлиги, суръати сеқинлиги яққол сезилиб туради. Ёзма нутқ оғзаки нутқнинг равнақ топишига мұхим омил сифатида хизмат қиласиди. Айни пайтда, оғзаки нутқ ҳам ёзма нутқ-

нинг ривожига ижобий таъсир этади. Нотиқнинг фикрүү йилари, қалб кечинмалари ёзма нутқ жараёнида роса ишланади, пишиб мумтоз даражага этади. Сүнг оғзаки нутқда жамол күрсатади. Оғзаки нутқ ҳам ижод жараёни. Унда ҳам инсон фавқулодда ноёб фикр-гояларни, бадиий ифодаларни кашф этади. Уларни сўзлаб юриб, пишишиб, сайқал топтиради ва қиёмини куйма қилиб ёзма нутқида териб ёзади. Шунинг учун аввалдан мактабларда ёзма иш ва синовнинг асосий турларидан бири сифатида иншо жуда тўғри киритилган.

Умумтаълим мактабларида иншо ёздиришдан асосий мақсад ўқувчиларнинг саводхонлигини ошириш ва уларда билимларини умумлаштиришга қўникма ҳосил қилиш деб қараб келинади. Тўғри, лекин иншо машқларининг мақсад-моҳияти фақат шундангина иборат эмас. Бу вазифаларни диктант, баён сингари бошқа ёзма синов турлари ҳам бажариши мумкин. Иншонинг моҳияти кенгроқ.

Иншо синовлари, аввало, тафаккур машқларидир. Илк фикрлаш иншо машқларидан бошланади. Иншонинг дастлабки моҳияти муайян мавзу доирасида фикр юритиш, мавзу борлиқ — табиат ҳақидами, бирор адабий асар ёки қаҳрамон ёхуд манзара тўғрисидами, барибир, ўша ҳақда эркин фикрлаш ва бор таассуротларини изчил ифодалашдан иборат. Иншо соатлари илҳомбахш ижодий тафаккур соатларидир. Иншо ёзаётганда одам оғзаки гапираётгандагидан кўра сокин ва хотиржам бўлади. Бу унинг шошилмасдан, ҳаяжонланмасдан, чукурроқ фикрлашига шароит яратиб беради. Оғзаки нутқ сўзлаганда ҳар қандай маҳоратли нотиқ ёзаётганидагидек хотиржамлик билан чукур ўйлаб фикр юритолмайди. Ёзма нутқ билан муттасил шуғулланадиган нотиқ эса ўйлаб гапиришга одатланиб қолади. Узоқ машқлар натижасида, инсоннинг ёзма тафаккур тарзи билан оғзаки тафаккур тарзи мувофиқлашади.

Иншо ёздиришнинг асосий мақсадларидан бири ўқувчиларни мустақил фикрлашга, фикрларини эркін, мантиқий изчиликда, чиройли, саводли тил ва услубда ифодалашга ўргатишидир. Машқлар мобайнида мана шу фазилатларни тарбиялаш орқали ёшларда ёзма иш услуби шакллантирилади. Бу услуб одамда умрбод сақланиб, такомиллашиб боради ва у келажакда қайси соҳа мутахассиси бўлиб етишишидан қатъи низар, нотиқ сифатида камол топади. Қайси нотиқда услуб ғализ, мантиқий тафаккур бўш, саводхонлик ночор, ҳуснинчат чатоқ бўлса, билингки, у ёшлигига иншо машқ-

ларини қиёмига етказмаган. Иншо билан шуғулланган нотиқнинг фикри очилиб, тобора равшанлашиб боради. Услуби равонлашиб боради, бирор жойда қадалиб қолмайди. Иншода инсоннинг ишлаш услуби, характеристики, маънавий қиёфаси шакланади ва яққол намоён бўлади.

Ҳозир иншо машқларига эътибор камайиб кетди. Иншо синовлари ўрнини тест синовлари эгаллади. Бу нотиқлик санъати учун оғатдир. Шунинг учун халқдан кўзга кўринган — назаркарда нотиқлар етишиб чиқмаяпти. Шу боисдан, оддий ўқувчию талабадан тортиб раҳбарликка ўқиётган тингловчигача ёзма иш деса, зириллайди. Чунки уларда тайёргарлик — иншо машқлари етарли эмас. Уларнинг аксарияти жумла тузишни билмайди. Жумлалари мантиқан нотугал, мазмунан ғарид, услубан шаклу шамойили таҳрирталаб. Иншо машқини олган нотиқ учун жумла тузиш писанд эмас. Унинг жумлалари қўйилиб келади, сувдай равон оқади. У ёзганда илҳом билан завқланиб ёзади, унинг ёзганларини ўқийдиган киши ҳам ҳузур қилади. Ҳозирги талаба ва тингловчилардан ёзма иш олишга юрак бетламайди. Чунки уларни ўқиш ва текшириш машаққат. Иншо машқида тобланмаган, устоз кўрмаган бу ёшларнинг ёзма ишларида минг бир нуқсон мужассам.

Иншо ҳар бир инсон учун сўз — ифодалар жамғармасини пайдо қилиш ва йиққан сўзларини муомалага киритиш машқидир. Бизда пул муомаласи деган тушунча бор, у ҳақда кўп ўйлаймиз. Лекин, сўз муомаласи ҳақида ўйламаймиз. Аслида эса, пул ҳам, сўз ҳам бойлик. Пул — моддий бойлик, сўз эса, маънавий бойлиқдир. Маълумки, пул муомалага киритилмаса, кўпаймайди, қадрсизланади, жамғарма бойимайди. Сўз ҳам муомала билан тирик. Инсон сўз жамғармасини муомалага киритмас экан, у ўлиб, йўқ бўлиб кетишга маҳкум бойлиқдир. Аксинча, сўз бойлигини тинимсиз истифода этиш, иншо ва ижод машқи билан муттасил шуғуланиш фақат бир кишининг сўз жамғармасинигина эмас, балки, миллий тил хазинасини бойитадиган омилдир. Сўз муомалада ўз-ўзидан кўпаядиган, туғадиган товарга айланади. Ёзувчи ёзма машқларида сўзнинг янгидан-янги маъно ифодалаш имкониятларини излаб топади ва амалда қўллайди. Унинг услубида сўз ва ифода танқислиги умуман учрамайди. Оддий нотиқ бир сўзни доимо бир маънода қўлласа, ёзма машқи

кучли бўлган нотиқ бир сўзни ўн хил маъно товла-  
нишларида қўллаши мумкин. Иншо машқида тоблан-  
ган нотиқ гапираётган чоғида ифодаламоқчи бўлган  
фикрига сўз излаб, муносиб сўзни тополмай қийнал-  
майди. Чунки ёзма машқлар мобайнида унинг хотира-  
си айтилмоқчи фикр туғилиши билан, унинг ифодаси  
учун зарур сўзни дарҳол ва аниқ топиб беришга ком-  
пьютердек мослашган бўлади. Ҳатто, нутқ жараёнида  
бундай нотиқнинг хотирасида керакли сўзлар маъно-  
дошлар қатори билан автомат магазинидаги ўқлардек  
тайёр тизилиб туради. Нотиқ улардан энг муносибини  
яшин тезлигига танлаб ишлатади. Ёзма малакаси бўл-  
маган нотиқнинг эса сўз жамғармаси камбáғал, хоти-  
раси паришон бўлади. У сўзлаётганда керакли сўзни  
тополмай қийналади. Чунки мия, хотира шунга мос-  
лашмаган. Керакли сўзни нутқ жараёнида излаш бе-  
фойда. Бефойдагина эмас, бундай уриниш нотиқка  
ҳам, нутққа ҳам, тингловчиларга ҳам зарар келтиради.  
Нотиқ шошилинч изланаркан, ҳаяжонланади, довди-  
райди. «Ҳалиги», «Ҳалигини сингари», «нима эди?»,  
«нима десам экан?», «демоқчиманки», «...э-э-э»,  
«...э-э-э» каби нутқий ортиқчаликлар шундан келиб  
чиқади. Нутқнинг сифати бузилади, таъсирчанлиги па-  
саяди, нотиқнинг обрўйи тушади, тингловчилар ауди-  
торияси совийди. Бундай нотиқ кўпинча фикрига,  
маъно, мазмун айнан мос бўлмаган сўз-ифодани та-  
ваккалига ишлатиб юборади. Натижада, нутқ мавхум  
чиқади, ахборот аниқлиги йўқолади, нотиқ тингловчи-  
ларни ишонтиrolмайди. Чунки унинг ўзи ҳам фикри  
ни аниқ ифодалаёттанига ишонмайди. Нотиқлик маҳо-  
рати — маъно ифодалашда нишонга бехағо уриш  
санъати. Фикрга мос ифодани ўз вақтида топиб қўлла-  
маган нотиқ мўлжалдан, албатта, адашади.

Нотиқлик санъати ҳам нафис санъат турларига ки-  
ради. Нафис нотиқлик санъатини иншо машқлари  
тарбиялайди. Ёзиш мобайнида сўз, ифодаларнинг на-  
фисдан-да нафис муқобиллари танланади. Ёзиш маҳо-  
ратини эгаллаган нотиқлар нутқида чапани сўзлар,  
сўкиш ва ҳақорат ифодалари, маънавий зуғум ва зўро-  
вонлик тамойиллари асло учрамайди. Бундай нотиқ-  
ларнинг нутқи ўзиниг нафосати билан тингловчиларни  
ром этади. Моҳир нотиқ сўзининг таъсир кучи ҳар  
қандай дўй-пўписа оҳангларидан ўткирроқ бўлади.

Нутқдаги мантиқий изчиллик ҳам иншо машқлари  
самарасидир. Иншо машқларида маҳорат қозонмаган

нотиқ қаердан кириб, қаердан чиқишини билмайди. Унинг нутқи пароканда бўлади. Гарчи у сўзамол бўлсин, ўзига хос фикрлайдиган бўлсин, ахборот ва маълумотларга бой бўлсин, иншо санъатидаги мантиқий изчиллик қоидасига риоя қилмас экан, нутқи пала-партиш чиқади. Фикр ва ахборотларининг бири аширидан келса, бири машриқдан келади. Сўз, ифодалари ҳам бир-бирига қовушмай, пойинтар-сойинтар келади. Мантиқий изчиллик тарбияси миллий тафаккур тарзини шакллантиради. Миллий тафаккур тарзимиз эса минг йиллик иншо санъати, нутқ одоби қонун-қоидаларига таянади.

Умумлаштириш нодир қобилиятдир. Бундай қобилиятни ҳамма ҳам ўзида шакллантира олмайди. Ҳатто, кўлчилик илм заҳматкашлари, ақлий салоҳият соҳиблари илмий ҳақиқатларни эринмасдан, синчковлик билан излайдилар, ҳайратомуз далиллар, маълумотларни аниқлайдилар, йигадилар, қилни қирқ ёрадилар, лекин улар асосида кашфиётлар яратишга, умумлашмалуосалар чиқаришга, қонуниятлар кашф этишга келганда, дар қоладилар. Улар таҳлил этадилар, аммо тадқиқ этолмайдилар. Улар олим, санъаткор бўлиб этишадилар, фанга адабиёт ва санъатга, жамиятга, шубҳасиз, катта фойда етказадилар. Аммо, аллома, кашфиётчи мутафаккир даражасига кўтарила олмайдилар. Албатта бундай истеъодод ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Лекин инсонда умумлаштириш қобилияти нишоналари бўлса, уни ёшлиқдан тарбиялаб такомилига етказувчи омил иншо санъатидир.

Инсондаги саводхонликни узлуксиз назорат қилувчи ва тобора камол топтирувчи восита ҳам иншо, яъни ёзув машқлариdir. Киши ҳар куни ёзар экан, табиий равища, тил, имло, мантиқ қонун-қоидаларига, ахборот ва маълумот янгилигига ҳамда аниқлигига, шунингдек, кенг маънодаги саводхонликнинг бошқа шарт-шароитларига ҳар куни дуч келади. Ўз-ўзидан уларни тартибга солиб боради. Муттасил ёзув ишлари жараёнида ўз саводсизлигини бутунлай тутатади.

Ўзбек тилга давлат тили мақоми берилганидан кейин рус мактабларида ўқиган фуқаролар ўзбек тилида иш юритишларига, шу тилда нутқ сўзлашларига тўғри келмоқда. Уларда русча фикрлаш малакаси шаклланниб қолган. Шунинг оқибатида, улар русча фикрлаб, ўзбекча гапиришга ҳаракат қиласидилар. Нутқ ва тафаккур бир-бирига мувофиқ шаклланади. Инсоннинг та-

факкур тарзи нутқда ва ёзувда реаллашади, моддийлашади. Русча тафаккур тарзи билан ўзбекча нутқ сўзлаш жуда қийин. Нотиқ ўз фикрини ифодалай олмай қийналади. Кутилган мақсадига эришолмайди. Иншоға эътибор ҳозиргидек бўлса, рус мактабларида ўқиётган ёшлар келажакда шу кўйга тушади. Иншо машқлари кўпроқ шу тоифадаги фуқароларга зарур. Чунки, иншо миллий тафаккур тарзини тарбиялайди. Руассийзабон фуқаролар ўзларида миллий тафаккур тарзини шакллантирмай туриб, ўзбек тилида иш юритишлари ва равон нутқ сўзлашлари қийин. Ўзга миллият вакили воқеликни ўзбекнинг тафаккур тарзи билан идрок этиб, ўзбекнинг кўзи билан кўра олганидагина, у чинакамига ўзбекча фикр юритиб, ўзбекча сўзлай бошлади. Шунинг учун уларнинг таҳсилларида иншо машқлари ва синовларига катта эътибор берилиши керак. Бу уларда ўзбек тили билими ва малакасини эгаллашгина эмас, балки миллий тафаккур тарзи, маънавият ва маданият, ҳиссий ва руҳий оламни шакллантириш омили бўлади.

Жамоатчиликда иншо фақат тил ва адабиёт фанларига тааллуқли, деган янгиш тушунча мавжуд. Аслида, бу ижодий, фикрий, ақлий, маънавий камолотга тааллуқли ижтимоий муаммодир. Ўша тушунчадан келиб чиқиб, иншо машқлари синовлари фақат она тили ва адабиёт дарсларида ўтказилади. Олий ўкув юртларига кириш учун ҳам иншо имтиҳони она тили ва адабиёт фанларидан қабул қилинарди. Эндиликда, тест ва рейтинг тизимиға ўтилганидан кейин, умумтаяълим мактабларида иншога эътибор пасайди, олий ўкув юртларидан эса иншо бўйича кириш имтиҳонлари олинмай кўйилди. Хўш, келажакда нима бўлади? Истебъодларни қандай аниқлаймиз ва камол топтирамиз? Қолаверса, тест синовлари юқорида кўриб ўтганимиз иншо шакллантирадиган фазилатлар —миллий тафаккур тарзи, кенг дунёқарашиб, маънавий етук қиёфа, нутқий баркамоллик, саводхонлик ва ҳоказо фазилатларни кўрсата оладими? Йўқ, асло! Бирорта синов иншонинг ўрнини боса олмайди. Иншо имтиҳонлари аниқлаб берадиган кўрсатичлар барча соҳа мутахассислари учун зарурдир. Барча касблар ўз эгасидан ҳассос инсоний қалб ва теран тафаккур билан фаолият кўрсатишни талаб қиласиди. Бўлгуси мутахассис қиёфасидаги бу нозик қирраларни очиб берувчи асосий мезон эса иншо санъатидир.

Юқоридаги мушоҳадалардан келиб чиқиб, умумтаълим мактаблари таҳсилда, лицейларда, ўрта-маҳсус таълим тизимида иншо ва умуман, ёзма ишларга эътиборни кучайтириш; синфдан-синфга кўчиш, битириш имтиҳонлари таркибида иншони сақлаш ва олий ўқув юргларига қабул имтиҳонларида иншо бўйича алоҳида имтиҳон киритишни; шунингдек, янгиланган таълим асосида, фақат она тили ва адабиёти эмас, тарих, маънавият ҳамда бошқа соҳалар бўйича иншо синовлари ва машқлари методикасини ишлаб чиқишини тақлиф этамиз.

### III б о б .

## МАТН – СҮЗ ХАЗИНАСИ

### «НАВОЙИ» ТАХАЛЛУСИННИГ БАДИЙ МАЊНО МИЌЕСЛАРИ ВА ИМЛОСИГА ДОИР

Улуг Алишер Навои матнчи ва матншунослаарни «сўз маҳзанининг хазинадори», яъни сўз хазинасининг хазиначилари деб атаган эди. Бундан англаш мумкинки, бадий асар матнлари сўз хазиналариидир. Албатта, луғат ҳам — сўз хазинаси. Лекин, бадий матн тирик, ҳаракатдаги, мудом ишлаб турувчи хазинадир. Унинг иш кучидан қандай фойдаланиш матнчилик ва матншуносликнинг савиясига боғлиқ.

Мустақил Ўзбекистоннинг ҳурфикр миллий истиқлол мағкураси маданий меросни, шу жумладан, Алишер Навои ижодиётини қайта ўрганиш, қайта баҳолаш имкониятларини очиб берди. Бу жараён яралган имкониятдан оқилона фойдаланишни, муҳим илмий-амалий ишлар қилишни тақозо этади. Навои ижодини ўрганишдаги асосий мақсадлардан бири — шоир асарларини тўғри тушуниш, аслиятига яқинлашиб бориш эди. Аммо биз баъзи ҳолларда шоир асарлари моҳиятини сунъий ижтимоийлаштириш, замонавий ақидаларимизгá мослаб бир ёқлама талқин этиш йўлига кириб қолиб, аслиятдан анча узоклашиб кетдик. Навои ижодиётини янгича назар билан ўрганиш ва қайта баҳолашга шоирнинг дунёқарашини, бадий дунёсининг фалсафий асосларини, ислом эътиқодига муносабатини тўғри, холисона ёритишдан тортиб, асарлари номини, тахаллусини аслидагидек тўғри ёзишгacha бўлган улкан ҳамда мўъжаз муаммолар киради. Аввало, адабиётимизнинг энг йирик сиймоси тахаллусини аслидагидай тўғри ёзишни ўйлаб кўриб, қатъий ва илмий тўхтамга келишимиз керак.

Низомиддин Алишер тахаллусининг, аслида, «Навоий» эмас — «Навоий» ёзилиши тўғрисидаги муаммо энди кўтарилаётгани йўқ. Бу — исбот талаб қилмайдиган аксиомалардан бири. «Навоий» ёзилиши тўғрилити — жамоатчилик орасида, матбуот саҳифаларида ва айрим манбаларда тан олинган, ошкора эътироф этилган ҳақиқат. Масалан, профессор Ҳамид Сулаймон 1977 йили «Адабий мерос»нинг тўққизинчи сонида «Алишер Навоий номининг ёзилиш шакллари ва имлоси ҳақида»ги

мақоласида масалага манбашунос сифатида ёндашиб, уни тўғри ҳал этган эди. Ҳамид Сулаймон мақоласида ушбу ғалати машхур — машхур хатонинг келиб чиқиш тарихи шундай ёритилган: «1937 йилдан бошлаб, 40 йилдан бўён «Навойи» тахаллуси «наво» «نَوْ» сўзига қўшилган икки «ё» «يَ» ҳарфидан ташкил топган ёйи нисбат «йи» «يَيْ» нинг ҳозирги ўзбек графикасида нотўғри «ий» шаклида ёзилиши қатъий қоида тусига кириб қолган... Алишер Навоийининг 500 йиллик юбилейига тайёргарлик бошланган 1930 йилларда ўша йиллардаги имло қоидаларига сунъий равишда мослаштириш («ий» ва «ий»ни фақат бир формада — «ий» билан) ёки айрим қусурли қўлёзмаларда «ҳамза» орқали ёзилган нусхаларга таяниш туфайли бўлса керак, шоир тахаллусини «Навойи» шаклида ёзиш одат тусига кириб борди<sup>1</sup>. Олимнинг чўкур текшириши натижаси, ишончи, холосасига кўра: «Ҳозирги ёзувимизда (тахаллуснинг) «Навойи» вариантини қабул қилишимиз ҳам имло, ҳам талаффуз, ҳам тарихий жиҳатдан тўғри бўлади... Тахаллус ва нисбалар сўз ундош ҳарфлар билан тугалланганда «ий», унли ҳарфлар билан тугалланганда «ий» аффикслари билан ясалиши ўзбек тили тарихий грамматикаси ва фонетикаси учун қонуний ҳолат экан, бинобарин, шоир тахаллусини биз ҳам эски ёзувда аслига мувофиқ «يَيْ», ҳозирги графикамиизда эса «Навойи» ёзиш қоидасини қабул қилмоғимиз керак».<sup>2</sup> Афсуски, бу тадқиқот ҳаётий аксадосига, амалий татбиқига эришмади. Йиллар ўтди...

Профессор Абдуқодир Ҳайитметов «Мерос ва ихлос» китобидаги «Текстологик хато — бош хато» сарлавҳали мақоласида тахаллуслар имлоси масаласини кўтарди ва мазқур муаммога ижобий муносабат билдириди: «Навойи» тахаллуси ҳам аслида «Навойи» деб ёзилиши ва ўқилиши керак. Чунки улуф шоир тахаллуси қўлёзмаларда шу хилда ёзилган. Масалан, Ҳусайнин «Ғам ема, маҳзун кўнгилким, дилрабойинг келгуси» деб бошланган ғазалида шоир номини «ишратфизойинг», «ҳумойинг», «раҳнамойинг», «ойинг» каби сўзларга қофия қиласи:

Эй, Ҳусайнин, қилмагил ишрат навосинким, буқун  
Ким, гулистони нишотингда Навойинг келгуси.

<sup>1</sup> Ҳамид Сулаймон. Алишер Навоий номининг ёзилиш шакллари ва имлоси ҳақида. «Адабий мерос». Ўзбек адабиёти тарихидан материал ва тадқиқотлар. 1977 йил, 9-сон, 43-бет.

<sup>2</sup> Ўша мақола, 44—45-бетлар.

«Навоий» деб ёзиш шоир шеърларини вазн назаридан тўғри ўқиши ҳам қийинлаштиради. Мазкур шеърни ҳам шоир таҳаллусини «Навоийинг» деб ўқиши мумкин эмас».¹ Эҳтимол, ушбу ғоя чуқур, маҳсус таҳлил, исбот асосига қурилса ҳамда муаллиф уни яқдиллик, қатъият билан илгари сурса, илмий-адабий жамоатчилик аллақачон аслиятта қайтган бўлурмиди. Бироқ, олимнинг кейинги жумлалари муаммонинг натижасиз қолишига мойиллик билдиргандек: «Тўғри, баъзан сўзлар ва иборалар «галати машхур» деган қоидага (?) биноан умумий қоидадан истисно сифатида ёзилиши мумкин. Шу жумладан, Навоий таҳаллуси ҳам «Навоий» деб ўқилса-да, ёзувда «Навоий» шаклида ёзилиши мумкин». Агар асарларининг фикрати ва бадииятига зарар қилмаса, бу «истисно» билан келишиш мумкин эди. Таассуфки, аксинча.

Шу кўйи таҳаллуснинг тўғри талқинини амалга оширишга, йиллар мобайнида шаклланган «Навоий» деб ёзиш анъанасидан воз кечишга на навоийшуносларда, на матбуот идоралари ва жамоатчиликда журъат етмади. Афтидан, файриилмий анъананинг мустаҳкам ўрнашгани, халқ «Навоий» атамасига жуда кўнишиб кетгани аксиомани исботлашни талаб қилаётганга ўхшайди. Анъанага садоқат ва уни бузиш ўринли-ўринсизлиги масаласида шуни айтиш керакки, минг йиллик тўғри ва муқаддас анъана олдида классикларимиз таҳаллусларини «-ий» лаштириб ёзиш анъанасининг умри қисқа. Аслида, қадимий анъана нотўғри бузилган. Шунинг учун бугунги омонат анъанадан воз кечиб, ота-боболаримиз анъанасини тикиласак, хатони тузатган бўламиз, холос. Бундан ташқари, ҳозир янги ўзбек лотин имлосига ўтаётган эканмиз, мавжуд қусурлардан бирйўла кутулиб ўтган маъкул. Навоийидай улуг зотнинг таҳаллуси ҳақида баҳслашиш шаккокликдай туюлиши мумкин. Лекин, башарти, исботлаш, ишонтириш зарурати бор экан, бунга уриниб, биргаликда фикрлашиб кўрайлик.

Низомиддин Алишер таҳаллусининг «Навоий» шаклини инкор этиб, «Навоий» деб ёзишимизга қуйидагича асослар бор. Бу ўзаро алоқадор асослар бир-биридан келиб чиқади, бир-бирини қувватлайди ва тақозо қиласди.

<sup>1</sup> А. Ҳайитметов. Мерос ва ихлос. Фафур Рулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1985: 117—118-бетлар.

1. Адабий тахаллус халқнинг миллий, маданий, ли-соний бойлиги ҳисобланади ва унинг қисмати ҳуқуқий жиҳатдан ўша халқнинг тили қонун-қоидалари муҳофазасидадир. Масалага Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги қонуни талабларига мувофиқ ёндашсак, тарихий исмлар, маданий обидалар, асарлар номлари, адабий тахаллуслар ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, миллий-тарихий анъаналарга мувофиқлаштириб, аслидагидек ёзилади. Бу қонун, бевосита, Навоий ва бошقا мумтоз адиларимиз тахаллусларига ҳам тегишли.

2. Эски ўзбек ёзувида тахаллус «نواي» тарзида ёзилади. نواي тарзида «ҳамза» билан ёзилиши айрим ҳоллардагина учрайди. «Ҳамза» белгисидан «Навоий» ёзилгани англашилмайди. «Наво» сўзи унли билан тугаллангани учун, «Ё»-йи нисбат» олдидан яна бир «ё» орттирилган ва ёзувда иккита «ي» ёнма-ён тушиб қолган. Имло қоидасига мувофиқ, шу икки «ё»дан бири «ҳамза» орқали қисқартириб ифодаланган.

Професор Алибек Рустамов тахаллуснинг тамоман янги бир шаклини тавсия этади. У кишининг фикрларига кўра, тахаллус «асли «Навоий»дир. Чунки نواي даги иккита «ё» иккита «й»ни, зер «и»ни билдиради». Эҳтимол, бу фикрни назарий жиҳатдан асослаш мумкиндир. Лекин амалда бирор қўлёзма манбада тахаллус кўшимчасининг сукун ва зер билан ёзилган шаклини учратмадик. Агар асли шундай бўлса, бирор манбада котиб бу муҳим муаммога ишора қилиши керак эди.

3. Тарихий қўлёзма ва босма манбаларда ҳам «Навоий» шакли қўлланиб келган<sup>1</sup>. Аслиятга энг яқин манбалар — шоирнинг ўз дастхати, дебтан олинган қўлёзма девонида ва унинг «Йлк девон»ида ҳам<sup>2</sup> тахаллус «Навоий» тарзида қўлланган.

4. Шоир тахаллусининг «Навоий» шакли ўзбек тилининг талаффуз (орфоэпия) талабларига тўғри келмайди. Ўзбек тили талафузи табиатига «Навоий»даги сингари икки унли ёнма-ён келиши (ои) хос эмас.

<sup>1</sup> Қаранг: Лондон, Британия музейи, қўлёзма № 401, Навоининг биринчи расмий девони — «Бадойиъ ул-бидоя»нинг 1482—83 йилда кўчирилган нусхаси; Озарбайжон Илмлар академияси, қўлёзма № 3010, «Бадойиъ ул-бидоя»нинг 1484 йилда кўчирилган нусхаси; Тошкент, ЎзССР ФА Адабиёт музейи, қўлёзма № 84, «Бадойиъ ул-бидоя»нинг 1486 йилда кўчирилган нусхаси; Тошкент ЎзР.ФА, Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма № 3984, XV аср охирида Султонали Маҳҳадий кўчирилган терма девон.

<sup>2</sup> 1466 йили кўчирилган қўлёзма, хаттот Султонали Маҳҳадий, Ленинград, Салников-Шчедрин номидаги кутубхона, 564-рақам.

5. Тахаллуснинг «Навоий» шакли — сунъий ва китобий. Шунинг учун ҳам, шоир тахаллусини китобдан ўзлаштирган ўқимишли кишилар уни «Навоий» тарзида бемалол талаффуз қиласидар. Китобга суюнмаган оддий халқ вакилларининг эса бундай талаффузга тиллари қовушмайди. Табиий равишда улуғ шоирни «Навоий» деб атайдилар ва бунинг учун биз баъзан уларни саводсизликда айлашдек ҳолларга борамиз.

6. Туркий тилда сўзлашувчи қардош халқлар ва бошқа эллар, жумладан, тожиклар, шоир таваллуд топган тупроқда истиқомат қилувчи Афғонистон ўзбеклари, афонлар ҳам Низомиддин Алишерни «Навоий» деб улуғлайдилар. Бобокалонимиз Навоий тахаллусини айтиш ва ёзишда биз — унинг ворислари — мустамлакачилик мафкураси ҳукмронлиги даврида наинки туркийлар, балки бутун дунёга қарши мавқеда турдик.

7. Тахаллуснинг «Навоий» имлосини шоир асарларининг бадиияти қонунлари, жумладан, вазн тақозо этади. Масалан, «Навоий»ни «Навоий» деб ёзиш тажрибаси баъзи ҳолларда асарлар вазни бузилиб кетишига сабаб бўлган:

Дедим: «Эрур Навоий ўз дардиға чорасиз», деди:

«Гар аламимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай».

Ушбу байт «Бадойи ул-васат» девонидаги 616-ғазалнинг мақтаъи бўлиб, ғазал «Ражази мусаммани матвийи маҳбун» вазнида битилган. Мазкур вазннинг оҳанг тасвири куйидагича бўлади:

Муфтаилўн мафоилўн муфтаилўн мафоилўн

- у у - . . . у - у - . . . - у у - . . . у - у - . . .

Бундай оҳанг байтдаги тахаллус «қисқа — узун — узун» эмас, балки, «қисқа — узун — қисқа» бўғинлардан иборат бўлишини — Навоий ёзилишини тақозо этади. Вазн талабига риоя этсан, матннинг нуқсонсиз кўриниши мана бу ҳолатга келади:

Дедим: «Эрур Навоий ўз дардиға чорасиз», деди:

- у у - . . . , у - у - . . . - у у - . . . у - у - . . .

«Гар аламимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай».

Бунда оҳанг тўсиқдан фориг бўлған сувдай ўйноқлаб оқади, ғазалхон ҳам мисранинг бирор нуқтасида

қадалиб қолмайди. Тахаллус ўзининг табиий оҳанги ва имлосига мусассар бўлади.

8. Қоғия қонуниятлари ҳам тахаллуснинг «Навойи» шаклида ёзилишини тақозо қиласди. Бироқ, бахтга қарши, «Хазойин ул-маоний»даги 2600 ғазалнинг бирор таси мақтаъида Навойи ўз тахаллусини қоғия ўрнида қўллаганини учратмадик. Аммо шоирнинг бошқа асарлари, жумладан, «Бадойиъ ул-бидоя» девони дебочасида ёрқин далилга дуч келдик:

Вафо бўстонининг достонсарои,  
Маломат булбули, яъни Навойи<sup>1</sup>.

Камтарона айтилган бу фахрияда «сарои»га «Навойи» қоғия қилинган.

Навойи ғазалларида қоғия ўрнида қўлланган бошқа тахаллуслар борки, бу ҳам масалани равшанлаштиришга хизмат қила олади. Бундай мисолларга мурожаат этар эканмиз, сўзаро, туғилиши муқаррар бўлган мана бундай саволга ҳам жавоб юзага чиқиши табиий: «Тахаллуси ўзаги унли товуш билан тугалланган шоирларимизни Навойи, Гадойи, Атойи тарзида ёзишни қонунлаштиришимиз мумкин, бироқ ўзаги ундош товуш билан якунланган тахаллусли адибларимизни — Кошғарий, Югнакий, Рабгузий, Хоразмий, Лутфий, Гулханий, Увайсий, Огаҳий... қандай ёзамиз?» Ҳақли савол, чунки бу борада но-мувофиқлик, ҳар хиллик келиб чиқмаслиги керак. Негаки, аслиятда — классик ўзбек ёзувида унли билан тугалланган тахаллуслар ҳам, ундош билан тугалланган тахаллуслар ҳам бир хилда — (йо) ҳарфи билан якунланган. Демак, тахаллуслар имлосидаги чалкашликлар ҳам араб алифбосидан воз кечиб, аввал лотин, кейинчалик жорий (кириллица) алифбосига ўтганимиз тарихига бориб тақалади. Биргина тахаллуслар имлоси муаммоси ҳам минг йиллик маданий мерос аслиятини тиклаш ва ундан тўғри, тўлиқ баҳраманд бўлиш учун эски ўзбек ёзувини сақлаб қолишимизни тақозо этади. Тожик ҳалқи ҳозирги имлосида ҳам классиклари тахаллусларини тўғри акс эттиришга имкон топган. Уларда тахаллус қўшимчалари биргина «й» ҳарфи орқали бир хилда

<sup>1</sup> Алишер. Навойи. Муқаммал асарлар тўплами, 1 жилд, Бадойиъ ул-бидоя, «Фан», Тошкент, 1987, 12-бет.

ифодаланади. Биз ҳам, классик ўзбек ёзувига қайтмаганимиз тақдирда, тахаллусларнинг тўғри имлосига йўл топишимиз зарур.

Қофия санъати ва тахаллус имлосига оид мисолларга ўтайлик.

«Фаройиб ус-сифар» девонининг 650-ғазали мақтаъи:

Демангиз булбул Навоийни, самандардекки бор,  
Назми ичра шуylайи Жомиyo сўзи Xусравий

Бу ғазал нашрларида тахаллус анъанага кўра «-ий» кўшимчаси билан ёзилган ва анъанага садоқат йўлида қофия бадиияти қурбон қилингган. Яъни қофия тизими бузилган. Матлаъдаги «партави», «пайрави» қофияларидан ташқари, барча байтлардаги қофиялар «Хусравий»га мослаб «мунзавий», «монавий», «қавий», «маънавий» тарзида ўзгартирилган. Асли буларнинг ҳаммаси, жанрнинг кейинги байтлар матлаъга мувофиқ қофияланиши қоидаси ҳамда классик ўзбек ёзувидағи шаклига кўра, «и» ҳарфи билан тугалланиши керак эди.

Бир девоннинг нашрида икки хил йўл тутилган. «Наводир уш-шабоб»нинг 650-ғазалида тахаллус аслидагидек тўғри ёзилган:

Бу важҳ бирлаки, Соҳибқирон дебон лақабин,  
Атоди хусрави Соҳибқирон Абулғози.  
Янаки, нутқ илаву руҳ ила етурди анга  
Фуюз орифи Жомиyo ринди Шерози.

Агар бу ўринда ҳам тахаллуслар «Абулғозий», «Шерозий» тарзида ёзилганда эди, бу «пардози», «эъжози», «дамсози», «парвози», «андози», «оғози», «рози», «сози» каби қофия унсурларига тўғри келмас ва ғазал бадииятига футур етарди

Девоннинг 584-ғазали мақтаъида ўзгача ҳол:

Навоий назм аро тийғи забонин уйла сурдиким,  
Пичоқ топмас уятдин ўзни ўлтурмакка Саккокий.

Бунда қофия бадиияти қонунларига зид иш тутилган. «Боки», «чоки», «кўлеки», «хошоки», «фитроки», «ғамноки», «идроки», «афлоки», «токи» қофияларига ҳамоҳанг тарзда тахаллус «Саккоки» ёзилиши лозим эди.

«Бадойи ул-васат» девонидаги 650-ғазал мақтаъи:

Навоий фарду бехуш ўлғонин деманг қачондиндур,  
Хамондинким, ани маст этти ваҳдат жомидин Жомий<sup>1</sup>.

Бу ерда ҳам тахаллус анъанага кўра ёзилгани учун ғазалнинг қофия тартиби бузилган. «Оми», «роми», «гуланноми», «шоми», «пайроми», «ошоми», «эхроми», «гоми», «исломи» қофия унсурларига «Жомий» қофия қилинганди. Бундай ҳолда, қофия бадииятини сақлаб қолиб, тахаллус «Жоми» тарзида ёзилса, асар ҳам китобхон ҳам зарар кўрмайди.

9. Энг муҳими, адебнинг ўзи «Навоий» сўзини қўллар экан, ундан фақат тахаллусни билдириш учун фойдаланмайди унга бадиий матн мазмунига мос маъно юклайди. Адабий тахаллус замирида, албатта, қўламли бадиий муддаолар ётадики, бу етакчи асосни муфассал таҳлил этиш имконияти кенг.

Навоий назмда тахаллус воситасида аксари ҳолларда тажнис яратади. Байтларда, кўпинча, шоир «наво» сўзини бир неча марта қўллаш орқали сўз ўйини қиласди. Сўз ўйини жараёнида «наво» сўzlари тахаллус билан бевосита мантиқий, маъновий алоқага киришади. Тахаллус таркибидаги «наво» сўзига тахаллуслик хизматидан кўра масъулиятлироқ бадиий вазифа юкланди. «Навоий»ни «Навоий» ёzsак, сўз ана шу масъул вазифасиин бажаролмай қолади, бадиий сўзниң кўп маънолилигига футур етади. «Навоий» калимасини фақат тахаллус хизматини ўташга мажбур этамиз, ҳаракат доирасини чеклаймиз, асаддаги бошқа сўzlар билан мантиқий, маъновий, шаклий алоқаларини узиб кўямиз. Биргина «Фаройиб усигар» девонида «Навоий» тахаллусининг тажнисга, сўз ўйинига асос бўлган кўпмаъноли қўлланишига доир йигирмадан ортиқ байт учрайди. Мақсадга мувофиқ равишда, уларнинг баъзиларини шарҳлаб ўтиш жоиз кўринади.

Кўрмасан қошинг, бўлурмен турғоним бирла фифон,  
«Вои» эрур бас, чу бўлмаса «Навоий» бирла «нун»

(F. C. 467)

1 Мисол тариқасида келтирилган байтлар «Хазойин ул-маоний»нинг 1959—1960 йилларда «Фан» нашриётида чоп қилинганди Ҳамид Сулаймон нашридан олинди. Бундан кейин девон номини ифодаловчи қисқартма ва ғазалнинг девон тартибидаги рақамини байт бўлан ёнма-ён қавсда келтирамиз.

Ушбу байт шоирнинг ўзи тахаллусини «Навоий» эмас — «Навоий» деб юритганидан гувоҳлик берувчи энг муҳим далиллардандир. Шоир мақтаънинг биринчи мисрасида «Маҳбубанинг қошини кўрмасам, турган-битганим фифонга айланади», деган фикрни изҳор этар экан, иккинчи мисрада тахаллусдан сўз ва ҳарф ўйини яратиш орқали шу ҳолатни бадиий шарҳлайди, чиройли асосслайди. Равшанки, «نۇرایى» тахаллуси «نۇن» ҳарфи эса классик бадиятда маҳбуба қошининг тимсолига айланган. Мазкур байтда маҳбуба қошини кўрмаслик — унинг висолига муяссар бўлмасликни ифодалаб турибди. Лирик қаҳрамоннинг маҳбуба қоши васлисиз ҳолати «нун»идан ажралган «Навоий» билан баробар. «Навоий» «нун»идан жудо бўлганида эса унинг фақат «войи» қолади, яъни, лирик қаҳрамоннинг ахволи «вой» бўлади. Энди тахаллусни «Навоий» шаклида ёзиб, байтни таҳлил этиб кўрингчи, шоир кўзлаган маъно чиқармикин? Асло чиқмайди! Демак, тахаллуснинг «Навоий» ёзилиши хато. Байт бадиияти, ундаги шоирнинг ўз имзоси эътирофи тахаллуснинг «Навоий» ёзилишини талаб қиласи.

То тузди Навоий ояти ишқ,  
Ишқ аҳли аро наво бўлуптур (F. C. 161)

Бу ўринда ҳам тахаллуснинг «Навоий» ёзилиши вазн мезонини бузган. Фазал «ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур» вазнида битилган:

Мағъулў мафоилўн мафоил  
- - у            у - у -        у -

Кўриниб турибдик, тахаллус иккинчи руқнга, «-ий» қўшимчаси эса қисқа бўғинга тўғри келади. Демак, шаклан, тахаллуснинг «Навоий» ёзилиши қонуний. Энди масалага мазмун жиҳатидан ёндашайлик. Агар биринчи мисрадаги тахаллусни «Навоий» ёзсан, унинг иккинчи мирадаги «наво» сўзи билан лафзий алоқадорлиги сақланади, лекин маънавий-мантиқий алоқадорлиги барҳам топади. Биринчи мисрада «Навоий» икки вазифани бажариб турибди, аввало, шоирнинг тахаллусини, иккинчидан, «ишқ оятининг оҳангиги» маъносини англатаетир. «Наво»дан кейин нисбий сифат ясовчи «-ий» қўшимчаси ёзилса, шу иккинчи маъно чиқмай қолади. Мазкур маъно чиқиши учун

фақат изофа талаб қилинади. Изофа эса, «Наво» сўзи унли товуш билан тутагани учун, «-йи» тарзида қўшилади, тахаллус «Навойи» кўринишини олади. Агар тахаллус «Навойи» ёзилса, байтдан тугал мазмун ва унинг тасаввури англашилиши учун нимадир етмайди, нимадир ўз ўрнида эмасдай туюлади. Бу — тахаллусдаги «оҳанг» маъносининг бой берилгани, тахаллус ва иккинчӣ мисрадаги «наво» сўзи орасидаги алоқанинг узилиши оқибати. Тахаллусни «Навойи» ёзишимиз билан, ҳамма нарса жой-жойига тушади ва асл мазмун юзага чиқади. Ушбу фахрия байтдан англаб оламизки, Навойи ўзининг ишқий қисмати, маслаги, муҳаббат тарихи ва лирикаси билан ишқ эътиқодининг шундай бир нодир оятини яратди ҳамда бу оятнинг соҳир, ибратли, умумбашарий оҳангини қашф этдики, у жамики, бор инсониятнинг эътиқодига, мадхиясига айланди. Навойи тузган ишқ ояти оҳанг ишқ аҳлини ҳаракатлантирувчи, руҳлантирувчи, ҳаёт тарзини белгиловчи кучга эврилди. Буни Навойи назмини мутолаа этган ҳар бир қалб аниқ ҳис қилиши мумкин.

Навоийи сури мотам бўлдиким, бор  
Суруди айши афғон бирла мамзуж  
(F. С. 95)

Бу байтда ҳам «-йи» қўшимчаси изофа вазифасини бажариб келган. «Навойи» сўзи тахаллуслик вазифаси билан бирга, байт мазмунига мувофиқ наво, оҳанг, садо маъноларини ифодалайди. Тахаллуснинг «суруд» сўзи билан параллел келиши улар орасидаги мустаҳкам бадиий занжир борлигидан далолат. Мана шуларнинг бари ҳисобга олиниб, тахаллус ёзилсагина, байтдан бундай мазмун англашилади: «Тўй ва мотам куйлари бир йўла чалиндиким (яни, тўй билан аза бир бўлди), бу хурсандлик ва қайғу қўшиқлари қоришиб кетган ҳолатта ўхшарди».

Тахаллусга асос бўлган «наво» сўзининг бирламчи маънолари «оҳанг», «куй», «қўшиқ», «садо»лардан иборатки, унинг бадиий имкониятлари кўпроқ чолғучи ва соз билан боғлиқ байтларда акс этган.

Муғаний нағмаси жон берса базм аҳлифа, тонг йўқким,  
Навоий риштайи жонин эшиб чангига тор этмиш  
(F. С. 243)

Лирик қаҳрамоннинг жон ришталаридан жонбахш наволар таралади. У жон риштаси наволаридан эшиб созанда чалаётган чангнинг торларига улаган. Демак, шунинг учун муганний яратайтган оҳанг базм аҳлига жон бағишиласа, ажабланмаслик керак.

Агар чолгучи сози «Навоий риштайи жони» билан йўғирилмаса, ундан озиқланиб турмасачи? Унда, тири-лишга тескари ҳодиса юз беради, бамисоли жон узилади:

Навосидин фано чун ҳосил ўлди, қилғасен, эй ишқ,  
Навоий риштайи жонин муганний удининг тори  
(F. С. 624).

Ҳалокат юз бермаслиги учун, лирик қаҳрамон кудратли ишқдан «муганний удининг тори»ни «Навоий риштайи жони»дан бунёд этишни илтижо қиляпти. Асосий мақсаддан чекиниб бўлса ҳам, қайд этиш керакки, бу фахриялар Навоий санъат оламига нақадар яқин малакали созанда ва зукко санъатшунос бўлганинг далили ҳамдир.

Муганний, бир навое туз, Навоий нағмае кўргуз,  
Аёқчи, томса тут тўққузки, доройи жаҳон келди  
(F. С. 591)

Навоий асарлари лугатларида «нағма» сўзи — куй, Навоий замонасида чалинган куйлардан бирининг номи тарзида изоҳланган. Бунда шоир созандадан Нағма навосини чалишин сўраётган бўлади. Аммо, назаримизда, нағма сўзи, айниқса шу ўринда, ҳазиломуз, шўх, юмористик куй маъноларига ҳам эга. «Нағма» сўзига «ўйин» ва «томоша» маънолари ҳам дахлдор. Шоир бу байтда чолгучидан ҳазиломуз, шўх бир куй чалишни сўраёттир. Агар тахаллус «Навоий» ёзилса, тахаллус ва нағма сўзлари ўртасида изофа қўлланмаса, лирик қаҳрамон чолгучидан бир куй, Навоийдан яна бир куй чалишни сўрагандай бўлиб чиқадики, бу бадиий мантиққа тўғри келмайди.

Камдан-кам ҳолларда бўлса ҳам, бадиий мазмунга мутаносиб, шартли равищда, Навоий тахаллуси «Навое» шаклида ёзилади. Бунда «наво» сўзидан кейинги қўшимча изофа вазифасини эмас, «ё»-йи ваҳдат» ва «ё»-йи накаре» — бирлик ва ноаниқлик «ё»-йи вазифасини бажаради ҳамда «е» ёзилади. Форс тилидаги бу «ё»

бирлик ва ноаниқликни бирйўла билдиради ва «қандайдир бир», «шундай бир», «бирор-бир» каби маъноларни ифодалайди. У қўлланганида, тахаллуснинг эски ўзбек ёзувидаги шаклида мутлақо ўзгариш бўлмайди.

Баски, Навое айлади дард сурудида наво,  
Аҳли тарабни йиглатур мажлисининг таронаси  
(F. С. 626)

Бу байтда «Навое» сўзи тахаллусликдан ташқари, «шундай бир куй» маъносини ифодалаган. Бу — байтдан қуидагича яхлит маъно чиқишини таъминлаган: «Навойи дардангез оҳангда шундай бир дардли, мунгли куй чалди, яъни шундай бир ғамгин рӯҳдаги назм яратдики, унинг теграсида бутун дард аҳли тўпланди, яъни Навойининг дардкаш назмига дард аҳли акс-садо бера бошлади. Ўзаро дардлашаётганлар мажлисининг мунгли навоси айш-ишратда, шод-хурсанд кун кечираётганларни ҳам йиглатиб юборди».

«Йўқ Навой бедил ороми ғам ичра, эй рафиқ», деб ёзишдан тайнли бир мазмун чиқмайди. Чунки бу сатрдаги икки «ё»-йи ваҳдат...» ўз ўрнида ёзилмаган, бир қўшма сўз ажратиб ёзилган. «Ё»лардан бирининг ўрни тахаллусда. Матн аслияти мана бундай ёзилиши лозим:

Йўқ Навое бедилороме ғам ичра, эй рафиқ,  
Холи́ни, зинҳорким, кўрсанг, дилоромимга айт  
(F. С. 84)

«Ғам ичра» қолган лирик қаҳрамон ғазал ихлосманди билан дардлашяпти. У айтяптики, «Инсон қайгуалам қуршовида қолганида, дилоромсиз, яъни дилга яқин, дилнишин дўстсиз бирор-бир наво — ҳаётдан бирор-бир баҳра, умид, илинж, роҳат-фароғат, таскин-тасалли тополмайди. Бедилором киши — бенаво. Агар бирор тасодиф билан дилоромимни кўриб қолсанг, уни албатта, ушбу ҳолимдан хабардор эт». Демак, бундай далиллар ҳам Навойи тахаллусини аслига тўғри ёзишимизни талаб қиласди.

Юқоридаги сингари далилларни кўплаб таҳлил этиш мумкин. Лекин исбот талаб қилмайдиган фикрни асослаш учун шу далиллар етарли деб, сўзни мухтасар этдик. Эҳтимол, илгари сурилган фикрни тил илми, фалсафий, тарихий нуқтаи назардан янада кенгрок асослаш ўмкони бордир.

## «..ЧЕКМАС ИЛИК ҚОНИМДИН ЭЛ»

Миллий ривожимизни тисариб турадиган иллатлардан бири пайсалчилик кулфатидир. Пайсалчилик кулфати туфайли биз кўп ҳолларда онгли равишда энг яхши ташаббусларни сўндирамиз, юзага чиқармаймиз. Ёки бунинг иложини топмасак, силласини қуритиб, кувватини қирқиб, мадорсизлантириб юзага чиқарамиз. Катта-кичик нуқсонларни бирин-кетин тузатмас, эгилган ҳар бир ҳақиқатни тап тортмай тикла мас эканмиз, пишиб-етилган, қайта-қайта исботланган, тан олинган муаммоларни ҳаётга изчил татбиқ этиб бормас эканмиз, жумбоқлар уюми ичидаганги, калаванинг учини тополмай тураверамиз. Бор муаммоларни йифиб-йифиб бирйўла ҳал қиласман дейиш — хом савдо. Ҳал бўлган ҳар муаммо татбиқида хукumat қарорини кутиш — мустамлака даври иш услубига хос эди.

«Навойи» тахаллусини аслидагидек ёзишга қайтиш муаммоси ҳам пайсалчилик кулфатига гирифтор ҳолатда. Бу аён ҳақиқат қайта-қайта исботланган, илмий жамоатчилик томонидан тан олинган. Гап фақат уни ҳаётга татбиқ этишда қолган. Ушбу сатрлар муаллифи нинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафттаномасида эълон қилинган «То тузди Навойи ояти ишқ» (1990, 9 ноябрь) мақоласида «Навойи» тахаллуси имлосини айнан ҳозир тузатиш икки жиҳатдан — биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Давлат тили ҳақидағи қонунини амалга ошириш тақозоси, иккинчидан, Навойи таваллудининг 550 йиллик тўйини гуноҳдан фориг, ёруғ юз билан кутиб олиш тадориги — қоңунийлиги кўрсатилган. Аммо шу беғараз, безараар, эзгу иш ҳам пайсалга солиб келинаётир. Мұхтарам профессорларимиздан бири «Ёш ленинчи» саҳифаларида босилган «Улусдин танлагоним» (1990, 12 деқабрь) мақолаларида бизнинг юқорида зикр этилган мақоламизга муносабат билдириб ёзадилар: «Биз бу олимнинг шоир тахаллусини ҳозирги шаклда «Навойи» тарзida ёзиш түғри эмас, деган фикрини тўла кувватлаган ҳолда, унинг энди «Навойи» шаклида ёзиш керак, деган таклифига аслю қўшила олмаймиз. Чунки, унинг юқоридаги фикри қабул қилинган тақдирда ҳам Рудакий, Жомий, Румий, Муқимий, Фурқатий, Амирий, Фазлий, Чустий, Чархий каби юзлаб адилларимиз тахаллусларини яна аввалги шаклда ёзамиз ва ҳар ҳилликка йўл қўйган бўламиз. Бизнинг назаримизда бу масалада тилшунос

олимларимиз яна бир оз гайрат қиласалар ва ўзбек имлосига чўзиқ «й» товушини ифодаловчи ҳарфни қабул қиласалар, шоирларимиз тахаллуслари охирги бўғинини «ий» ёки «ий» билан эмас, худди тожик дўстларимиз имлосида мавжуд бўлганидек битта чўзиқ «й» товуши билан ифодалашга эришсак, бу муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлиши табиийдир.

Аввало, шуниси қизиқки, биз Э. Шодиев таъбиридаги «тўла қувватлаган ҳолда асло қўшила олмаслик» муносабатига «То тузди Навойи ояти ишқ...» мақоламизни юзага чиқаргунга қадар ҳам кўп марта дучор келдик. Муаммо шуки, аввалимбор, илмий доирада ҳал қилиниши лозим, деган мулоҳазалар ҳам бўлган. Дарвоқе, агар илмий доира муаммони четлаб ўтмаган бўлса, муаммо илмий доирани четлаб ўтгани йўқ. Камина Алишер Навойи адабий ва илмий меросини ўрганишга бағишиланган анъанавий илмий анжуманнинг XXXIV йиғилишида «Навойи» тахаллусининг бадий маъно миқёслари ва имлосига доир» маъруза қилдим (Тошкент, 1990 йил, 9 февраль). Навойишунослар анжумани томонидан ҳеч бир эътиroz бўлмади, аксинча, «мунозарали масала эмас»лиги, «эътиroz бўлиши мумкин эмас»лиги қайд этилди. Аслида, шунинг ўзи муаммо илмий доирада ҳал қилинди, деган гап эмасми? Агар илмий жамоатчилик масалага илмий ёндашиб, шу анжумандаёт Навойи тахаллуси имлосини тузатиш тўғрисида қарор қилганида, хайрли иш вақтида амалга ошган, улуғ мутафаккирнинг кутлуғ тўйи арафасида барча китоб, журнал, рўзномаларда тахаллус тўғри ёзилган бўларди. Дарвоқе, эркин ва ижодий фикрлайдиган баъзи жамоалар, масалан, «Ҳалқ сўзи» ва «Туркистан» газеталари, «Муштум» ва «Ёшлиқ» журнallари масалага ижобий ёндащдилар ҳамда «Навойи» тахаллусини анча даврлар аслиятдагидек ёзib бордилар. Лекин расмий, ваколатли идоралардан садо чиқмагач, улар ҳам эски изларига қайтдилар. Профессор Фитрат Навойи тахаллусини ўз асарларида аслиятдагидек қўллаган. Унинг бугунги ноширлари олимнинг нуқтай назарини айнан сақламоқдалар. Ахир, навойишуносларнинг илмий анжумани жуда ваколатли ҳайъат — Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташкилотчилигига ўтказилган.

Иккинчидан, мақолалар борки, бир кунда ёзилади, мақолалар борки, унинг устида йиллаб заҳмат чекила-

ди. «Навойи» тахаллусининг асл имлоси ва бадиий маъно миқёсларини рад этилмас далиллар асосида на-  
мойиш этиш учун Навойининг бутун ижодини кўздан  
кечиришга тўғри келди. Уни бир ишора билан инкор  
этиш эса осон. Мақолалар борки, муҳарририятга қа-  
дам босишингиз билан, қўлингиздан парвоз қилиб са-  
ҳифага қўнади. Мақолалар борки, йиллаб пайсалчилик  
кулфатини тортади. «То тузди Навойи ояти ишқ...» ма-  
қоласи бир йилдан ортиқ (1989 йили, сентябрь — 1990  
йил, ноябрь) пайсалга солинди. Бу орада у бир неча  
расмий-идоравий тўсикларни енгиб ўтди. Муҳарри-  
риятда худди эртаклардагидек «қўйидаги шартларимни  
бажарсанг, қизимни бераман», қабилида иш тутилиб,  
аввалига, Азиз Қаюмов ва Алибек Рустамов каби йи-  
рик олимларнинг такризлари талаб қилинди. Бу шарт  
бажарилгач, мақола Ўзбекистон Фанлар академияси  
Тил ва адабиёт институти олимлари муҳокамасига ҳа-  
вона этилди. Мақола Тил ва адабиёт институти ўзбек  
тили тарихи, диалектология ва қиёсий ўрганиш бўли-  
мида филология фанлар доктори Баҳром Бафоев, фи-  
лология фанлари номзодлари Қаюм Каримов, Бердаҳ  
Юсуповлар ахбороти асосида муҳокама қилинди. Та-  
никили тил тарихи мутахассислари тавсиясига асослан-  
ган мажлис баёни ва қарорини олгандан кейин ҳам  
муҳарририят пайсалчиликни яна бир неча ой давом  
эттирди. Шунчалик- тарихий йўлни босиб мақолани,  
масала тўла ва узил-кесил ҳал бўлиши учун, олинган  
такриз ҳамда тавсиялар билан бирга эълон қилиш тўғ-  
ри бўларди. Асли, бошда тақриз ва тавсиялар сўраган  
муҳарририятнинг муаллифга вайдаси ҳам шу эди. Би-  
роқ, эртаклардагидек, мақоланинг тўсиклардан соғ-  
омон ўтиши кутилмаган экан чамаси, вайда бузилди.  
Тантилик етмади. Шу ўринда изоҳлаш керакки,  
пайсалга солишлар бутун бошли мұҳарририятга тегиши-  
ли эмас. Муҳарририятда бош муҳаррирдан тортиб мұ-  
саҳҳиҳларгача долзарб муаммоли мақолаларга хайри-  
хоҳ, жонкуяр ходимлар ишлайдилар. Бош муҳаррир  
Аҳмаджон Мелибоев мақолани ўқиши биланқ, уни  
албатта ва тезда эълон қилиш фикрини изҳор этди  
ҳамда охиригача шу мавқеида турди. Бироқ баъзи хо-  
димлар пайсалчилик йўлини танладилар. Эҳтимол, ма-  
қола тақриз ва тавсиялар билан бирга эълон қилинга-  
нида, муаммо ҳаётга татбиқ этилиб кетар, Э. Шодиев  
юқоридагидек асоссиз эътироz билдиrolмасди. (Биз  
мақола сўнгига юқорида ҳикоя қилинган сарсон-сар-

гардонлик ва пайсалчиликка оид тарихий ҳужжатларни илова этгандик. Аммо нашр жараёнидаги техник қийинчиликлар туфайли уларни чоп этиш имконияти бўлмади. Ҳужжатлар бизда сақланади.).

Хўш, Э. Шодиев эътирозининг асоссизлиги нимада? Аввало, асосий хато шундаки, у Навойи тахаллусини аслидагидек тўғри ёзишни фақатгина тил муаммоси деб тушунади. Ҳолбуки, биз мақолада Навойи тахаллуси тўғри ёзилиши заруратини кўпроқ асарларининг бадиияти тақозо этишини кенг таҳлил этганимиз. Жумладан, «Навойи»ни «Навойй» тарзida ёзишимиз оқибатида назмий бадииятнинг энг асосий мезонлари — вазн, қофия, кўпмаънолилик, тажнис сингари нодир санъатлар барбод бўлиши аниқ далиллар асосида кўрсатилган. Наҳотки, навойишунос олим бундан кўз юма олса??!

Юқоридаги хатонинг давоми сифатида ушбу ҳал бўлган муаммони ҳал қилиш тилшунос олимларнинг «яна бир оз файрат»ига ҳавола этилади. Менинг назаримда, бадиий матн устида ишлаган адабиётшунос айни пайтда тилшунос ҳамдир. Чунки матн, аввало, тил маҳсулоти ҳамда қонун-қоидалари асосида юзага келади. Биз Навойи асарлари матни устида умрбод заҳмат чеккан, ўз мақолаларида мазкур масалага маҳсус муносабат билдирган Ҳамид Сулаймон, Абдуқодир Ҳайитметов, Алибек Рустамовлар тилшунос эмас, дея оламизми? Йўқ, улар айнан шу масалада бошқа тилшунослардан ҳам тилшуносроқдирлар! Қолаверса, масалани бу тарзда қўйиш тилшунос ва адабиётшунослик муаммолари вазифаларини сунъий равищда чегаралаш, тақсимлаш, умумфилологик муаммоларни аросатда қолдириш анъанаси оқибатидир.

Э. Шодиев ё била-кўра ё билмай «Рудакий, Жомий, Румий..., каби юзлаб адилларимиз тахаллусларини яна аввалги шаклда ёзамиз ва ҳар хилликка йўл қўйган бўламиз», дея муштарийларни чалғитади. Ҳар хилликдан ҳар хилликнинг фарқи бор-ку, ахир. «Навойи»нинг Э. Шодиев келтирган тахаллуслар билан ҳар хил шаклда ёзилиши табиий ва қонуний ҳол. Чунки улар ўзагининг тугалданиши ва қўшимча қабул қилиши жиҳатидан бошқа-бошқа турга мансуб тахаллуслар. «Навойи» — ўзаги унли товуш билан якунланувчи тахаллуслар туркумига мансуб. Ўзбек тилининг талаффуз ва йимло табиати талабига мувофиқ, икки унли ёнма-ён келмайди. Демак, «Наво» ўзаги унли билан бошланув-

чи «-ий»ни эмас, ундош билан бошланувчи «-ий»ни қабул қиласи. Э. Шодиев келтирган тахаллуслар ўзаги ундош билан тутаган. Шунинг учун уларнинг ўзаги унли билан бошланувчи «-ий» қўшимчасини қабул қилиши мумкин ва бу хато бўлмайди.

Э. Шодиев айтганидек, ўзбек имлосига чўзиқ «й» товушини ифодаловчи ҳарфни қабул қилиш билан муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди. Биринчидан, тожик имлосидаги чўзиқ «й» ўзбек тилининг талаффуз табиатига мос келадими? Йккинчидан, «й» — асл «-ий» қўшимчасининг бадиий маъно ифодалаш имкониятларини сақлай оладими? Холис холоса учун ушбу байтни яна бир бор таҳлил этиш кифоя:

Кўрмасам қошинг, бўлурмен турғоним бирла фифон,  
«Войи» эрур бас, чу бўлмаса «Навойи» бирла «нун».

Улуф Навойи тахаллусининг аслиятини тиклашга қўшилмаслик руҳидаги мулоҳазаларни Навойидан узоқ кимса ёзганида ажабланмаслик мумкин эди. Лекин, Навойи ҳақида талай тадқиқотлар ёзган, Навойи мукофотига номзод навойишунос олимнинг бундай нуқтаи назари ниҳоятда таажжубланарли. Ҳар биримиз исмимиз нотўғри айтилиши ва ёзилишига йўл қўймаймиз. Бунга тирик инсонлигимиз, иззат-нафсимиз йўл бермайди. Аммо Навойи ҳам ўз асарлари тимсолида яшаётган тириклардан-да тирик сиймолигини унумайлик. Ҳазрат ғазалларидан бирида:

Мен жаҳондин кечтиму кечмас менинг жонимдин эл,  
Мен илик жондин юдум, чекмас илик қонимдин эл,

дея фифон чеккан эдилар ва ҳозир ҳам бу фарёдларида барҳақлар. Биз Навойи тахаллусини хато ёзар, бадиий маъно гавҳарларига жароҳат етказарканмиз, бу қилмимиз унинг жонига қасд қилиш, қонидан қўлнимизни тортмасликдан асло кам эмас.

### ҲАРАҚАТЛИ ҚЎЛЁЗМА ШАҲОДАТИ

Алишер Навойи асарлари матни аслиятда қандай жаранглаган? Шоир сўзларини биз қай тарзда талаффуз этмоғимиз ва ҳозирги ёзувда қандай ифодаламоғимиз тўғри бўлади? Навойи асарларининг тили, лаҳжа-

си, товуш таркибини аниқ ҳис этиб, тўғри акс эттираёт-тирмизми? Бу борада биз таянишимиз мумкин бўлган ишончли манбалар мавжудми? Бахтимизга, кўхна тарих шундай мўътабар манбани кўз қорачиғидай асраб келган.

«Фаройиб ус-сигар» девонининг Ҳамид Сулаймон нашрини варактаркансиз: «Ҳазойин ул-маоний» танқидий матн ва транслитерацияси учун фойдаланилган қўлёзмалар факсимилелари» сарлавҳали илова эътиборингизни тортади. Мазкур илованинг маҳсус саҳифасида «Фаройиб ус-сигар» девонининг XV—XVI асрлар ўргасида насх хатида кўчирилиб, остики-устки белгилар қўйилган нодир нусҳасидан бир вараги берилган. Ҳамид Сулаймон нашрининг баъзи камчиликларига қарамай, матний ва лисоний баркамоллигини таъминлаган муҳим омиллардан бири, шубҳасиз, мана шу қўлёзмадир. Ушбу қўлёзма Ҳ. Сулаймон нашри даврида ёқ илмий-адабий муомалага киритилган, яъни илмий-адабий доирага маълум қилинганилигидан қатъи назар, яна узоқ вақт навоийишунослик эътиборидан четда қолиб кетди.

Эҳтимол, бунга қўлёзманинг шахсий кутубхонада сақлангани боис бўлгандир. Бу нодир бойлик Қўлёзмалар илмгоҳининг қўлёзмалар хазинасидан ўрин олиши (386-рақам) билан, унга тез-тез мурожаат қилиш бошланди. Манбашунос олим, филология фанлари доктори Муҳаммаджон Ҳакимов томонидан яратилган «Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи»да (Тошкент, «Фан», 1983, 57—60 бетлар) қўлёзма ҳақидаги илк муҳим маълумот илмий жамоатчиликка тавсия этилди. «Фаройиб ус-сигар» девонининг ҳаракатли қўлёзма нусҳасини биринчилардан бўлиб тиљшунос олим, филология фанлари доктори Эргаш Умаров жиддий илмий тадқиқ эта бошлади. Ҳозиргача Э. Умаровнинг мазкур қўлёзма хусусида бир неча ахбороти эълон этилган. Улар «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида «Фаройиб ус-сигар»нинг ноёб нусҳаси» (1990, 1-сон), «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналида «Уни-кальная рукопись дивана Алишера Навоий «Фаройиб ус-сигар», (1991, 2-сон) сарлавҳаси остида босилиб чиққан. Бу мақолаларда қўлёзма ҳақида дастлабки диккатга сазовор хуласалар мавжуд. Лекин ҳали қўлёзма маҳсус ўрганилмаган, ўзлаштирилмаган хазина сифатида турибди. Ҳали унга бир-икки ҳовуч солиб кўриб мазасини мақтаб қўйишдан нарига ўтолганимиз

йўқ. Агар бу каби қўлёзмаларни синчиклаб текширган нимизда, Навоий асарларини тўғри ўқиш, тўғри тушуниш, нуқсонсиз чоп этиш даражасига аллақачон етиб олган бўлардик.

Мана, қўлимизда «Фаройиб ус-сиғар»нинг зеру забарли қўлёзма нусхаси. Буни битган номаълум заҳматкаш хаттотнинг жойи жаннатдан бўлган бўлсин! Бу қўлёзмани мутолаа этиш ҳам машаққатли, ҳам мароқли. Унинг шарҳловчиси ва муалими ўзи билан бирга. Ёзувнинг ости ва устига қўйилган ҳар бир ҳаракат, белги Навоий тилини шарҳлайди. Сўз ва товушларни Навоий қандай талаффуз этгани, биз уларни қай тарзда ўқишимиз ва ёзишимиз лозимлигини уқдириб туради. М. Ҳакимов тавсифлаганидек, қўлёзма ўз афзалликлари билан жаҳон қўлёзма хазиналари ичида ягонаидир. «Фаройиб ус-сиғар»нинг ушбу нусхаси она тили, адабиёт, матншунослик, хаттотлик санъати фанлари тарихи учун жуда қимматли, нодир манбадир. Қўлёзма Ҳирот хаттотлик мактабига мансуб ҳаракат белгилари қўйилган мумтоз насх хатида кўчирилгани билан ўзбек тили тарихини, ўзбек тарихий товуш таркибини, Навоий даври ўзбек тилининг талаффуз меъёрларини ўрганишга доир ишончли ҳужжат бўлиб хизмат қиласди.

Девон матни Хуросоннинг новвотранг, юпқа, ипак қофозига битилган. Хаттотлик санъати олий даражадаги сифат билан ижро этилган ва шеърлар устидаги «Ва айзан лаҳу» иборалари олтин билан ёзилган. Бундай имтиёз ҳар қандай ишга берилмас эди. Ҳар бир сўзнинг остки-устки белгиларини қўйиш хаттотнинг учтўрт ҳисса кўпроқ машаққат тортишини тақозо этарди. Ҳар қандай хаттот бундайин майинкор меҳнат, азобуқубатни шахсий ташаббуси билан бўйнига олиши даргумон эди. Ана шундай хусусиятларга асосланиб бўлса керак, Э. Умаров бу иш Алишер Навоий тили ҳақида келгуси авлодга маълумот қолдириш мақсадида маҳсус фармон орқали бажарилган, дея тахмин қиласди. Шубҳасиз, Навоий даври она тилимиз муҳофазаси учун қайғурган номаълум ҳукмдор ва хаттотнинг жонбоз, фидойи ватанпарварлик хизматидир бу.

Биз, айниқса, кейинги йилларда ҳазрат Навоий тилларига анча беписанд муомалада бўлдик. Аввалига, аҳён-аҳёнда учраб турган бу ҳодиса Алишер Навоий мукаммал асарлари тўплами нашрида расмий ва нотўғри йўналиш тусини олди. Шоирнинг оддийгина бир иборасини нашрларда беш хил — «қаро кўзум», «қаро

кўзим», «қора кўзим», «қора кўзум», «қоро кўзим» ёзик. Ҳаракатли қўлёзма иборани фақат «қаро кўзум» шаклида ёзиш тўғри эканлигини тасдиқлайди. Мукаммал асарлар тўпламида Навойи асарларининг товуш таркиби жиддий ўзгариш, тўғрироғи, талафотга учраганлигини «Ғаройиб чечаклар» сарлавҳали мақоламизда («Ўз АС» ҳафтаномаси, 1989 йил, апрелнинг йигирманчи куни) кўрсатган эдик. Шунинг учун далилларни такрор, келтиришга эҳтиёж йўқ. Мени Навойи тилига эътиборсизликнинг оқибат-натижаси ташвишлантиради ва бу ҳақда «Керак шер олида ҳам шери жангি» сарлавҳали мақоламда («Саодат», 1991 йил, май сони) тўхтаданман. Мукаммал асарлар тўпламининг дастлабки олти жилдини Кўлёзмалар илмгоҳи олимлари нацрга тайёрлаган бўлсалар; кейинги жилларни адабиёт илмгоҳининг матншунос олимлари чоп этаётирлар. Маълумки, дастлабки жилларда Навойи асарларининг тили ва товуш таркиби ўзгартириб юборилган эди. Албатта, мавжуд тажриба ва илмий нуқтаи назарларга кўра, Адабиёт илмгоҳи олимлари бундай йўлдан бормайдилар. Натижада, Навойи бобо икки хил тилда, икки лаҳжада, гапирган бўлиб чиқмайдиларми? Дарҳақиқат, шундай бўлаётир. Навойи ҳазратларини дастлабки олти жилдан ўрин олган рубобий асарларда ўзгача лаҳжада, еттинчи жилдан бу ёғидаги йирик асарларда эса аслиятга яқинроқ тилда сўзлатаётирмиз. Бошқа иложи ҳам йўқ. Негаки, Адабиёт илмгоҳи матншунослари мўътабар бир олимнинг шахсий фикрига сифиниб Навойи матнини бошдан-оёқ ўзгартириб чиқмаятилар. Беихтиёр шундай хатога йўл қўйилдики, энди уни Ҳазратнинг кейинги мукаммал асарлари нашридаги тузатиш мумкин. Унгача, кам деганда, бир йигит умри ўтади. Шу умр мобайнида китобхонлар асили Навойи сиймосини танимай турадилар. Чинакам Навойи тилини, акс эттириш мақсадида келажакда «Ғаройиб ўс-сигар»нинг ҳаракатли қўлёзмасига таяниб инци тутилса, тўғри изга тушиб олинишига шубҳа йўқ. Тилдаги бузилицлар фақат лисоний қусурлар эмасда, афсуски. Улар моҳиятнан, матний, бадиий нуқсонларни келтириб чиқариши муқаррар. «Нуқта курсин, «Кўз»ни «кўр» килур, дегандаридек, нуқта ўзгартирилиши билан нуқтага футур стади, матн сифати пасайди, бадиият зарар кўради. Маълумки, бир ишора билан жўн сўзни бадиий сўзга, бадиий сўзни эса оддий сўзга айлантириб қўйиш мумкин. Масалан,

Кўзунг не бало қаро бўлубтур  
Ким, жонга қаро бало бўлубтур,

сатрида оддийгина «қаро» ва «бало» сўзлари бадиий сўзларга айлантирилган, уларни назм оҳангида ўйнатиш, терс тақрорлаб тизиш усули билан қофия, қофия бўлганда ҳам қўшқофия, қўшқофия бўлганда ҳам, тарди акс қўшқофия санъатлари вужудга келган эди. «Муқаммал» нашрда «а»ни «о»лаштириш оқибатида илоҳий сеҳр, санъат, оҳангдан асар ҳам қолмади. «Фалон котиб ар сўзни мундоқ ёзар...» қитъасидаги «қаро» сўзи ҳам шундай оғатга учради. Бир йўла беш-олти маънани ифодалашга сафарбар этилган бадиий сўз ҳозирги тилимизда биргина ранг-тусни англатишга маҳкум оддий калимага айлантирилди. Биз ўз сўзларимизни ёхуд вуждимизни шундай хўжасизларча поймол этишларига йўл қўярмидик?! Хўш, бу жабрдийда сўзлар, шеърлар, шоири шўридан ким ҳимоя қиласди? Ушбу журмимизнинг жавобини ким беради? «Ҳа, энди, китоб деганида нуқсон бўлади-да, бир-икки хато ўтган бўлса, бордир», — дея сохта бағрикенглик қилишга одатланганимиз. Марҳамат қилиб «Муқаммал нашр»нинг олти жилдини олинг-да, компьютерга солинг. Ана ўшанда Навоий асарлари тили ва бадииятига етган оғатнинг кўламини теран ҳис этасиз. Дард шундаки, «қаро»ни «қора» ёки «қоро» эмас, албатта, «қаро» деб ёзиш шарт эканлигини «донога йшора...» тарзида уқтириб турган кўлёзма бор экан-ку хазинамизда. «Фаройиб ус-сиғар»нинг ҳаракатли қўлёзмасида матн қандай акс этганини сўзда тасвирлаш қийин, унинг муайян саҳифаларини вараклаб кўрганингизга нима етсин?

«Фаройиб ус-сиғар»нинг ҳаракатли қўлёзма нусхасини Навоий таҳаллусини тўғри ёзиш муаммоси жиҳатидан ўрганиш ҳам муҳимдир. Зотан, бу масала илмий ҳал этилган бўлса-да, ҳануз ҳаётга тўла татбиқ этилаётгани йўқ. Фақат «Муштум» журналигини 1991 йилнинг бошидан охиригача таҳаллусни «Навоий» тарзида тўғри ёзищда изчил амал қилди. Баъзи журналлар икки хилликка йўл қўйиб келишди. Жумладан, «Ёшлиқ» журналиниң 5-сонидаги Вадуд Маҳмудийнинг «Алишер Навоий» мақоласи босилди. Унда таҳаллус «Навоий» тарзида ёзилган. Айни шу сондаги бошқа мақолаларда эса таҳаллус яна қусурли тарзда берилган. Муҳарририятта занг қоқиб бу икки хилликнинг сабабини сўрасам, «Вадуд Маҳмуд мақоласининг аслиятида таҳаллус

«Навойи» ёзилган экан, шунинг учун мақолани аслиятдагидек чоп этдик», — деган жавобни беришди. Жуда түғри иш қилинганды! Лекин, мантиқ қаерда қолди? Аслиятда фақат Вадуд Маҳмудда эмас, Навойи ҳазратларининг ўзларида ҳам, барча бошқа асил манбаларда ҳам «Навойи» ёзилган-ку?! Ёки ҳозирги жорий имлода «Тахаллус Навойи ёзилсан!» деган фармон мавжудми? Йўқ. Бўлган тақдирда ҳам, у аллақачон бекор бўларди. Давлат тили қонуни кучи билан не-не хатоларни тузатяпмиз-ку, келиб-келиб ҳазрат Навойини ўкситиб кўямызми?

Хатонинг вақтида тузатилмаслиги янги нуқсонларни келтириб чиқараверади. «Ёшлик»нинг ўн биринчи сонида Алишер Навойининг «Сирож ул-муслимин» асари Суйима Фаниева томонидан биринчи марта эълон қилинди. Бағоят хайрли бу ишда ҳам тахаллуснинг имлоси ва бадиий маъно миқёсларига эътибор берилмаган. Асаддаги «Китоб назмининг сабаби» бўлими қуидаги байт билан бошланади:

Қилур арз ушбу водий раҳнамойи,  
Фариби бенаво, яъни Навойи.

Нашрда лақаб «Навойй» ёзилиши фақат имлогагина футур етказмаган, балки, тахаллуснинг бадиий вазифаси — қофия унсури сифатидаги хизмат бекор қилинганды. Мазкур бўлим тугалланмасида ҳам шоир тахаллус воситасида сўз ўйини яратади:

Навоийдин чу топқайлар навое,  
Анинг руҳига ҳам етгай дуое!

Тахаллус «Навоийдин» шаклида ёзилиши натижасида, назмий кўпмаънолилик барҳам топган. Чунки «Навоийдин» фақат тахаллус маъносинигина билдириб қўяқолмай, байтнинг бадиий мазмунига узвий алоқадор «Навойининг навосидин» маъносини ҳам ифодаларди. Тахаллусни хато ёзиш мана шу муҳим бир маънени қурбон этган. Мисраънинг бир шаклдаги сўз билан бошланиб, ўзгаришсиз айнан шу шаклдаги сўз билан туталланишидек бадиий санъат ҳам барбод бўлган.

Алишер Навойи тавалудининг 550 йиллиги тўйига энг муносиб совфалардан бири Ҳазратнинг табаррук дастхатлари билан битилган «Наводир ун-ниҳоя» дево-

ни айнан кўчирма нусхаси (факсимил) нашри амалга оширилиши бўлди. Навойи тахаллуси имлосида биз учун мукаммал таянч манба ана шу китобдир. Чунки ундаги тахаллус кўринишлари Навойининг ўз имзолариридир. Дастватда тахаллус «нун», «вов», «алиф» ва икки «йо» ҳарфларидан иборат, холос. Бу манбада бизни чалғитадиган ёки шубҳага соладиган ортиқча хатти-ҳаракатлар йўқ. Афсуски, бизнинг замонавий хаттотларимиз шундай хатти-ҳаракатта йўл кўйибди. Китобнинг муқова ва ички муқоваларида тахаллуснинг «ҳамза»ли «йо» билан ёзиладиган шакли муҳрланибди. Асли бунда хато йўқ. Ҳамза белгиси «йо»нинг икки-ланганини ҳамда тахаллус «Навойи» тарзида ўқилиши, ёзилишини билдиради. «Ҳамза» — чиройли белги. Хаттотлар тахаллуснинг «ҳамза»ли шаклини зийнат ўрнида ҳам қўллашади. Лекин бу шакл баъзиларда иштибоҳ уйғотади. Шунинг учун уни профессор Ҳамид Сулеймон «тахаллуснинг қусурли шакли» деб ҳисоблаган. Бундан ташқари, муқовадаги ёзувлар девондаги дастват матнига мувофиқ бўлиши керак эди-да.

Навойи йилида ўтказилган йирик илмий анжуманда, бир неча маъruzalар қатори, филология фанлари доктори Шамсиддин Шукуровнинг «Ғаройиб ус-сиғар»нинг зеру забарли қўллёзма нусхаси ҳақида»ги маъruzаси эътиборимни тортди. Маъruzадаги мана бу хulosса мени масалага ҳушёр қарашга чорлади: «Бу қўллёзма, айниқса, Навойи тахаллусининг имлоси ва талаффузи ҳақидаги масалани ойдинлаштиришда ягона ва ишончли манба ҳисобланади. Маълумки, кейинги пайтларда матбуот саҳифаларида шоир тахаллуси — йи Навойи ёки -ий билан Навоий тарзида айтилади ва шундай ёзилиши керак, деган мулоҳазалар айтила бошлади. Мазкур қўллёзмада шоир тахаллуси ҳамза, касра ва сукун билан битилган бўлиб, бу ҳол тахаллуснинг -ий билан Навоий тарзида айтилиши ва шундай ёзилиши тўғри эканини тўла равишда тасдиқлайди». (Алишер Навойи туғилганининг 550 йиллигига бағишлиланган илмий конференция тезислари. Тошкент, «Фан», 1991, 50-бет).

Ушбу хulosса ишонарли эмаслиги туфайли биргина саводдан ўзимни тия олмадим: «Ғаройиб ус-сиғар»да шундай байт бор:

Кўрмасам қошинг, бўлурмен турғоним бирла фифон,  
«Войи» эрур бас, чу бўлмаса «Навойи» бирла «нун».

Айтингчи, ушбу байтдаги «войи» ва «Навойи» сўзлари ҳаракатли кўлёзмада қандай ёзилган?» Табиийки, олим бу саволга жавоб беролмади. Негаки, мазкур сўзларда ҳаракатлар кўлланган деса, байт мазмуни бузилиб кетган бўларди ва кўлёzmанинг ишончлилиги шубҳа остида қоларди. Ҳаракатлар кўлланмаган деса, маърузачининг ўзи ёлғончига чиқиб қоларди. Дарвоқе, масаланинг ҳақиқатини аниқлаш учун кўлёzmани варақлаганимизда аён бўладики, 467-ғазал мақтаъсидаги «войи» ва «Навойи» сўзлари ҳеч бир ҳаракатсиз ёзилган. Кўлёzма девонни варақлаб кўрсангиз, бунга ўзингиз гувоҳ бўлишингиз мумкин.

Таассуфки, «Навойи» тахаллусининг «ҳамза, касра ва сукун билан битилган»лиги ҳақидаги даъво ҳам асоссиз бўлиб чиқди. Тўғри, тахаллуснинг ҳамза, касра билан ёзилган шакллари учрайди. Бироқ бирор ўринда тахаллусда сукун кўлланмаган. Кўлёzмадаги асарлар матнининг бирор ери ўчмаган, шикастсиз сақланган. Сукун, агар у бўлса, кўлёzмадан қочиб чиқиши мумкин эмас эди. Кўлёzма таҳдилидан маълум бўлдики, унда Навойи тахаллусининг остки ва устки ҳаракатларнинг кўлланиши жиҳатидан бир эмас, ўн икки хилда ёзилган шакллари мавжуд экан. Бу шаклларнинг қайси бири девондаги қанча ғазалда кўлланганини маҳсус жадвалда акс эттиридик. Бу жадвалдан тахаллуснинг қандай шакли тўғрилиги ва амалда кўпроқ кўлланганлитигин яққол тасаввур этиш мумкин. Кўлёzмада Алишер Навойи «Хазойин улмаоний»га киритмаган ғазаллардан бири бор. Унинг матлаъси куйидагича:

Тилагим сенинг ҳузурунг, талабим сенинг жамолинг,  
Неча кун тириклигимдин ғаразим сенинг висолинг.


Мана шу ғазал ҳисобига Навойининг девонлараро ғазал тақсимотига хилоф равишда ушбу кўлёzма девондан 651 ғазал ўрин олган. Мазкур ғазаллардан баъзилари асли тахаллуссиз бўлса, бир неча ғазалнинг тахаллус битилган мақтаъ байтлари бу кўлёzмада акс этмаган.

«Фаройиб ус-сигар»нинг ҳаракатли кўлёzма нусхаси Мир Алишер ҳазратларининг муборак тахаллусларини ягона «Навойи» шаклида ёзишимизга муҳим шаҳодатномадир.

Биз ўрганилаётган кўлёзманинг фавқулодда юндирилайликларини эътироф этган ҳолда, унинг имкониятларини ҳаддан ташқари бўрттириш тарафдори эмасмиз. Эҳтимол, тиљшунослик нуқтаи назарича, у мукаммал ва нуқсонсиз ёдгорликдир. Аммо матншунослик ва бадиият илми жиҳатидан бу кўлёзмага ҳам талабчан, танқидий нигоҳ билан қарамоғимиз жоиз. Бундай фикримизга матн таркибидаги баъзи ҳолатлар асос беради. Хаттот кўчириш жараёнида айрим мисраъларни янгилишиб ўринсиз такрорлаб қўйган. Аммо ўша матн ҳошиясидаёқ хатосини тузатиб ўринсиз тушган мисраъ ёнига керак мисраъни ёзиг қўйган. Бу — хаттотнинг ўзини ўзи назорат қилиш қобилиятидан ёки янги кўчирилаётган девон дастхати маҳсус талабчан назорат остида бўлганидан далолат беради. Асарларда мисраълар ўрни алмаштириб ёзилган ҳолат бор. Зеру забарли кўлёзмада Лутфийнинг лутфига сазовор бўлган машхур фазал матлаъси куйидагича келади:

Оразин ёпқач, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш  
Пашшалар ёнглиғ ҳаво узра чекар ҳар зарра неш.

Ҳаракатларнинг мунтазам қўйилиши жиҳатидан ҳам ушбу кўлёзма ўта мукаммал дейиш ўринсиз. Унда қатъий равища сўзларнинг бир хилдаги, муҳим имловий шаклинй акс эттиришга риоя қилинмаган. Остки-устки белгилар турли ўринларда келган бир сўз имлосида турлича қўлланган. Девондаги ҳамма сўздарга тегишли ҳаракатлар тугал қўйиб чиқилган эмас. Остки-устки белгиларнинг баъзилари фаол қўлланган бўлса, баъзилари кам истифода этилган. Бундай хусусиятлар ҳар қандай саводли ва моҳир хаттот услугубида ва кўлёзма асарларда учрайди. Щунинг учун улар ушбу кўлёзманинг илмий қўйиматини асло пасайтиrolмайди. «Ғаройиб ус-сигар» девонининг ҳаракатли кўлёзма нусхаси Алишер Навоий даври ўзбек адабий тили, шоирнинг шахсий-бадиий тили, услуби, асарлари матни ва бадииятини тадқиқ этишда таянч манба вазифасини ўтай олади.



## ФАРОЙИБ ЧЕЧАКЛАР

Алишер Навойи асарлари йигирма жилдлик тўплами яратилиши навоийшунослик, ўзбек матншунослиги, хусусан, Навойи мероси матнининг ўрганилиш тарихида муҳим босқич бўлиши шубҳасиз. Ушбу илмий нашр зиммасига шу пайтгача турлича услуб, шакл, ҳажмда чоп этилган асарлар матнини умумлаштириш, савия ва сифат даражасини кўтариш, камчиликларини бартараф қилиш, ютуқларини умумлаштириш, матншуносликнинг муқим қонуниятларини аёнлаштириш каби масъулиятли вазифалар киради. Нашр мобайнида бу вазифалар муайян миқдорда амалга ошмоқда, шунингдек, кутимаган янги нуқсонлар, илмий нашрга файрилмий ёндашув белгилари юзага келмоқда. Булар, айниқса, учинчи жилдда яққол кўзга ташланади. Ушбу жилдан Алишер На-

войининг «Хазойин ул-маоний» рубобий куллиёти бошланган ва унинг таркибидаги биринчи девон — «Фаройиб ус-сифар» ўрин олган.

Маълумки, «Фаройиб ус-сифар» 1959 йилда «Хазойин ул-маоний»нинг биринчи жилди тарзида Ҳамид Сулаймон томонидан «Фан» нашриётида чоп этилган эди. Демак, бу «Фаройиб ус-сифар»нинг иккинчи илмий нашри. Янги нашр олдинги нашр асосида тайёрланган. Бу ноширларга маълум имтиёз бериш билан бирга уларнинг жавобгарлигини ҳам оширади. Чунки биринчи нашр «илмий-танқидий матн асосида» бунёд этилган. Шунинг учун янги нашрга уни биринчи нашр билан қиёсий ўрганиш натижасидагина тўғри баҳо бериш, ютуқ-камчиликларини холис кўрсатиш мумкин.

Янги китоб ютуқларини белгилайдиган бўлсак, аввало, «Фаройиб ус-сифар» девони нашри тўлдирилган, дейишимизга асос бор. Биринчи нашрда берилмаган 80, 81-фазаллар, 24, 27, 28-қитъалар бу нашрда тикланган.

Баъзи байтларнинг ўрнини алмаштириш, такрорланган байт ё мисраларни тартибга солиш каби таркибий ўзгаришлар кузатилади. Қувонарлиси, ноширлар анча матний ва имловий нуқсонларни тузатишга эришганлар. Яхшигина тузатилган байтлардан бирига эътибор беринг:

Чарх мотам кисмати бермиш манга ё оҳдин  
Пардаи шабгун била ёймиш мени урённи дуд.

Бу 125-фазалдаги 8-байтнинг аввалги нашрдан олинган ҳолати. Унда иккита жиддий хато бор: «кисват» (кийим) сўзи, «кисмат», «ёёмиш» — «ёймиш» ёзилиб кетган. Хатолар оддий китобхонларни асл мазмундан чалғитар, мазмунни ижтимоий талқин этишга мойил мутахассисларнинг «Лирик қаҳрамон ўзининг тақдирдан норозилигини ўртага солиб», «Чарх мотам қисмати бермиш манга» дейди» сингари шарҳларига сабаб бўларди. Янги нашр байтни қусурлардан тозалаб, қуйидаги аслиятни юзага чиқарган:

Чарх мотам кисвати бермиш манга ё оҳдин  
Пардайи шабгун била ёпмиш мени урённи дуд.

57-фазалда «Ҳар тарафдин чарга тузган хайли мужгонин кўруб» сатри икки ўринда — 4, 8-байтларда такрорланган эди. Янги нашр мутасаддилари бу нуқсонни

пайқаб, 8-байтда асл. матнни — «Ҳар саҳаргоҳ субҳнинг чоқи гирибонин кўруб» сатрини тиклаганлар. 39-ғазалда тахаллусли тугалланмадан сўнг келган саккизинчи байт на мантиқан, на бадиий мазмун жиҳатидан асарга ёпишмай турган эди. Шунинг учун бўлса керак, ноширлар уни тушириб қолдирганлар. Аммо шу ислоҳ сабаби саҳифа пастида изоҳлаб кетилса, илмий нашр табиатига мувофиқ иш бўларди.

Нашрда қўшма сўзлар имлосида ижобий ўзгаришлар бор. Биринчи нашрда ажратиб ёзилган «нақшпардоз», «зевароро», «бодияпаймо» каби қўшма сўзлар кўшиб ёзилган. Нашр муаллифлари классик матнда тиниш белгилари қўллашда сезиларли мувваффақиятга эришганлар. Бироқ бундай ижодий ютуқлар бутун девон доирасида кўзга ташланмайди. Аксинча, ютуқларга соя солувчи нуқсонлар кўпайиб кетган.

Энг ачинарлиси, ўтгиз йил бурунги нашрнинг кўпгина ютуқлари бой берилган, матн анчайин салбий ўзгаришларга юз тутган. Дебочадаги бир жумла ё атайн, ё тасодифан (сабаби изоҳланмаган) қисқариб қолган. «Чун ул таърихдин муддате ўтдию ул вақтдин фурсате ароға кирди, фалак ҳаводисининг ул қаттиғ эсадурғон сарсари таскин тутти ва ул сарсар ошубидин ашким дарёсининг анжум юзига топончалар урадурғон кўлеки ором тутти ул ранжу сўздан йиллар ранжурлук тортқон тандек, балки жонидин маҳжур қолғон бадандек чиқтим, набзимға ҳаракат маъдум ва нафасимни кирав-чиқари номаълум, таним ўн қатла андин заифроқким, нол ва кўнглум бир замон ўз ҳолида бўлса яна ўн соат беҳол». Ушбу жумла янги нашрда бундай ахволга туцган: «Чун ул таърихдин муддате ўттию ул вақтдин фурсате ароға кирди, фалак ҳаводисининг ул қаттиғ эсадурғон сарсари таскин тутти ва ул ранжу ташвирдин йиллар ранжурлук тортқан тандек, балки жонидин маҳжур қолғон бадандек чиқтим, набзимға ҳаракат маъдуму нафасимниң қирав-чиқари номаълум, таним ўн қатла андин заифроқким. нол ва кўнглум бир замон ўз ҳолида бўлса, яна ўн соат беҳол» (11-бет). Агар жумла парчаси асл манба асосида қисқартирилган бўлса, бу ҳодиса изоҳланиши керак эди. Менга жумла қисқаришсиз туталади.

«Ҳазойин ул-маоний»да ҳар бир ҳарф билан тугалланган ғазалларга маҳсус сарлавҳа кўйилган. Масалан, «Бе» ҳарфининг балоларининг бидояти «Фаройиб»дин сингари. Биринчи нашрда Навоий сарлавҳаларининг

бадиий қимматига тўла эътибор берилб, сарлавҳанинг араб ёзувидаги кўриниши зийнатли тарзда алоҳида жойлаштирилган, ҳозирги имломиздаги шаклида эса сарлавҳа багишланган ҳарф қўштироққа олинган эди. Янги нашрда сарлавҳанинг арабча шакли ҳам, қўштироқ ҳам барҳам топган. Жуда бўлмаса, ёлғиз ҳарфнинг арабчасини бериш лозим ва бунга «Фан» нашриётининг имконияти бор эди. «Айн ҳарфининг ийорларининг аломати «Фаройибдин» сарлавҳаси кишини танг қолдиради. «Ийор» — нима дегани? Биринчи нашрда аниқ ёзib қўйилган «айёр» сўзини «ислоҳ» этишга ниша ҳожат бор эди, тушуниш қийин.

Китобда биринчи нашрдаги матнни билиб-бilmай ўзгартириш ҳоллари кўп. Мана, ўзгаришга учраган байтлардан бири:

Биринчи нашрда:

Ваҳ не лўливашдур ул қотилки эмдан халқнинг  
Қонини тўкмакка ҳар бир кирпигидур ништаре (578)

Иккинчи нашрда:

Ваҳ, не лулийвашдур ул қотилки, умдан халқнинг  
Қонини тўкмакка ҳар бир кирпигидур ништаре.

Инсоф билаи ғарбиётироф этиш керакки, байтда ижобий томонга ўзгарган ўринлар ҳам бор. Тиниш белгиларига эътибор юзасидан, иккита вергул тўғри қўлланган. «Ништаре» сўзида эгалик қўшимчаси «и» ўрнига ё-и ваҳдат ифодаси ёзилгани ҳам маъкул. Аммо, шунинг бадалида, «лўли»ни «лўлий», «эм»ни «ум» дея ислоҳ этиш ноўриндир. Байтда арабча «ум» — «она» сўзини қўллашдан маъно чиқмайди. Биринчи нашрда тўғри қўлланган «эм» сўзи «Навоий асарлари лугати»да акс этмаган, «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати»да эса тўғри изоҳланмаган. Унда шундай изоҳ берилган: «Эм — олдин, аввал, бирдан». Сунг мисол келтирилган:

Чок этиб кўнглумни очилсун демак имкон эмас,  
Фунчани эмдин очиб, гул айламак осон эмас!  
(III жилд, '563-бет)

Лугатдаги байтнинг мағзини чақиб кўрсак, ундағи «эм» сўзи ҳозирги ўзбек тилидаги «эмламоқ»ка яқин

маъно ифодалаганини англаймиз. Фақат унда инсон баданига ҳозиргидек нина санчиб эмлаш эмас, балки нозик тиф ёки ништар билан эмлаш каби жарроҳлик усули назарда тутилганга ўхшайди. Байтда «Ғунчани ёриб очиб гулга айлантириш осон бўлмагани сингари, инсоннинг тийра кўнглини ҳам чок этиб очмоқ, хушламоқ мумкин эмас», деган мазмун яширинган.

Янги нашрдаги нуқсонли байтда ҳам «эм» сўзида қадимги табобатнинг нозик ништар қўллаш санъати орқали қон чиқариш усули кўзда тутилган.

Биринчи нашрда 334-ғазалнинг мақтаи тушиб қолган эди. Бу нашрда мақтаъ тикланган, аммо «зарвақ» — қайиқ сўзи «зарварақ» ёзилибди:

Эй Навоий, зарварақи жисминг не тонг бўлса фариқ,  
Баҳри ашк ўлмиш чу ҳар дам оҳдин чайқалғудек.

«Фаройиб ус-сигар»даги ягона мустазод матнида биринчи нашрдаёқ нуқсонларга йўл қўйилган эди. Янги нашрда бу нуқсонлар барҳам топиш ўрнига янада кўпайибди:

Эй ҳуснунга зарроти жаҳон ичра тажалло,  
мазҳар санга ашё,  
Сен лутф била кавну макон ичида мавло,  
олам санга мавло. (499-бет)

Бу матнга нисбатан биринчи нашрнинг афзаллиги шунда эдики, унда «тажалли» сўзи тўғри ёзилганди. Матн қусурли эканлигини мисралар оҳангни аниқ айтиб тўрибди. Бошқа асарлар матнидаги сўз ва оҳангларни жуда аниқ илғаёлмасак, балки, айб саналмас. Лекин айнан шу асар матнини нашрдан нашрга нуқсонлар билан кўчираверишимиз уят. Чунки ҳазрат Навоийнинг ўzlари машхур «Мезон ул-авзон»ларида мустазод вазни ҳақида алоҳида тўхталиб, юқоридаги байт матнини оҳанг тасвири билан бирга намуна бўлгулик кўрсатиб қўйибдилар: «Ва яна бу халқ аросида бир суруд бор экандурким, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнида анга байт бошлаб битиб, анинг мисраидин сўнгра ҳамун баҳрнинг икки рукни била адо қилиб, суруд нағамотига рост келтуурлар эрмиш ва ани «мустазод» дерлар эрмиш, андоқким, (мустазод):

Эй хуснунга зарроти жаҳон ичра тажалли,  
 Мағъулў мафоийлў мафоийлў фаулўн  
     мазҳар санга ашё.  
     мағъулў фаулўн  
 Сен лутф била кавну макон ичра мувалли,  
     олам санга мавло».

(Алишер Навои, асарлар, XIV жилд, 180—181-бетлар)

Маълумки, назм бадииятида ҳар бир товушнинг ўз аҳамияти бор ва уни ноўрин қўллаш асар мукаммаллигига муқаррар футур етказади. Навои назми нашрида эса «о»ни «а»лаштириш: «қаро» — «қора», «сориф» — «сариф», «доғи» — «дағи»; «е»ни — «я»лаштириш: «ёшурмоқ» — «яшурмоқ»; «к»ни «г»лаштириш: «черик» — «чериг», «ситамкор» — «ситамгор», «ўлик» — «улуг»; «г»ни «к»лаштириш: «итга» — «итка», «этган» — «эткан», «шигоғ» — «шикоғ»; «и»ни «ий»лаштириш: «пари» — «парий», «одамизод» — «одамийзод», «тўти» — «тўтий» ва ҳоказо тарзда товушларни асоссиз эркин ўзгартиришга ружуъ қўйилган. Минглаб сўзлар товуш ўзгаришига учраб, ўзгача шакл, маъно, оҳанг касб эттан. Сўзларнинг айрим-айрим ҳолда бу уч жиҳатдан ўзгаришига юз тутиши, ялписига олганда, сифат ўзгариши, яъни Навоининг бадиий услуби бузилиши, асарларнинг вазн ва қофия гўзаллиги зарар кўриши каби нохуш оқибатларга сабаб бўлган.

Ҳозирги тилимиздаги «қора» сифатини «қаро» тарзida қўллаш Навоигагина эмас, умуман, ўзбек мумтоз адабиёти услубига хос. Асли, ҳозирги ўзбек адабий тилига «қора» шакли қандай қабул қилинганини қайта кўриб чиқиши керак. Чунки ҳамон кўпчилик шеваларда бу сўзнинг «қаро» шакли қўлланади. Адабий тилимизнинг асосчиси Навои ҳам сўзнинг «қора» шаклини камдан-кам қўллади. Мазкур нашрда эса бу сўз дейрли ҳамма ўринда «қора»га айлантирилган.

Навои «Мажолис ун-нафоис» асарида дўсти Мирзобекнинг

Кўзунг не бало қаро бўлубтур  
 Ким, жонга қаро бало бўлубтур,

матлаъини таърифлаб: «Зулқофиятайндур ва қофиялари тарди акским, жавоб айтмоқ бу фақир қошида маҳолатдиндур», деган эди. Кейинчалик шоир бундай

қүшқофия ва тарди акс санъатлари билан кўп асарларини зийнатлади. Афсус, Навоий заргарона қўллаган бу санъатлар бадиий сўзга эҳтиётсизлик туфайли унинг мукаммал асарлари мажмуасида жароҳат топди. Санъаткорона тизилган «қаро» сўзи «Фалон котиб ар сўзни мундоқ ёзар» сатри билан бошланувчи қитъаси сингари яна қанча асарларида жўн калимага айлантирилиб, бадиий мақомидан туширилди.

Мумтоз матнда биргина ҳарфнинг ўзгартирилиши бадииятнинг энг муҳим унсурларидан бири — асарнинг вазн хусусиятини бузиб юбориши мумкин. Янги нашрда шундай ҳоллар бор. Масалан, «яқо»ни «ёқа» қилиб ўзгартириш натижасида «Субҳ этти ёқани гуссадин чок» (322) мисраси ўзининг асл вазни — «Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбўзи маҳзуф»га тўғри келмай қолган. Бу вазннинг оҳанг тасвири қўйидагича бўлади:

М а ф ъ у л ў   м а ф о и л ў н   ф а у л ў н  
— — v            v — v —            v — —

Вазн талабига биноан, мисрани «Субҳ этти яқони гуссадин чок» тарзида ёзиш шарт эди.

Даме эрмаски, лаълингдин кўнгул юз лахт қон эрмас,  
Даги ҳар лахт қон ёшим била кўздин равон эрмас,

(227)

байтида вазн талабига кўра, биринчи бўғин қисқа бўлиши керак эди. Шунинг учун «доғи» сўзини «дағи» деб тузатиш ўринли тушган. Аммо бу билан ҳам вазн мукаммаллашмаган. Чунки олдинги нашрдагидек «лахта» сўзи чала ёзилган. Фазал «Ҳазажи мусаммани солим» вазнида ёзилгани мазкур сўзни «лахт» эмас, «лахта» ёзишни тақозо қиласи. Иштибоҳли бўғиннинг, айниқса, руҳи аввали («мафоилўн»даги «ма»)га тўғри келиб қолиши вазн сакталигини яққол кўрсатиб турибди. Тўлиқ тузатилган байтининг вазн оҳангни ва маъно салмоғи бундай жаранглайди:

Даме эрмаски, лаълингдин кўнгул юз лахта қон эрмас,  
Даги ҳар лахта қон ёшим била кўздин равон эрмас.

мафоилўн мафоилўн мафоилўн мафоилўн

Бадиият қонунига мувоғик, fazal matlaъida қофия тартиби а-а, кейинги байтларда б-а, в-а ва ҳ. к. тарзда

бўлиши керак. 256-ғазалда эса матлаъданоқ қофия қоидаси бузилган:

Не ажаб гар бор эсам девонавашлиг бирла хуш  
Ким, кўнгул олғон парийрўом эрур девонаваш.

Бунинг сабаби шуки, ноширлар бадииятнинг оддийгина талабига, яъни бошқа байтлардаги «кенгаш», «фаш», «журъакаш», «ғаш», «аташ» каби қофия уйсурларига мутаносиб равищда биринчи ва иккинчи байтлардаги «хуш» сўзи «ҳаш» ёзилиши (биринчи нашрда тўғри ёзилган) лозимлигига эътибор ва риоя қилмаганлар.

Эҳтимол, нашр муаллифлари Навойи назминийнг товуш таркибини онгли равищда янгича талқин этишини кўзда тутгандирлар. Агар шундай бўлса, китоб аввалида таҳрир ҳайъати ёки ношир номидан нашр принциплари акс эттирилган мақола берилиши, унда нашрдаги янгиликлар, уларнинг сабаблари, ноширларнинг нуқтаи назарлари илмий асослаб кўрсатилиши керак эди.

Матн бадииятига эҳтиёtsиз муносабат соқибатида сўз санъатининг нодир ютуқлари бой берилган.

Ханжари ҳижрон билан охир кесар чун риштасин,  
Мехр торин риштайи жонингга маҳкам бўлди тут. (170)

Биринчи мисрадаги «жон» сўзи «чун» деб ўқилган. Натижада, сатр мазмунин мавхумлашибгина қолмай, байтдаги тарди акс санъати — «жон риштаси» — «риштайи жон» барбод бўлган.

Нозик ҳарфий ўйинлари бор байтлар нашрига алоҳида эътибор лозим эди.

Сунбулинг тушса оёғинг остида, не айбким.  
Гул била хуршиднинг остида лому доли бор. (176)

Бунда «гул», «хуршид», «лом», «дол» сўзлари күштирноқ билан ажратилиши жоиз. Агар шундай «килинмаса, ҳозирги китобхон» байтдаги бадиий санъатларни пайқамай ўтиб кетиши мумкин. Кўштирноқ китобхон эътиборини тортади, у мавжуд бадиий санъат тилсимини очишга интилади ва, ниҳоят, байтнинг тугал бадиий мазмунини узи учун кашф этиб олади. Байтда маъшуқа зулфийни истиоравий

Йўсинда ифодалаётган сунбул арабий ёзувдаги «гул» ва «хуршид» сўзлари сўнгидағи «лом» ва «дол» ҳарфларига қиёсланган. Бу, таъбир жоиз бўлса, уч кара ичма-ич ёки болохонадор ташбиҳ. Чунки зулф сунбулга, «лом»га, «дол»га, маъшуқа эса гул ва хуршидга бирйўла ўхшатилган.

Қўштириноқ имкониятидан керакли ўринларда фойдаланилмагани ҳолда, биринчи нашрдаги кўп қўштириноқлар тушириб қолдирилган. Шеър таркибидаги масал, мақол, халқона таъбир — ифодалар, лирик қаҳрамонлар айтишувларидағи кўчирма гаплар, албатта, қўштириноқда ёзилиши зарур:

Чун масал бўлди сочинг зулм ичра, ёшурмоқ не суд,  
«Мушк исин ёшурса бўлмас», бу масал машҳур  
эрур. (186)

Бош қўяй дедим оёғи туфроғига деди: қўй  
Бўса истаб лаъли рангин сўрдум эрса, деди: ол. (385)

Бу ерда «қўй» ва «ол» кўчирма гаплигидан ташқари, уларда шоир тажнис санъатини қўллаган. Бу сўзлар икки хил муносабат, икки хил мазмунни ифодалашга сафарбар этилган. «Қўй» — «Майли, оёғим тупроғига бош қўяқол» ва «Қўйсангчи бу гапни»; «Ол» — «лаъли лабнинг ранги қизил» ва «сўраб нима қиласан, розиман, бўса олақол» маъноларини англатиб турибди. Бу жиҳатдан ҳам, улар алоҳида эътиборни тортадиган шаклда ёзилиши муҳим эди.

Мавжуд изофаларни бой бериб қўйиш, уни эгалик кўшимчаси ёхуд нисбий сифат ясовчи кўшимча билан янглиш ишлатиш қусури ҳам мавжуд. Кўп ҳолларда «одам» сўзи изофа ёки ёйи ваҳдат билан келган бўлса, сунъий равишда уни «одамий»га айлантириб ёзишга зўр берилган. Гўёки, албатта, ундан «одамийлик», «одамгарчилик» маънолари чиқиши керак:

Не айб, Навоий кеби девоналиғ этса,  
Ҳар одамийким, бўлса анинг ёри парийзод (118-бет).

Бу ерда оддийгина бирлик ва ноаниқлик ёйи бор ва сўз, тўғриси, «одамеким» ёзилади.

Навоий асарлари матнидаги мураккаб сўзлар маъносини китобхонлар лугатлар орқали аниқлаб, биллиб олишлари мумкин. Лекин қуйидагидек арабча ибора, мақол, жумлалар ҳам кўп учрайди:

Навоий, Каъба зикрин қўйки, биз дайри фано истаб  
Заҳабно водиял мақсад, важадно мо ҳувал-мақсад  
(117-бет).

Буларни, ҳозирча, кенг китобхонлар оммасига ет-  
қазадиган воситалар йўқ. Шунинг учун илмий нашрда  
бундай ўринларга изоҳ бериш зарур эди.

Асарлар таркибида тушириб қолдирилган байтлар,  
янгиси билан алмаштирилган, таҳрирга учраган мисра-  
лар ҳам борки, бу ўзгаришларнинг сабаби ҳақида ҳам  
изоҳ йўқ.

Биз нашрдаги нуқсонларни мумкин қадар умум-  
лаштириб ифодалашга интилдик. Даилилларнинг ўндан  
бирини ҳам келтириш имконияти бўлмади. Бироқ,  
шундоқ ҳам аёнки, Навоий «умр навбаҳорининг ға-  
ройиб чечаклари» деб атаган асарлар ғариб чечакларга  
айланишига оз қолган. Нашрнинг марказий муаммола-  
ри борки, барча камчиликларга йўл берган бу муаммола-  
рни, кеч бўлса ҳам, ҳал этиш зарур. Акс ҳолда, На-  
войи мукаммал асарлар тўпламишининг кейинги жилдла-  
рида нуқсонлар айнан такрорланиши хавфи бор.

Биринчи масала асл қўлёзма манбалар ва мавжуд  
мукаммал матнга суюнишдир. «Ҳазойин ул-маоний»-  
нинг Ҳамид Сулаймон нашри, талай камчиликларига  
қарамай, мавжуд нашрлар орасида нисбатан мукамма-  
ли. Янги нашрда фойдаланилган қўлёзма манба ҳар  
қанча қадимий бўлмасин, ундан мукаммал нашр ютуқ-  
ларини барбод этмайдиган тарзда танқидий фойдала-  
ниш жоиз эди. Ҳолбуки, йиллар мобайнида, «Ҳамса»  
нашрида бўлганидек, «Ҳазойин ул-маоний» асарлари  
нашрида ҳам матншунослигимиз эгаллаган мэрралар-  
дан чекинилди. Бу аҳволни турғунлик ҳам эмас, тиса-  
рилиш, дея белгилаш ҳаққонийроқ бўларди.

Турфа матнчилар Порсо Шамсиев ва Ҳамид Су-  
лаймон каби улуғ олимлар яратган матнларни ҳеч бир  
янгиликсиз қайта-қайта нашр этишни тирикчилик  
манбаига айлантириб олган эдилар. Виждонлари шун-  
га йўл берган экан, ҳалоллари бўлсин, деб ҳеч ким  
инدامади. Энди шундай тоифа матнчилар пайдо бўл-  
дики, улар яратилган мукаммал, асл матнларга бема-  
лол шак келтириш, уни бузиш, устозлар ва Навоий  
руҳидан кўрқмай қисқартиришдан тоймадилар.

Китобнинг 4-саҳифасида «Илмий-танқидий текст  
асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон, масъул  
муҳаррир: Порсо Шамсиев», деб ёзиб кўйилган. Бу —

1959 йилдаги нашрнинг айнан ўзи эканлигидан кафолат беради. Таҳрир ҳайъати номидан берилган кириш мақолада эса: «Биринчи нашрда турли сабабларга биноан йўл қўйилған айрим нуқсонлар шу иш жараёнида имкон борича бартараф этилди», дейилган. Лекин матн хийла таҳрир этилган. Буни қандай тушунмоқ керак? Ношир Ҳ. Сулаймон, масъул муҳаррир П. Шамсиев бўлатуриб, матнни шунчалик ўзгартириб юбориш тўғримикин? Балки, Ҳ. Сулаймон ва П. Шамсиев бу таҳрирларга қўшилмаган бўлармиди? Китоб мархум, улуф адабиётшунослар номидан чиқаётган экан, улар яратган матнни муқаддас билиб, бузиб қўйишдан сақланган маъқул эди. Ёки мазкур матн таҳрирга муҳтоҷ бўлса, янги муҳаррир тайинлаш тўғри бўларди.

Турғунлик йилларида мўътабар нашрларнинг таҳрир ҳайъати таркибидан нуфузли шахсларнинг фахрий ўрин олиши қонунийлашган эди. Ҳар бир китобда номлари ҳашамдор ёзиладиган фахрий аъзолар амалда нашр сифати ва савияси учун муайян иш бажармасдилар. Афсуски, янги давр нашрлари таҳрир ҳайъатларида ҳам шундай сиймолар савлат тўкиб туришибди. Алишер Навоий мукаммал асарлар тўплами таҳрир ҳайъатидаги навойишунослик фани ва адабий жараёнидан тобора узоқлашаётган баъзи сиймолар нашр манфаати учун нима иш бажараётганинилар? Вақтида ўз хизматини бажарган «авторитет»ларни тинч қўйсак бўларди. Назаримда, таҳрир ҳайъати фахрий эмас, ишлайдиган аъзолардан ташкил топиши керак. Шунда, нашр янгича сифат, суръат, савия-касб этади. Иномоқ керакки, фахрий аъзолар ўрнига авжи ижодий ба-лоғат палласидаги навойишунос олимлар ва адиллар киритилса, таҳрир ҳайъати фаоллашади. Умуман, таҳрир ҳайъати қандай ишлаётгани ҳақида тасаввурга эга бўлиш қийин. Ўйлаймизки, чиқаётган китоб таҳрир ҳайъати аъзоларининг ҳар бири назаридан ўтсагина, пишиқ ва мукаммал бўлади.

Юқоридаги сингари ташкилий муаммолар билан бирга, мукаммал нашрнинг илмий муаммолари ҳам бор. Таассуфки, Алишер Навоий мукаммал асарлар тўплами илмий принциплари ишлаб чиқилмаган ҳолда амалга оширилаётир. Эҳтимол, матннаги ҳар бир ўзгариш асослидир, Навоий асарларининг бадиияти, шаклий хусусиятлари, тили, товуш таркиби ҳақида ноширларнинг янгича шаклланган нуқтаи назарлари бордир.

Агар шундай бўлса, китобда сўзбоши ўрнида маҳсус мақола берилиши, унда илмий нашр принциплари музассал акс этмоғи лозим. Оммавий нашрдан буни талаб қилиб бўлмас, лекин илмий нашр учун бу — қонуний талаб. «Илмий-танқидий текст асосида»ги нашр иборасини ҳам жиддий ўйлаб кўрадиган фурсат етди. X. Сулаймон нашрини мўътабар билиб, қадрлаган ҳолда, тан олиш керакки, мутахассислар орасида «Хазойин ул-маоний»нинг чинакам илмий-танқидий матни йўқлиги ҳақида гап юради. Бор ҳақиқат ошкор бўлаётган замонда, «Хазойин ул-маоний»нинг танқидий матни яратилган бўлса, уни эълон қилиш кёрак. Бордию илмий-танқидий текст бўлмаса, буни ҳам яширмаслик, янги нашрларда «илмий-танқидий текст асосида» деган ҳаволаларга чек қўйиш тўғри бўларди. Ҳар қалай, X. Сулаймон нашри нуқсонларининг кўплиги, бир неча асарнинг киритилмай қолгани, янги нашр муаллифлари томонидан жиддий тузатиш ва қўшимчалар қилингани унинг илмий-танқидий матн даражасида етилмаганини кўрсатиб турибди.

«Хазойин ул-маоний» янги нашрининг илмий жиҳозланиши ҳам қаноатланарли эмас. Янги нашр илмий жиҳозланиши жиҳатидан X. Сулаймон нашридан ортиқ бўлса майли-ку, кам бўлмаслиги кутйилган эди. «Хазойин ул-маоний» таркибидаги девонларнинг X. Сулаймон нашрига шеърларнинг хронологияси, вазни ва байтлар сони кўрсаткичи; шеърларда қўлланган вазнлар кўрсаткичи; Навоий ўзбекча қўлёзма девонларнинг редакцион классификацияси; «Хазойин ул-маоний»даги фазал, рубоий ва муаммоларнинг алифбо тартиби; Навоий ўзбек тилида яратган шеърларнинг хронологик даврларга ажралиши; «Хазойин ул-маоний» шеърларининг хронологиясига доир жадваллар илова қилинган эди. Катта меҳнат эвазига майдонга келган бу жадваллар китобхонга Навоий ижодининг такомил босқичлари, лирик оламиининг фасллари, ҳар бир лирик асарнинг яратилиш тарихи, ҳажми, вазни ҳақида маълумот берувчи қомусий кўмакчилардир. Уларни айнан ёхуд қайта ишлаб, қисман ё тўлиқ янги нашрга илова этишини ўйлаб кўриш мумкинdir. Лекин уларни бутунлай тушириб қолдириш ўқувчини Навоий асарларини ўзлаштиришдаги беминнат илмий-амалий қулайликдан маҳрум этиш билан баробар. Лоақал, биринчий нашрнинг ҳар жилдидан ўрин олган иккни жадвал илова қилингандага ҳам, на-

войихон девондаги ҳар бир асар Навоий ижодий такомилининг қайси даврида яратилгани, вазни, байтлар сонини осонгина аниқлаб ололар, бу унга мустақил мутолаа учун шароит яратарди. Афсуски, «Фаройиб ус-сифар»нинг янги нашрида биронта жадвал берилмаган, кейинги девонлар нашрида ҳам бу кўзда тутилмаган.

Ушбу мақола ёзилган ва Республика матбуотида эълон қилинган вақтда Алишер Навоий мукаммал асарлар тўпламининг тўрт жилди нашрдан чиқсан эди. Олдинда яна ўн олти жилди турувди. Демак, ҳали ҳамма нарса йўқотилмаганди. Мавжуд имкониятдан фойдаланиб, нашрнинг илмий, ташкилий муаммолари қайта кўриб чиқиса, сифат ва савияси кўтарилса, Навоий асарлари аслиятига мувофиқ давр талабига муносаб иш бўларди, деган умидда эдик. Лекин, айфуски, нашриёт илтимосига биноан, биз б-жилдга холис тақриз ёзиб, юқоридаги камчиликларни яна бир бор кўрсатишимиизга қарамай, «Хазойин ул-маоний»нинг сўнгги девони «Фавойид ул-кибар» ҳам юқорида кўрсатилган турдаги хатолардан холи бўлмади. Бу Алишер Навоий мукаммал асарлар тўпламининг сифат жиҳатидан мукаммаллик даражасига рахна солиб қўйди.

## МУМТОЗ МАТН МУАЛЛИМ НИГОҲИДА

Мактаб ислоҳоти узлуксиз давом этмоқда. Лекин ҳали жиддий ижобий натижага эришилгани ҳақида гапириш қийин. Чунки ислоҳот тадбирлари сусткашлиқ билан амалга оширилаётир, маориф соҳасидаги ишларга ҳамон расмиятчилик билан ёндашилаётир. Мабодо таълим жараёнини кузатадиган бўлсангиз, маориф даргоҳларига бориб, фаннинг янги ютуқларини ўқувчилар эмас, ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам нотекис ва секин ўзлаштираётганлари ёки дарслик ва дастурдан ташқари маълумотларга кам қизиқишиларининг гувоҳи бўласиз. Битирувчиларнинг касб танлаш кечаларида эса ёшларга ҳаётий тажрибалардан келиб чиқиб сабоқ бериш ўрнига, аввалгидай кўпроқ «порлоқ келажак» ҳақида умумий ва баландпарвоз гаплар гапирилаётганини эшитасиз. Айниқса, айрим она тили ва адабиёт ўқитувчилари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ва «Ўзбек тили ва адабиёти» каби ўз ихтисосига хос газета-журналларни ўқиб, мутолаа қилиб бормаслиги ачинарли ҳол. Бундай муаллимлар «Маърифат» газетаси,

«Она тили ва адабиёт таълими» журналларига ҳам ўз малака ва савияларини ошириш учун эмас, расмийт юзасидан обуна бўладилар. Дарслик билан чекланиб, амалий машғулотларда ҳатто хрестоматиядан фойдаланмайдиган адабиётчилар ҳам топилади. Шу жиҳатдан, андижонлик муаллим Одилжон Эгамбердиевнинг мактаб ислоҳотига чинакамига жонкуярлик билан ёндашиб, «Адабиёт мажмуаси» китобини танқид қилиб «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» таҳририятига ёзган мактуби диққатга сазовордир. Агар ҳар бир ўқитувчи ўзи ўқитаётган фан қўлланмаларига шундай ижодий ва талабчан қараганда, мактаб ислоҳоти, янгиланиш самарали амалга ошган бўларди.

Муаллим О. Эгамбердиев мактаб дарслик ва мажмуаларининг нашрдан нашрга такомиллашиб бориш ўрнига, камчиликлари кўпайиб бораётганидан қайфуради. Муаллифнинг мумтоз адабиёт намуналарини турли хатолар билан чоп этиш ўқувчи ва ўқитувчига қийинчилик туғдириши, бундай китобларни амалиётга татбиқ этиш мушкуллиги ҳақидаги фикрига кўшилмай илож йўқ. Муаллим тўғри кўрсатганидек, Алишер Навоининг

Жаҳон ганжиға шоҳ эрур аждаҳо,  
Ки ўтлар сочар қаҳри ҳангомида,  
Анинг коми бирла тирилмак эрур —  
Маош айламак аждаҳо комида

қитъаси илк мисраси ўрнига «Камол эт касбким, олам уйидин...» қитъасининг учинчи мисраси босилган.

Бобур ғазалининг бир байтида қўйидаги нуқсон юз берган:

Ёлиғинг токим юзу кўзунгга тегмиш бордуур,  
Юз менингдек зору юз мен киби бемор анга.

Байтнинг ҳар иккала мисрасидан ҳам маъно чиқариб олиш мумкин. Бироқ ғазалнинг чинакам ихломанди байтнинг оҳанги ва мазмуни тугал эмаслигини тезда илғаб олади. Иккинчи мисрадаги сакталик матндан нимадир бой бериб қўйилганини сездириб қўяди. Муаллим ҳам буни пайқаган ва мактубида таъкидлаган. Чиндан ҳам, Бобур уч жилдлик асарларининг биринчи жилди 25-бетида мазкур мисра «Юз менингдек

зору юз минг мен киби бемор анга» тарзида тұлық берилған. Шубҳасиз, мажмууда «минг» сүзи тушириб қолдирилгани байт мазмуни таъсир кучини камайтирган.

«Анор» чистони қақидаги танқидий фикрда ҳам жон бор. Умуман, «Анор» чистони ўтмиш котибларининг «ижодий ёндашуви» оқибатида турли манбаларда турлича акс эттан бўлиши мумкин. Адабий меросимизда бундай ҳоллар кўп учрайди. Бироқ Увайсий ижодини ўрганган олимларимиз ҳам «Анор» асарининг турли манбалардаги варианtlарини қиёслаб ўрганиб, бир тўхтамга келмаганлар. Натижада, китобларда «Анор» чистони бир неча кўринишларда чоп этилган. Муаллифлари қайси манбага суюнганлари бизга номаълум бўлган мажмууда шу варианtlарнинг бири берилған. Кўп авлодлар сингари, биз ҳам мактабда шу вариантни ўргангандиз. Шунинг учун у бизга табиийроқ туулади. Бундан қатъи назар, мажмууда тайин манбадан олинган нусха акс этгани дуруст. Оммавий нашрларнинг аксариятида фойдаланилган манбалар кўрсатилмайди. Увайсийнинг 1963 йилда нашр этилган «Девон»и носирлари сўз бошида айтишларича, улар Увайсийнинг ўзи тузган девондан кўчирилган, Андижон Давлат педагогика институтида сақланётган ишончли кўлёзма манбага таяниб иш кўрганлар. Унда машхур чистон кўйидагича берилған:

Ул на гумбаздур эшиги; туйнугидин йўқ нийшон,  
Неча гулгунпуш қизлар манзил айлабдур макон.  
Синдуруб гумбазни қизлар ҳолидин олсам хабар,  
Юзларига парда тортиғлиқ турарлар бағри қон.

Асарнинг хрестоматиядаги кўринишида «ул» олмоши ўрнига «бул», «гулгунпуш» ўрнига «гулгун пок», «синдуруб гумбазни» ўрнига «туйнугин очиб», муаллим кўрсатган бир нашрда «манзил айлабдур» ўрнига «анда айлабдур», ҳатто Увайсий шеърларининг 1983 йилги нашрида «туурлар бағри қон» ўрнига «ётурлар бағри қон» ёзилған. Бундай ўзгаришлар асарнинг асл қиёфасини хирадаштиrsa-да, унинг гоявий-бадиий моҳиятига қескин таъсир этмаган. Гўзал чистоннинг бундай ахволга тушиб қолишига унинг машхур бўлиб кетганинги ҳам сабаб. Ҳалқ уни сёвib офииздан-офиизга, ёддан-ёдга, қоғоздан-қоғозга кўчириш жараённида, ўзак-мо-

ҳиятини назарда тутиб, айрим элементлари аслини эътибордан четда қолдирган. Эндиғи нашрларда «Анор» чистонининг Увайсийга яқин ягона матнидан фойдаланган маъқул.

Мажмуада Муқимиининг «Танобчилар» сатираси сўнгидан қуйидаги уч байт тушириб қолдирилган:

Ўзга яна гусса будурким, дейин,  
Шунчаки бир қисса булардин кейин:  
Кўшти Жалолхон деган ўғлини манга,  
Деди — «Руқум ўргатасиз сиз анга»;  
Юклади ўғлини менга, муҳтасар,  
Бу даги ортиқча (манга дардисар)...

Муаллим таъкидлаганидек, бу сатрларни қисқартираслик ҳам мумкин эди. Чунки унда тасвирланишича, Ҳакимжон танобчи Муқимиийга ўзининг Жалолхон исмли ўғлига савод ўргатишни топширади. Танобчилардан озор чеккан ва улардан нафратланиб турган Муқимиийга бу ортиқча ташвиш туғдиради. Мазкур парча шоирнинг амалдорларга салбий муносабатини ифодалаш билан бирга, унинг замонасида билимдон мураббий сифатида тан олинганини ҳам кўрсатади. Бу далил эса ўқувчиларнинг Муқимиий шахси ҳақидаги тасаввурларини кенгайтиради.

Муаллим мактубида мунозарали фикрлар ҳам анча. Муаллим қараашларидағи нуқсонлар шундан келиб чиқадики, у қўлига тушган манбалар асосида фикр юритади. Баҳсли масалаларга киришайтганда, айниқса, маълум бир китобни танқид қилаётганда имкон қадар илмий, мукаммал манбаларга суюниш лозим. Ишончли манбага таянмаслик оқибатида, унинг «Кўрмадим» радишли ғазалнинг

Кимга жонимни асир эттимки, жоним қатлиға  
Файр сори хулқи лутфи жон физосин кўрмадим

байтига эътирози асоссиз бўлиб қолган. Байтда «жоним қасдига» ибораси қўлланган бўлиши мумкин эмас. Чунки «қасдига» сўзи ғазалнинг иккинчий байтида «Кимга бошимни фидо қилдимки, бошим қасдига» шаклида ишлатилган. Навоий бир ғазалда ўз-ўзини бундай тақрорлаши эҳтимолдан узоқ. Мазкур байт «Хазбийн ул-маоний»нинг «Бадойи ул-васат» девонида ҳам (436) айнан мажмуадагидай берилган.

Тўғри, «Хазойин ул-маоний»ни ҳам тўла ишончли нашр деб бўлмайди. Унинг ҳам нуқсонлари кўп. Масалан, шу ғазал матнида «Ким бу ишда дайр пирининг ризосин кўрмадим» мисраси икки марта — мақта ва ундан олдинги байтда келган. Мақтадан олдинги байтнинг иккинчи мисраси — «Ким мен ушбу хайлнинг ҳусни вафосин кўрмадим» тушиб қолган. Шунга қарамай, у илмий-танқидий матн асосида яратилган, нисбатан мукаммал нашр. Бахтга қарши, мумтоз адабиёт камчиликсиз нашр этилган китобни топиш амри маҳол.

Муаллим Навои шеърларининг 1977 йилда чиқарилган мажмуасига суяниб, «Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз» бошланмали рубойнинг учинчи мисраси — «Ҳар нечаки севмак ондин ортиқ бўлмас» деган фикрни илгари суради. Бу сатр «Хазойин ул-маоний»нинг «Фаройиб ус-сифар» девонида (752) мажмуадаги шаклида келади. Мисранинг мағзини чақиб кўрганингиздаёқ, «Хазойин ул-маоний»даги вариант тўғрилигига ишонч ҳосил қиласиз. «Ҳар нечаки севмак ондин ортиқ бўлмас, Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз» деганда, «Эй умри азиз, шунча севиш мумкин бўлсаки, ундан ортиқ севиш имкони бўлмаса, мен сени ўшанчадан ҳам ортиқ севаман», деган маъно чиқади. «Ҳар неники севмак ондин ортиқ бўлмас, Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз», деганда эса «Эй умри азиз, энг олий даражада севиш мумкин бўлган бирор нарса бўлсаки, бошқа бир нарсани ундан ортиқ даражада севиш мумкин бўлмаса, мен сени ўшандан ҳам ортиқ, яъни имкондан ташқари даражада севаман», деган маъно англашилади. Гап умрни севиш ҳақида кетяпти, «Ҳар неники» сўз бирикмаси умрга қиёсан олинган. «Ҳар нечаки» эса умр тушунчасига эмас, миқдор тушунчасига қиёсланиши табиий бўларди.

Мактуб муаллифи «Тийфи ишқинг ёрасидур бутмагон» туёғи ҳақида ҳам ўша нашрга ишониб фикр юритган. Ваҳоланки, туюқнинг иккинчи мисраси «Хазойин ул-маоний»нинг «Бадойи ул-васат» (720) мажмуадагидай «Дардини ҳар кимга очиб бутмагон» шаклида ёзилган.

Бобурнинг: «Ёғлиғингким, жон била мен хастадурмен зор анга, Хаста жонлар риштасидиндуру магар ҳар тор анга» матлаи ёзуви ҳам О. Эгамбердиевнинг ўринсиз эътирозига учраган. Унингча, «ҳар тор анга» эмас, «бир тор анга» бўлиши керак. Матншунослигимиз тажрибасида мактуб муаллифи кўзда тутгани каби нуқ-

сонлар мавжуд. Айрим котиблар «ҳар» ва «бир» сўзларини араб имлосида деярли фарқсиз ёзганлар. Уни ҳозирги имлога кўчираётганда, матнчи чалкашликка йўл кўйган. Ҳатто, бир котиб бошқа котиб дастхатидан кўчираётганда ҳам шундай нуқсон юз берган ҳолатлар бор. Лекин Бобурнинг мазкур сатрида бундай хато йўқ. Шоир ёрнинг рўмолчасини тасвирлаш орқали унинг хусну жамолини власф этаётир. Гўёки, гўзалнинг юзу кўзларидан баҳра олаётган рўмолча унинг власлига муштоқ ошиқларнинг хаста жонлари ипларидан (торларидан) тўқилган. Аввало, рўмолча «бир тор» — битта ипдан яралмайди. Қолаверса, ғазалда рўмолча риштларининг кўплигига урғу берилган. Лирик қаҳрамон рақибларининг, ошиқларнинг ёхуд маъшуқа власлига қурбон бўлган «хаста жонлар»нинг кўплигига ошкора ишора қиласган. Рўмолча таркибида қанча ип бўлса, унинг ҳар тори бир «хаста жон»дан яралган.

Муаллим мактубида мажмуани мўътабар манбалар билан қиёсламай хulosа чиқарилган бошқа ўринлар ҳам бор. Шунга қарамай, унинг танқидий нуқтаи назарини эътироф этиш керак. Ўқитувчи — амалиётчи олим. Уни фаоллаштириш илм-маърифатимизга манфаат келтиради. Унинг ташвишли мактуби мажмуа ва бошқа оммавий нашрларимиз сифати, савиясини та-комиллаштириш ҳақида ўйлантиради. Мумтоз матнининг ҳар бир нуктасигина эмас, нуқтаси ҳам жиддий эътибор талаб қўлади. «Нуқта курсин, кўзни кўр қи-лур» мақоли фақат араб имлосигагина тегишли эмас. Навойининг:

Ишқ аро юз минг маломат ўқиға бўлдум нишон,  
Бир камон абрўда тузлукдин нишоне топмадим.

байтидаги «тузлук» сўзи мажмуада «тузлуқ» бўлиб кетган. «Тузлук» сўзи тўғрилик, ҳалоллик маъносини билдиради. «Тузлуқ» эса ўтмишда ҳам («Навойи асарлари луғати», 615-бет), ҳозирги адабий тилимизда ҳам («Ўзбек тилининг изоҳли луғати», II том, 220-бет) туз сақланадиган идишни ифодалайди. Хўш, мажмуани ўқиган ўқувчи қайси маънони тушунади?

Алишер Навойи «Фаройиб ус-сигар»даги «Фалат битир котиб бобида қалам сурмак ва қаросининг ғалатин юзига келтурмак» сарлавҳали қитъасида бундай дейди:

Фалон котиб ар хатни мундоқ ёзар,  
Бу мансабдин ани қўпармоқ керак.

Юзин номасидек қаро айлабон,  
Қаламдек бошин доги ёрмоқ керак.  
Қародин қароға берибон улоқ,  
Қаламравдин ани чиқармоқ керак.

Навойининг бадиий асарни хато кўчирган котибларга шафқатсиз муносабати бугунги матнчи, мусаҳҳих, муҳаррир ва ношир зиммасига жавобгарлик масъулиятини юклайди.

Мажмуадаги камчиликларнинг бир қисми босмахона ҳарф терувчиси, мусаҳҳих ва муҳаррирнинг эътиборсизлиги туфайли юз берган. Афсуски, бу «арзимаган» эътиборсизлик ўnlаб китобларнинг сифатсиз чиқишига сабаб бўлаётir. Бу жиҳатдан, муаллимнинг мажмуада жиддий имловий хатолар, сўзлардаги бузилиш, қаторлар алмашиниб кетиши, саналарда бузилиш мавжудлиги тўғрисидаги фикри асосли. Саводхон мусаҳҳих ва билимли, моҳир муҳаррир бугунда нодир мутахассисга айланаштирилди. Газета, журнал, нашриётлардаги мусаҳҳих ва муҳаррир лавозимларида олий маълумотли филолог, журналист кадрлар ишлайди. Аммо улар орасида мумтоз адабиётта ихтисослашган, босилаётган материални адабиёт тарихи фанининг ҳозирги даражасида биладиган, бу борада мустақил фикр юритадиганларини топиш жуда қийин. Таҳририятларда адабий мерос учун жон куйдирадиган, мумтоз адабиёт муаммоларига доир материалларни қадрлайдиган, айни пайтда бўш мақолаларга талабчан муҳаррир ва адабий ходимлар камдан-кам. Бу мушкулот таҳририят, нашриёт раҳбарларини, шунингдек, мақола ё китоб чиқараётган муаллифларни ҳам қийнаши табиий. Бу ҳол ўз-ӯзидан ўрта мактабда адабиёт тарихи ўқитишини муттасил яхшилай боришни, олий таълим жараённида адабиётшунослик фанининг турли тармоқларига ихтисослашган кадрлар тайёрлаш лозимлигини тақозо қиласди. Масалан, университетнинг филология, журналистика факультетларида ўзбек мумтоз адабиёти ва матншунослик чукурлаштириб ўргатиладиган алоҳида гуруҳлар ташкил этиш, мумтоз адабиётта ихтисослашган мусаҳҳих, муҳаррирларни шу гуруҳларда этиштириш мумкин.

Мажмуадаги нуқсонларнинг кўпчилиги матншунослигимиизнинг ҳозирги савиясига тегишли. Матншуносликда ҳануззача давом этиб келаётган умумий касаллик табиий равишда мактаб мажмуаларига ҳам ўтган.

Матншунослигимиз назарияси узоқ турғуңлік даврини бошидан кечираётір. Матнчилигимизнинг амалий имкониятларидан эса нолимасак ҳам бўлади. Fafur Fu-lom номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти «Ўзбек адабиёти бўстони», Камалак нашриёти «Ўзбек классик адабиёти жанрлари» сериялари бўйича китоб чиқармоқда, «Фан» нашриёти эса Алишер Навоининг йигирма жилдли асарларини жадал нашр этмоқда. Уларнинг бари керак. Мумтоз адабиётнинг кўп миллионли ихлосмандлари эҳтиёжи учун бу нашрлар эҳтимол камлик ҳам қилас. Аммо уларнинг сифати ва савияси ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак. Бу нашрлар маълум даражада бир-бирини такрорлаши табиий. Хавф шундаки, матншунослик баҳсида бартараф этилмаган нуқсонларни кўпайтириб такрорламасмикин? Матншунослик ишларининг марказлаштирилмаётгани, нашр этилаётган асарларни ягона қатъий талаб ва мезонлар асосида назорат қилувчи матншунослик ҳайъатининг йўқлиги, мумтоз мероснинг «ўз қаричи»га эга бўлган турли нашриётларда чоп этилаётгани китобхонларни ҳам чалғитади. Матншунослик мустақилликдек масъулиятли замонда янгиланмаса, қачон янгиланади?

## МАТН ВА МАСЬУЛИЯТ

Бир маҳаллар мумтоз адабиётимиз матнларини нашр этиш муаммолари бўйича қизгин баҳслар бўлиб турарди. Кейинги пайтларда бундай баҳслар қўзғалмай қолди. Нега шундай? Матнчилик ва матншунослик юксак даражага кўтарилидими? Баҳслашадиган мӯаммолар, муҳокама қиладиган қусур ва нуқсонлар қолмадими? Ё баҳслар беҳуда кетаётгани, ечимлар, хўлосалар амалга татбиқ этилмаётгани матншунослар ҳафсағасини пир қилдими? Ёки эски ўзбек ёзувини ўрганиш авжига чиқиб, матншуносликдаги мушкулот ўз-ўзидан ҳал бўлиб, баҳсларга эҳтиёж қолмадими?

Бахтга қарши, бозор иқтисодиётiga ўтилмай тўриб, бу соҳа бозорга айланиб бўлди. Ўйчи ўйини ўйлагунча, таваккалчи ишини битирадиган замон келди. Эски ўзбек ёзувини хиёл ўрганишга ултурган бир тоифа «ишбиллармон» эски ёзувда битилган дуч келган «китобни ҳозирги ёзувга хом-хатала кўчириб нашриётга югура бошлиди». Маданий меросни қадрлашга яратилиған имконият ошкора суйистеъмолга ем бўлди. Нашриётлар

тобора манфаат майдонига айланди. Мумтоз адабиёт матнлари қисмати нокасбий матнчилар қўлида қолди. Ваҳолонки, эски ўзбек ёзувини ўрганиш, форс ёки араб тилини билиш билангина матншунос бўлиш қийин. Буларга қўшимча нашриётчилик ҳам, шоирлик ҳам ҳали тугал матншунослик эмас. Юқоридаги фазилатларнинг барчаси матншунослик учун зарур. Лекин, бундан қатъи назар, матншунослик — маҳсус фан. Матншунослик — алоҳида истеъдод. Бу матнни чуқур ҳис қилиш, тушуниш, қилни қирқ ёриш қобилияти. Ушбу фан бошқа соҳалар сингари дахлсиз, унинг ўз қоидалари бор. Унга ҳар қандай нокасбий аралашув мумтоз адабиёт матнидаги нафосатни, нозик маънавий бойликларни барбод этади.

Дарвоқе, бир неча йил бурун матншунослик назарий ва амалий муаммоларига доир баҳс аввал «Шарқ юлдузи»да бошланиб, сўнг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтномасига кўчиб, қизғин тус олди. Баҳс энди авжланиб, мутахассислар томонидан матншуносликнинг долзарб масалалари ўртага ташланиб, уларни ҳал қилиш ҳақида жиддий фикр юритилаётган маҳалда бир шоирнинг «Амалий ишга ўтайлик» сарлавҳали мақоласи босилди. Бу — шоирнинг матншунос олимлар ишига нокасбий аралашуви эди. Баҳс натижасиз якунланди. Аслида, амалий ишга шошилмасдан (у шундоқ ҳам узлуксиз давом этарди), назарий масалаларни ечиш тўғри бўларди. Чунки бизда ҳанузгача матншунослик соҳасида бирорта назарий тадқиқот яратилмаган, мумтоз адабиёт намуналарини нашр этишнинг мезонлари ишлаб чиқилмаган. Баҳсу мунозарани тўхтатиб қўйиш асло тўғри эмас эди.

Энди «амалий иш» тажрибаси сифатида бир неча китобни матнчилик ва матншунослик нуқтаи назаридан таҳлил этайлик. Қўлимиизда Муҳаммад Раҳимхони соний — Ферузнинг Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида 1991 йили «Боқий сатрлар» рукнида босилиб чиққан «Не бўлди, ёrim келмади» номли фазаллар мажмуаси.

Китобда Ферузнинг бир даста асари жамланган. Аниқ далиллар асосида фикрлайдиган бўлсак, мавжуд эллик икки фазалда ўттиздан ортиқ имло ва матн хатоларига йўл қўйилган. Биз уларнинг барини сарҳисоб этмай, асосийларига тўхталиб ўтамиз. Энди кеч, бу хатоларнинг ҳаммасини барча китобхонларга етказиш душвор, албатта. Лекин, шоядки, 100000 китобхондан

лоақал мингтаси нуқсонлардан воқиф бўлиб, уларни ўз қўлидаги китобида тузатиб олса, деган андиша билан таҳлил жараёнида нуқсонларни ислоҳ этиб кўрсатдик.

Деди, «сабр айла, эй Ферузким, дилдоринг ўлғумдур»,  
Бу сўз бирла мани ғамдин сабабкор этдию кетди.

(22-бет)

Байтнинг иккинчи мисраси магзини чақингчи, бирор маъно чиқармикин? Овора бўласиз. Негаки, сўз бузилган, мантиқ риштаси узилган. Маъшуқа висолидан умидвор этадиу, ошиқ «ғамдин» ёки ғамга «сабабкор» бўладими?! Оддийгина «сабукбор» сўзини хато ўқиши байт, яъни назм иморатини вайрон этган. «Сабукбор» — «сабук» — «енгил» ва «бор» — «юқ» сўзларидан тузилган форсий қўшма сўз. «Сабабкор» ўрнига «сабукбор» сўзи қўйиб ўқилса, англашиладики, маъшуқнинг висол ваъдаси ошиқнинг ғам юкини енгиллатган.

Бундан ташқари, кўчирма гап имлосига биноан, «Деди»дан сўнг икки нуқта қўйилиб, қўштирноқ ичидаги «Сабр...» бош ҳарф билан ёзиладими?

Сармасти саҳбо бўлғоли чинни қадаҳни тўлдуруб  
Ул ўзи нўш айлабон тутти манга ҳам мул букун.  
(27-бет)

Байтда гўёки ҳамма нарса ўз ўрнида тургандек. Факат иккинчи мисрадаги оҳанг сакталиги нуқсондан дарак бериб турибди. Ҳўш, иситма чиқараётган хасталик байтнинг қайси узвида пинҳон? Буни аниқлаш учун байтни бир карра вазнга солиб ўқиши кифоя. Маълум бўладики, нуқсон мисранинг биринчи рукнида. Шу рукнида бир алдоқчи сўз бор. Уни ноширлар «ул» деб ўқишиган. Бу сўз шаклининг алдоқчилиги шундаки, у эски ўзбек ёзувида ҳам «аввал»ни, ҳам «ул»ни ифодалайди. Яъни, «аввал» билан «ул» айнан бир хил ёзилади. Ноширлар шунга алданишган. «Аввал»ни «ул»дан фарқлаш эса эски ўзбек ёзуви билими билан бирга матнни ҳис қилиш, сезим, фаросатни ҳам тақозо этади. Шундай қилиб, вазни ва мазмуни шифо топган мисра қўйидагича: «Аввал ўзи нўш айлабон тутти манга ҳам мул букун».

Сафҳай оразда мушкин хатти сиёҳи хол ила  
Айламиш бир зийнат ул ойнинг сарупо ҳуснини (31-бет)

Наҳотки, машхур хатту хол ой юзли дилбарнинг ҳуснини «бир зийнат» айламиш? Бу — мазмун мантиқ-қа қовушмайдиган, нафосат ва бадиийликдан йироқ, жўн ифода эмасми? Асли, шоир айтмоқчики, чеҳраси саҳифасидаги мушкин хатт, яъни нафис туклар ва қора хол ул ой юзли гўзалнинг ҳуснини бошдан оёқ зийнатлаган. Шоир «зийнат» сўзининг форсий кўплик шакли «пурзийнат»ни кўллаган. Кўшма сўз таркибида кўпликни, тўлиқликни билдирувчи «пур» сўзи ҳам туркий «бир» билан арабчада шаклдош ёзилади ва кўп ҳолларда ноширларни алдайди, адаштиради. Мана бу байтда ҳам шундай ҳодиса юз берган:

Гулшан ичра сарв ёхуд ул қади мавзунмудур,  
Наргиз эрканму ва ё ул чашми бир афсунмудур? (58-бет)

«Чашми бир афсун» дейищдан маъно чиқмайди. «Чашми пурафсун» ифодасидан эса манзурнинг сехр, авраш, найранг, фириб, макрга тўла кўзларини тасаввур этиш мумкин.

Кўп шоирларимиз сингари, Феруз ҳам ҳарфлар воситасида сўз ўйини қилиш, бадиий санъат кўллашга моҳир бўлган. Куйидаги байт шундай санъаткорлик намунаси:

Киргил оғушимға жон ичра алиф янглиғ бўлуб,  
Дилраболик шевасин айлаб шиор, эй гулбадан! (32-бет)

Байтда Навойининг «Қадинг ниҳолига «жон» гулшанин чаман қилғил» мисрасидагига монанд санъат бор. Шоир манзурга: «жон» сўзи ичида «алиф» ҳарфи мужассам бўлгани сингари, сен ҳам «алиф»дек менинг бағримга «киргил», дея таманно қилаётир. Лекин бу санъатни ҳозирги йўлномизда оммафаҳам тарзда ифодалаш имконияти йўқ. Бирдан-бир йўли — «донога ишора» учун «жон» ва «алиф» сўзларини қўштириноқ орасига олиш усули бор эди. Фаҳм-фаросатли китобхон мана шу қўштириноқ турткиси билан санъат тилсимини ечиб оларди. Нашрда бу имкониятдан фойдаланилмаган.

Матнчилигимизда афсонавий ва тарихий шахс номлари учраса, уларни ҳеч шубҳаланмай, атоқли от ҳисоблаб, бош ҳарф билан ёзиш қусури болалаб кетган. Феруз мажмуасида инчунин. Бу қусур атоқли отдан турдощ отни, тўғрироғи, отдан сифатни фарқла-маслик өқибатида келиб чиқади.

Исо нафас, Юсуфи Чин, Мусо тақаллум, моҳрав (43-бет)

Мазкур мисрада бирорта сўз тўғри ёзилмаган. Исо-нафас — от эмас. У — нафаси Исо пайғамбар дамидек ҳаётбахш дегани. Бинобарин, у — сифат. Мисра ўртасида келганида, уни ҳам бош ҳарф билан ёзишмайди. «Исонафас» қўшиб ёзилади, чунки у қўшма сўз. «Мусотакаллум» ҳам нутқи Мусо пайғамбар сўзлариdek ўликни тирилтирувчи, сехрли деган маънони англатади. У от ва атоқли от эмас — сифат. Бу ҳам «ширинсухан», «хушсұхбат», «хушмуомала» сўзлари сингари қўшиб ёзиладиган қўшма сўз. «Юсуфи Чин» бу ўринда Юсуф пайғамбарни англатмайди, у — истиора. Умуман, бу мисрада Исо, Юсуф ва Мусо тасвиrlанаётгани ёки мадҳ этилаётгани йўқ. Агар шундай бўлганида эди, бу сўзлар атоқли от тарзида ҳақли равишда бош ҳарф билан ёзиларди. Ваҳолонки, бу ўринда пайғамбарлар тасвир нишони (объекти) эмас, балки тасвир воситасидир. Тасвир нишони — манзур, яъни назарда тугилган севикли сиймо. Манзур гўзаллиги пайғамбарлар сифатлари воситасида тасвир, мадҳ этилаёттир. Ниҳоят, мисра сўнгидаги сўз «моҳрў» (ой юзли) деб ўқилиши тўғри бўларди. Бу ўринда ҳам турли товушларни ифодаловчи «вов» ҳарфи адашиб «ў» эмас «в» сифатида қабул қилинган.

Ёзди жабҳам лавҳи узра килки Беҳзодим менинг (48-бет)

Ушбу мисрада ҳам рассом Беҳзод ҳақида гап кетаётгани йўқ. Беҳзод сўзи бу ўринда атоқли от эмас, балки сифатдир. Ҳалқ тилида ҳам моҳир рассомларга нисбатан ишлатиладиган «беҳзодқалам» сифати бор. «Килки беҳзод» деганда рассом Беҳзоднинг қалами сингари тасвирга уста қалам, яъни беҳзодсифат қалам назарда тугилган. «Килки Беҳзод» изофали биримасини ўзбекчасига ўгирсак, «Беҳзоднинг қалами» деган маъно чиқади. Бу эса байт мазмунига хилофдир.

Бу оқшом келди ул дилбар адаб бирла салом айлаб,  
Ўлук жиссимиға жон берди Масиҳосо қалом айлаб  
(49-бет).

Бу байтда ҳам шоирнинг мақсади афсонавий. Масиҳ ҳақида фикр юритиш ёхуд уни тасвиrlа०аш эмас,

балки Масиҳонинг ўликни тирилтиргувчи сухани во-  
ситасида маъшуқани мадҳ этиш. Бинобарин, «масиҳо-  
со» от ва атоқли от бўлмай, масиҳ хислатини англатув-  
чи сифатдир.

Хайриятки, ушбу нуқсонлар Феруз юбилейи муно-  
сабати билан чиқарилган янги китобда танқид ва тақ-  
ризнинг натижаси сифатида тузатилди.

Албатта, китоб нуқсонсиз чиқмайди.

Гап шундаки, бундай ҳол биргина бу китобда куз-  
тилмайди. Нашриётда баъзи муҳаррирлар чиқараётган  
китобларини умуман ўқишимайди, дея бир муҳаррир  
айтганида, ишонқирамаган эдим. Афсуски, ростга ўх-  
шайди. Ўнлаб китобларимиз шу аҳволда босилиб чи-  
қаётир. Рўзномаю мажаллаларимиз бамайлихотир фиж-  
фиж хатоларга йўл беришмоқда. Обрўли бир журнал-  
нинг саҳифасида, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Бизга  
ислоҳ қерак», «Ҳақ олинур, берилмас» асарлари мат-  
нида шундай хатолар учрайди: шариат муқаддас — ша-  
риати муқаддас, даража илмия — даражайи илмия,  
усул жадида — усули жадида, аҳл тажриба — аҳли  
тажриба, аҳл касаба — аҳли касаба, хулоса калом —  
хулосайи калом; зоҳиро — зоҳиран, хусусо — хусусан;  
илмо — уламо, илмо азам — уламойи аъзам; анки-  
шоф — инкишоф; оғниё — ағниё; мажлис муассон —  
мажлиси муассисон; сабит — сабт; нуъи — навъи ва  
ҳ. к. Саҳифада бундай хатолар қайта-қайта тақрорлан-  
ган. Бу шармандали ҳол! Бу — маданий меросга ва  
эндигина оёққа қўяётганимиз Давлат тилига қош қўя-  
ман деб, кўз чиқариш билан баробар. Ахир, журнал  
ёки китоб олам юзини кўргунича неча-нечча қўлдан ва  
кўздан ўтади. Наҳот, бирор мусулмонда «илмо — бу  
уламо эмасмикин», деган иштибоҳ туғилмайди?! Бу ха-  
толарнинг баъзиси матнни билмасликдан келиб чиқса,  
баъзиси ўта «билимдонлик» оқибатидир. Масалан,  
«Куръони карим», «Ҳадиси шариф» каби форсий изо-  
фали бирикмаларни гўёки ўзбекчалаштириш мақсади-  
да «Куръон карим», «Ҳадис шариф» тарзида атайнин  
изофасиз ёзаётган матбуот ходимлари бор. Ҳолбуки,  
изофани олиб қўйган билан, бирикма ўзбекчалаштишиб  
қолмайди, изофадан айрилгач, бирикма барбод бўлади,  
сўзаро қаратқич-қаралмиш муносабатлари, маъно-мо-  
ҳият бузилади. Бундай сўз бирикмалари асрлар мон-  
байнинг айнан қўлланиб келган ва улар ҳар жумламиз-  
да учрайди. Жуда ўзбекчалаштиргиси келган киши  
уларни «кароматли Куръон», «шариф Ҳадис» дея қўл-

лаши мумкиндири. Шунда ҳам, қурилиш ўзбекча бўлгани билан, бирикма ғайритабиий, виқорсиз чиқади ва барибир, арабий сўзлар сақланиб қолади.

Хуллас, маданий мерос, она тилимиз миллий мустақилликнинг ажралмас қисми бўлиб, унга шахсий манфаатлардан юқори туриб, камоли масъулият билан ёндашиш виждоний ватанпарварлик бурчимиз.

## «МУНИС УЛ-УШШОҚ»НИ НАШР ЭТИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Бизнинг давримизда ўзининг қадр-қимматини то-пайтган сўз санъаткорларидан бири Шермуҳаммад Мунисдир. Шарқшунос ва филолог олимларимизнинг бу серқирра ижод соҳиби меросини эътибор билан ўрганишлари натижасида ўнлаб илмий муаммоли мақола, бир неча адабий портрет ва рисола пайдо бўлди, илмий кенгашлар ўтказилди. Унинг шеърий қўлёзмалари ҳозирги ёзувимизга кўчирилиб, «Ўзбек адабиёти» мажмуаси, «Ўзбек шеърияти антологияси», «Танланган асарлар» (Давлат бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1957 йил) тариқасида чоп этилди, рус тилига ўтирилиб, «Ўзбек классиклари кутубхонасидан» сирасида эълон қилинди. Мунис қайтадан тирилди, кенгроқ доирада танилди, ўзининг иккинчи умрини кўп сонли, юксак дидли, юқори савияли китобхонлар қалбida яшай бошлади.

Шоир таваллудининг икки юз йиллигини нишонлаш Мунис ижодини ўрганиш борасидаги имкониятларни муайянлаштириди, бу соҳанинг истиқболини ёритди, мунисшуносликдаги алоҳида бир босқич бўлди. Шермуҳаммад Мунис «Сайланма»<sup>1</sup>си ана шу шарофатли тантананинг эзгу самараларидан биридир. Бу китобнинг вужудга келиши, албатта, ижобий ҳол. Чунки Мунис «Танланган асарлар»ининг ўн минг нусхада нашр этилганига йигирма уч йил бўлган эди. Ўтган давр мобайнида мумтоз шеърият ихлосмандлари сафи чексиз кенгайди. Мунис асарларининг янги мажмуасига эҳтиёж сезила бошлади. «Сайланма»нинг йигирма беш минг нусхада чоп этилиши бу эҳтиёжни муайян даражада бартараф этди.

<sup>1</sup> Шермуҳаммад Мунис *Хоразмий*, Сайланма. Тошкент, Faafur Fуломномидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.

«Сайланма»нинг тартиби ва таркибида ҳам ижобий хусусиятлар мавжуд. Асарларнинг жойлаштирилишида тубдан ўзгариш сезилмайди. Умуман, «Сайланма»ни тузишда, ҳар жиҳатдан ҳам «Танланган асарлар»га асосланилган, унда асарлар жанрига кўра анъанавий девон тартибида жойлаштирилган. Тафовут шундан иборатки, «Танланган асарлар»да айрим шеърлар жанр жиҳатидан қориштириб юборилган эди. Масалан Муниснинг чистонлари масаллар сифатида тақдим этилганди. «Сайланма»да эса:

Базм аро турфа лульбате кўрдум,  
Бошда ўт, оғзидин чиқорур дуд,

байти билан бошланувчи шеър чистон эканлиги ва у чилим ҳақида ёзилганлиги аниқланган. Шу чистон билан берилган иккинчи чистон эса, тушунилиши қийинлиги учун бўлса керак, тушириб қолдирилган. «Танланган асарлар»да Муниснинг қасидаларидан олинган парчалар унинг тематик-ғоявий жиҳатдан ижтимоий руҳдаги асарлари туркумида берилган эди. «Сайланма»да эса бу асарлар қасидалар сифатида алоҳида жойлаштирилган. Аслида, улар Мунис қасидаларидан олинган парчалардир. «Танланган асарлар»даги рубоийларнинг бештаси қитъа жанрига мансуб деб топилган ва «Сайланма»да алоҳида тартиб берилган.

«Сайланма» таркибидаги ижобий хусусият шуки, «Танланган асарлар»даги айрим матний нуқсонлар унда тузатилган. Бу тузатишлар турлича намоён бўлади. Биринчидан, асарлар матнидаги форсча, арабча сўзлар саводли ёзилган. Масалан, илгариги нашрда «баси», «қадрдони», «фароги» шаклида учрайдиган сўзлар, форс-араб грамматикасидаги бирлик ёйи имлоси қоидасига биноан, «басе», «қадрдоне», «фароғе» тарзида тузатилган. Иккинчидан, асарлар матнини ёзишда ҳозирги ўзбек пунктуацияси қоидаларига маълум даражада риоя қилинган. Масалан, «оҳқим», «ваҳ» ўндовлари вергул билан ажратилган. Учинчидан, мазмунга кескин таъсир этадиган айрим кусурлар бартараф этилган. Масалан, «Шоир ўз аҳволига дармондау фазл аҳли хор» мисрасидаги «хор» сўзи «Танланган асарлар»да (21-бет) «хар» ёзилган, форсча «хар» сўзи «эшак» маъносини ифодалагани учун, мисра мазмунини ўзгариб юборган эди. «Сайланма»да бу сўзниг тузатиб ёзилгани шоир ифодаламоқчи бўлган асл маънони

юзага чиқарган. Тўртингидан, техник сабабларга кўра (мусахҳих айби билан) йўл кўйилган кўпгина нуқсонлар тузатилган. Масалан, «горчи» «холиқ» (Танланган асарлар», 21, 22-бетлар) каби сўзлар «гарчи» «холиқ» («Сайланма», 15, 16-бетлар) тарзида ёзилган.

Бундай хатоларнинг ислоҳ этилиши китобнинг илгариги нашрга нисбатан бироз сифатли чиқишини таъминлаган. Бироқ, биз қайд этган турлардаги хатоларнинг барчаси бартараф этилган эмас. «Сайланма»нинг чоп этилишида биз тавсиф этган фазилатлар билан бирга талайгина кусурлар ҳам мавжудки, улардан кўз юмиб ўта олмаймиз. Аввало, асарлар матнида учрайдиган нуқсонлар устида тўхталамиз. Уларнинг ҳаммасини қайд этиб ўтирумай, келиб чиқиши ва такрорланиши сабабиятлари ҳақидаги айrim муроҳазаларимизни билдирамиз.

Матний нуқсонлар юз беришининг асосий сабаби мумтоз адабиёт асарлари матнларини ҳозирги ўзбек ёзувига кўчиришнинг қонуниятлари мукаммал ишлаб чиқилмаганлигидадир. Масалан, форс, араб калималарини ҳозирда қандай ёзишнинг барқарор қоидалари ҳанузгача мавжуд эмас. Назаримизда, «ашк фишон», «сарв қад», «йўл дурур», «дил жамълик» («Сайланма», 20, 24, 26, 29-бетлар) каби сўзлар қўшиб ёзилса, дуруст бўларди.

Маълумки, тиниш белгилари бадий асар мазмуни бадий-руҳий таъсирчанлигини юзага чиқаришда муҳим ўрин тутади. Мумтоз асарларни нашр этишда тиниш белгилари қўллаш, пунктуация муаммолари узилкесил ҳал этилмаганлиги ҳам ҳозирги имломизда Мунис шеърларини мукаммаллигича кўчиришга халал берган. Муниснинг «густоҳ» радифли бир фазалида «густоҳ» (маъноси — одобсиз, андишасиз) сўзи деярли ҳамма байтда ундалма вазифасини ўтайди. Шоир ҳар байтда густоҳга мурожаат қилиб, унинг ҳаёсизлигини таъкидлайди, қоралайди. Шунинг учун бу сўз вёргул билан ажратилиши лозим эди. Бу нуқсон ҳар икки нашрда ҳам мавжуд («Танланган асарлар», 279-бет, «Сайланма», 268-бет.)

Кўпгина матний камчиликлар нашрга тайёрлаш жараённida бадиият қонун-қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида келиб чиқади.

Амонлик истасаңг бу боғ аро, хомуш бўл доим,  
Ки оғатдин эминдур сиррин айлар то ниҳон фунчча.  
(«Сайланма», 44-бет.)

Дастлаб, байтда ҳеч қандай нуқсон кўзга ташланмайди. Чунки, байтдаги мазмун тугал. Лекин байтдаги яхлит оҳангни ташкил этиб турган оҳангдошлиқ ҳодисаси мавжудлигини назарда тутиб, бу матнга танқидий ёндашадиган бўлсак, илк мисрадаги биринчи сўз «омонлик», иккинчи мисрадаги учинчи сўз ҳам «омонлик» тарзида ёзилиши лозимлигини англаймиз. Ислоҳ этиш билан бу сўзларнинг мазмуни ўзгармайди, лекин шеърдаги поэтик мусиқа мукаммаллашади. Бу мукаммаликка «о» унлисининг ўн марта такрорланиб келиши натижасида эришилган. Шу тақрор икки марта камайса, шубҳасиз, байтнинг нафосатига футур етади.

Мунис илмий-маърифий манзумаси «Саводи таълим»да ёзувнинг қадри, аҳамиятини таърифлаб, шундай сатрлар битган:

Сўз маҳзанининг нишонаси ҳам,  
Маъни дурининг хазонаси ҳам...

(«Танланган асарлар», 349-бет, «Сайланма», 334-бет).

Бу матн мазмунида ҳам камчилик сезилмайди. Лекин қофияда нимадир етишмайди. Ҳозирги «хазина» сўзи мумтоз матнларда «хазина», «хазона» ва «хизона» шаклида ишлатилган. Бизнингча, Мунис мазкур ўринда «хизона» вариантини кўллаган. Чунки, «нишона» ва «хизона» тўлин, гўзал қофияни вужудга келтиради. Мазкур матнлар ҳақидаги фикрларимизни Муниснинг Шарқшунослик институтида сақданаётган 940-рақамли мукаммал қўлёзма девони ҳам тасдиқлайди.

«Танланган асарлар»да «Манга», «Шеър», «Сўз», «Адолат», «Хос ўлуб жоҳ аҳлиға», «Фам бори», «Бу замон ичра», «Рўза», «Рамазон», «Эй фалак» сарлавҳали асарлар, ижтимоий мазмундорлиги жиҳатидан бошқа шеърлардан кескин фарқ қилганлиги учун, алоҳида жойлаштирилган эди. «Сайланма»да эса бу асарлар ғазаллар билан бир қаторда тизилган. Чиндан ҳам, булар ғазал жанрига мансуб. Бироқ ислоҳ ниҳоясига етказилмаган. Башарти мажмуа девон тартибида тузилдими, анъанага кўра, бу ғазаллар ҳам алифбо тартибида жойлаштирилиши лозим эди. Мазкур шеърларнинг «Танланган асарлар»даги сарлавҳаси айнан қолдирилган. Одатда, шоирлар ғазалларига сарлавҳа қўйилмаган. Сарлавҳа қўйиш лозим деб топилган экан, ҳамма ғазалга сарлавҳа қўйиш, ё бўлмаса, ҳамма ғазални сарлавҳасиз чоп этиш тўғри бўларди. Бундан ташқари,

ғазалларга сарлавҳа қўйишда ягона қоидага амал қилинмаган. Сарлавҳа шеърнинг моҳиятидан келиб чиқиб қўйилади. Бу ғазалларга сарлавҳа қўйишда эса, айримларининг мавзуси ҳисобга олинган, баъзисининг радифи, яна бошқаларининг биринчи мисрадаги дастлабки сўзлари сарлавҳага чиқарилган.

«Сайланма» билан тўла танишиб чиққач, унинг муқоваси ва дастлабки саҳифаларига яна қайта бир назар ташлар эканмиз, шундай саволларга дучор бўлдик: «Китоб «Танланган асарлар»нинг ўзгинаси-ку, унинг номини «Сайланма» деб ўзгартиришда қандай ҳикмат бор экан? Нима учун китобнинг қайта нашр эканлиги ҳеч ерда айтилмайди?»

Китобнинг биринчи бетида «Танланган асарлар»даги, «Шермуҳаммад Мунис» деб ёзиш билан кифояланмай, «Хоразмий» сўзини ҳам қўшиб қўйиш шартмиди? Аввало, Хоразмий Муниснинг тахаллуси эмас. Иккинчидан, илгари Хоразмий, Бухорий, Самарқандий кабилар жуда кўп бўлган. Бунинг ҳам ўз сабаблари бор. Сабаблардан бири маҳаллий ифтихор туйғусининг кучлилиги бўлса, бошқаси — бир хил — Ҳофиз, На沃ий, Мунис тахаллусли шоирларнинг кўплиги ва уларни бир-биридан ажратиш қийинлигидир. Бироқ, улар асрлар элагида эланиб, сараларигина сақланиб қолди. Муниснинг таниқли шоир, тарихчи, таржимон эканлиги ва Хоразм воҳасида яшаганлиги бутунда ҳаммага аён. Шунинг учун унинг «Хоразмий»лигини яна таъкидлашга зарурат йўқ эди.

Муниснинг «Танланган асарлар»и марҳум, филология фанлари доктори, Шарқ мумтоз адабиётининг билимдони, истеъоддли матншунос Порсо Шамсиев таҳрири остида чиққан. Китоб юзага келишида бу алломанинг катта хизматлари бор. «Сайланма»да собиқ муҳаррир нега тилга олинмади экан?

Бу саволларга жавоб топиш қийин, фақат «эҳтимол ноширлар бу китобни қайта нашр эмас, янги китоб сифатида тақдим этмоқчи бўлгандирлар» деган мулоҳазага келиш мумкин. Агар шундай бўлса, нега «Танланган асарлар»даги сўзбоши «Сайланма»да айнан, ҳатто, бир оз қисқартириб берилган? Бизнинг назаримизда, сўзбошини тубдан янгилаш, мазмунан бойитиш — ўтган қарийб чорак аср давомида Мунисни ўрганиш борасида юзага келган фан янгиликларини имкон қадар унга сингдириш лозим эди. Эътибор шу даражадаки, илк нашр сўз бошисидаги имловий-матний нуқсонлар

янги нашрга ҳам кўчган. Яна бир ачинарли ҳол қиёсланаётган икки китобнинг ҳажмида ҳам ўзгариш йўқлигидир. «Танланган асарлар»га Мунис шеъриятининг бир қисми, тахминан, ўттиз фоизигина жамланган эди. «Сайланма»да ҳам ўша асарлар мавжуд, холос. Ҳар қалай, йигирма уч йил кейинги китоб мукаммалроқ чиқиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Професор Абдуқодир Ҳайитметов 1958 йилда Муниснинг «Танланган асарлар»ига тақриз ёзганида, унинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатган ҳамда «китобхонларимиз Мунис каби йирик ўзбек классиклари асарларининг мумкин қадар тўла ва тўғри нашрларини кутмоқдалар», деган эди. Таассуфки, бу истак ҳамон амалга ошмай қолаётир. Ҳолбуки, кенг омма ва илмий-адабий жамоатчилик Мунис асарларининг илмий-танқидий тексти ҳамда академик нашрига муҳтоjлик сезмоқда. Шўравий мафкура тазиёки остида Мунис девони тўла нашр этилмай келди. Унинг қасидалари, диний-тасаввўфий руҳдаги асарлари қисқартириб босилди. Эндиликда миллий истиқлол мафкураси янги имкониятлар муҳайё этди. Мана шу имкониятлардан фойдаланиб «Мунис ул-ушшоқ» девонининг мукаммал нашрини амалга ошириш фурсати етди.

## МАТНЧИЛИК – ҚИЛНИ ҚИРҚ ЁРИШ САНЬАТИ

Матншунослик тадбирлари ишchan амалиётга кўчмаганлиги, матнлар назоратсиз чоп этилаётганлигининг оқибатлари 1984 йилда Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чиқарилган Аваз «Сайланма»сида ҳам кўринади (масъул муҳаррир, филология фанлари доктори Содир Эркинов, ноширлар: Юнус Юсупов, Ваҳоб Раҳмонов).

Аввало, таъкидлаш жоизки, улуғ шоир Аваз Ўтар таваллудининг 100 йиллиги байрами кунларида «Сайланма»нинг ҳалқа тортиқ этилиши эзгу иш бўлди. Китобда Аваз адабий мероси олдинги нашрларга нисбатан тўлиқроқ жамланган. Бў китобхонларнинг Аваз Ўтар шеърияти ҳақидаги тасаввурларини бойитади.

Китобнинг ижобий фазилатлари кўп. Ютуқларга соя соладиган камчиликлар ҳам анчагина. Ютуқларга маҳлиё бўлмай, яхшиси, камчиликлар устида бош қотириш афзал. В. Раҳмонов «Матн ва матншунослик»

сарлавҳали мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1982 йил, 10 декабрь) айтганидек: «Ҳозир принципиал, жиддий танқидий мулоҳазаларгина касални тузатишга ёрдам бериши, ишимиизни олға силжитиши мумкин».

Китобдан китобга ўтиб келаётган айрим хатоларга барҳам бериш учун жиндай ҳафсала кифоя. Таассуфки, табиатимиздаги лоқайдлик бунга монелик қиласади. Авазнинг тил ҳақидаги шеъри ўрта мактаб парталариданоқ бизга ошно. Бу шеър ғоявий теран ва бадиий бақувватлиги туфайли хотирамизга муҳрланган. Шеърнинг «Сайланма»даги матни тасаввуримизни хирадаштириб юборади. Чунки, унда бегона сўзлар пайдо бўлибди:

Файри тилини саъй қилинг билгали, ёшлар,  
Ким илму ҳунарлар билонки (?) ондин аёндур.  
Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,  
Билмакка они файрат этинг фойда (?) кондур.

(«Сайланма», 21-бет. Энди қавсда китоб бетини кўрсатамиз, холос). Байтдан биз билган маъно чиқмай қолади. Минглаб китобхонлар ёдидаги сатрлар эса ма-на бундай:

Файри тилини саъй қилинг билгали, ёшлар,  
Ким илму ҳунарлар ривожи ондин аёндур.  
Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,  
Билмакка они файрат этинг, фойдали кондур.

Омма онгига сингдирилган шундай ёрқин, мазмунан тутал матн турганда, ғалат матнни чоп этиш нима зарур? Матндаги иштибоҳ бирламчи манбага мурожаат қилишни тақозо этади. Уйлаймиз: «Эҳтимол, ноширлар фойдаланган қўллэзма қусурлидир». Ҳақиқатни билиш учун қўллэзмани кўришга ошиқамиз. Афсуски, ноширлар қайси қўллэзма манбаларга суюнганларини аниқ кўрсатмаганлар. Улар ё «камтарлик», ё «илмий сир сақлаш» маъносида «Қўлингиздаги китоб Авазнинг мавжуд девонларидан сайлаб олинган асарлардан иборат», деган ахборот билан чекланганлар. Шубҳамиз яна ортади: «Ҳамма бало таянч манбанинг нотайинлигидамасмикин?» Нуқсоннинг «тарихий такомили»га қизиқиши 1976 йил В. Раҳмонов нашр этган Аваз «Девон»ини қўлимизга тутади. Қизик, янги нашрдаги ку-

сур унда ҳам мужассам (180-бет). Наҳот, ношир ўз нуқсонини кейинги нашрда ҳам пайқамаса? Киройи Авазнинг мавжуд девонлари билан шуғулланиш, танқидий матн ёки мукаммал академик нашр яратиш минг карра хайрлироқ иш бўларди. Нуқсоннинг тарихини билиш учун Аваз асарларининг олдинги нашрларига назар ташлаймиз. 1956 йили атоқли матнчи Порсо Шамсиев таҳрири остида чоп этилган «Танланган асарлар»да бу шеър мактабда ўрганганимиздек, нуқсонсиз (19-бет). Ниҳоят, ноширларни чалғитган калимани излай-излай, «Юғурумия» тўпламидан топдик. «Билонки» деб ўқилган бу сўз «паланги» бўлса не ажаб? Қанақа кўз, ойнак билан қанақасига ўқисангиз ҳам, — паланги ёзилган, вассалом:

Файри тилини саъй қилинг билгали, ёшлар,  
Ким илму ҳунарлар паланги ондин аёндур.

«Юғурумия. Ўзбекча инқилоб шеърлари. Хева, 1923. 13-бет). «Паланг» йўлбарс, шер маъносида. Бу маънони англаган замон, байт мазмuni идрокимизда, чақин чаққанда осмон ойдинлашгани сингари ярқ этиб ёришади: «Кўп тил билиш билимдонолик ва ҳунармандликда йўлбарсдек қудратли бўлиш омилидир». Мана байтнинг бир жузъий нуқсон соясида қолиб кетган бўлиқ foявий мазмуни.

«Оммавий нашр масъулияти» мақоласида филология фанлари доктори А. Абдуғафуров «...баъзан танлаш принципи оддий тўплаш принципи билан алмаштирилмоқда. Ноширларимиз оммавий нашрларга фақат юксак намуналаргина киритилиши мумкинлигини унугиб кўймоқдалар», дея ҳақли равищда қайғуради. («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1982 йил, 5 ноябрь). Аваз «Сайланма»си ноширлари ҳам худди шундай иш тутганлар.

Аваз, ҳафтада тонг йўқ, этсанг китоб,  
Етибдур бу фанда камолинг сенинг (62).

Аваз девонидан бундай фахрияларни ўнлаб келтириш мумкин. Уларнинг бирида, ҳатто, ҳафтада бемалол 250 ғазал битажагини ёзади. Кўриниб турибдики, Аваз жуда сермаҳсул шоир бўлган. Адабий муҳит таъсирига берилиш, анъанавийликка ружуъ қилиш баъзан заиф асарлар яратилишига шароит туғдирган.

Башарти, китобнинг номи «Сайланма» ва у кенг оммага мўлжалланган экан, Авазнинг бадиий баркамол асарларинигина сайлаб олиш мақбул эмасмиди?

Гулшан аро гул бир тараф, ул юзи анвар бир тараф,  
Ишқ ичра булбул бир тараф, ман зори музтар бир тараф  
(197).

Гулзор аро гул бир тараф, ул юзи ҳумро бир тараф,  
Ишқ ичра булбул бир тараф, ман зори шайдо бир тараф  
(198).

Бу икки ғазал мавзуи, мазмуни, поэтик тимсоллар тизими жиҳатидан жуда ўхшаши. Уларни бир ғазалнинг икки варианти сифатида академик нашрга киритиш мумкинdir. Лекин, «Сайланма»га бирини танлаш маъкул.

Бир лаҳза юзинг айлайин, эй ёр, тамошо,  
Ким молни этгуси харидор тамошо (147)

Иккинчи мисра нафосатдан йироқ. Классик поэтика мезонларига мувофиқ эмас. Классикларимиз маъшуқа жамолини ҳар қанча улуғласалар улуғлаганлар-ку, аммо томошабоп нарсага қиёсламаганлар.

Ичарман қонини ҳар кимсаким ёримга душмандур... (168)

Бу мисра ҳам эстетик жиҳатдан гўзал эмас. «Рақибнинг қонини ичаман» дейиш мумтоз ғазалиётимиздаги лирик қаҳрамон ахлоқига номутаносиб, характер мантиқига зиддир. Бу шеърлар Аваз ижодий такомилининг дастлабки босқичларида ёзилган бўлса ажаб эмас. Аммо, уларни «Сайланма»га киритмаса ҳам бўларди.

Танлашда йўл қўйилган нуқсонлардан яна бири шуки, «Сайланма»да бошқа шоирлар ижодида мавжуд сатр ё байтлар бир оз таҳrir этилган ҳолда учрайди:

Юзининг меҳрини кундек демак беҳуда гўлиkkим.  
Анга ҳар тун завол эрди, мунга ҳар кун камол эрди (85).

Мунисда:

Юзинг хуршидини хуршид шамъидек демакдур жаҳл,  
Мунга ҳар кун камол эрмиш, анга ҳар тун завол эрмиш.

(«Мунис ул-ушшоқ», мұккамал девон, ҮЗФАШИ құләзмалар хазинаси, 940-инв. 109 б — саҳиға). Аваз «Сайланма»сида:

Ахбоб, мансиз соате оқанги ишрат құлмангиз,  
Сиз ичиб саҳбо, мени хунхори ҳасат құлмангиз... (73)

Бу матлаъ билан бошланған асар Муниснинг машхур бир ғазалиға (у қўшиқ сифатида ҳам тез-тез янграб туради) тақлидан яратилган:

Дўстлар, менсиз даме оқанги ишрат құлмангиз,  
Сиз ичиб саҳбо, мени хунхори ҳасрат құлмангиз...

(Муниснинг ўша девони, 100 б — саҳиға).

Эҳтимол, бу Авазнинг ғазалнавислик соҳасидаги илк тажрибаларидандир. Шубҳасиз, Муниснинг бу дилкаш ғазали Аваз руҳияти, фикрлари, кечинмалари-га мос тушган, шоирона эҳтирос уни Мунис ғазалиға ҳамоҳанг ғазал яратишга мажбур этган. Бирок, Муниснинг ғазали таъсиридан қутула олмаган, натижада, назира муваффақиятсиз чиққан. Бу каби асарларни тўлиқ, академик нашрларгагина киритса бўлар. Ўшанда ҳам, ғазал остига тахминан, юқоридаги мазмунда изоҳ бериш зарур. (Бу нуқсон 1956 йил атоқли матнчи Порсо Шамсиев таҳрири остида чоп этилган Аваз «Танланған асарлар»идан ҳам ўрин олган. (96, 115-бетлар) Янги нашр муаллифи эса унга танқидий ёндашмай, нуқсонни беихтиёр такрорлаган).

Китобнинг ижобий фазилатларидан бири матн сўнгига изоҳ берилганидир. (Изоҳлар муаллифи В. Раҳмонов). Классик асарларимизнинг мазмунни замондошларимиз идрокига тўла ва тўғри етиб бориши учун, уларни изоҳ, ҳаттоқи, илмий шарҳлар билан чоп этиш фойдали. Изоҳлашга шоирона ҳассослик, олимона топқирлик, принципиаллик билан ёндашиш лозим. «Сайланма»да «Изоҳлар» сарлавҳаси остида луғат ҳам, изоҳ ҳам, айрим шарҳлар ҳам палапартиш берилаверган. Луғат, изоҳ ва шарҳнинг чегарасини аниқлаб олиш, уларни алоҳида жойлаштириш мақсаддага мувоғиқ бўларди. Изоҳ асар мазмунини шунчаки такрорламаслиги, поэтик фикрни жўнлаштириб, таъсирсизлантирамаслиги, китобхонни чалғитмаслиги керак.

Матнни изоҳлаганда, мазмун тўла равшан бўлиши учун, матннаги бадиий усулларга эътибор бериш шарт.

Шу жиҳатдан, 541-изоҳ талабга жавоб беради (бундан сўнг изоҳ ҳақида гап борганда, фақат тартиб рақамини кўрсатамиз): «Лаби лаълики гоҳи йўқ бўлур, гоҳ бор сўз чори» — лаъл лаби сўзласа гоҳи бору гоҳи йўқ бўлади.

Классик адабиёт анъаналарига кўра, маъшуқа оғзини кичрайтириб тасвирлаш гўзалликнинг бир белгиси сифатида қаралади. Оғизни гоҳ ғунча, гоҳ писта, гоҳ «мим» ҳарфининг бош қисмига, гоҳ нуқтага ўхшатадилар. Шоирлар муболаға қилиб, оғзи гоҳ кўринар, гоҳ кўринмас эди, дейдилар. Аваз ҳам ана ўша муболағага мурожаат этган». Аввало, бу изоҳ эмас, шарҳ. Мисра шарҳланяпти. Шарҳ матн мазмунини тушунтиради. Изоҳ эса тарихдаги воқеа-ҳодиса, шахс, қаҳрамон, образ, миф ва афсоналарга қилинган ишораларни очиб беради). Бунинг устига, бундай шарҳ 979 изоҳ орасида биттаю битта. Жамшид, Искандар, Зулайҳо, Юсуф образларига берилган изоҳлар ҳам кишини маълум дараҷада қаноатлантиради. (338, 339, 345, 346).

Изоҳлар классик матннинг қадр-қийматига заррача зарар етказмаслиги, аксионча, унинг қадр-қимматини оширишга хизмат қилиши керак. «Сайланма»да эса юзлаб жўн ва бетаъсир изоҳларга дуч келамиз:

Йўқ бўлинг тездан кўзумдин, ҳалқ аро шармандалар,  
Ҳалқ ғамидин ўзни һарроқ тутгучи бегоналар. (20)

Изоҳ: «Эй ҳалқ орасидаги шармандалар, сиз ҳалқ ғамидан ўзни четда тутувчи ётлардирсиз. Тездан кўзимдан йўқолинг!» (15)

Поэтик мазмунни бу қадар жўнлаштиришнинг нима ҳожати бор?

Қайсингизни кўрди эл капча билан ёп қозғонин,  
Борингиз савдо-сотиқ бозорида жавлоналар (20).

Изоҳ: «Ҳалқ қайси бирингизни қуракча билан ариқ қазғанини кўрди?! Барчангиз савдо-сотиқ бозорида жавлон урасиз, холос!» (18) Бу ҳам байт мазмунининг жўнгина такори. Асли, «ёп» сўзигагина изоҳ керак.

Бу не навмидлиқдур?! Мактаб очсак, оқибат бизни  
Арўси ком ила мақсадга домод этгуси мактаб (21).

Байтда мантиқсизлик бор. Бу қотиб айбими, ношир нуқсими — бизга қоронфи. Гап шундаки, байт ҳатоли-

гича изоҳланган. Нуқсоннинг касри изоҳга уриб, байт мазмуни кулгили даражада сийқалаштирилган: «Бу қанақа умидсизлик бўлди, ахир! Мактаб очсан, яхши оқибатини кўрасиз: мактаб бизни мурод-мақсадлар келинига куёв қиласи-ку!» (21)

Вафо қилмоқ экан ошиққа пеша ишқ бобинда,  
Ҳамул мазмунни мен кўрдим вафо аҳлин китобинда. (30)

Энди изоҳ бачкана тус олган: «Муҳаббат масаласида ошиқнинг ҳунари вафо қилиш экан. Ушбу фикрни мен вафодорлар китобида ўқиб қолдим» (79)

Равшан бўладики, матн ғоявий мазмунини сийқалаштириш, эстетик-эмоционал таъсирини йўқотишдан кўра, изоҳламаган дуруст. Айрим зиёлиларимиз оддий халқ савиясини, адабий фаросатини ниҳоятда паст деб тасаввур қилишади, шекилли. Бадиий асарларни шу ногўғри тушунча билан талқин этишади. Ваҳоланки, китобхон улардан фаҳмлироқ бўлиб чиқиши мумкин. Бундан ташқари, китобни китобхон савиясига мослаштиравериш эмас, балки китобхон савиясини қўтаришга интилишимиз даркор. Тушунилиши қийин, мураккаб матнларнинг ғоявий-бадиий нозикликлари очиб берилган изоҳ ва шарҳлардан китобхон муайян матн маъносини илғабгина қолмай, янгилик олади, ўсади.

Изоҳларда шеърни нотўғри тушунтириш, матн мазмунидан четга чиқиб кетиш, оқибатда, китобхонни ҷалғитиши ҳоллари учрайди.

Муддаийлар хайлиға бу даҳри бебунёд аро  
Оқилу хушёр эрсанг, бўлмагил, эй ёр, ёр (156)

Изоҳ: «Эй ёрим, агар хушёр ва ақлли бўлсанг, бу оқибатсиз дунёда ҳавойилар (?) гуруҳи билан дўстлашма» (459).

«Муддаий» сўзининг маъноси ҳавои эмас, Эҳтимол, ўрни билан «муддаий» ҳавоий маъносига ҳам қўлланар. Аммо бу байтда у «даъвогар, даъво қилувчи, рақиб» маъноларини ифодалайди.

Зулфи муанбар.... (166)

Изоҳ: «гажаги анбар ҳидли, гажаги хушбўй». (521)

Бундай изоҳга ҳожат бормикин? «Зулф»ни гажак деб бериш тўғримикин? Оммага «гажак»дан кўра «зулф» сўзи тушунарлироқ-ку. Наҳотки, изоҳ муаллифи поэтик сўз қатламига оид «зулф»га нисбатан «гажак» дағаллигини ҳис қилмаса.

Ушшоқ эли сори бу дам айни иноятдин туман —

Алтоф ила айлаб назар, ул чашми хунхорим келур (166)

Изоҳ: «Шаҳло кўзли гўзал ошиқлари томон иноят кўзи билан боқиб, ўн минглаб лутф-марҳаматлар кўрсатиб келмоқда». Лутф-марҳаматни «ўн минглаб» деб, ҳисоблаш мумкинми? Матн шундай изоҳни тақозо қиласдими?

Аслида, изоҳнинг вазифаси матнни соддалаштириш. Муаллиф айрим ҳолларда соддалаштириш ўрнига мураккаблаштиради.

Қайси само буржини бадри дурахшонисан? (127)

Изоҳ: «Қайси осмон зодиакининг порлоқ тўлин ойисан?» (414)

«Навойи асарлари луғатидаги (136-бет) «бурж» сўзининг қуйидаги маъноси матнга мос: «Бурж. 1. Қадимги астрономияда: қўёшнинг йиллик доирасидаги ўн икки нуқтанинг ҳар бири (мас: буржи ҳамал, буржи савр в. б.). Тушунарли маънолар турганда, аллақаердан «зодиак» сўзи топиб ишлатилганига ҳайрон қоласиз.

Изоҳлаганда, поэтик сўзнинг кўп маънолилигини назарда тутмаслик асарнинг бадий қимматига шикаст етказади.

Аваздек дема ҳар бир ёва сўзни

Ичиб кўб жоми гафлат, эй боридар (151)

Изоҳ: «ёва сўз — беҳуда сўз, вайсаши». (453) Бу изоҳ бир маънони очишгагина хизмат қиласди. Лекин «ёва сўз»да бошқа (бизнингча, бу бирламчи) маъно ҳам муҗассам. Уни очиш учун иходкор мансуб шева элементларини билиши шарт. «Ёв»нинг «душман» маъноси ҳаммага маълум. Хоразм диалектида жўналиш келишиги қўшимчаси «-а». Демак, ёва-ёвга. Байтнинг бош маъноси эса душманга сир бермаслик ҳақидадир.

Мулаззаз айламассан васл ила айёми талхимни (248)

Изоҳ: «Аччиқ вақтимни васлинг билан лаззатли қилмайсан» (788).

Классик шеъриятимизда «айёми талх» каби форсий-арабий иборалар кўп. Матнни изоҳлаганда, уларни баъзан таржима қилишга тўғри келади. Юқоридагидай, сўзма-сўз ўгирилса, шеърнинг лирик мазмуни, эстетик-эмоционал таъсирига заар етади. Изоҳ бамаъни чиқмайди. Шунинг учун форсий-арабий элементларни изоҳлашда бадиий таржима йўли ўнгай.

Рўзу шаб дору едим, суд этмади бир заррача... (25)

Изоҳ: «кеча кундуз дори ичдим» (50)... «Рўзу шаб» «кеча-кундуз» дея таржима қилинибди. Шу — кифоя. «Едим»ни «ичдим» феъли билан изоҳлаш ортиқча. Гарчи ҳозир ҳам баъзи шева вакиллари «дори едим», деб сўзласа-да, халқ дори ичилганини тушунади.

Матн мазмунини тўғри талқин этмайдиган изоҳлар кўп: 11, 28, 80, 273, 311, 463 в. ҳ, Кераксиз изоҳлар талай: 1, 17, 49, 190, 235, 245, 320, 444, 450, 460, 462, 464, 468, 469, 518, 528, 533, 611 в. ҳ. Шунингдек, изоҳланиши керак бўлган, аммо, изоҳланмаган, чала изоҳланган сўз ва иборалар ҳам бор: Нечаким оху фифоним чарх фарсо айладим... (138). «Чархфарсо» сўзи изоҳ талаб қиласди.

Мужгонларинг тутубдуур ушшоқ қатлифа  
Русу Яфун асокири ёнглиғ чу саф, чу саф (197)

Изоҳ: «Яфун асокири-япон аскарлари» (651). Китобхонга Рус-Япон уруши эслатилса, байтдаги муқояса яхши бўларди.

Изоҳлашда ихчамликка ва аниқликка интилиш керак:

Роздон маҳрам-роз билувчи дўст, сир билувчи сирдош» (845). «Сирдош дўст» деб изоҳ бериш мумкин-ку. «Охи жаҳонсўз-жаҳонни куйдирадиган оҳ (қаттиқ оҳ тортиш)» (909). Изоҳнинг қавсдаги қисми ортиқча.

Китобда изоҳларни кўпайтиришга ружуъ қилинган: 140-бетда «интиҳо» сўзига, 150, 177-бетларда «беинтиҳо» сўзига изоҳ берилади. «Интиҳо»га изоҳ берилгач, «беинтиҳо»га изоҳ беришнинг маъноси борми? «Абъёт»

сўзига ҳам икки ўринда (435, 610) изоҳ берилган. «Ҳайвон суйи»га изоҳ берилгач (101), «чашмаи ҳайвон»га (176) бир хил изоҳ керак эмас. 359, 661-бетларда «хай» сўзига айнан бир хил: «тер, юздаги тер» дея изоҳ берилган.

Изоҳланган сўз, ибора, мисра ва байтлар изоҳ қисмида ҳам тўлиқ келтирилган. Таассуфки, матн изоҳ қисмига камчиликсиз кўчмаган. Матн: «Бори сўзини аҳли назм назм силкига терди» (247-бет), изоҳ қисмida: «Бори сўзини аҳли назм силкига терди» (359-бет), матн: «Вале ағёр элин жомига сам беинтиҳо қуиди» (247), изоҳда: «Вале ёр элин жомига сам беинтиҳо қуиди» (359), матнда «беадад» (266), изоҳда «беабад» (361), матнда «ном» (291), изоҳда «ком» (62), матнда «кажравниҳод» (297), изоҳда «кажниҳод» (363) в. ҳ. Байтдаги бир сўзнинг ўзгариши мазмунни бутунлай бузиб юборади. Бундай чалкашликлар китобхон ихлосини су сайтиради, унинг меҳрини китобдан совугади. Умуман, изоҳ ва шарҳларни матннинг изоҳланувчи бўлаги қайси саҳифада жойлашган бўлса, ўша саҳифада, матн остида бериш кулай. Бу фикрни филология фанлари доктори Э. Умаров ҳам «Мухтасар лугат ҳақида» мақоласида таъкидлаган («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1981 й., 4 сентябрь). Чунки китоб саҳифаларида изоҳни билдирувчи рақам кўпайиб кетган. Ҳар бир изоҳ учун китобнинг сўнгги бетларини ағдариш керак. Изоҳлар эса мингга яқин. Оддий ўкувчини ўқишининг бундай усули чалғитади; толиктиради, зериктиради. Бундан ташқари, изоҳларни пайдарпай тақрорлаш, беҳуда кўпайтириш ўрнига, нашр имкониятини иқтисод ҳам қилиш керак-да. Мана шу изоҳ қисми ўрнига жажжи китобча, бир босма қофоздан ортиқ ҳажмдаги илмий мақола ёхуд ҳикояни нашр этиш мумкин-ку. Балки, қанча сермазмун асарлар навбат кутиб ётгандир.

«Сайланма»да бадиият талабларини инобатга ол- маслик оқибатида келиб чиқсан нуқсонлар ҳам бор.

Ажойиброқ замон ушбу замондур,  
Ҳалойиқ феъли бир-бирдин ёмондур (21)

Байтдаги оҳангдорликнинг тугаллигини сақлаш учун сўнгги сўзни, «ямондур» шаклида ёzsак, қофия талаби қондирилади.

Ҳамма сийминбар ичра ул париваш  
Қатолу ғамзаперо, зулмгустар (151)

Вазнда сакталик сезилади. Уни бартараф этиш учун биринчи сўзни «ҳама» тарзида ёзиш керак.

Классикларимизнинг бошқа оммавий нашрлари учун характерли нуқсонлар бу китобда ҳам мавжудки, уларга энди чек қўйиш керак. «Гулузор» сўзи «гульузор» тарзида ёзилаверади. Айириш белгисининг нима ҳожати бор? Ўшасиз ҳам бу қўшма сўзни «гулузор» шаклида ёзаверсак бўлади.

Гарчи ул Лайливашим Лайлилиф истеъоди бор,  
Ишқ аро ман содиқи, мажнунни лекин оди бор (159)

Лайливаш ва лайлилиф сўзларининг бош ҳарф билан ёзилиши, имло нуқтаи назаридан нотўғри. Китобда «лайлинасаб», «шириншамойил» (96), «мажнунлиф» (201), «лайлилиқо» (285) сўзлари ҳам бош ҳарф билан ёзилган. Лайли Шарқ адабиётида қаҳрамонни англатувчи атоқли от, шунинг учун уни бош ҳарф билан ёзамиз. Лекин, «лайлилиф», «лайливаш», «лайлилиқо», «лайлинасаб» сўзлари Лайлига хос сифатларни ифодалади. Улар — отлашган сифат. Ҳозирги имломиз нормалари уларни кичик ҳарф билан ёзишни талаб қиласди. Матнчилигимизнинг бугунги имло билан боғлиқ нуқсонлари кўп.

Матнга тасодифан аралашиб қолган айрим унсурлар ҳам борки, улар нашр сифатини пасайтиради. 137-бетда «кай» сўзига изоҳ берилган. Аммо у саҳифада «кай» сўзи мутглоқо йўқ. Бошқа саҳифаларда ҳам изоҳталаб «кай» сўзини учратмадик.

Пайдо тани зоримда турлук табу тобу тоб этдинг... (271)  
мисрасидаги «табу» ортиқча.

Малул ўлмай не айлай, одам ичра?  
Вафоу меҳрким, дерлар, ниҳондур (22)

Нотўғри қўйилган сўроқ белгиси байт мазмунини тўғри тушунишга халақит беради.

Хуллас, . Аваз «Сайланма»сидаги нуқсонлардан матнчилигимизнинг келажаги учун муҳим холосалар чиқариш мумкин.

## ИМЛО ВА МАДАНИЙ МЕРОС

«Нун» лабинг узра сокин қолди «ғилал»дек ҳолатим,  
Ҳарф ўйин айлай десам, ўзга эрур имло бу кун.

Абдулла ОРИПОВ

Биз араб имлосига қайтишни тарғиб этмоқчи эмасмиз. Аммо эски ўзбек ёзувини ўрганиш ўрта ва олий таълим дастурларида доимий равишда сақланиши зарур. Чунки эски ўзбек ёзувини билмасак, маданий меросни ўрганолмаймиз; араб ҳарфларининг турфа шаклларини, сўзларнинг шаклий ва маъновий товланишларини ўзлаштирмасак, Шарқ бадиияти илмидаги ҳарфий, лафзий, маънавий санъатлар сеҳридан бехабар қоламиз. Натижада, классик меросимизни чала ва юзаки ўрганамиз. Маънавий қиёфамиз ҳам ўшангя яраша шаклланади. Навойининг «Жон»им доғи «жим» икки «дол»ингфа фидо» бошланмали рубоийсидан эски ўзбек ёзувини билмайдиган киши аниқ бирор нарса тушуна олмайди. Ундаги маънолар олами, завқ-шавқ ҳарфий санъат замирига яширган.

Жамиятимизда ижтимоий ўзгаришлар, мафкуравий курашлар авжига чиққан 1930—1940 йилларда яратилган илмий, бадиий, тарихий асарлар, вақтли матбуот материаллари ўша даврда амал қилган лотин имлоси тилсимидаги ётибди. Уларни ўрганмаган киши мамлакатимиз тарихининг 10 йиллик катта босқичи ҳақида тасаввурга эга бўлолмайди. Кейинги даврда кириллицада яратилган мерос ҳам халқ хотирасидан ўчиб кетиши хавфининг олдини олиб қўйилса, яхши бўларди.

Назаримизда, маданий мерос билан яқинроқ боғланиш ва уни муқаммал ўзлаштиришнинг икки муҳим омили бор: бири — эски ўзбек тили ва ёзувини маҳсус фан сифатида ўқитиш; иккинчиси — ҳозирги имло имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш.

Бахтимизга, маданий меросимизнинг сақланиб қолган қисми тобора тўлиқроқ нашр этилиб, халқга қайтарилмоқда. Маданий мерос таҳлили тадқиқига доир мақола ва китоблар ҳам босилиб турибди. Аммо буларнинг бари жамоатчиликка ҳозирги ўзбек имлосида тақдим қилинади, истаймизми-истамаймизми; ҳозирги имло эски ўзбек ёзувида яратилган мерос мазмунини тўла акс эттиришга қодир эмас. Ҳозирги имлога кўчириш жараёнида жуда кўп нарса қурбон қилинади.

Боз устига, илмий-оммабоп нашрларнинг сифати, савияси паст. Бунинг сабаби нима? Ҳарф терувчи мусаҳҳих, муҳаррир, босмахона ходими, ўқитувчи, матнчилар йўл қўяётган нуқсонларни қўя турайлик. Бу ҳақда кўп гапирсак ҳам, асосий сабаб у эмас, у — оқибат. Асосий сабаб эса имло илми ва низомларида. Ҳозирги имло қоидаларида классик меросни нашр этишдаги мураккаб ҳолатлар ҳисобга олинмаган. Албатта, ҳозирги ўзбек тилининг имло қоидалари ҳозирги ўзбек тили материалларига асосланади. Бироқ маданий мерос ҳам ҳозирги китобхонга ҳозирги имло воситасида етказилар экан, ҳозирги ўзбек тилининг имло ва тиниш белгилари қоидаларини яратища уни четлаб ўтиб бўлмайди.

Мазкур масалани ўрганиб шундай хulosага келдимки, чиндан ҳам, бу масала илмда ҳали ўрганилмаган ва маҳсус тадқиқотларни тақозо этар экан. Кўпдан буён матншунослик ҳайъати тузилишини орзу қиласиз. Классик матнга оид имло қоидаларини мана шу матншунослик ҳайъати имло ҳайъати билан биргаликда яратиши лозим. Чунки ҳозирги шароитда тил илмини мукаммал ўзлаштирган матншуносларимиз ҳамда классик адабиётни мукаммал даражада биладиган тилшуносларимиз қолмади. Имло ва тиниш белгилари қоидаларида классик матн муаммоларини акс эттиришдан ташқари, матншунослар, нашриёт ва матбуот ходимлари учун классик асарлар имлосига доир маҳсус қоидалар мажмуаси яратиш зарур.

Энди имло қоидаларини яратища классик адабиёт матнининг қайси жиҳатларига эътибор бериш зарурлиги ҳақида қисқача тўхталайлик.

Форсий-арабий изофани яхши ўзлаштираслик, классик адабиётда турли бадиий вазифаларни бажарадиган форсий «Ё»ларни бир-биридан фарқ қиласидиган грамматик тафовут ва эстетик функциясини англамаслик оқибатида минглаб нуқсонлар юзага келади. Бунинг устига, матншунослигимизда шу пайтгача изофа имлоси ҳақида ягона ва қатъий қоида ҳам йўқ. Шундан бўлса керак, классик асарлар матнида изофа икки хил қўлланган. Баъзи жойларда сўзларга қўшиб ёзилган, баъзи жойларда чизиқча билан ажратилган. Уни қатъий қоидалаштириш керак.

Кўпгина мисра, байтларда изофа тушириб қолдирилади. Бундай мисра, байтларнинг мазмуни ва вазни изофани талаб қиласи:

Бу надоматимни кўргил, мени интизора раҳм эт,  
Бу аламни киштисиға мен нораво тушубмен (Машраб)

Ёзилиши керак:

Бу аламни киштисиға мени нораво тушубмен

Классик матнда изофа занжири деган нарса ҳам бўлади. Изофа занжири мисра мазмуни ва оҳангидаги яхлитлик, силсилани сақлаб туради. Мисрадаги бир эмас, бир неча сўз бирин-кетин изофа олган бўлади. Изофа занжири узилган ерда мазмун ва оҳангга футур етади.

Пеши камон абрўят хаста кўнгул нишонадур (Машраб)

Бундаги изофа занжири: «пеши камоны абрўят» бузилган.

Форс тилида «Ё»-йи ваҳдат ва «Ё»-йи накаре» деган ҳодиса бор. У бирлик ва ноаниқлиқни ифодалайди. Бу «Ё»ни ўзбекча ўгирадиган бўлсак, «қандайдир бир» деган маънога teng келади. Ҳозирги имлода у «Ё» шаклида ёзилиб, «Е» баъзан эса «Э» талаффуз қилиниши керак. Бизнинг матнчилитимиизда эса «Ё»-йи ваҳдат ва «Ё»-йи накаре» ўрнига эгалик қўшимчаси ёки изофа ишлатиш ҳамда уни «И» талаффуз этиш умумий камчилик. «Ё»-йи ваҳдат ва «Ё»-йи накаре»ни билмаслик, уни эгалик қўшимчаси ҳамда изофадан фарқлай олмаслик оқибатида классик матнларимизда яна минглаб нуқсонлар юзага келди.

Кишига ишқ ўтидин зарраи тушса, бўлур гирён  
(Машраб)

Ифодаланмоқчи бўлган маъно: «Инсонга ишқ алангасидан бирор-бир учкун тегса ҳам, у гирён бўлайди», демакдир. (Бу мисранинг бадиий талқини, шарҳи, мазмуни эмас). Шунинг учун «Зарра» сўзи «Ё»-йи ваҳдат билан ёзилиши керак:

Кишига ишқ ўтидин заррае тушса, бўлур гирён.

Кўшма сўзлар имлосида талай ҷалкашликлар бор:

Нозик бадано, сунъи худованди жаҳонсан,  
эй офати даврон...

· Вах, нукра бадан, писта даҳан, нозук адосан,  
хуш лаҳжайи хушхон (Машраб)

Бу мисралардаги «нозикбадан», «нуқрабадан», «пистадаҳан», «нозукадо», «хушлаҳжа» сўзлари қўшиб ёзилиши керак. Буни ҳозирги имло қоидалари ҳам, бадиий мантиқ ҳам тақозо этади. Чунки булар қўшма сўз сифатида маъшуқанинг белгиларини ифодалайди. Улар ажратиб ёзилганда эса, маъшуқанинг белгисини эмас, биринчи сўз иккинчи сўзнинг маъносини изоҳлайди. Масалан, «нозикбадано» деганда, маъшуқага мурожаат тушунилади, унинг сифати — нозикбаданлиги васф этилади. «Нозик бадано» деганда эса, баданга мурожаат англашлиди, баданинг сифати — нозиклиги тушунилади. Шунингдек «худотарс», «хушклаб», «чашмтар», «раҳгузар», «сиймтан», «гулпираҳан», «сийнабирён» каби қўшма сўзлар ҳам қўшиб ёзилиши керак.

Матншунослигимизда тиниш белгилари қўллаш масалаларига шу пайтгача эътибор берилмай келинаёттири. Классик матнда тиниш белгилари муайян ўлчов ва қоидаларсиз, пала-партиш қўлланиб келинди. Шунинг учун классик адабиёт намуналарининг мазмун, ғоя, бадиият, таъсирдорлик салмоғини тўлалигича замонавий китобхонга етказа олмаяпмиз.

Адабиётшуносликда бадиий асарни ифодали ўқиш камида ярим таҳлилни юзага чиқаради, деган ақида мавжуд. Ифодали ўқишига эса тиниш белгиларининг жуда катта ёрдами тегади. Тиниш белгиларидан ўринли ва унумли фойдаланиш, айниқса, классик адабиётни тушунишдаги машақатни енгиллаштиради. Асли, эски ўзбек ёзувида ҳозиргидай маҳсус тиниш белгилари тизими бўлмаган. Шунга қарамай, ота-боболаримиз маданий меросга тил жиҳатидан ҳамда руҳан яқин бўлганликлари боисидан бадиий асарларни бутун мураккаблиги билан тўғри қабул қила олганлар. Эндиликда, маданий мерос намуналарини тиниш белгиларисиз тушуна олмаймиз ва қайси тиниш белгисини матннинг қаерига кўйиш бугун бизнинг ихтиёrimизда. Бунинг эса ўз қонуниятлари бор. Агар тиниш белгиларини ишлатмасак ёки ноўрин қўлласак, асарни нотўғри тушунамиз ва шундай талқин этамиз. Англашиладики, маданий мерос матнида тиниш белгилари қўллаш қонуниятларини ўрганиш, уни қоидалаштириш ва бу қоидаларни ўзбек тилининг ҳозирги имло қоидаларида акс эттириш табиий зарурият.

Дарди ҳажримға буюрди, сабр дарди йўқ табиб,  
Захри қотил бирла муҳлик ранжима айлар илож.

(«Хазойин ул-маоний», «Наводир уш-шабоб», 93-ғазал, Тошкент, «Фан», 1959)

Биринчи мисрада вергул мутлақо нотўғри ишлатилган. Бу вергул байт мазмунини тушунишда китобхонга ёрдам бериш ўрнига қийинчилик туғдирган. Вергулсиз уни тушуниб олиш осон. Шоир «дардсиз табиб айрилиқ дардимга даво сифатида сабрни буюрди, унинг бу тадбири жони таҳликада турган беморга заҳар бериш билан баробар. Бундай табиб эса қотилнинг ўзгинаси», демоқчи. Бадиий асарда ўринли қўлланган биргина вергул ҳам китобхон уни тўғри ўқиши ва тўғри тушунишига ёрдам беради. Ва, аксинча, ноўрин ишлатилган вергул мазмунни идрок этишга халақит беради.

Дема, хижронимда чекмайсен фифону нола кўп,  
Жисм айларму фифон бўлғон нафас жондин жудо?

(Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами.  
1 жилд, Бадойиль ул-бидоя, 69)

Мазкур байтда вергул кераксиз ўринда, сўроқ белгиси ортиқча қўлланган. Керакли вергул, икки нуқта ва қўштироқ ишлатилмаган. Зарур тиниш белгилари ни жой-жойига кўйсак, байт бундай ёзилади:

Дема: «Ҳижронимда чекмайсен фифону нола кўп»,  
Жисм айларму фифон, бўлғон нафас жондин жудо.

Байтларнинг биринчи мисрасидан сўнг беихтиёр, ҳеч заруратсиз вергул кўйиш матнчилигимизда одатта айланган. Масалан, кўйидаги байтнинг биринчи сатридан сўнг вергулнинг асло кераги йўқ:

Фам шоми фироқингда кабаб этти фалакни  
Охи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма. (Машраб)

Чунки байтдаги «Фам шоми фироқингда кабоб этти фалакни охи саҳарим» қисмининг ўзи дарак, хабарни ифодалаётган алоҳида жумла. Фақат, гапнинг эгаси «охи саҳарим» инверсия қоидасига мувофиқ жумла охирида келган ва иккинчи мисранинг аввалида жойлашган. Бу гапнинг эгасидан олдин вергул қўйиш-

га бирор эҳтиёж йўқ. Чунки поэтик жумла ноўрин бўлиниб, фикрий тугалликка дарз етиб қолади.

Кийибон эгнима қон йиглайки мотамлик либос,  
Не диловарларни ер ичра фано қилди бу дард. (Машраб)

«Қон йиглайки» икки томонидан вергул билан ажратилиши керак. Чунки муаллиф чекиниши тарзидағи ифода жумладаги фикрий ҳаракатни бўлиб турибди. Навойининг «Ул қуёш ҳажрида қўрқармен фалакни ўртагай ҳар шарореким, бўлур бу утлуғ афғондин жудо» байтидаги «қўрқармен» ҳам худди шундай вергуллар билан ажратилмаса, унинг мағзини чақиш қийин.

Шарт майлидан кейин вергул вожиб: «Бўлмаса васли менга икки жаҳонни на қилай?!» (Машраб) эмас, «Бўлмаса васли менга, икки жаҳонни на қилай?!»

Ундалма имлосида ҳам тиниш белгилари қўйиш қоидаларига риоя қилинмайди. а) Ундалма гап ўртасида келганида; икки томонидан вергул билан ажратиласди: «Сени ишқингда, эй дилбар, ажаб девоналар бўлдум»; б) ундалма жумла бошида келганида, ундан сўнг вергул қўйилади: «Дилбари хуш адойман, мунча чучук бўлурмусан?» (Машраб)

«Қўрдум юзунгни, девона бўлдум» (Машраб) мисрасида сабаб ва оқибат мужассам. «Қўрдум юзунгни» — сабаб, «девона бўлдум» — оқибати. Аёнки, сабаб ва оқибат вергул билан ажратиласди.

«Қўрсат юзунг ўларман, менда тоқат қолмади» (Машраб). Бунда аввал оқибат, кейин сабаб ифодаланган. Оқибатнинг сабаби изоҳланишидан аввал вергул қўйилиши қонуний.

Классик матнга ҳамма вақт ҳам ҳозирги имло талаблари билан ёндашиб бўлмайди. Айниқса, асарнинг бадиий хусусиятларига футур етказишдан сақланиш керак. Навойининг «Садди Искандарий» достонидан олинган қўйидаги сатрларга эътибор беринг:

Рутубат аро гўйи ул хайли пил  
Бўлубтур бори гарқи дарёй Нил.  
Гар андоқ эмас, бас нёдур, айт бу  
Ки ҳар ён алардин томар қатра сув.

Бунда ҳозирги имлога мувофиқ ёзилган «сув» қоғия тизимиға тўғри келмайди. Асли, «сув»нинг юқори мисрадаги «бу»га оҳангдош «су» тарихий шаклини қўл-

лаш тўғри бўларди. Ҳозирги китобхон буни тушунишга қийналмайди.

Шунингдек, классик матнни ҳозирги имлога кўчиришда вазн қонун-қоидаларига ҳам риоя қилиш муҳим. Яна «Садди Искандарий»да ўқиймиз:

Латофат аро равзадин баҳр анга,  
Вале исм ўлуб Мовароуннаҳр анга.

«Мовароуннаҳр» ҳозирги имлога мувофиқ ёзилгани учун ҳам вазн бузилган. Аслида, шоир сўзнинг достон вазнига мос — «моваруннаҳр» шаклини қўллаган. Ҳозирги имлода ўша шаклдан фойдалансак, мана қандай равон чиқади байт:

Латофат аро равзадин баҳр анга,  
Вале исм ўлуб моваруннаҳр анга.

Огаҳий маснавийсидаги «Кўрки Искандар била Баҳрому Жам, Ёлғуз олар, йўқки, неча шоҳ ҳам» байти «Кўрки, Скандар била Баҳрому Жам, Ёлғуз олар, йўқки, неча шоҳ ҳам» тарзида ёзилса, тўғри бўлади. Искандарнинг Скандар ёзилишини вазн тақозо қиласи. «Кўрки»дан сўнг вергул жоизлиги, «йўқки» ҳар икки томонидан вергул билан ажратилиши ҳам қонуний ҳол.

Классикларимиз номларини А. Навоий, З. Бобур, З. Фурқат тарзида ёзиш тўғрими? Отойи ёзиладими, Атойими, Отоийми? Бу муаммони ким узил-кесил ҳал қилиб беради? Навоийни Навоий ёзиш тўғрилигини бутун илмий жамоатчилик тан олади-ю, аммо беқарорликнинг чеки йўқ. Бу борада сўнгти қарорни ким қабул қиласи?

Назаримизда, юқорида таҳлил этилган муаммолар мудаффақиятли ҳал этилиши учун Республика матншунослик ҳайъати тузилиши зарур. Ушбу ҳайъат тил, адабиёт, имло, матн, матншунослик мугахассислари — умумфилологик йўналишдаги кенг қамровли билим соҳиблари ҳисобига шакллантирилиши лозим. Ҳайъат зиммасига мавжуд муаммоларни жиддий ўрганиш, умумлаштириш, илмий тадқиқотлар яратиш; Республикадаги мумтоз асарлар нашрларини сарҳисоб қилиш, назорат этиш, мувофиқлаштириш; янги ўзбек лотин алифбоси асосида ўзбек мумтоз асарларига оид маҳсус имло қоидалари ва имло лугатларини ишлаб чиқиши ҳамда ҳаётга татбиқ этиш каби вазифалар юклатилиши.

муҳимдир. Шундагина она тилимиз мулкини истиқло-  
лий имкониятлар кенглигида муҳофаза этишга, ундан  
тўла ва тўғри фойдаланишга эришилади.

## БАҲСДАН МАҚСАД — ҲАҚИҚАТ

Матншунослик баҳси «катта танаффус»дан кейин янгидан бошлангани яхши бўлди. Бундай баҳс мавсумий бўлмаслиги, уни мавзу жиҳатидан ҳам чекламаслик керак. Амалий масалалар ҳам, назарий масалалар ҳам ёритилиб бориши фойдалидир. Лекин баҳснинг натижалилиги, маданияти қандай бўляпти? Шу жиҳатдан В. Раҳмоновнинг «Адабий идрок тантанаси» (ЎзАС, 1998.01.23.) мақоласи ва И. Ҳаққулнинг унга жавобан ёзган «Санамай саккиз демайлик» (ЎзАС, 1998.02.20.) сарлавҳали мақоласи кишини лоқайд қолдирмайди. Чунки ўртада Аҳмад Яссавий ҳикматларининг асл мөҳиятини қандай тушуниш ва халққа қандай тақдим этишдай масъулиятли ва долзарб муаммо турибдики, у баҳс муаллифлари ҳамда нашр манфаатларидан анча юқори туради.

Баҳс самарадорлигининг асосий омиллари ҳақиқат, адолат, самимият, беғаразлик, тантилик, холислиқдир. Афсуски, Яссавий «Ҳикматлар»и баҳсида бундай омилларга амал қилинмади. И. Ҳаққул В. Раҳмоновнинг Аҳмад Яссавий «Ҳикматлар»и нашри ҳақидаги ҳақли танқидларини инкор қилишга беҳуда уринади. Кези кёлганда, ҳақиқатни тан олиш, иззат-нафсини мағлуб этиб, сукут сақлаш ҳам чинакам олимга хос мардлик фазилатидир. И. Ҳаққул В. Раҳмоновнинг «Ҳикматлар» масъул муҳаррисиз, нашриёт редактори раъии билангина амалга оширилганлиги ҳақидаги танқидига жавобан «Чунки бошқа илож йўқ эди...» деб жавоб беради. Нега илож бўлмас экан? В. Раҳмоновдан тортиб, А. Қаюмов, А. Ҳайитметов, А. Рустамов, Н. Комилов, А. Абдуғафуров, Ё. Исҳоқов, Н. Раҳмонов, Б. Тўхлиев каби ўнлаб зукко ва тажрибали олимларимиз борки, «Ҳикматлар» матнини такомиллаштириш йўлида уларнинг хизматларидан фойдаланиш мумкин ва зарур эди. И. Ҳаққул ўзини оқлашга уринишда давом этади: «Собиқ шўро тузуми даврида «Ҳикматлар»ни халққа етказишнинг энг қулай йўли Туркия нашрига сунниш эди. Бунинг замирида «Яссавий шебрлари Туркияда босилади-ю, нечун Ўзбекистонда чиқмаслиги керак?» — деган

*бир муддао ҳам яширинганди*. Тўғри, энди ҳамма айни «собиқ шўро тузуми»га ағдаравериш мумкин. Лекин ҳақиқатни бу қадар ошкора хаспўшлаш ярашмас. Яссавий «Ҳикматлар»и нашри жараёнидан шахсан мен ва бошқа олимлар, қолаверса, жамоатчилик хабардор. Ўша пайтда Яссавий «Ҳикматлар»ини чоп этишга Ўзбекистонда табиий замин етилган эди. Қайта қуриш ва ошкоралик даври муносабати билан меросга янгича муносабат пайдо бўлди ҳамда диний-тасаввифий адабиёт, шу жумладан, Яссавий ҳикматлари ҳам кенг тарғиб этила бошланди. Бунга матбуотимиз саҳифалари гувоҳ. И. Ҳаққул ўша пайтда «Ёшлиқ» журналида Яссавий ҳақида катта бир мақола эълон қилганди. Шу мақолага акс-садо тарзида мен ҳам мазкур журналда Аҳмад Яссавий «Ҳикматлар»и нашри зарурлиги ҳақидаги мақола билан чиққан эдим. Шунда «Ҳикматлар» нашри жадаллашиб кетганди. Агар табиий замин етилмаганида, «собиқ шўро тузуми» чиндан ҳам қаршилик кўрсатганида, «Яссавий шеърлари Туркияда босилади-ю, нечун Ўзбекистонда чиқмаслиги керак?» — деган иддао ҳеч натижа бермас эди. Шундай вазиятда Яссавий «Ҳикматлар»ини Туркия нашри асосида қайта чоп этиш қаҳрамонликми?

«Девони ҳикмат»нинг танқидий матнини яратища И. Ҳаққул Туркия тажрибасини тавсия этади. Бу фикрга у «Юнус Эмро девони» танқидий матнининг яратилиш тажрибасини асос қилиб келтиради. Бошқа соҳани билмадим-ку, хусусан, матншунослик соҳасида биз Туркия «андоза»сига муҳтож эмасмиз. Бизнинг миллий матншунослигимиз ўзига хос ва ўзига мос йўлда уларга нисбатан анча ривожланиб кетган.

Шу ўринда баҳснинг моҳиятини аниқлаб олмасак бўлмайди. Баҳсдан мақсад ҳақиқатни аниқлаш ва илгари суришми ёки қандай йўл билан бўлмасин енгишми? Бироқ ҳақиқатни Ҳақдан ҳам халқдан ҳам яшириб бўлмайди-ку! И. Ҳаққулнинг мана бу баҳсида мақсад ҳақиқатта эмас, балки фақат ва фақат сўзда енгишга қаратилган: «*Мақолада оддий, ҳаттоқи, хатога йўймаса бўлаверадиган фактлардан ҳам одамни чўчитиб юборадиган даражадаги хуросалар илгари сурилади:*

Кул Ҳожа Аҳмад, Ҳақ сўзини сўзлар мудом  
Ҳақдин ўзга сўзлар БОРИЙ эрмиш ҳаром..

*Матншунос иккинчи мисрадаги «Борий»га қарши. Унингча, «оддий китобхон бу сўзни англаёлмай «Навоий*

*асарлари учун қисқача луғат»* (Тузувчи: Ботирбек Ҳасанов, «Фан» нашиёти, 1992 йил) китобига боқса, 52-саҳифада ўқийди: *Борий — Тангри, Яратувчи. Матнда гидай «Борий эрмиш ҳаром», деб ўқилса: «Оллоҳ ҳаром эрмиши», деб ўйлайди ва беихтиёр куфрга кетади...* Агар ўша мисра қуийидагиdek «й»сиз ёзилса, олам гулистон эди:

**Ҳақдин ўзга сўзлар бори эрмиш ҳаром.**

Бу ҳолатда ўқувчи «бори» сўзини «бори — ҳаммаси» маъносида тўғри тушунган бўлади». Шу мантиқ рост ва ишонмарли деб ўйлайсизми? Мутлақо ёлғон. Масалани битта «й» ҳал қиласидиган бўлса, яна куфрга йўл очилди деяверинг. Ишонмасангиз, «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» I жилдини очиб, 315-саҳифасини ўқинг: «*БОРИ БОРИЙ — Яратган, Худо, Тангри (худонинг нисбатларидан бири)...*» Во ажабо! Нақадар моҳирлик, ишонтириш санъати билан ҳақиқатни ёлғонга чиқариш мумкин экан! Бу ўринда В. Раҳмонов ҳақ. Келтирилган мисрадан «Ҳақдан, ҳақиқатдан бошқа сўзларнинг ҳаммаси, барчаси ҳаром», деган мазмун аниқ-равшан англассилиб турибди. Буни исботлаш учун луғатга мурожаат қилишга ҳеч бир зарурат бўлмаса ҳам, В. Раҳмонов ўзига хос услубидан келиб чиқиб, луғатни ҳам танқид қилиб ўтиш мақсадида, ўз фикрини луғат билан асослаган бўлади. Бу усул И. Ҳаққулга гўё қўл келиб, В. Раҳмоновнинг тагзаминли танқидини тушунмай, ҳақиқатдан эл кўзини луғатбозлик билан чалғитишга чоғланади. Бордую луғатта зарурат туғилганда ҳам, энг ишончли луғатта суюнган маъкул эди. Мен П. Шамсиев ва С. Иброҳимов тузган, 1973 йили нашр этилган «Навоий асарлари луғати»ни афзал биламан. Ушбу луғат «*Бори*» сўзи маъносини у ёқ-бу ёққа тортқилашга асос бермасди. Масалан, унинг 128-бетида сўз қуийидагича изоҳланган: «*بورى* — бори; бари, барчаси, ҳаммаси, бариси; яна; ҳаргиз».

Шу тариқа И. Ҳаққул хатоларига мункир келишда давом этади. Энди баҳс Яссавийнинг:

**Пушти имон шариатдур, мағзи тариқ**

мисраси устида кетади. В. Раҳмонов «*Пушти имон — имоннинг орқаси*» дея ўзига хос дағал услубда гап бошлиса-да, фикрини тўғри асослайди: «*Тилимиз мантиғида кўпинча бирор тушунчани ичи ва ташини рамзий маънода*

*иғодаласалар мағзу пўст сўзларини қўллайдилар. Ҳожа Аҳмад Яссавий биринчи мисрада: имоннинг пўсти (терици) шариат; мағзи тариқат демоқчи». И. Ҳаққул гапни яна бошқа томонга бурайди: «Яссавий имоннинг юзи, усти, тамали шариатдур, демоқчи бўлган бўлса-чи? «Тилимиз мантиғи»да «Мен сенинг етти пуштингни биламан», дейиш нимани англатади? Наҳотки, «етти орқа» ёки «етти кет» дегани бўлса?» Гапни айлантиришнинг нима ҳожати бор? Ҳа, «Мен сенинг етти пуштингни биламан», дейиш — «Мен сенинг ортингдаги етти аждодингни биламан», демакдир, вассалом.*

«Пушти имон» ва «пўсти имон», И. Ҳаққул айтганчалик, деярли бир хил маънони англатмайди. И. Ҳаққул таъкидлаган: «Имоннинг юзи (ёки зоҳири) шариатдур, ичи (мағзи ёки ботини) тариқат эрур», дегани «Пушти...» эмас, «Пўсти имон шариатдур, мағзи — тариқ»нинг маъносидир. Хато «пўст»ни «пўшт» ёзиш ва ўқишидадир.

И. Ҳаққул «умумлашма» чиқаради: «Менимча, эски матн нусхаларига аҳамият бермасдан ўзининг интуицияси ва субъектив қараашларига биноан «хато» топши ва тузатиш усули ҳам нотўғри, ҳам хавфлидир. Афсуски, шу усулдаги тажрибалар кейинги пайтларда одат шаклини олмоқда». Асло ундей эмас. Бу жумла замирида матншунослик истеъдодига таҳдид ётибди. Илмий шаклдаги бу жумлада файриилмий фикр илгари сурилади. Биринчидан, заҳматкаш матншунос В. Раҳмонов «эски матн нусхаларини» синчиклаб ўрганишда катта тажрибага эгаки, унга етиб олиш учун биз ҳали анча-мунча тер тўкишимиз керак. Иккинчидан, у хатони қидириб топмайди, кўз ташлагандан танийди, кўрмай ўтиб кетолмайди ва тузатиш йўлларини кўрсатади. Бу ҳам бўлса И. Ҳаққул қоралаган ўша интуиция эвазига. Чинакам матншунос шундай қобилиятга эга бўлади ва бўлиши зарур. Афсуски, меросимизнинг асл намуналарини абжирлик билан нашр этаётган кўп даъвогар ноширлар бундай ноёб қобилиятга эга эмас.

Хўш, интуиция И. Ҳаққул айтган даражада хавфли хислатми? Ҳа, агар катта ҳаётий тажрибага таянилмаса ва фақат сезимгагина таянилса, шундай бўлиши мумкин. Ҳолбуки, В. Раҳмоновдаги интуиция камдан-кам одамга насиб қиласидиган адабий матн нозикликларини аъло даражада ҳис қилиш, форс-араб тили ва ёзувларини яхши билиш қобилияти — савқи табиий-ку.

Қолаверса, бу савқи табиий катта матншунослик тажрибаси билан такомиллашган. В. Раҳмонов юзлаб

қўлёзма манбаларни кўздан кечирганлигини, ўнлаб адабий мерос намуналарининг ношири, масъул муҳаррири, маҳсус муҳаррири, асримизда биринчи марта базофат илми ҳақида ўзбек тилида яратилган «Шеър санъатлари» қўлланмасининг муаллифи эканлигини инкор этиб бўлмайди. Бас шундай экан, юқоридагидек матншунослик тажрибаси қўлёзма манбани кўрмасданоқ матн хатосини аниқлаш истеъодини тўла шакллантиради. Сўз — матнлар шаклининг такрорланавериши мияда муҳрланиб қолади. Мана шу муҳр интуицияга асос бўлади. Бундай интуицияга барча матншунос олимлар таянишган ва таянишади. Шундай интуицияси бўлмаган матншунос — матншунос эмас. Лекин бу — қўлёзма манбани кўрмай туриб холоса чиқариш мумкин, деган гап ҳам эмас. Албатта, интуиция ёрдамида аниқланган маълумотни қўлёзма манба асосида текшириб кўриш шарт.

И. Ҳақкулнинг «Буроқсувор» сўзи ҳақидаги баҳсига ҳам ўзини оқлашдан бошқа зарурат йўқ эди. В. Раҳмонов бундай мубоҳаса юритган: «*Ушибу нашрда қизиқ ҳолат* матнчи бир сўзни гоҳ тузук, гоҳ бузук ҳолатда кўчираверади. Чунончи, қўйидаги ҳолатда «буроқсувор» сўзини тўғри ўқиган ношиrimиз —

Оллоҳ айтур ошиқларим буроқсувор,  
Ҳақ зикрини айтганларга раҳмат ёғар —

*навбатдаги байтда бу сўзни мазмунга хилоф тарзда ўқиган:*

Ул мақомни тавҳид отлиғ дарахти бор,  
Соясида ошиқ қуллар буроқ — суряр.

*Афтидан, буроқсуворлар энди дарахт соясида буроқларини суюнтилар, шекилили...*

Муаллифнинг «буроқсувор» сўзи ёзилиши ҳақидаги фикри тўғри.

И. Ҳақкул эса яна «олиб қочади»:

«Буроқсувор» — буроқ минган, буроқ мингувчи дегани. Яссавий инончидаги чин ошиқлар — буроқсуворлар: «Оллоҳ айтур ошиқларим буроқсувор». (Тўғри — Н. Ж.) В. Раҳмоновнинг тавсия ва киносига қарагандо, у Буроқни фақат бир маънода — Мебрөж тунида Пайғамбар миниб самога кўтарилган от маъносида англайди. Акс ҳолда ошиқ қуллар — буроқ сурялар, яъни ишқпарастлар бўлиши мумкинилиги-

ни дархол хаёлдан ўтказарди. (Ана, холос! Ҳозиргина келтирилган байтдаги «буроқсувор» қандай қилиб дарров «буроқ сұяр» бўлиб қолди? — Н. Ж.) Чунки Абдул Абло Афифий шарҳлаганидек мутасаввифларнинг «йўлчиликла-рида уларни Оллоҳга етказадиган «Буроқ» илоҳий ишқ эрур. Масжид Ақсо — Нур ва Ҳақдур...» (Бу гап сўзнинг асли «буроқсұяр» эканлигини асослаётмайди. Афифий бекорга овора қилинган — Н. Ж.) Биз бунинг билан «бу-роқсұяр» хатосиз ёзилган демоқчи эмасмиз. «Буроқсувор» деб кўчирилганда ҳам барибир хато бўларди, демоқчимиз». Бир неча жумла оралиғида И. Ҳақкул талқинида «Буроқсуворлар» — «чин ошиқлар» мақомидан «ишқпаратслар» тоифасига туширилади. Ишқпарат — чин ошиқ эмас, албатта. Чинакам, комил ошиқ эса айнан Меъроҳ тунида Буроқ воситасида Оллоҳ ҳузурига кўтарилиган пайғамбар Мұхаммаддир. Буроқсувор айнан унинг сифатидир. Адабиётда пайғамбарнинг буроқсуворлик сифати ошиқлар образига кўчган, яъни мажозий тус олган.

«Тасаввур қилинг, — дейди И. Ҳақкул давом этиб, — «Тавҳид отлиғ» улкан бир дараҳт. Унинг соясида ошиқ қуллар буроқларига миниб ўтирибди. Ахир, бу «дараҳт соясида буроқ сўйиши» билан қарийб тенг мантиқ». Энди В. Раҳмоновдаги «суюмоқ» феъли И. Ҳақкулда «сўймоқ» қа айланди. Бунда асл матнда йўқ «ўтиришибди» деган ҳолат ҳам «кашф» этилибди. Таажжубланарлиси яна шундаки, ҳамма нарсани образли тушунадиган олим ушбу байтни жўн тушуниб, жўн шарҳляяпти. Шундай тушуниш кейинги жумлаларда ҳам давом этади: «Аслида биз буроқ эмас, «бориқ» ёзганмиз. Соядаги киши нимага интилади, нимани севади: нур ва ёргулкни. Ўша йигирма тўққизинчи ҳикматнинг биринчи сатри «Тажсалийнинг мақомидир ажаб мақом», деб бошланиши ҳам: «Соясида ошиқ қуллар бориқ сұяр», деб ўқилишини қувватлайди. Нур, шуъла маъносини ифодаловчи «бориқ», «бориқа» эса туркӣ шеъриятда тез-тез учрайди. «Бориқсұяр»ни биз илоҳий нурни тилар, нурга интилар мазмунига эга деб ҳисоблаймиз». Жуда қизиқ. Сўзни хато ёзиш — бир хато. Тўғри шакли кўрсатилса, тан олмаслик — иккинчи хато. Сўзнинг нотўғри шаклини ўйлаб топиш — учинчи хато. Ўйлаб топилган нотўғри сўзнинг матнга мувофиқлигини атторнинг қутисида йўқ гаплар билан асослашга чира-ниш — тўртингчи хато... Ўйлаб топилган сўзни бир ўринда ажратиб, бошқа ўринда қўшиб ёзиб тақдим этиш яна фалат. Бу аҳвол «санамай саккиз» деган В. Раҳмонов эмас, балки И. Ҳақкулнинг ўзи эканлигидан далолат бе-

ради. Бу Яссавийни ўта юзаки тушуниш ва тушунтириш намунаси. Кундай равшанки, «тавҳид отлиф дарахт» ибораси моддий эмас, маънавий тушунчага эга. Азим дарахт ва унинг сояси рамзий-бадиий маънога эга, «бориқ», «бориқа» сўзлари бу матнга асло ёпишмайди. «Бориқ», «бориқа» сўзлари ҳақидаги фикр ҳам асоссиз. Бу сўзлар Аҳмад Яссавийнинг ўз «Ҳикматлар»ида мутлақо учрамайди. «Буроқ», «буроқсувор» сўзлари эса Яссавий ва туркӣ-ӯзбек шеъриятида кўп учрайди.

И. Ҳаққўл В. Раҳмоновнинг Алишер Навоий «Муқаммал асарлар тўплами» ҳақидаги фикрларини келтириб, унга жавобан: «*Беш-ўнта имловий хато ёки изофа ноқисликларини топиб фарёд этиш, Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, «гугурт чақилганда ҳам дунёга ўт кетди», деб дод солиш билан тенгдир*», — дея писанда қиласди. А. Қаҳҳорнинг нодир сўзлари шахсий манфаат юзасидан ўринсиз келтирилган. Ушбу девонлар матни ва «Девони ҳикмат» нашрида «беш-ўнта» эмас, юзлаб нуқсон учрайди.

«*Мақтанчоқликка йўйилмаса, — деб энди «фаҳрия»га ўтади И. Ҳаққўл, — муҳтарам матнишуносимизга жиндак тасалли бўлар деган умид ила бир фактни эслатмоқчимиз: «пала-партии усул»да тайёрланган шу китоб сўзбоши, бир томонда ўзбекча, бир ёнда усмонли туркча матн билан 1995 йили Истанбулда босилиб чиқди*». Бунинг нимаси мақтанарли? Бугунда кўп жиҳатдан дунё мамлакатларидан орқада эмаслигимиз аён бўлиб қолдигу. Истанбул нашри, айниқса, Анқара нашри асосида ўзбек тилида қилинган нашрнинг Истанбулда чоп этилган нусхаси биз учун мезон бўла олмайди.

Аҳмад Яссавий «Ҳикматлар»ининг кейинги тақдирни қандай бўларкин? Шояд, И. Ҳаққўл ваъда қилганидай бўлса: «*Биз ҳозир «Девони ҳикмат»нинг изоҳли бир нашрини халқимизга етказиши учун иш олиб бораётирмиз. Бунда бегараз айтилган ҳар бир фикр-мулоҳаза, билим-донлик ва самимият билан кўрсатилган камчиликларнинг бирортаси ҳам эътиборсиз қолдирилмаслиги шубҳасиздир*». Аммо ношир ўз баҳси билан шубҳага асос қолдирган. Билимдонлик билан кўрсатилган камчиликларни рад этган ношир янги нашрда ўзлигини енгиб, уларни тузатармикин? Биз бу йўлда И. Ҳаққўлга Яссавий ҳазратларининг ўзларидан мадад тилаймиз. Зоро, Аҳмад Яссавий ҳикматлари ўз нафсини мағлуб этиш, ҳақиқатга икрор бўлишнинг олий сабоқларидир.

## МУНДАРИЖА

### I БОБ. ТИЛ МУСТАҚИЛЛИГИ – ЭЛ МУСТАҚИЛЛИГИ

Истиқлол ва она тилимиз . . . . .	3
Қонун ва ижро . . . . .	10
Юксак маънавият белгиси . . . . .	17
Элга эътибор – тилга эътибор . . . . .	22
Тирилишга ташна анъана . . . . .	24
«Фалати машхур»ни кўпайтирмайлик . . . . .	27
Саводхонлик сари бир қадам . . . . .	30

### II БОБ. НОТИҚЛИК САНЬЯТИ

Нотиқлик санъати ва раҳбарлик салоҳияти . . . . .	45
Воизлик санъати сабоқлари . . . . .	53
Суҳбат ва нутқ одоби . . . . .	63
Иншо – тафаккур мезони . . . . .	72

### III БОБ. МАТН – СЎЗ ХАЗИНАСИ

«Навойи» тахаллусийнинг бадиий маъно миқёслари ва имлосига доир . . . . .	79
«...Чекмас илик қонимдин эл...» . . . . .	91
Ҳаракатли қўллэзма шаҳодати . . . . .	95
Фаройиб чечаклар . . . . .	104
Мумтоз матн муаллим нигоҳида . . . . .	106
Матн ва масъулият . . . . .	123
«Мунис ул-ушшоқ»ни нашр этиш вақти келди . . . . .	129
Матнчилик – қилни қирқ ёриш санъати . . . . .	134
Имло ва маданий мерос . . . . .	145
Баҳсдан мақсад – ҳақиқат . . . . .	152

**НУСРАТУЛЛО АТОУЛЛО ЎҒЛИ ЖУМАХЎЖА**

**ИСТИҚДОЛ ВА ОНА ТИЛИМИЗ**

*(Тил, имло, нотиқлик санъати,  
матн, матншунослик)*

**Рисола**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 1998**

Муҳаррирлар *T. Соатова, X. Султонова*  
Безакловчи рассом *Ф. Башарова*  
Бадиий муҳаррир *Е. Рахманина*  
Техник муҳаррир *Л. Хижова*  
Мусаҳҳих *Ю. Бизаатова*

Теришга 12.05.98 да берилди. Босишга 13.07.98 да рухсат этилди.  
Бичими 84x108 1/32. Таймс UZ гарнитураси. Офсет босма. Шартли  
босма табоги 8,4. Нашриёт ҳисоб табоги 8,0. Адади 3000 дона.  
Буюртма № 2331. Баҳоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-йй.**